

НАЗАР РАЖАБОВ

ЎЗБЕК ШЕВАШУНОСЛИГИ

Педагогика институтларининг ўз-
бек тили ва адабиёти, университет-
ларнинг филология факультетлари
талабалари учун дарслик

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими
вазирлиги нашрга тавсия этган*

ТОШКЕНТ, ЎҚИТУВЧИ, 1996

Ўзбек шевашунослиги* китобида шевашунослик фани ва илмий ёзув, ўзбек шеваларининг таснифи, фонетикаси, лексикаси ҳамда грамматикаси каби муҳим масалалар баён этилади. Материаллар зарур ҳолларда тил тарихи, ўзбек адабий тили ва қисман туркий тиллар материаллари билан ҳам қориштирган ҳолда изоҳлаб берилади.

Дарслик республика педогогика институтларининг ўзбек тили ва адабиёти, доридфунунларнинг филология факультетлари талабаларига мўлжалланган.

Тақрирчи дар: филология фанлари доктори, профессор *Алибек Рустамов*; филология фанлари номзоди, доцент *Қаршибой Усмонов*.


Махсус муҳаррир: филология фанлари доктори, профессор *Абдуғани Алиев*.

81.2Ўз—923

Р 17

Ражабов, Назар.

Ўзбек шевашунослиги: Пед. итларининг ўзбек тили ва адабиёти, ун-тларнинг филология фактлари талабалари учун дарслик—Т.: Уқитувчи, 1996.—304-б.



ББК 81.2Ўз—923

4602000000 — 137
353 (04) — 95 172 — 95

© „Уқитувчи“ нашриёти, 1996

ISBN 5 — 645 — 02376 — 5

СЎЗ БОШИ

Туркий миллатлар ва элатлар ўзларининг бой хялқ огзаки ижоди намуналари ва ёзма ёдгорликларининг қадимийлиги билан машҳурдир. Ёзма манбаларнинг дастлабкиси „Урхун-Энасол бигиглари“ номи билан Марказий Осиё, Сибирь ва Мўғулистон заминларидан топилганлиги тарихдан маълум. „Девону луғотит турк“ ва „Қутадғу билиг“ ёдгорликлари каби асарлар ҳам умумий туркий бойлигимиздир.

Юқоридаги ёзма манбаларда туркий тилларнинг турли лаҳжаларига оид ҳар хил бойликлар, грамматик унсурларни кузатиш мумкин. Айниқса, Маҳмуд Қошғарийнинг „Девону луғотит турк“ асари бу соҳада алоҳида ажралиб туради. Бу эса ўз навбатида „Девон“нинг шеваларни ўрганишдаги аҳамиятини яна ҳам оширади. Шу боисдан шева материалларини яна шу ёзма манба хусусиятлари билан қиёслаб ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир.

„Ўзбек шевашунослиги“ дарслиги материаллари 1970 йилда Самарқанд Давлат университети талабаларининг Бахмал туманига уюштирилган ўқув-илмий практикаси билан боғлиқдир. Ана шундан буён орадан 40 йилдан кўпроқ вақт ўтди. Мен шундан бери шеваларни ўрганиш иши билан мунтазам равишда шуғулланиб келаман. Шева материаллари юзасидан жуда кўплаб маърузалар қилдим, илмий мақолалар ёздим, айрим китобларим босмадан чиқди. Фан номзоди (1958) ва фан доктори (1986) диссертацияларини шу соҳага бағишладим.

„Ўзбек шевашунослиги“ дарслигини тайёрлашда 50-йиллардан бери эълон қилиниб келган „Ўзбекский язык“ (1959), „Ўзбек диалектологияси“ (1962), „Ўзбек

диалектологияси“ курсидан материаллар“ (1962), „Морфология ташкентского говора“ (1968), „Ўзбек диалектологиясидан очерклар“ (1971), „Ўзбек диалектологиясидан қўлланма“ (1974), „Ўзбек шевалари лексикасидан материаллар“ (1976), „Ўзбек халқ шеваларининг адабий тилга сингиб бориши“ (1977), „Ўзбек тилининг ғарбий Самарқанд шевалари“ (1977), „Узбекские говоры Кашкадарьинской области“ (1978), „Ўзбек халқ шевалари морфологияси“ (1984), „Ўзбек халқ шеваларида феълларнинг морфологик тузилиши“ (1990), „Ўзбек шевалари лексикаси“ (1991) сингари асарлар ва қўл ёзма ишларга асосланиб иш кўрилди.

Қўл ёзма ҳолдаги шевалар материаллари эса „Ўзбек шевашунослиги“ китобининг асосини ташкил этади.

Ишни тўлароқ шакллантиришда ёзма ёдгорликларнинг фойдаси катта бўлди. Чунки шевалар ва тарихий манбалар ўзаро ўхшаш ва бир-бирига яқиндир.

Китобнинг ёзилиши жараёнида машҳур ўзбек тилшуноси Улуғ Турсуновнинг маслаҳат ва хизматлари катта бўлганлигини алоҳида эсга оламан ва уни ҳурматли доғламнинг таваллуд топганига 90 йил тўлишига бағишлайман.

Муаллиф

МУҚАДДИМА

Ўтмиш тарихимизга бир назар

Туркий халқлар тарихи жуда ҳам қадимийдир. Биз бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бу қадимул аввал тарихнинг рақамини ҳеч ким аниқ белгилаб берган эмас. Узоқ йиллар мобайнида олиб борилган археологик изланишлар (Тошкент Сўғдиёна—Афросиёб каби), Боботоғ (Сурхондарё, Шеробод тумани), Битикчашма ёдгорлиги, тоғда топилган учқуч (самолёт), ракета қанотлари, унинг учиш майдонлари кабилар ажлодларимизнинг гоят ишбилармон, фан-техника устаси, лидли бунёдкор, узоқ келажакни тасаввур эта олган кишилар бўлганлигидан далолат беради.

Бу ёдгорликлар қояларда, одамзоднинг қўли егиши мушкул бўлган жойлардагина сақланиб қолган. Ким билади дейсиз, пастликлардаги нодир ёдгорликлар Исқандар, Чингизхон каби босқинчилар томонидан ер билан яқсон қилиб ташланган бўлиши мумкин. Ўша даврлардан буён орадан қарийб 30 минг йил ўтган деб тахмин қилинади. Эҳтимоли, бундан ҳам кўпроқдир. Энг муҳими ана шундай тарихий далиллар, ноёб ёдгорликлар бизнинг она диёримиз, жонажон Ўзбекистон Республикаси заминида бўлганлигидадир.

Тарихнинг, тарих соҳасидаги тадқиқотчиларнинг гувоҳлик беришларича, энг қадимий уруғ-қабила ҳисобланган скифлар билан туркий халқлар ўртасида бевосита алоқалар бўлган. Уларнинг бир-бирлари билан қавм-қариндош бўлганликларини тарихий ҳақиқатлар исботламоқда. Чунки, уларнинг турмуш тарзида муштарак томонлар жуда кўпдир. Лекин бу ҳақиқат ҳамон сир сақланиб келинмоқда. Қандай бўлмасин, қанчалик сир сақланмасин, қандай шаклда тадқиқ этилмасин, барибир тарих тилга кириши муқаррардир.

Парфия, Амазонка ва Бақтрия кабилар скифлар номи билан узвий боғлиқдир. Бақтрия замини эса ҳозирги Қашқадарё, Сурхондарё, Тожикистон, Афғонистон, Ҳиндистон сингари юртларни ўз ичига олган. Бу ҳақда "Авесто" китобида ҳам маълумотлар бор.

Демак, тарихда учрайдиган Тарғитой, Билка Ҳоқон-Қоон, Култагин каби шахзодаларнинг барчаси скиф-массагетлар, қадимги туркий халқлар аجدодлари тарихига бориб тақалади. Бу эса ўз навбатида туркий уруғ-қабилаларнинг қадимги даврда ҳам кенг жойларда, ҳисоб-чегарасиз маконларда яшаганликларини кўрсатади. Бизнинг аجدодларимиз ҳозир яшаб турган муқим жойларида, уларнинг айрим қисмлари эса Хитой, Покистон, Афғонистон, Эрон, Иордания, Сурия, Ливан, Саудия Арабистони, АҚШ ва бошқа кўпгина чет мамлакатларда, собиқ СССРнинг турли жойларида ҳаёт кечирмоқдалар.

Бундан 3—4 йилча бурун матбуотда қизиқ бир факт эълон қилинган эди. Унда айтилишича, филология фанлари доктори Аброр Каримуллин қуйидагиларни мароқ билан ҳикоя қилиб беради:

"Америка қитъасида Сию деган ҳиндиларнинг бир қабиласи бизга тушунарли тилла сўзлашадилар. Улар ҳам "ёш" ни "яш", "бақа" ни "бақа", саноқ сонларни "бир", "икки", "уч" деб айтадилар. Уларнинг ҳали тўла шаклланмаган луғат фондида 500 дан ошиқ туркий сўзларни учратдик. Туркий тилда сўзловчи элатлар Японияда ҳам, Океанияда ҳам, хуллас, дунёнинг барча қитъаларида учрайди".

Дастлабки ёзма манба сифатида туркий-руник ёки Урхун-Энасой ёзма ёдгорликлари номи билан машҳур бўлган дурдона манба, Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луготит турк" номли асари, Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" номи билан машҳур бўлган ажойиб асари, шундан сўнгги даврдан Алишер Навоий давригача ёзилган туркий ёзма ёдгорликлар, бобокалонимизнинг умумбашарий мероси, Абулғози Баҳодирхоннинг ёзган қимматли тадқиқотлари ва, ниҳоят, кейинги даврга хос манбаларнинг барчаси туркий халқлар адабиётлари, тиллари ва лаҳжаларини ўрганиш, мутолаа қилиш ва тадқиқ этишда асосий манбалар ҳисобланади.

Демак, туркий халқлар ҳам, уларнинг тиллари ҳам энг қадимий тарихга эга. Ҳозирги вақтда скиф-туркий тилида 200 миллиондан ортиқ киши сўзлашади. Бу тил

хитой, ҳинд, инглиз ва араб тилларидан кейинги ўринни эгаллайди. Шунга қараб, скиф-туркий тилининг бошқа тилларга таъсири, уларнинг луғат бойлиги ида тугган ўрни салмоқлидир.

Рус тили луғат бойлигининг катта қисмини ҳам туркий сўзлар ташкил этади. Бу ҳолни "Игорь жангномаси". "Жонли рус тилининг изоҳли луғати" каби ёзма ёдгорликлар; "Туркий лаҳжалар тадқиқотидан тажрибалар" (В. В. Радлов), "Ёқут тили луғати" (Э. К. Пекарский, 1907, 1930), "Чуваш тили луғати" (Н. И. Ашмарин, 1928 – 1950) каби, "туркологиянинг олтин фондиди ташкил этувчи" (А. Н. Кононов) ажойиб луғатлар ҳам исботлаб турибди. Мен, шахсан, Э. В. Севортянининг кўп жылдди "Туркий тилларнинг этимологик луғати" ни (1978 – 1989) ҳам шулар қаторига қўшиб сўнашни истардим.

Энди сибирлик ўзбеклар ҳақида бир-икки оғиз сўз айтмак. Тошлардаги битикларнинг далолат беришича, туркий тилларнинг ҳукмрон ҳолатга эга булиши V—VI асрлар билан боғлиқ. Ундан олдинги тарихи ҳақида аниқ маълумот йўқ ёки бундай ёзма манба бизгача етиб келмаган. Ҳар ҳолда, эрамингача бўлган IV – III асрларда Сибирь ва унинг атрофларида туркий халқлар ўтроқ ҳолда ҳаёт кечириб келганлар. Улар турли тарихий даврларда "Сабр турки" деб аталган, ҳозирги "Тюмен" деган ном ҳам туркий сўз бўлса ажаб эмас. "Тюмень" билан бир қаторда, Тобольск шаҳрида ва Сибирнинг бошқа жойларида ўзбекларнинг ҳам яшаб келаётганликларини биламиз. Бу эса узоқ тарихи эслатади. Чунки XVI асрда Т. Ермак Сибирни босиб олиб (1582 йил октябрь ойи), унинг пойтахти Кашликни эгаллаганда, у ерлар Эскер (Аскар) номи билан машҳур бўлган туркий давлатга бирлашган бўлиб, унинг давлат бошқарувчиси бухоролик Муртазохоннинг ўғли Кўчимхон эди. Кўчимхон, дасглаб Т. Ермакдан енгилган бўлса ҳам, қайтадан куч тўплаб, у билан шиддатли жанг қилади ва душман аскарларини қириб ташлайди. Россиядан қанча ёрдам келмасин, Т. Ермак ўзини ўнглаб ололмайди ва қамалда қолиб, кичик гуруҳдаги кучлар билан денгизга чўкиб кетади (1585).

Худди ана шу даврларда (XV—XVI асрлар) Сибирга — Тюмень, Тобольск ва бошқа жойларга ўзбекларнинг кўчиб бориши кўпайган ва улар ўтроқлашиб қол-

ган бўлишлари табиийдир. Бу аждодларимизнинг, яъни туркий халқларнинг умумий ва ажралмасликларини кўрсатади. Уларнинг турли халқлар ва миллатлар бўлиб шаклланишлари эса нисбатан сўнгги даврнинг маҳсулидир. Бу кўп қиррали чуқур тадқиқотлар олиб боришни талаб этади.

Туркий тиллардаги ноёб қадимий ёзма ёдгорликларнинг ўн қиррасидан бир қиррасигина очилган холос. Бу эса олий мактабларимизда уларни махсус фан сифатида, махсус ихтисос курси ва амалиёт сифатида чуқур ўргатиш, уларнинг мағзини талабаларга сингдириш, улардан келгуси тадқиқотчиларни тайёрлаб етказишни тақозо этади. Тарихий ёзма ёдгорликларга талабаларнинг қизиқишини орттириш; уларни муштақил равишда мутолаа қилишга одатлантириб бориш ҳар бир филологнинг, ҳар бир туркологнинг муқаддас бурчи деб қаралиши даркор.

Туркий тилларни ўрганиш ва тадқиқ этишнинг сўнгги бир асрлик тарихий босқичида машҳур туркологлар Абдураўф Фитрат, Ғози Олим Юнусов, Мамед ога Шералиев, Улуғ Турсунов, Смит ога Кенесбоев, З. Н. Гажиева, А. К. Кононов, Пайғам Азимов, Н. А. Баскаков, А. Р. Тенишев, Алибек Рустамов, Фарҳод Зайналов, Муҳаммад Исаев, Бозор Ўринбоев, Ҳамид Неъматов, Иристой Қўчқортоев каби олимларнинг қаламига мансуб асарлар илмий тадқиқотлар яратишда, дарслик ва қўлланмалар ёзишда қўл келмоқда.

Шундай қилиб, туркий халқларнинг тарихи, келиб чиқиши, гомири умумийдир. Бундан қадимий ёзувларимиз, ёзма ёдгорликларимиз, халқ оғзаки ижоди дурдоналари ҳам гувоҳлик беради. Масалан, туркийлик қардошларимиз қадимги Сирдарё воҳасида яшаганликлари билан фахрланадилар. Улар Туркистонни, Ўзбекистонни ота юртимиз, она ватанимиз деб атайдилар. Айгишларича, уларнинг халоскори, устози ва доҳийси Мустафо Ота Турк ўзининг қабр ёдгорлигига "Менинг ватаним Туркистондир" деб ёзиб қўйишни васият қилган экан.

Маълумки, ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжаси қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, ғатар каби тиллар билан алоқадор бўлса, унинг ўғуз лаҳжаси туркман, озарбайжон ва турк сингари тиллар билан умумий томонларга эга. Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси эса бевосита уйғур тилига яқиндир. Бугина эмас, ҳатто у ёки бу туркий тил

таркибида уруғ-қабиланинг қисмлари мавжуд. Масалан, найманлар номи билан юритилувчи катта тоифа қозоқ халқининг асосини ташкил этгани ҳолда, ўзбекларнинг ҳам катта таркибий қисми ҳисобланади. Қорақалпоқлар номи билан айтилувчи аҳоли мазкур республикадан ташқари, яна Фарғона, Самарқанд каби вилоятларда ҳам кенг тарқалган. Туркман миллатининг асосини ташкил этувчи чандирлар Қашқадарё, Самарқанд каби вилоятларда ҳам ҳаёт кечирадилар. Қўнғирроғлар ўзбеклар ва қрим татарларининг таркибини ташкил этади. Бундай далилларни истаганча келтириш мумкин.

Маълумки, аجدодларимиз дастлабки даврларда гуруҳ-гуруҳ, уруғ-уруғ бўлиб яшаганлар. Булардан қабилалар ва қабила иттифоқлари, сўнг эса халқ ва миллатлар пайдо бўлган. Ҳар бир халқ ёки элатнинг ўзига хос тиллари мавжуд эди. Шеваларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши уруғ ҳамда қабилаларнинг, миллий тилларнинг юзага келиши ва тараққиёти эса қабилалар ҳамда қабила иттифоқлари ва халқларнинг аниқ тарихи билан изоҳланади.

Туркий тилларнинг тарихий тараққиёт йўларини белгилашда, ўтмишдаги уруғ, қабила ва қабила иттифоқи тилларини ўрганишда Маҳмуд Қошғарийнинг „Девону луготит турк“ асари муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳолни у ўз асарида алоҳида таъкидлаб кўрсатган: „Ҳар бир қабиланинг саноқсиз аллақанча уруғлари бор, мен булардан асосини ёздим, шохобчаларни ташладим“¹.

Кейинчалик эса қабилаларнинг бир-бири билан аралашиб, қўшилиб кетишлари натижасида, уларнинг тиллари ҳам аралашиб, қоришиб кетган. Бундай бирлашишлар қариндош қабилаларнинг ўзаро қўшилувидан иборат бўлади ва қабила иттифоқларининг аъзолари учун умумий бўлган тиллари ҳам вужудга келади. Қабилалар ўзларини ташқи душмандан ҳимоя қилиш учун бирлашар эдилар. Жамиятнинг шундан сўнгги тараққиёт босқичида қабилалар ва қабила иттифоқлари ўзаро бирлашиш жараёнини ўз бошидан кечира бошладилар. Шунга қараб, уларнинг тиллари ҳам бир-бирларига яқинлашиб, қўшилиб борди. Натижада, ўзбек халқи ва халқ тили келиб чиқди.

¹ Маҳмуд Қошғарий. Девону луготит турк, I том. — Тошкент, Ўзбекистон ССР ФА нашриёти, 1960, 64- бет.

Ана шу кўп сонли туркий қабилалар ва қабилалар иттифоқларидан ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ халқлари ва уларнинг тиллари пайдо бўлган ва ривожланиб, ҳозирги ҳолатга етиб келган. Шунинг учун ҳам, Урхун—Энасой дарёлари ёқасидан топилган ёзма ёдгорликлар бошқа туркий халқлар тиллари билан бир қаторда, ўзбек тилининг ҳам энг қадимги ёзма манбаларидан деб қаралади. Чунки маълум бир заминда бир қанча қабилалар бирлашмалари юзага келади. Ани шу қабилалар иттифоқларининг бирлашиши ўз навбатида халқ ва халқ тилининг вужудга келишига сабаб бўлади. Синфий жамиятнинг шундан кейинги тараққиётида маданий ва савдо маркази сифатида шаҳарларнинг аҳамияти оша боради, халқларнинг шаклланиши давом этади, феодал ерлари ва феодал давлати пайдо бўлади.

IX—X асрлар давомида ва ундан кейин ҳам Марказий Осиёда туркий тилда сўзлашувчи ўтроқ ва кўчманчи халқлар яшаган. Хусусан, Ўзбекистон шаҳарларидаги аҳоли қатмидан, асосан, туркий тилда сўзлашган. Улар кўчманчи туркий ҳамда ўтроқ эрон тилида сўзлашувчи халқлар (хусусан, тожиклар) билан доимий алоқада бўлган. IX—XI асрларда ўтроқ туркий тилда сўзлашувчи халқлар асосида ўзбек халқи ва тили шаклланади.

Ўзбеклар халқ бўлиб шаклланаётган бир вақтда турли хил туркий ва туркий бўлмаган қабилалар иттифоқлари аралаш ҳолда яшар эди. Бинобарин, ўзбекларнинг халқ бўлиб шаклланишида ҳозирги Ўзбекистон ерларидаги туркий халқлардан ташқари, эрон қавмлари ҳам туркий халқлар билан бир хил иқтисодий шароитда ҳаёт кечирган, ташқи душманларга қарши биргаликда кураш олиб борган эдилар. Улар ўзбекларнинг урф-одаги, маданияти ва тилини қабул қилиб, биргаликда яшай бошладилар. Бошқача қилиб айтганда, эроний қавмлардан бўлган сўғдийларнинг ўзбеклашуви, мўғулларнинг ўзбекларнинг таркибий қисмига айланиб кетиши, улардаги этнографик бирлик сақланиб қолмаганлиги қабиларни айтиш мумкин.

Туркий тиллар таснифи. Ер шарида 30 дан ортиқ туркий тилли миллатлар ва элатлар мавжуд бўлиб, 70-йилнинг бошларида уларнинг умумий сони собиқ Иттифоқда 70 миллионга яқин ҳисобланарди. Айрим манбаларда эса туркий тилларнинг миқдори 51 та деб кўрсатилади. Бунда қорахоний—уйғур тили, хоразм—

қарлуқ тили, мамдук-қипчоқ тили, X—XI асрлардаги ўғуз тили, Урхун-Энасой ёзувлари тили, турклар тили, хуросон туркий тили, чигатой тили, уйғур тили, сариқ уйғур тили, қадимги уйғур тили кабилар алоҳида туркий тиллар помлари билан бериладн. Буларни ҳозирги вақтда алоҳида туркий халқлар тиллари деб ажратиш ўринли бўлмаса керак.

Масалан, уйғур тилини қадимги уйғур тили ва қорахоний—уйғур тили деб ажратишга ҳеч қандай ҳожағ йўқ. Бунинг устига „сариқ уйғур“ деб ишлатилиши ортиқчадир. Буларнинг ҳаммаси ҳам уйғур тилининг турли босқичлардаги кўринишларидир. „Чигатой тили“ дейиш эса умуман маъқул эмас. Чунки бундай тилнинг ўзи бўлмаган. Лингвистик адабиётларда „Чигатой тили“ атамасининг пайдо бўлиши Хеман Вамберининг „Чигатой тили дарслиги“ (1867 й.) чиқишидан бошлаб расмий тусга кириб қолди (чигатой адабиёти каби) Бу атама Н. И. Ильминский (1822—1891) ва бошқа туркологларда ҳам ишлатилади. У Сулаймон Бухорийнинг (1821—1882) луғатида ҳам қўлланилган. Бу луғатда ўзбек уруғлари ва шевалари 92 та деб кўрсатиб ўтилади. Ҳози Олим Юнусовнинг „Ўзбек лаҳжаларининг таснифидан бир тажриба“ (1935) тадқиқотида ҳам ўзбек уруғ-қабилалари ва уларнинг тиллари 92 та деб қайд этилади. Халқимиз таркиби ва ҳар бир таркибий қисмнинг тиллари—шевалари ҳақидаги рақамлар 92 та деб белгиланиши турли шажаралар ва сўнгги айрим тафсилотларда ўз ифодасини топиб келмоқда.

Туркий халқлардан 12 таси (татар, қозоқ, қирғиз, бошқирд, қорақалпоқ, қўмиқ, қрим-татар, қорачой, балқар, олтой, нўғай, қараим) 15 миллиондан кўпроқ бўлиб, улар қипчоқ гуруҳи туркий тилларини ташкил этади. Туркий тиллардан 11 таси (турк, озарбайжон, туркман, афшар, қашқар, Эроннинг жануби-шарқидаги туркий халқлар, шахсевон, гагауз, қарапарах, кадзор, қримчак) 37 миллион кишини ўз ичига олган бўлиб, туркий тилларнинг ўғуз гуруҳига киради. 55 миллионли турклар (Туркия) ҳам ўғуз гуруҳига тааллуқлидир.

5 халқ (ўзбек, уйғур, салар, сариқ уйғур, хўтан) 15 миллиондан ортиқдир. Булар туркий тилларнинг қарлуқ гуруҳини ўз ичига олади. Чувашлар (1,7 миллион) булғар гуруҳини ва 8 халқ (ёқут, тыва, ҳақас, тоғли

олтойликлар, шўр-шор, дўлган, кўк чулутанлар, тофалар—карагас) Сибирь гуруҳи (0,6 миллион) деб юритилади.

Булар 1980 йилгача бўлган маълумотлардир (123,3 млн.). Оралам 15 йилча вақт ўтгач, туркий халқлар ҳарийб 200 миллион киши деб ҳисобланмоқда. Аҳолининг бунчалик тез кўпайишининг сабаби, бир томондан, аҳолининг ўсиши ва, иккинчи томондан, чет эллардаги туркий халқлар ҳақидаги маълумотларнинг аниқланиб бориши билан боғлиқдир. Масалан, 1979 йилда Ўзбекистонда яшовчи ўзбеклар 13 млн. ни ташкил этган бўлса, 1990 йилга келиб 19 миллиондан ошди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ҳудудида 22 млн дан кўпроқ киши яшайди. Маълумки, туркий халқларнинг ярмидан ортиғи собиқ Иттифоқ ҳудудида ҳаёг кечиради. Уларнинг сони 100 миллионга яқиндир. Туркий халқларнинг 100 миллиондан кўпроғи чет мамлакатларда яшайди.

Демак, туркий халқларнинг умумий сонини 200 млн. ва ундан ҳам кўпроқ деб белгилашга тўғри келади. Уларнинг 19 миллиондан кўпроғини ўзбеклар ташкил этади. Ўзбекларнинг ўзлари сингари тилларининг тарихи ҳам қадимийдир. Уларнинг ёзувлари кўп асрлик тарихга эга. Бу тарихни камида 2400—250) йил деб белгилаш мумкин.

Ёзувларнинг энг қадимийси сўғд ёзувидир. У бир қанча кўринишларга эга бўлиб, тарихан оромий ёзувлари белгилари билан бевосита алоқадордир. Сўғд ёзувининг моний ва сурёний турлари туркий халқларда кенг ишлатилиб келинганлиги тарихдан маълумдир. Улар эраизгача бўлган V—IV асрларга бориб тақалади. Хоразм ёзуви ва дулбаржин ёзувларининг аҳамияти ҳам каттадир. Буларни шартли равишда ёзувларни қўллашдаги биринчи давр дейиш мумкин. Иккинчи давр араб ва уйғур ёзувлари билан боғланиб кетади. Ниҳоят, лотин ёзуви ва амалдаги кирилл ёзуvidан фойдаланишни учинчи давр деб юритиш ўринлидир. Булар шартлидир, албатта.

Туркий тилларни ўрганиш соҳасида Абдурауф Фитрат, Ҳози Олим Юнусов, Улуғ Турсунов, Мамед оға Шералиев, Смит оға Кенесбоев, Айюб Ғуломов, А. Н. Кононов, Солиҳ Муталибов, Олим Усмонов, Н. А. Баскаков, Дилора Гумашева, Фарҳод Зайналов, Муҳаммад Исаев, Ғани Абдурахмонов Алибек Руста-

мов, Ҳамид Неъмагов, Бозор Үринбоев, Иристой Қўчқортоев, Эргаш Ғозилов ва бошқа кўпгина тилшунос олимларнинг ўзларига яраша хизматлари бор. Уларнинг айримлари мавжуд туркология манбаларига асосланган ҳолда ўз таснифларини ҳам тақдим этмоқдалар. Бу жиҳатдан озарбайжонлик профессор Фарҳод Зайналовнинг хизмати алоҳида кўзга ташланиб туради.

Туркий тилларни қуйидагича таснифларга ажратиш мумкин: Маҳмуд Кошғарий таснифи; Н. А. Баскаков таснифи; Фарҳод Зайналов таснифи; Муҳаммад Исаев таснифи; Олим Усмонов таснифи; Улуғ Турсунов таснифи; Ғани Абдураҳмонов таснифи; Ҳамид Неъматов таснифи.

Маҳмуд Кошғарий таснифи. Маълумки, Маҳмуд Кошғарий яшаган XI асрда туркий қабиладар ва қабиладар иттифоқи ўзаро бирлашиб, халқни шакллантира бошлаган давр эди. Олимнинг тўлиқ исми Маҳмуд Ибнулҳусайн ибн Муҳаммадил Кошғарийдир. У тил, маданият, тарих ва адабиёт каби турли соҳаларга оид кўплаб қимматли илмий асарлар яратган буюк олим эди. Унинг „Жавоҳирун наҳви филулотит турки“ („Туркий тилларнинг наҳв қондалари“) ва „Девону луғотит турк“ („Туркий тилларнинг луғатлари қомуси“) асарлари мавжуд. Афсуски, мазкур илмий асарларнинг биринчиси авлодларимизга етиб келмаган. 1960 йилнинг бошига келиб Маҳмуд Кошғарийнинг „Девону луғотит турк“ асари араб алифбоси ва араб тилининг билимдони Солиҳ Муталлибов томонидан ўзбек тилига таржима қилинди. Тажриба жараёнида олимнинг „XI аср ёзма ёдгорликларида феъл категорияси“ (1955), „Лексика ва морфология тарихидан қисқача очерк“ (1959) каби бир қанча илмий асарлари юзага келди.

„Девону луғотит турк“ нинг илмий қиммати беқиёсдир. Чунки, „Девон“ ни яратиш учун муаллиф узоқ йиллар давомида туркий халқлар яшайдиган шаҳарлар ва қишлоқларни кезиб чиқди, материаллар тўплади ва уларни чуқур қиёсий таҳлил қилди. „Мен бу ишларни,— деб ёзади Маҳмуд Кошғарий,— тил билмаганлигим учун эмас, балки бу тиллардаги ҳар бир кичик фарқларни ҳам аниқлаш учун қилдим...“ (44-бет)

Маҳмуд Кошғарий туркий тиллар ва лаҳжаларини йигирмата қабилага мансуб деб кўрсатиб, улардан ҳар бирининг сон-саноқсиз уруғлари борлигини қайл этади. Демак, йигирмата қабила ва кўплаб уруғларнинг тил-

лари ҳам сақланиб қолган. "Девон" да ана шу йигирмата тил бирма-бир санаб ўтилади:

бэжэнэк, қипчоқ, ўғуз, йэмэк, башғирт, басмыл, қай, йа жақу, татар, қирғиз, чигил, тухси, йағма ығрақ, йаруқ. йумул (баъзан чумул ва жумул шаклларида ҳам учрайди), уйғур, тангут, хитой, табғач (64 бет).

Яна китобнинг турли саҳифаларида юқоридаги йигирмата туркий тиллар ва лаҳжалар ҳисобига киритилмаган бошқа қабилалар тиллари ҳам тилга олинади: *арамут* (157-бет), *булғор* (68-91-бетлар), *булақ* (360-бет), *камжасак* (66-бет), *суворлар* (67—68-бетлар), *қарлуқ* (86, 43-бетлар) *аргу* (488-бет), *турк* (484-бет) каби.

Маҳмуд Кошғарий айрим ҳолларда туркий қабилаларнинг яшайдиган жойларини ҳам аниқ кўрсатади. Масалан чигилларнинг Барсаған қуйисидagi Қуйас шаҳарчасида, Тйроз яқинидаги шаҳарчада ва Кошғардаги бир қанча қишлоқларда яшашларини кўрсатиб ўтган (374-бет).

"Девон" да ўғуз қабиласи туркларнинг бир қабиласи деб таъкидланади. Сўнгра, шу ўғуз қабиласининг таркибида 22 та уруғ борлиги айтилади, уларнинг номлари ва молларига қўйилган тамғалар бирма-бир санаб ўтилади (89—91-бетлар).

Биринчи турколог, хусусан луғатшунос, этнограф ва халқ оғзаки ижодчиси, тарихчи ва жуғрофия билимдони Маҳмуд Кошғарий ўзининг "Девону луғотит турк" асари билан туркологияга асос солди. У биринчи бўлиб, туркий тилларнинг қондаларини яратади Бу асар туркий тилларининг қиёсий грамматикасини ўрганишда ягона манба бўлиши билан диққатга сазовордир. Маҳмуд Кошғарий "Девону луғотит турк" номли кўп қиррали асарида туркий тилларнинг дастлабки таснифини берган. У туркий тиллар ва лаҳжаларини тасниф қилганда, икки илм-фан қондаларига асосланиб иш кўрган: 1) қабилалар ва қabila иттифоқлари тилларининг софлигига (тўғрилигига) кўра; 2) қабилалар ва қabila иттифоқлари тилларидаги фонетик ва морфологик фарқларга кўра.

Маҳмуд Кошғарий тилларнинг софлиги тушунчаси деганда, туркий бўлмаган тилларнинг таъсир даражасини тушунади. Шунга кўра, туркий тилларни икки гуруҳга бўлиб ўрганади: а) соф туркий тил; б) аралашган туркий қabila тиллари.

Соф туркий тилда форс ва бошқа ўлкалар билан алоқа қилмайдиган яғмо тухси ва итл (Волга). ямар (Иртиш) дарёлари бўйларидан бошлаб, уйғур шаҳарларигача бўлган заминларда яшовчи қабилалар ва "Ҳоқоний туркчаси" тилини киритади. Бундан ташқари, қирғиз, ўғуз, чигил, ироқ, жаруқ, булғор, сувор, печенег қабилаларининг тилида ҳам туркий бўлмаган тилларнинг таъсири сезилмайди (ДЛТ, I, 66-бет).

Аралашган туркий қабилла тилларини Маҳмуд Кошғарий ўз навбагида икки гуруҳга бўлади:

1. 1. Бу гуруҳга сўғд тили таъсирида бўлган, сўғд ва туркий тилларда гапира оладиган суғдак, канжак, аргу қабилаларининг тилини киритади. Бундан ташқари, ыолосоғун, Тироз, Мадинатулбайзо шаҳарлари аҳолиси тили киритилади.

1. 2. Икки тилли бўлган турклашган хитой-тибег халқлари: хўтанликлар, тибетликлар (тубут) ва тангхутлар тиллари бу гуруҳга киритилади (ДЛТ, I, 165-бет). Улар туркий тилни яхши тушунадилар, лекин эркин гаплаша олмайдилар. Маҳмуд Кошғарийнинг туркий тилларнинг бошқа тиллар таъсири даражасига кўра таснифи асослари ҳозир ҳам шевалар таснифларида қўлланилади.

У туркий тилларни фонетик ва морфологик фарқларига кўра тасниф қилишда тилларнинг жуғрофий тарқалиш асосларини ҳам кўзда туттади. У фонетик ва морфологик асосларни ҳисобга олиб, туркий тилларни икки гуруҳга бўлади:

1. Чигил, яғмо, тухси, қарлуқ, уйғурлардан бошлаб, юқори Чингача (Мочин-Чингача) бўлган қабилалар тиллари.

2. Ўғуз, аргу, қипчоқ, татар, ямак, сувор ва русдан Византиягача (Римгача) жойлашган қабилалар тиллари.

Шартли равишда биринчи гуруҳни шарқий тиллар, иккинчи гуруҳни эса ғарбий тиллар деб аташ мумкин. Шарқий ва ғарбий туркий қабилалар тиллари орасида бир қатор фонетик ҳамда морфологик фарқлар мавжуд. Бу шаклда тасниф қилиш 1969 йилда тилшунос олим Ҳамид Неъматов томонидан тавсия этилган эди. Шундан сўнгги нашрларда унинг мулоҳазалари асос қилиб олинди.

Фонетик жиҳатдан шарқий турклар тилида сўз бошида жарангсиз т товуши келса, ғарбий турклар

тилида д товуши келади; таг-даг, туя-дуа каби. Шарқий турклар тилида и товуши келса, ғарбий турклар тилида ж товуши билан и товуши жуфт қўлланилади: йинжу—жинжу, йелкин—желкин каби.

Шарқий турклар тилида лаб-тиш в товуши келса, ғарбий турклар тилида лаб-лаб в(ш) товуши келади: *товар—тошар* каби.

Маҳмуд Кошғарий маълумотиға кўра, шарқий гурух тиллари учун тор унлилар (*бардим, сэн, тэвай*), ғарбий гурух тиллари учун эса кенг унлилар хоскир (*бардим сан, тавай*). Маҳмуд Кошғарийнинг таъкидлашича, айрим шарқий турклар тилида сўз охирида й товуши келса, ғарбий турклар таркибига кирувчи аргулар тилида и келади: *қой—қон, йиғай—йиған* (ДЛТ, I, 67).

Морфологик жиҳатдан шарқий ва ғарбий турклар тилидаги қуйидаги фарқлар кўрсатилади:

1. Замон, макон ва қурол номи шарқий гурух тилларида-*ғу, -гу, -қу, ку* қўшимчаси билан ясалса, ғарбий гурух тилларида-*аси, -эси* қўшимчаси билан ясалади: *барғу—барасы, кэлгу—кэлэси* (ДЛТ, I, 69; II, 71).

2. Шахс оти шарқий турклар тилларида, *-ғучы, -гучи, -кучы, -кучи* қўшимчаси билан ясалса, ғарбий гурухларда *-дачы, -дэги, -тачы, -тэчи* қўшимчаси билан ясалади: *барғучи—бардачы, турғучи—турдэчи* каби (ДЛТ, II, 56—58).

3. Шарқий тиллардаги *-ган, -гэн, -қан, -кэн* сифатдош шаклиға ғарбий гурухларда *-(й) ан, -(й) эн* шакли мувофиқ келади: *барған—баран* каби (ДЛТ, II, 57—58).

Шарқий гурух тилларида ўтган замон-*ди* ва шахс-сон кўрсаткичлари билан ясалса, ғарбий гурухдаги турли шахсларда сифатдошнинг *-дуқ, -дук* шакли билан аралаш тарзда келади: *мэн йай қурдум—бэн йай қурдуқ*.

Шундай қилиб, Маҳмуд Кошғарий XI асрдаги туркий тиллар ва лаҳжалар таснифи учун 6 фонетик ва 4 морфологик хусусиятни асос қилиб олган. Бу эса машҳур түркологнинг туркий тилларнинг асодий хусусиятларини, улар орасидаги ўхшашлик ва фарқларни яхши тушуна олганлигидан, чуқур ва ҳар томонлама лингвистик билимга эга эканлигидан далолат беради.

Маълумки, Маҳмуд Кошғарий “Девону луғотит

турк* асарининг учала китобида ҳам луғатшунослик асосий ўринни эгаллайди.

Девон да тиллар ва лаҳжаларга оид сўзлар аниқ айтилиб, баъзан уларнинг қайси манбага тааллуқлилиги ҳам кўрсатиб ўтилади. Демак, она тилимизнинг ҳозирги ҳолати учун уни такрор-такрор ўрганиш фойдалидир. Айниқса, тил тарихи, шевашунослик, этимологик ва умуман филологик луғат тарзи учун мазкур асарнинг қиммати гоят каттадир.

Асарнинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти ҳам бундан кам эмас. Ҳатто, олимнинг биргина ф, ҳ ундошларига доир мулоҳазалари, феълнинг ўзаги тўғрисидаги аниқ фикри, XI асрда тилда фаол ишлатиладиган луғат қатлами ҳақида айтганлари, умуман, тилни унинг хусусиятларига қараб, учга бўлиб ўрганишга доир тавсияларининг ўзи ҳам буни очиқ-ойдин исботлаб турибди. Биз ўз навбатида бу дурлонани ўрганиш, мутолаа қилиш орқали ундаги туркий тиллар ва лаҳжаларни қуйидагича гуруҳларга бўлиб, тасниф этиб кўришга ҳаракат қилдик: қарлуқ-чигил-уйғур гуруҳи, қипчоқ гуруҳи, ўғуз гуруҳи.


1. Қарлуқ-чигил-уйғур гуруҳига кирувчи тиллар ва лаҳжалар: чигил (чигил/жигил), яғмо, иғроқ, жаруқ/йаруқ, тўхси,¹ тунгут, уйғур, қарлуқ, арғу, арамут, тавғач, бархан, тубут, қашғар, барсағон, турк, кўчат, тат, суғдак, уч айғир.

Намуналар: *эзгиш/экзиш, халач, урзуланиб, йуксак тағын оғлақ, чатар, уйғур танын йуфга алыб йумғын сатар.* — Тоғ тепасига жойлашиб, ҳар вақт эчки боласини кўзига бирлаштиради, яъни у чўпон бўлгани ҳолда уйғурларга босқинчилик қилади. Улардан бир нарсалар олиб сотади (II, 340—341).

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида Чин, яъни Хитой уч қисмдан иборат эканлиги қайд этилади: Юқори Чин, Ўрта Чин ва Қуйи чин. Бархан Қуйи Чин маъносида келиб, ўша ерда яшаётган кишилар маъносини ҳам билдиради.

Иғроқ сари тигроқ,
Еми анинг уғлоқ,
Сути уза соғроқ,
Ери тақи ағлоқ.

¹ Тўхси — туркларнинг бир тоифаси



(Иғроқ қабиласи ғайратли, ботир одамлардир Уларнинг озиқлари қуруқ (сүвсиз) овқатлардир. Қимиз то-горалари устидан коса аримайди. Ҳолбуки, уларнинг ерлари ўтсиз ерлардир (I, 487)).

Бу гуруҳга кирувчи тилларга доир мисоллар Алишер Навоийда ҳам кўплаб учрайди:

Чигил бирла Яғмони айлаб убур.

„Садди Искандарий“

Юзни не васфин дединг ҳури чигил,

Балғами қондин эса оқу қизил.

„Лисонут Тайр“

2. Қипчоқ гуруҳини ташкил этувчи тиллар ва лаҳжалар: басмил, қай, ябоқу, қипчоқ, татар, қангли, бошқирд, қирғиз, булғар, сувор (ин), ямоқ, жумул (йумул/чумул).

Мисоллар:

Басмыл сүсин қулытты,

Барча кэлиб йумытты.

Арслан таба эмитти,

Қорқуб башы тэзгинчур.

(Басмиллар аскарларини бизга қарши курашга отлантиради. Ҳаммалари тўпланишдилар. Арслон томонга юришдилар. Бизларни кўргач, кўзлари қоронғуланиб, бошлари айланди (II, 361)).

Бузрач йэмэ кудурды.

Алпағугы мазырды.

Сүсин йана қадырды,

Кэлгэлимэт иркакшур.

(Бузраж ябоқулар бегининг оти у аскарларга юзланди, ботирларни саралади, келиш учун тўпланди (II, 161)).

Бычғас битик қилурлар,

Эндкай йама бэрүрлар,

Хандан басут тиларлар,

Басмыл чумул тиркашур.

(Бизнинг одамлар (яъни ябоқулар) подшога қаршилик қилмаслик учун муоҳада (аҳднома) ёздилар. Ҳозир басмил ва жумул қабилалари биз билан урушмоққа йиғилдилар. Хоқон уларга етишди, ҳатто, уларнинг қонларини тўкди ва асир қилди (I, 427)).

3. Ўғуз гуруҳига қуйидаги йигирма икки уруғ-қабилалари тиллари ва лаҳжалари киритилди: қынық

(қиниқ), қайығ (қайиғ), байундур (байун), ава//ива, солғу салғур/, афшар (афшар), бэг тили (бек тили), букдуз (букгуз), байат (баёт), йазғыр (ёзғир), эймур (эймур), карабелук (қарабулоқ), алқабелук (олқабўлуқ), игдәр (игдар), урәғир (урақир), тутырқа (тутирқа), улайундлуғ (улаюндлуғ), тәгәр (тўғар), бәжәнәк (бажанәк), йувалдар (жувалдор), жәпни (жапнич), жаруқлуғ (жаруғлуқ). "Девону луғотит турк" саҳифаларида яна булақ, канжак номлари ҳам қабилалар ва уларнинг тиллари сифатида берилганлигини қайд этиш ўринлидир.

Шундай қилиб, „Ўғуз“ гуруҳидаги уруғ-қабилалар ва уларнинг тилларини йигирма тўртта деб ҳисоблашга тўғри келади.

Ўзбек тили хусусида икки оғиз сўз Кўп сонли турқий халқлардан бири ўзбек халқи ҳисобланади. Унинг тарихи бир неча ўн минглаб йилни ўз ичига олади. Ҳали у вақтларда бизнинг аجدодларимиз уруғ-уруғ ва қabila-қabila бўлиб яшар эдилар. Гарчанд, XI—XII асрларда қабилалар ва қабилалар иттифоқлари бирлашиб, ўзбек халқини ташкил этган бўлса ҳам, ҳали уларнинг айрим хусусиятлари, кўринишлари сақланиб қолган эди Буни Алишер Навоийнинг "Муҳокаматул луғатайн" асарида ҳам аниқ кўриш мумкин. Ана шундай йирик қabila иттифоқларидан бири "ўзбек" номи билан юритиларди. Бу ҳол, айтқиса, "Хазойинул маоний" „Садди Искандарий" каби асарларда аниқ кўзга ташланиб туради.

У пайтларда ўзбеклар халқ сифатида тўла бирлашиб етган бўлишига қарамасдан, ўзларининг бир умумий давлатларига эга эмас эди. Чунки улар Мовароуннаҳр, Хуросон, Дашти Қипчоқ каби заминларда бўлинган ҳолда ҳаёт кечирар эдилар. Ҳатто, асримизнинг 60-йилларигача ҳам ўзбеклар кам сонли эли. Сўнгги 35 йил ичида ўзбекларнинг миқдори бир неча барабар ошди. Бу ўзаро бирлашиш ва туғилишнинг ҳисобига бўлди.

1959 йилдаги аҳоли рўйхатига кўра, Ўзбекистон заминида ўзбекларнинг сони 6, 045 млн. бўлиб, республикадаги умумий аҳолининг (умумий аҳоли 8.261 млн.) 61,1 фоизини ташкил этади. Яна 970 минг ўзбек собиқ СССР нинг турли жойларида яшайди. Масалан, XVI—XVII асрларда Россия билан ўзбек хонликлари ўрта сидаги савдо муносабатларини ривожлантириш туфайли ўзбекларнинг катта бир гуруҳи Сибирь, Оренбург,

Астраханга бориб жойлашиб қолган. Ўзбеклар Украина ва Белоруссияда ҳам яшайдилар. 2000 йилга бориб, Ўзбекистон заминидagi ва чет эллардаги ўзбекларни қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, улар 40 миллионга яқинлашиб қолиши аниқдир. Чунки қўшни қардош давлатларда 4 миллион, Афғонистонда 3 миллиондан кўпроқ, Саудия Арабистонида 700 мингга яқин ўзбеклар яшайди Яна дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўзбеклар бор.

Кейинги йилларда айрим мамлакатларда яшab келатган ўзбеклар мамлакатимиз мустақилликка эришиб, она тилимиз давлат тили ҳуқуқини қўлга киритгандан кейин ўзларини ошкора намоён қилишга ҳаракат қила бошладилар. Чунки илгари бундай йўсинда иш тутишнинг иложи йўқ эди.

2000 йилга бориб дунёдаги туркий халқлар 240—250 миллион кишини ташкил этиши мумкин. Уларнинг тилларидаги умумий хусусиятлар тўғрисида гапирадиган бўлсак, шуни айтиш лозимки, қайси туркий халқларда ўзаро маданий-маърифий, иқтисодий, тижорат ишлари кучли бўлса, тилларидаги умумий ва ўхшаш хусусиятлар ҳам янада кўпайиб бораверади. Чунки уларнинг келиб чиқиши, томири бир манбага бориб тақалади, бу тарихий ҳақиқатдир.

Туркий тилларнинг йирик гуруҳларидан бири ҳисобланган ўзбек тили қуйидаги қисмларга: ҳозирги ўзбек адабий тили, ўзбек тили тарихи, ўзбек шевашунослиги. Унинг ҳар учала қисми ҳам ўзаро мустақил боғланган ҳолда ўрганилади ва бир-бирини тўлдириш, бойигиш учун хизмат қилади Айниқса, ўзбек шевалари материаллари ўзбек тили тарихи учун ҳам, ўзбек адабий тили учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки тил тарихининг тараққиёт йўлларини фўқат шева материаллари асосида белгилаш, аниқликлар киритиш мумкин.

1 БО Б. ЎЗБЕК ШЕВАШУНОСЛИГИ ФАН СИФАТИДА

1-§. Ўзбек шевашунослиги фани ва унинг вазифалари

Шевашунослик фани тилшуносликнинг бир бўлими бўлиб, у бирор миллий тил таркибидаги маҳаллий лаҳжа ва шеваларнинг ўзига хос муҳим хусусиятларини, уларнинг адабий тилдан ва ўзаро бир-бирларидан фарқларини, шеваларнинг адабий тилга муносабатини, адабий тилни бойитишдаги аҳамиятини, шунингдек ўрганилаётган шеваларнинг қандай гуруҳга бўлиниши, уларнинг тарихи ва келажак тақдирини каби долзарб масалаларни ўрганади.

Шевашунослик қўшма сўз бўлиб, *шева* форсчада сўзлашиш, овоз, одат, тил каби маъноларни билдиради, *шунос* эса билиш, ўрганиш демакдир. Демак, шевашунослик маҳаллий шевалар ва уларнинг йиғиндиси бўлган лаҳжаларни ўрганиш ҳақидаги фандир. Ўзбек шевашунослиги Ўзбекистонда мавжуд бўлган ҳамма лаҳжа ва шеваларни ўрганади.

Ўзбек шевашунослик фани Ўзбекистон давлати заминидagi лаҳжа ва шеваларни ўрганиш билан бир қаторда, бошқа қардош қўшни республикаларда—Қозоғистон (Марки, Жамбул, Чимкент, Иқон, Қорамурт, Манкент, Қорабулоқ, Туркистон, Сайрам каби), Қирғизистон (Ўш, Жалолобод), Тожикистон (Хўжанд, Ўратела, Кофирниҳон, Вахш, Қизилсув, Яхсув дарёлари водийлари), унинг жануби-ғарбий қисми, Қорақалпоғистон (Амударё туманининг Хитой участкаси), Украина ва Россия Федерациясининг Сибирдаги ҳамда бошқа чет мамлакатлар заминларида—Шимолий Афғонистоннинг Андхай, Мозори Шариф, Майман каби туманларида, шунингдек, Балх ва Қундуз шаҳарлари ва уларнинг атрофларида, Хитой Халқ Республикасининг Шинжон-Уйғур ўлкасида истиқомат қилувчи ўзбек

халқи тилининг турли лаҳжа ва шеваларини ҳам текширади. Яна Туркия, Саудия Арабистони, АҚШ, ГФР ва бошқа бир қанча чет мамлакатларда ҳам ўзбеклар яшайдилар. Уларнинг шеваларини ўрганиш билан ҳам ўзбек шевашунослиги фани шуғулланади.

Шевалар тарихий жиҳатдан ва ҳозирги ҳолаги нуқтаи назаридан ўрганилади. Шунга кўра, шевашунослик тарихий шевашунослик ва тасвирий шевашунослик деб иккига бўлинади.

Лаҳжа ва шеваларни тарихий жиҳатдан текширган-да, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, тарихий тараққиёт йўллари ва ҳозирги ҳолатга етганга қадар қандай ривожланиш жараёнларини босиб ўтганлиги баён этиб берилади. Демак, шеваларни тарихий ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки тил бир қанча даврларнинг маҳсули бўлиб, у юзларча авлодлар томонидан яратилган.

Тарихий шевашуносликнинг вазифаси — жамият аъзолари уртасида алоқа воситаси бўлган умумхалқ тилининг уруғлар тилларидан қабилалар тилларига, қабилалар тилларидан қабилалар иттифоқлари тилларига ва, ниҳоят, халқ тилига ҳамда халқ тилидан миллий тилга томон бўлган тараққиётнинг ҳамма босқичларини ўрганишдан иборат.

Хўш, ўзбек уруғлари миқдорини аниқ айтиш мумкинми? Ҳа, халқ орасида “92 бовли ўзбек уруғи” деган ибора кенг тарқалган, лекин ёзма манбаларда улар тўла аниқланган эмас. Тўғри бу ҳақда турли шажараларда ёзиб қолдирилган маълумотларда қайд этилалди. Ёзма манбаларда, жумладан, “Девону луғотит турк” да қабилаларнинг номлари кўрсатилиб, ҳар бир қабиланинг сон-саноқсиз уруғлари борлиги айтилади. Маҳмуд Қошғарий туркий тиллар 20 та тил ва лаҳжалардан иборат эканлигини ёзиб, уларнинг номларини бирма-бир санаб ўтади, булар бажанак, қипчоқ, ўғуз, яғмо, бошғирт, басмил, қай, ябоқу, татар, қирғиз, чигил, тўхси, ағмо, игроқ, жоруқ, йумул (жумул), уйғур, тунгут, габғач, хитой (ДЛТ, 1, 64- бет) “Хитой-Чин” дир ва Тавғач “Мочин” дир деб алоҳида изоҳ берилади. “Девон” нинг 65- бетида Чин ва Мочинларнинг мусулмон эмаслиги ҳамда уларнинг махсус ўз тиллари борлиги қайд қилиб ўтилган.

“Девону луғотит турк” да қарлуқлар қабилалар рўйхатида учрамайди, лекин “Луғат” да 9 жойда тил-

га олинади. Демак, қарлуқ у пайтда етакчи қабила ҳисобланмаган ва юқорида санаб ўтилган қабилалар мавқенга эга бўлмаган бўлиши мумкин. Шунинг учун бўлса керак, проф. Сўлиҳ Муталлибов қарлуқ қабиласининг тилини ўғузларга, яғмо ва қигилларга қўшиш мумкинлигини изоҳлаб ўтади. „Девон“ нинг III жилди 22-бетда қарлуқ қабиласининг номи ҳам келтирилади.

“Девону луғотит турк” нинг 1-жилдида (375-бет) жумуллар ҳақида тушунтиришлар келтирилиб, улар туркларнинг бир қисми эканлиги ва уларнинг тиллари ҳам ўзларига хослиги алоҳида кўрсатиб ўтилган. Бизнингча, “жумул” алоҳида қабила номи бўлмасдан, “йўмул” қабиласининг таркибий қисми бўлса керак. Чунки 64-бетдаги “йумул” ҳам, 375-бетдаги “жумул” ҳам бир хилда арабча деб ёзилган.

Маҳмуд Кошғарий ўз асарида келтирилган 20 туркий қабиладан бири бўлган “ўғуз” нинг 22 уруғдан иборат эканлигини, уларнинг ўз тамғалари билан бирма-бир ёзиб кўрсатган (I, 89—90-бетлар). Машҳур форс тарихчиси Рашиддин Казвиний (XIII—XIV асрлар) уруғларни 24 та деб келтиради (Сб летописей, т. I, кн. I). Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи тарокима” асарида ҳам уруғларнинг 24 та эканлиги айтилади.

Маҳмуд Кошғарий, Абулғози Баҳодирхон ва бошқа муаллифларнинг асарларида келтирилган уруғларнинг номлари ҳозирги вақтда ҳам она-заминимизнинг айрим жойларида учраб туради. Масалан: *бижанак* (Хоразм вилоятининг Янгиариқ тумани), *баёт* (шу вилоятнинг Ҳазорасп ва Янгиариқ туманлари), *қиниқ* (Хива шаҳри яқинидаги бир ариқнинг номи) каби.

Биз юқорида ўғуз лаҳжаси билан боғлиқ шеваларга тўхталиб ўтдик. Энди қипчоқ лаҳжаси ҳақида тўхталамиз. Ҳозир Олим Юнусов „Ўзбек лаҳжалари таснифида бир тажриба“ (1935) деган тадқиқотида ўзбек уруғларининг 92 та эканлигини қайд этади ва улардан 70 га яқинини шахсан ўзи ўрганиб чиққанлигини айтиб ўтади. Сўнгра, қипчоқ лаҳжасига алоҳида тўхталиб, 40 тасининг номини бирма-бир келтиради. Булар қирқ, минг, юз, найман, қипчоқ, бошғирт, уйғур, қўнғирот, лақай ва бошқалардан иборат.

Олим қипчоқ лаҳжаларидаги уруғлар вакиллари-нинг яшаш жойларини ҳам баъзан аниқ кўрсатиб ўтади: *бошғирт*, *уйрат* (Хоразмда) ва бошқалар.

Биз Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари тили тўғрисида гапирганда, уни, албатта, қарлуқ, чигил, ўғуз, қипчоқ, яғмо сингари уруғ-қабилалар номлари билан боғлаб ўрганамиз. Улар тилларининг таъсири XI—XV асрлар ёзма манбаларида ҳам сақланиб қолган. Бу манбаларга „Девону луғотит турк“, „Қутадғу билиг“, „Ҳибатул ҳақойиқ“, „Қиссаи Рабғузий“, „Ўрта Осие тафсифи“, „Аттуҳфатуз закияту фил луғотит туркия“—Туркий тил ҳақида ноёб тухфа“ (XIII—XIV, муаллифи номаълум), „Гулистон биг—туркий“ (Сайфи Саройи, XIV) каби она тилимизнинг бойлигини ўзида сақлаб келган манбалар ўзбек халқ шеваларини тарихий жиҳатдан ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳақда батафсил маълумот олиш учун яна қуйидаги илмий ишларга мурожаат қилиш мумкин: Иззат Сулгон, Навоийнинг қалб дафтари.—Тошкент, Фафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1969, 252-бет; Назар Ражабов. Ўзбек диалектологиясидан очерклар.—Самарқанд, СамДУ нашри, 1971 Қозоқбой Маҳмудов. Ўзбек тилининг тарихий диалектологиясига доир.—ЎТА, 1984, 6-сон, 8—13-бетлар; Тоҳир Содиқов. Битигларнинг ўзбек шеваларига муносабати.—ЎТА, 1989, 6-сон, 40—42-бетлар; Назар Ражабов Ўзбек тилининг Ғарбий Самарқанд шевалари.—Тошкент, Фан, 1977; Назар Ражабов. Ўзбек халқ шеваларида феълнинг морфологик тузилиши.—Тошкент, Фан, 1990 каби.

Демак, шева ва лаҳжаларни тарихий жиҳатдан текширишда анчагина тарихий шаклларни ўзида акс эттирувчи анъанавий шева, лаҳжалар текшириш учун асос қилиб танланади, уларни атрофлича ёритиб бериш талаб қилинади. Анъанавий шева ва лаҳжа вакиллари нутқидаги ўзига хос хусусиятлар узоқ вақтлардан бери сақланиб келади ва шеваларни тарихий жиҳатдан тавсифлаб берувчи асосий омил саналади.

У ёки бу шевани тарихий жиҳатдан текширганда, туркий тиллар тарихи билан, хусусан, юқоридаги сингари айрим махсус ёзма ёдгорликлардан яхши фойдаланиш билан бир қаторда, халқ оғзаки ижодиёти, тарих, этнография каби фанлар соҳасида тўпланган материаллардан ҳам чуқур хабардор бўлиш лозим. Чунки, бу фанларга оид манбаларда лаҳжа ва шева-лар эгалари бўлган уруғлар, қабилалар, қабилалар иттифоқлари ва халқнинг тили ҳамда маданияти ўз исини қолдирганлиги табиийдир. Шунинг учун ҳам,

шевашуносларнинг фан ва маданиятнинг ана шу муҳим тармоқлари билан ҳам яхши таниш бўлмасдан туриб, лаҳжа ва шевалар устида чуқур ҳамда изчил тадқиқотлар олиб бориш мушкулдир

Шевалар ва лаҳжаларни тарихий жиҳатдан ўрганиш ўз навбатида халқ тарихи ва тил тарихи учун ҳам кўп материал бериши мумкин. Чунки халқ тарихи ва тил тарихида ўз ифодасини топмаган ҳамда аниқ бўлмаган фикрлар шева ва лаҳжаларни текшириш давомида аниқлаб борилди. Масалан, Пахтачи туманида ҳаёг кечирувчи қарнобликларнинг қайси уруғ-қабиладан эканлиги ва қачон жойлашиб қолганлиги ва уларнинг ўтроқ ҳаёт кечиришга ўтганлиги ҳақида тарихий манбаларда аниқ маълумотлар учратмаймиз Қарноб шевасига хос бўлган хусусиятларни текшириш орқали унинг "қарлуқ-чигил-уйғур" гуруҳидан бўлган Тошкент, Фаргона шевалар турига тааллуқли эканлиги аниқланди. Ана шу тил хусусиятлари ва сақланиб қолган баъзи урф-одатлар ҳамда қарияларнинг фикрига асосланиб, қарнобликларнинг қарлуқ, чигил ва уйғурлар билан бевосита алоқадор эканлиги, уларнинг X—XI асрларда ҳозирги яшаётган жойларида доимий ўтроқ ҳаёт кечиришга ўтганликлари ҳақида ҳукм чиқариш мумкин.

Материалларнинг гувоҳлик беришича, Фориш туманидаги боғдонликлар шеваси билан жанубий хоразмликлар ёки шимолий ўзбек шевалари, хусусан Қорабулоқ, Иқон шевалари ўртасида фонетик ва грамматик жиҳатдан ўхшашликлар бор. Бироқ, ана шу шевалар вакилларининг ўзаро алоқалари, яқинлиги бўлган ёки бўлмаганлиги ҳақида тарихий манбаларда ишонarli фактлар кам учрайди. Шунинг учун ҳам, фанда муҳим аҳамият касб этувчи бу масалани тўғри ҳал этишда ана шу шеваларни қиёсий ўрганиб аниқ хулосага келиш лозим.

Шевашунос шева ва лаҳжаларни тарихий жиҳатдан ёритар экан, албатта, унинг ҳозирги ҳолатига ҳам тўхталиши ва мавжуд муҳим хусусиятларини қайд этиши зарур. Бу тарихий ва тасвирий текширишларнинг бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Шеваларни ҳозирги нуқтаи назардан ўрганиш шевашунослик билан шуғулланувчиларнинг кўпчилиги, айниқса, ёш шевашунослар фақат шу усул билан иш кўришларини кўрсатди. Чунки уларнинг дастлабки

ишларининг деярли ҳаммаси тасвирий текшириш ҳолатида бўлади. Тасвирий шевашунослик у ёки бу тилдаги лаҳжаларнинг фонетик тузилиши, грамматик қурилиши ва луғат бойлигининг ҳозирги ҳолати, унинг ҳозирги тараққиёт босқичидаги мавқеи ҳақида тўлароқ маълумот берилади. Бунда айрим фонетик ўзгаришлар ва жараёнлар, грамматик шакл ва қўшимчаларнинг қандай юзага келганлигини, улардаги ўзгаришларни тарихий жиҳатдан текшириш тадқиқотчининг асосий диққат марказида бўлмайди. Шева ва лаҳжаларнинг ҳозирги ҳолатини текширганда, айни вақтда мавжуд бўлган шевалар вакилларининг оғзаки нутқи ва ўша аҳоли орасида кенг тарқалган турли хил халқ оғзаки ижодиётини материалларининг тилини текшириш учун асос қилиб олинади. Чунки халқ оғзаки ижодиётида ҳам кўпгина шеваларга хос хусусиятлар сақланган бўлади. Шунингдек, тарихий фактларни ўзида акс эттирувчи анъанавий шевалар вакилларининг нутқларини ўрганиш ва уларни ҳисобга олиш ҳам фойдалидир.

Шевашуносликнинг текшириш асоси бўлган маҳаллий лаҳжалар ўзларининг асосий луғат бойлиги ва грамматик қурилишига эга бўлиб, баъзи миллатларнинг ташкил топиш жараёнида уларнинг миллий тилига асос бўлади. Олимларнинг фикрларига кўра, Тошкент-Фарғона шевалари ўзбек миллий тилига асос бўлган Тошкент шеваси миллий тилга асос қилиб олинган деганда, кўпроқ унинг фонетик хусусиятлари, хусусан унинг унлилари ҳисобга олинади. Фарғона шеваларининг эса морфологик хусусиятлари, жумладан, аниқ ҳозирги замон феълнинг-й-эп қўшимчаси билан ҳосил қилиниши каби ўзига хос томонлари назарда тутилади. Бу фикр сўнгги йилларда кенг маънода олиб қаралиб, тарихий жиҳатдан „Қарлуқ-чигил-уйғур“ лаҳжаси номи билан юритиладиган бўлди¹. Қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжасидаги шевалар: кенг маънода Тошкент ва Фарғона водийсидаги Қўқон, Андижон, Марғилон, Фарғона каби шаҳарлар; Қувасой, Қарноб, Водил каби аҳоли яшайдиган йирик қўрғонлар; шунингдек Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Китоб, Шаҳрисабз, Каттақўрғон каби шаҳар шеваларини ўз ичига олади. Ўзбек миллий тилининг ташкил топиши ва тараққий этиши-

¹ Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 5-сон, Тошкент, 1930. 34, 46-бетлар.

да бошқа ўзбек шеваларининг ҳам ҳиссаси ва аҳамияти борлиги шубҳасиздир.

Шеваларнинг материалларидаги фонетик ва грамматик хусусиятлар уларни бир-биридан фарқлаш учун хизмат қилади. Биз ана шу ўзига хос томонлар орқали шевалараро умумий ва хусусий томонларни белгилаймиз. Бу бойликлар халқимизда катта хазина бўлиб, ҳали етарли даражада ўрганилмаган. Уларни ўрганиш орқали ўз тарихимизни бойитамиз, адабий тилимизни ривожлантирамиз, адабиётимизни ранг-баранг қилишга эришамиз. Чунки тилдаги хусусият ички тараққиёт йўлининг энг муҳим қирраларини ташкил этади. Шу маънода ўзбек халқ шеваларининг лексик қатлами алоҳида аҳамият касб этади. Шевалардаги лексик хусусиятларга қараб, улардаги сўзлар ва атамалар ҳисобидан адабий тилимизнинг лексик бойлигини ошириш учун фойдаланиш биринчи даражали вазифадир. Ўз вақтида лексик қатлам қирраларини умумий истеъмолга киритиб боришда Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Лутфий, Бобур, Алишер Навоий, Абулғози Баҳодирхон, Аваз Утар ўғли, Муқимий, Фурқат, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Фафур Гулом каби ижодкорларнинг жуда катта хизматлари бўлган.

Ўзбек халқ шевалари лексикаси материалларини ўрганиш ва таҳлил қилишда уч томон алоҳида олиб текширилади.

1. Фақат у ёки бу ўзбек халқ шевалари учун хос бўлиб, адабий тилда учрамайдиган сўз ва атамани аниқлаб чиқиш ва таҳлил қилиш, масалан, қипчоқ шеваларида қыламық—юпқа, қычап—тез, таллы—ширнлик, бавыр (бағир) жигар, урт—оурт—лунж, долча—сархимча—кружка, мэчкэй—еб тўймас каби. Бунга ўғуз шеваларидан йашуллы—оқсоқол, қысынма—хафа бўлма, эжэк—бузоқ, лабыр—тез сўзлайдиган киши кабиларни келтириш ҳам мумкин. Малах—чигиртка, инак—сигир кабилар эса Самарқанд—Бухоро гуруҳи шеваларида учрайди.

2. Адабий тилдаги сўз ва атамаларнинг шевалараро бошқа маъноларга эга бўлишини белгилаб чиқиш. Масалан, чорсу—белбоғ, почча—ака, амаки (Қарноб), опа—апа—она (қипчоқ) каби.

3. Шевалардаги сўз ва атамаларнинг адабий тил ҳолатидан фонетик жиҳатдан фарқланиш ҳолатларини

исботлаб баён этиш. Масалан, *окэ*—ака, *шъгър*—шеър (Тошкент); *кэпқа*—келиб қол, *энэ*—она (қипчоқ). *диэ*—тизза, *лоққы*—лўппи (ўғуз) каби.

Биз юқорида шевашуносликда лекеик бойликнинг муҳимлиги ҳақида тўхталиб, энг зарур вазифаларни қайд этиб ўтдик. Маҳаллий шеваларни атоофлича ва кенг ўрганиш орқали тадқиқотчилар олдидаги қатор вазифаларни қайд этиш ўринлидир. Бу вазифаларнинг айримлари қуйидагилардан иборат:

1. Ўзбек миллий тилининг шаклланиш жараёни ва унинг тараққиётида шеваларнинг тугган ўрни ҳамда уларнинг шу миллий тилга бўлган муносабатини аниқлаш Чунки, Тошкент—Фарғона шевалари ўзбек миллий тилининг асосига олинган деган фикр кенг тарқалган ва умумий қоида сифатида қабул қилинганига қарамасдан, тилшунослик адабиётида ўзбек миллий тилининг асосига Тошкент-Андижон, ўрта ўзбек диалекти олинган деган фикрлар ҳам мавжуд.

Мавжуд бўлган фактлар, масалан, қипчоқ шеваларидаги кишилиқ олмошларининг биринчи ва иккинчи шахс бирликлари мэн, сэн шаклларида қўлланилиши, аниқ ҳозирги замон феълининг ж а т ы р й а т ы р < - ё т и р қўшимчаси билан ҳосил қилиниши, х ва ҳ фонемаларининг фарқлари ўзбек миллий тилининг шаклланишида бошқа шеваларнинг ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатади.

2. Шеваларнинг ўзаро муносабатини, уларнинг адабий тил ва қардош (қозоқ, қирғиз, туркман) тилларга, шунингдек, узоқ йиллар давомида ижтимоий-иқтисодий шароитда ҳаёт кечириб келган қўшни халқларнинг тилларига (масалан, тожик тилига) бўлган муносабатларини белгилаш. Чунки кўпгина умумистеъмол сўзларимиз бир хилда қўлланилиб келмоқда. Уларнинг аниқ тарихини белгилаш учун кўп меҳнат қилишга тўғри келади. Масалан, биргина-чи қўшимчасининг тарихини кўздан кечирганимизда, унинг тожик тилида учраши XV—XVI асрлар билан боғланишини қайд этиш ўринлидир. Бир сўз билан айтганда, тиллар бир-бирларидан „қарз олмасдан“ яшай олмайди.

3. Ўзбек халқ шеваларини ўрганиш соҳасида анчагина ишлар қилинган ва материаллар тўпланган бўлса ҳам, уларнинг баъзилари ҳали етарли даражада ўрганилмаган, айримлари эса, ҳатто, тилга ҳам олинмаган. Уларнинг харита ва атласини тузиш масаласи эса ҳозиргача

шевашунос қлимларнинг асосий диққат-эътиборни жалб қилмаган. Бу соҳада қилинган ишлар кам ва оммавий тус олган эмас.

Ўзбекистоннинг барча заминида, шунингдек, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Сибирь, Украина Хитойнинг Шинжон ўлкаси ҳамда Шимолий Афғонистондаги ўзбек шеваларини чуқур илмий асосда ўрганиш ва улардаги умумий ҳамда айрим хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ўзбек шеваларининг мукамал таснифини ишлаб чиқиш. Бу шеваларни жойлашган ўринларига қараб хариталарга тушириш ва, ниҳоят, ўзбек шеваларининг мукамал атласини яратиш.

4. Алоҳида гуруҳга кирувчи шеваларнинг умумий томонлари ва ўхшашликлари билан бирга, ўзаро фарқланувчи томонларини ва бунинг сабабларини очиб бериш.

5. Ўзбек халқ шеваларини ўрганишнинг назарий ва амалий аҳамияти ҳамда текшириш усулларини кўрсатиш.

6. Ўзбек тилининг кўп шеваги эканлиги тарихий сабабларини аниқлаш.

7. Мактаб ўқувчилари нутқида, турли хил ёзма ишларда учрайдиган маҳаллий шевалар хусусиятлари ва уларни бартараф қилиш йўллари ҳамда усулларини ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш.

Бундай вазифаларни амалга ошириш учун қўйиладиган назарда тутиш талаб қилинади:

а) жуфт ҳолда ишлатиладиган унлиларни аниқлаш, уларни *танглай оҳанги* ва *лаб оҳанги* деб иккига бўлиб ўрганиш, улар ўртасидаги муносабатни белгилаш;

б) оҳангдошлик ҳодисаларининг тарихий даврларга қараб ўзгариб туриши, бу қонуннинг ўзбек шеваларида қай даражада эканлигини ва шу билан боғлиқ ҳолда унли фонемалар миқдорининг қисқалигини аниқлаш;

в) ўзбек тилининг Қорабулоқ, Иқон, Фориш-Богдон, жанубий Хоразм каби баъзи шевалари учун хос бўлган бирламчи, яъни қадимги туркий тилга хос чўзиқ унлиларнинг текшириладиган шевада мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини кўрсатиш;

г) айрим фонемаларнинг тушиб қолиши натижасида юзага келадиган иккиламчи чўзиқ унлиларнинг пайдо бўлиш йўллари ва уларнинг шевалараро қай даражада тарқалганлигини белгилаш;

д) қўш унлилик ҳамда уларнинг оҳангдошлик хусусиятлари билан боғлиқ бўлган фонетик муносабатини кўрсатиш;

е) янгидан пайдо бўлаётган фонемаларнинг, чунончи жанубий Хоразм ва айрим қипчоқ шеваларида э фонемасининг юзага келиш имкониятларини гушунтириш, яъни бундай унлилар мазкур шева материали асосида унлилар таркибининг тарихий фонетик тараққиёти жараёнида ўзбек адабий тили таъсирида пайдо бўлганлигини аниқлаш;

ж) айрим ундошларнинг, масалан, шаҳар ва шаҳар атрофидаги кўпгина шеваларда р фонемасининг талаффузда ишлатилмаслиги сабабларини ечиб бериш;

з) у ёки бу унлининг лабланиш ва лабланмасликка мойил бўлишида ёнма-ён келган ундошларнинг қанчалик таъсир кўрсатишини белгилаш.

2-§. Шева, лаҳжа ва диалект

Ўзбек шевашунослигида мавжуд бўлган илмий адабиётларда, шева, лаҳжа ва диалект атамалари турлича маъноларда қўлланиб келмоқда. Бу атамаларнинг маъноси ҳам ҳар хил эмас. Чунки ўзаро баъзи фарқларга эга бўлган шевалар бирлашиб, лаҳжани ташкил қилади. Икки ёки бир неча лаҳжа биргаликда миллий тил асосига айланади. Шундай қилиб, шевалар бир-бирига жуда яқин ва ўхшаш бўлганликлари ҳолда, тилимизнинг энг кичик бўлагини ташкил қилади. Диалект атамаси кенг ва тор маънода қўлланилади. Бу жиҳатдан „лаҳжа“ атамаси ҳам „диалект“ га тенг келади.

Шева. У форсча сўз бўлиб, овоз, тил, сўзлашиш, олағ, йўсин, равиш каби маъноларни билдиради. *Шевалар* ўзбек тилининг ўзига хос фонетик, грамматик ва лексик хусусиятларга эга бўлган кичик бир қисми бўлиб, уларнинг жуғрофий ўринлари билан бир-бирларидан ажралиб туради. Масалан, ўзбек тилининг қорлуқ-чигил-уйғур гуруҳига кирувчи Тошкент, Андижон, Марғилон, Самарқанд, Бухоро, Каттақўрғон, Жиззах, Қариоб, Қарши, Паркент, Ургут сингари кичик тармоқлари шеваларни ташкил этади. Ёки қипчоқ гуруҳини ташкил этувчи минг, манғит, юз, сарғой, найман, қипчоқ, қорақалпоқ, хитой, жалойир, чигатой кабилар ҳам ўзбек тилининг энг кичик бўлаklarидандир. Шевалар ўзаро бирикиб, *лаҳжани* юзага келтиради. Лаҳжа ва шевалар ўзбек миллий тили таркибиде ўргани-

лади. Чунки ўзбек миллий тилининг қўлланилиш доираси кенгдир. Лаҳжа ва шевалар ўзбек адабий тили тушунчасига кирмайди. Бироқ, улар ўзбек тилининг қуйи шакли тармоқлари ҳисобланиб, ўзбек адабий тилини бойитиш учун хизмат қилади. Бу, айниқса, лексика бобида яққол кўзга ташланиб туради. Чунончи, ҳозирги пайтда адабий тилимизда ҳам „беда“ деб юритиладиган тўйимли озуқа қипчоқ лаҳжасини ташкил этувчи шеваларда „йўнғичқа“, „ўт“, „беда“ каби номлар билан юритилади. Демак, „йўнғичқа“ сўзини адабий тил меъёрига киритиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Яна „бўла“, „қиламиқ“, „бўтана“, „ўнгир“ сингари сўзларни ҳам адабий тил доирасида кенг истеъмол қилишни ўйлаб кўриш фойдали бўлиши мумкин.

Адабий тил меъёрларининг тобора такомиллашиб бориши, илм-фан ва маданият тараққиёти, санъат ривожини, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнатнинг тенглашиб бориши каби ижтимоий ҳодисалар билан узвий боғлиқ ҳолда шевалар ҳам аста-секин адабий тилга яқинлашиб боради. Аммо бу жараён узоқ муддатни ўзичига олади.

Лаҳжа. *Лаҳжа* аслида арабча сўз бўлиб, ифода, сўз, шева, овоз каби маъноларни ўзида мужассамлаштиради. Ўзбек шевашунослигида лаҳжа шеваларга асосий хусусиятларни ўзида бирлаштирувчи шевалар йиғиндисини билдиради. Бу эса лаҳжа атамасининг кенг маънода қўлланилишидир. Масалан, ўзбек тилининг қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси, қипчоқ лаҳжаси, ўғуз лаҳжаси.

Демак, лаҳжалар миллий тилнинг қуйи босқичи бўлиб, унинг йирик таркибий қисмларини ташкил этади. Лаҳжалар ўзининг грамматик қурилиши ва луғат бойлигига эга бўлиши билан ижтимоий жаргонлардан тубдан фарқ қилади. Лаҳжалар ўртасидаги фарқли томонлар фонетика, грамматика ва луғат таркиби доирасида ҳозирги вақтда ҳам яққол кўзга ташланиб туради. Лекин бу фарқлар кескин бўлмайди. Лаҳжа атамасининг баъзан тор маънода, яъни шева маъносида қўлланилиши ҳам учрайди. Масалан, *Водил қишлоқ лаҳжаси ҳақида бир неча сўз; ҳар ким ўз лаҳжасида гапиради* каби. Бу атама 1930 ва 1940 йилларгача ёзилган филологик адабиётларда ҳар иккала маънода ҳам кенг қўлланилган бўлиб, кейинги йилларда ёзилган шевашунослик ва тарихий асарларда ишлатилмаганли-

ги ёки кам даражада қўлланилганлиги маълум. Лекин кейинги вақтларда, хусусан, „Девону луғотит турк“ асарининг таржимасига (таржимон проф. Солиҳ Му-таллибов), проф. В. В. Решетовнинг ўзбек халқ шева-ларини келиб чиқиш жиҳатдан асослаб берган тас-нифларида „лаҳжа“ сўзининг яна фаоллашиб диалект маъносида, яъни у билан шаклдош сўз сифатида қўлла-нила бошланганлигини кўрамиз. Масалан, *тил ва лаҳ-жа орасида бўлган фарқлар, ўзбек тилининг қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси* каби, Бу эса маълум даражада „Девону луғотит турк“ ва шевашунослик соҳасига оид илмий тадқиқотлар материалларининг диалектларни тарихий ҳамда этник жиҳатдан текширишга бағишлан-ганлиги билан изоҳланади.

„Лаҳжа“ атамаси сўнги йилларгача бўлган турли луғатларда эскирган сўз сифатида қайд этилган бўлса, сўнги йилларда бундай белгисиз қўлланилмоқда. (Ма-салан, „Ўзбек тилининг имло луғати“ (1976), „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“ (1981) каби.

Диалект. Диалект лотинча сўз бўлиб, шевага нис-батан кенг маънода қўлланилади. Адабий тилдан ўзи-нинг баъзи бир хусусиятлари (фонетик, грамматик, лек-сик) билан фарқланадиган бирор умуммиллий тилнинг йирикроқ бўлагини *диалект* деб юритилади. Амалий ҳаётда эса ўзаро англашиш ва англашилмаслик ҳисоб-га олинади. Масалан, *ўзбек тилининг уғуз диалекти, қипчоқ диалекти* каби.

Демак, диалект тилнинг энг кичик бўлагини саналган шеваларнинг бир қанчасини ўз ичига олади, яъни у шевалар йиғиндисидан ташкил топади. Биз юқорида санаб ўтган қирқ, сарой, яллаорол, жўш, найман, қўн-ғирот, хитой, қипчоқ, қорақалпоқ, бахмал, минг, бур-кут каби шевалар бирлашиб, ўзбек тилининг қипчоқ диалектини ташкил қилади. Лекин баъзан диалект ата-масининг тор маънода, кўпинча шева маъносида қўл-ланилиши ҳам учрайди: *Тошкент диалекти, Фарғона диалекти* каби.

3-§. Ўзбек шевашунослигининг фан сифатида ташкил топиши

Туркий тиллар лаҳжаларини ўрганишга бўлган қи-зиқиш энг қадимги даврлардан бошланган. Ҳали, у вақтларда туркий халқлар вакиллари уруғ-уруғ ва қа-била-қabila бўлиб яшаб келар эдилар. Улардан қиби-

лалар иттифоқлари ва ҳалқлар шаклланади. Шунинг учун ҳам, Ўрхун-Энасой дарёлари ёқасидан топилган ёзма ёдгорликлар бошқа туркий халқлар билан биргалликда ўзбекларнинг ҳам энг қадимги ёзма манбаларидан деб қаралади. Бу ёзма ёдгорликлар ўзбек шевашунослиги тарихини ўрганиш учун ҳам муҳим бўлган бой материаллар беради.

Уларни ўрганишда „Қадимги туркий ёзма ёдгорликлари“ (1951), „Қадимги туркий тил“ (1982) каби асарларнинг аҳамияти каттадир. Улар илмий тадқиқотларни бажариш учун ҳам, олий ўқув юрғларида талабаларни ўқитиш учун ҳам бирдай қимматлидир. Чунки бу ёзма манбалар барча туркий халқларнинг, жумладан ўзбек тилининг ҳам, қадимги замонларда бой адабий тил анъаналарига эга бўлганлигини ва Ўрхун-Энасой ёзуви ҳозирги ўзбек тилининг ҳам қадимги ёзма ёдгорликларидан бири эканлигини кўрсатади. Биз бу ёдгорликлар орқали ҳозирги ўзбек шеваларидаги баъзи бир хусусиятларнинг ҳам қадимдан мавжуд эканлигини кўрамиз. Маҳмуд Кошғарий ўз даврининг улуғ олими сифатида уруғ-қабилаларнинг тилларини синчиклаб ўрганиди, бу кенг заминдаги она уруғларни, яъни йиркйирик уруғлар тилларини олиб текширди. У ўзи яшаган даврдаги қабилалар ва қabila иттифоқлари ҳамда уларнинг тилларини ўрганиш мақсадида шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ, яйловма-яйлов кезди ва уларга хос хусусиятларни аниқлаб чиқди.

Бу мураккаб жараёни машҳур олим ўз асарида алоҳида қайд этади: „Ҳар бир қабиланинг саноқсиз аллақанча уруғлари бор. Мен булардан асосийсини, она уруғларини ёздим, шохобчаларни ташладим“¹.

Алишер Навоий ўзининг сермазмун ва баракали ижоди билан ўзбек адабий тилини юқори поғонага кўтарди. Унинг шоҳ асарлари XV аср ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларини ақс эттирган бўлиб, ўзбек тили тарихини ўрганиш учун бой манба вазифасини ўтаб келмоқда. Унинг „Ҳамса“, „Муҳокамагул луғатайн“, „Мажолисун нафоис“, „Ҳазойинул маоний“, „Мезонун авзон“, „Лисонут тайр“, „Маҳбуул қулуб“ каби асарлари ўзбек адабий тили ва унинг ўзбек халқ ше-

¹ М. Кошғарий. Девону луғотит турк. Уч томлик. I том. Тошкент, Ўзбекистон ССР, ФА нашриёти, 1960, 64-бет.

валарига муносабати масаласини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ўзбек тили туркий тиллар ичида жуда кенг тарқалган тиллардан бўлиб, унинг туркология билан бир қаторда, умумий тилшунослик учун ҳам маълум аҳамияти бор. Ҳозирги Ўзбекистон ерларида мавжуд бўлган бир қанча шевалар ўзларининг фонетик, грамматик ва лексик хусусиятлари билан бир-бирларидан маълум даражада фарқ қилиб турар ва бу фарқлар фақат тилшунос мутахассисларгагина эмас, балки ҳар қандай оддий кишига ҳам сезилиб турар эди. Бундай хусусиятлар ҳозирги вақтда ҳам мавжуд.

Ўзбек халқ шеваларини ўрганишга қизиқиш ва унинг таснифи масалалари XIX асрнинг охиригача келиб, анча кенгая борди. Асримизнинг 20—30 йилларида эса бу ишлар анча жонланди. Бу соҳала Улуғ Турсунов, Ғози Олим Юнусов, Е. Д. Поливанов, Ҳоди Зарифов каби йирик олимларнинг хизматлари катта бўлди.

„Самарқанд шаҳар шевасининг ушлари“ (1928), „Самарқанд ўзбеклари тилининг намунаси“ (1935), „Ўзбек лаҳжалари таснифида бир тажриба“ (1935), „Луғат ҳамда термин тўпловчиларга қўлланма“ (1934) сингари шевашунослик талқиқоғлари худди ана шу даврнинг маҳули сифатида юзага келди.

1930 йиллардан бошлаб, Самарқанд вилояти шеваларини ўрганишга бағишланган кетма-кет экспедициялар ташкил этилди. Ана шу шевашунослик тажрибаларининг биринчи ташаббускори ва раҳбари ҳурматли устозимиз Улуғ Турсунов бўлган эди. Бу даврда Самарқанд шаҳри, унинг атрофи, Ургут тумани ва бошқа жойларда ўзбек шевалари хусусиятлари устида кўзатиш ишлари олиб борилди.

Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети илмий ходимларининг ҳам бу соҳада ҳиссалари бор. 50 йиллардан бошлаб, ҳар йили мунтазам равишда Самарқанд вилоятининг турли туманларига шевашунослик экспедициялари ташкил этиб келинади. Уларнинг натижалари тўплам ва журналларда бериб борилади. Самарқанд вилояти ўзбек халқ шеваларини ўрганиш ўзининг алоҳида тарихига эгадир.

1950 йилнинг ўрталарига келиб, шеваларнинг ўрганилиши доираси янада кенгайтирилди. Натижада Қарноб, Каттақўрғон, Пайшанба, Янгиқўрғондаги қорлуқ-

чигил-уйғур шевалари; Нарпай, Каттақўрғон, Хатирчи, Иштихон, Нурота, Ургут, Пастдарғом ва Самарқанд тўм иларидаги турли хил шевалар бўйича бой материаллар йиғилди. Самарқанд шевалари бўйича тўпланган материаллар асосида кўплаб илмий ишлар нашр этилди. Бу ишлар „Ўзбек тили ва адабиёти“, „Совет мактаби“, „СамДУ илмий асарлари“, „ТошДУ илмий асарлари“ каби турли журнал ва тўпламларда босилиб чиқди. Ушбу мавзуга бевосита алоқадор бўлган „Ўзбек диалектологияси курсидан материаллар“ (1962), „Ўзбек диалектологиясидан очерклар“ (1971), „Ўзбек тилининг ғарбий Самарқанд шевалари“ (1977), „Ўзбек халқ шеваларида феълнинг морфологик тузилиши“ (1990) каби очерклар, монографиялар ва қатор қўлланмалар нашр этилди.

Машҳур тилшунос олим В. В. Решетов ўзининг номзодлик диссертациясини ўзбек тилининг Марғилон шевасига (1940) ва докторлик диссертациясини Тошкент вилоятининг Қурама шеваларига бағишлади (1952). У биринчилар қаторида ўзбек лаҳжалари ва шевалари материалларини тўплаш учун транскрипцион белгилар тизимини ишлаб чиқди (1947). Унинг „Современный узбекский язык“ (1946), „Узбекский язык“ (1959), „Ўзбек диалектологияси“ (1962, ҳамкор) каби асарлари ўзбек шевашунослиги тараққиётига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Ўзбек шевашунослигига оид материалларни ёзиб олиш ва уларни кенг таҳлил этиш ҳозирги вақтда ҳам кенг кўламда олиб борилмоқда. Ушбу соҳада Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари жамоалари катта меҳнат қилмоқдалар.

4-§. Ўзбек шевашунослигининг бошқа фанлар билан алоқаси

Тилда шеваларнинг мавжудлиги қадим замонларда ҳам маълум эди. Дастлабки даврлардан бошлаб шевалар устида кузатишлар олиб борилган. Ўзбек шеваларини ўрганиш тарихи „Девону луғотиг турк“ билан чамбарчас боғлиқдир. Алишер Навоий асарларида шеваларга хос хусусиятлар ўзининг аниқ ифодасини топган. Лекин уни ўрганишга бўлган қизиқиш XIX асрнинг охириларидан янада жонлана бошлади. Ўзбек шевашунос-

лигининг фан сифатида тўла шаклланиши асримизнинг 20—30-йилларига тааллуқлидир. Ўзбек шевашунослиги бошқа бир қатор фанлар билан мустақкам алоқада ўрганилади.

Ўзбек халқ шевалярини тарихий ёзма ёдгорликлар билан қийёсий ўрганиш ўзбек тили тарихининг тараққиёт йўлларини ўрганишининг муҳим омилидир. Чунки, шевалярда халқ тилининг кўп бойликляри сақланиб қолган бўлиб, уларнинг кўпи ёзма ёдгорликларда ўз аксини топмаган бўлади. Ўзбек халқ шевалярини кенг доирада режали асосла ўрганиш, ўзбек тили тарихининг тараққиёт йўлларини ва унинг тарихий грамматикасини яратишда ёзма ёдгорликлар билан тенг даражада баъзан эса устивор аҳамиятга эга бўлиши, шубҳасиздир. Илгари ўз ёзувларига эга бўлмаган халқларда эса шева материалляри биринчи даражали ва ягона манба ҳисобланади. Фақат шеваляр асосида ёзувга эга бўлган тиллар тарихини ёритиш ва уларнинг тарихий грамматикасини тузиш мумкин. Чунки ўтган даврлар товуш таркибини аниқлаш учун ёзма ёдгорликлар ҳамма вақт ҳам ишончли материал беравермайди. Тарихий грамматика учун энг ишончли ва муҳим материал олинадиган асосий манба—бу, ялбатга, жонли шеваляр ҳисобланиши эътирозга сабаб бўлмайди.

Ўзбек адабий тили имлосини мукамалроқ ўрганиш, атамалар танлаш ва тўғри талаффузини яхши эгаллаш учун ҳам ўзбек халқ шевалярини ўрганишининг аҳамияти каттадир. Кўпгина увли ва ундошлар, грамматик шакллар, сўз ясовчи қўшимчалар ҳамда бошқа шулар каби тил фактляри ва материаллярининг адабий тилимизга олинлишида қайси шеванинг қанчалик ҳиссаси бўлганлигини шевалярни етарли даражада ўрганмасдан туриб, тасаввур қилиб бўлмайди. Умуман, лаҳжа ва шеваляр ҳозирги вақтда ҳам адабий тилни бойитадиган манбалардан ҳисобланади. Ўзбек миллий тилининг шаклланиш жараёни ва унинг даври ҳам фақат шева материаллярини атрофлича ўрганиш орқали аниқланиб борилади.

Ўзбек халқ шевалярини ўрганиш бадний асарлар тилини тўлиқ ва кенг ўзлаштириш учун катта аҳамиятга эга ёзувчилар ўз асарлярини яратар эканлар, шевалярда мавжуд бўлган шакл ва атамалардан кенг фойдаланадилар. Бу эса асар қаҳрамонляри учун ўзига хос

харак ер ва тил яратиш, уларнинг ички табиатини очиб беришда салмоқли ва асосий ўрин тутди. Баъзи вақтларда муаллифларнинг ўз нутқида ҳам шева материаллари учрайди. Бу бежиз эмас. Чунки маълум бир заминда яшовчи аҳолининг турмуши, урф одаги, машғулоғи табиат манзараси, ер сатҳи кабиларни изоҳлашда муаллиф маҳаллий кишиларнинг нутқи учун хос бўлган сўз ва иборалардан фойдаланмасдан иложи йўқ.

Маълумки, Алишер Навоий асарларининг тили қарлуқ-чигил-уйгур гуруҳига кирувчи шевалар тилига, айниқса Анлижон шевасига, яқин келади. Ҳатто шоир асарларидан бир неча аср олдин юзага келган асарлар ҳам ана шв гуруҳга мансуб қабила тилларида ёзилган, Масалан, Юсуф Хос Ҳожибнинг „Куталғу билиг“ номли йирик асари чигил қабиласи тилида ёзилган. Бу эса чигил қабиласи тилига асос бўлади. Ўзбек халқ шеваларининг ўрганиш натижасида адабиёт тарихи ва халқ оғзаки ижодиётига тааллуқли кўпгина қимматли материалларга эга бўлиш мумкин. Чунончи, бундан қарийб ўн аср илгари майдонга келган Маҳмуд Қошғарийнинг „Девону луғотит турк“, Юсуф Хос Ҳожибнинг „Куталғу билиг“ асарлари ўзбек адабиёти тарихи, ўзбек шевашунослиги ва тил тарихи учун ҳам энг зарур манба бўлиб хизмат қилди. Шевашунослик фани соҳасида етарли маълумотга эга бўлиш ҳар бир ёзувчи, шоир ҳамда драматург учун сув ва ҳаво сингари зарурдир.

Маҳаллий лаҳжа ва шевалар хусусиятларини яхши билган шоир, драматург ва ёзувчилар асар қаҳрамонининг билич савияси, маданият арваси, унинг адабий тилда яхши гаплаша билиши ёки уни етарли билмаслиги, қайси шевада гапириши, машғулоғи кабилар тўғрисида узундан-узоқ тушунтиришлар ва изоҳлар бериш йўли билан тасвириаб ўтирмасдан, шу умумий хусусиятларнинг ҳаммасини бир хусусият орқали. яъни персонаж тилида қўлланиладиган шева орқали очиб бериши мумкин.

Муқимий, Фурқат, Абдулла Қодирий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Ҳамид Олимжон, Фафур Ғуллом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Мирзақалон Исмоилий, Комил Яшин каби санъаткорлар ўз асарларида ўзбек тили бойликларидан яхши фойдаланганликлари ўқувчиларнинг диққатини ўзига жалб этади. Шунинг учун ҳам бу асар-

лар китобхонларнинг қўлидан тушмайдиган сеvimли асарларга айланиб қолган.

Ўзбек шоир-ёзувчилари асарларидан баъзиларини қайл этиш ўринлидир. Масалан, Абдулла Қаҳҳорнинг „Қўшчинор чироқлари“ романи ва „Синчалак“ қиссаси Фарғона шеваларига хос хусусиятлар, Ойбекнинг „Қутлуғ қон“, „Олгин водийдан шабадалар“ романларида Тошкент ва уларга ўхшаш шеваларнинг хусусиятлари; Мирзакалон Исмоилийнинг „Фарғона тонг отгунча“ романида Фарғона шеваларининг ўзига хос белгилари; Жвманиёз Шариповнинг „Хоразм“ романида жанубий Хоразм шеваларининг хусусиятларидан фойдаланиб иш кўрилган.

Ўзбек шеваларини ўрганишнинг халқ оғзаки ижодини ўрганиш учун ҳам аҳамияти каттадир. Бу икки фан бир-бири билан узвий боғлиқдир. Чунки бой халқ оғзаки ижоди. қаҳрамонлик эпослари ўзбек халқининг миллий ғурури бўлиб, уларнинг кўпларини айтиувчилар (бахшилар) қипчоқ шевалари вакиллари дидир. Бу халқ бойликларини ёзиб олиш ва қайта ишлашда уларнинг нутқларига хос томонларни ҳисобга олмасдан иш кўриш қийин. Вазифа—бу икки фан—ўзбек шевашунослиги ва халқ оғзаки ижодини ўрганишни кучайтириш, уларнинг узвий алоқасини янада мустаҳкамлашдан иборат.

Шевалардаги маълумотлар кўпгина ҳолларда тарих фани учун ҳам муҳим материал бўлиб хизмат қилади. Чунки тарихий тараққиёт жараёнида халқларнинг ўзаро қўшилиб ва ажралиб туришлари, қаерларда яшаганликлари, қўшни уруғ-қабилалар ва халқлар билан бўлган муносабатлари маълум даражада шеваларда ўз аксини топган бўлади.

Ёзма ёдгорликларда тарихий тараққиёт жараёнининг маълум даврларигина акс этгани ҳолда, шевалардан эса тарихнинг ҳамма даврларига хос бўлган кўпгина ҳодиса ва воқеалар ҳақида тегишли маълумот топиш мумкин. Далил тариқасида қуйидаги мисолни келтирсак бўлади. Масалан, Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги қарнобликлар шевасидаги хусусиятлар Тошкент шевасига ўхшаш бўлиб, унга жуда ҳам яқиндир. Улар бир турдаги шевалар бўлиб, таснифда бир гуруҳни ташкил қилади. Лекин ҳозиргача қарнобликларнинг тошкентликлар билан қандай алоқаси борлиги ҳақида

аниқ тарихий маълумотни учратмаймиз. Шунга қарамасдан, ҳар иккала шевани яхши билган тарихчилар улар учун умумий бўлган тил хусусиятларини асос қилиб олган ҳолда, Тошкент ва Қарноб шеваларининг бир-бирларига яқинлиги, шеваларла сўзлашувчи аҳолининг эса қадимий тарихга эга эканлиги ҳақида илмий хулосалар чиқариши ва бу соҳани янги тарихий фактлар билан исботлаши мумкин. Ҳақиқатан ҳам, қарнобликлар энг қадимги тарихга эга. Ҳозирги Тошкент ва Тошкент туридаги шевалар Қарноб шеваси ва Фарғона водийсидаги ўзбек шеватари ана шу қорлуқ, чигил каби қабилаларнинг тилига шевасига бориб тақалли¹.

Академик В. В. Бартольднинг фикрига қараганда, XI асрнинг охирларида Мовароуннаҳрда ҳаёт кечирувчи чигиллар ўтроқ аҳоли ҳисобланган. Самарқанд хонлиги қўшинлари саркардаси чигиллардан иборат бўлган.

Тарих фанининг ажралмас бир қисми ҳисобланган археология шевашунослик материалларининг бир-бирини ўлдириши ҳамда бойитиши учун хизмат қилади. Археологлар турли хил шаҳар, қишлоқ, қўрғон қабиларни текшириш орқали қадимдан сақланиб қолган турли хил қолдиқларни топиш ва текшириш йўли билан уруғ-қабилаларнинг яшаган жойлари ва вақтларини аниқлайдилар. Шунингдек, уларнинг текширишлари қўшни қардош халқлар вакилларига бўлган муносабатни ойдинлаштиришга ҳам ёрдам беради. Бу соҳада ўзбек археологиясининг йирик намояндалари Яҳё Гуломов, Аҳмадали Асқаров қабиларнинг хизматлари алоҳида диққатга сазовордир. Ўз навбатида, шевашунослик материаллари кўпгина археологик масалаларга аниқликлар киритилишига ёрдам беради. Қисқаси, шевашунослик ва археология фанлари бир-бири билан узвий боғлангандир.

Шевашунослик материалларида халқнинг молдий маданияти, урф-одатлари ва ўтмишига оид жуда кўп сўзлар, атама ва иборалар сақланиб қолган бўлиб, уларни ўрганиш этнография фани учун катта ишончли манба бўлиб хизмат қилади. Шевашунослик ва этно-

¹ Ражабов Н. Қарноб ва қарнобликлар ҳақида. — Ўзбек тили грамматик қурилиши ва диалектологиядан материаллар. Тошкент, Фан, 1966, 85 - 91-бетлар.

графия материаллари бир-бирларини тўлдириш, бойи-тиш ҳамда баъзи умумий илмий хулосалар чиқариш имконини беради. Масалан, ҳозирги вақтда ўзбек шеваларининг турли вакилларида бош кийимларнинг ишлатилишини олиб кўрайлик. Фарғона водийсидаги ўзбек шевалари вакилларида, асосан, дўппи кийиш расм бўлиб қолган Улар, ҳатто, совуқ вақтларда ҳам телпакдан кам фойдаланадилар. Зарафшон водийси, Қашқадарё ва Сурхондарёда яшовчи ўзбек шевалари вакиллари дўппи кийиб юрадилар, совуқ тушиши билан телпак кийишга ўгадилар. Бундай ҳолларнинг зиёлилар учун ҳам хос хусусият эканлигини қайд этиш мумкин. Ана шу бош кийимнинг турлича ишлатилишига қараб, уларнинг ўтмишда қандай касб билан машғул бўлганликларини, шеваларини аниқлаш мумкин.

Ёки этикдан фойдаланишни мисол тариқасида олиш мумкин. Мамлякатимизнинг ҳамма жойида ҳам илгари этик кийиш расм тусига кириб қолган эди. Кейинчалик, унинг шакли ўзгарди. Лекин Фарғона водийсида бу ҳол кўпроқ сақланиб келди. Бу эса Фарғона водийсидаги ўзбекларнинг ўтмишда ҳам этикдўзликни асосий касблардан бири деб ҳисоблаганликлари (эҳтимол, бошқача шаклларда бўлгандир) ва узоқ йиллардан бери ўтроқ ҳаёт кечириб келганликлари билан изоҳланади.

Шундай қилиб, ҳар бир шевашунос этнограф, этнограф эса ўз навбатида шевашунос бўлиши керак. Ўзбек олимларидан Яҳё Фуломов, Ҳоли Зарифов, Аҳмадали Асқаров, Мавлон Жўрақулов кабиларнинг ишлари фикримизнинг далили бўла олади.

Агар шевашунослик амалий ҳаёт билан мустаҳкам боғланса, у ҳолда мактаб ўқувчилари нутқида учровчи шевачиликка хос хусусиятларни тугатиш учун қулай йўл очилади. Она тили ва адабиёт, шунингдек, бошқа фанлардан дарс берувчи ўқитувчилар ҳам, ёш авлодни тўла саволхон қилиб тарбиялаши учун шевашуносликни, айниқса, ўзлари яшаб, ишлаб турган жойдаги шеваларни жуда ҳам яхши эгаллаган бўлишлари, уларни ҳисобга олган ҳолда иш кўришлари керак. Шевачилик хусусан, қишлоқ шевачилиги шароитида, имло бўйича муваффақиятли иш олиб бориш ва ўқувчиларни ҳар бир воқеани атрофлича тушунувчи онгли кишилар қилиб тарбиялаш учун мактаб ўқитувчиси таълим тарбия, руҳшунослик, услубият каби фанлар билан бир қаторда, тилшунослик бобида, айниқса, шева-

шунослик соҳасида етарли даражада билимга эга бўлиши талаб қилинади. Ҳукуматчи ва ўқувчилар нутқидаги хатолар ўз хусусияти жиҳатидан хилма-хил бўлиб, турли шаклларда учрайди. Айниқса, уларнинг оғзаки ва ёзма нутқларида шевачиликка хос бўлган имло хатоларга йўл қўйишлари, шева учун хос сўзлар ва грамматик шакллارни ишлатишларида кўзга чалиниб туради. Шунингдек, шевачиликка хос хатолар ўқувчиларнинг концепт, ишро ва бошқа шаклдаги ёзма ишларида ҳам учраб туради.

Шуни айтиш керакки, бундай шева хусусиятлари айрим талабалар нутқида ҳам учрайди, ҳатто, бундай хусусиятларни педагогик амалиёт вақтида мактабда дарс ўтаётган талабалар нутқида ҳам учратиш мумкин. Бундай ҳодисалар айрим илмий ходимлар жумладан филологлар нутқида, театр сахна иди, радио ва телекўрсатув эшиттиришларида ҳам содир бўлиб туради.

Шевачилик хусусиятлари ўтган мавзуларни такрорлаш, ўқувчилардан сўраш, ёзма ишлар ёздирish, улар билан ўтказилган ўзаро суҳбатлар, турли йиғилишлар асосида бартараф этиб борилади. Ўқувчиларга адабий тил меъёрларини пухта сингдириш уларнинг билим савиясини ошириш ва саводхон қилиб етиштиришда шевашунослик тўғрисида ташкил қилиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бу тўғрисида асосий мақсад ва вазифаси ўқувчиларни адабий тилда тўғри сўзлашга ўргатишдан иборатдир. Бундай тўғрисида ҳали ҳам оммавий равишда ташкил этилиш тусига кирганича йўқ. Вазифа бундай тўғрисида ҳар бир мактабда ташкил этилишига эришишдан иборатдир. Бу ишда она тили ва адабиёт ўқитувчилари ташаббускор бўлишлари лозим. Луғат тахталарини ташкил этиш ҳам барча мактабларда амалга оширилиши айни муддаодир. Луғат тахтасида шевага хос сўзлар мунтазам ёзиб борилади.

5-§. Лингвистик география. Лингвистик география ҳақида қисқача маълумот

Лингвистик география тил ҳодисаларининг тарқалиш ўринларини, уларда тарихий тараққиёт жараёнида юз берган ўзгаришларни ўрганиш учун хизмат қилади. Масалан, туркий тиллар географияси ҳақида сўз кетганда, тил эгаларининг тарих тақозоси билан муайян

Ўзгаришларни ўз бошларидан кечиришлари, турли жойларла кўчиб юришлари ва ҳозирги вақтда ўтроқлашиб қолиш сабабларини ўрганиш тушунилади. Жумладан, Туркиядаги аҳолининг қадимда Туркистонда, яъни Сирдарё бўйларида яшаб, сўнгра ҳозирги заминга кўчиб келганликлари ва муқим ҳаёг кечиришга ўтиб қолганликлари, ҳифлларнинг ҳам тарихан туркий халқлардан бўлиб, эрализгача бўлган даврнинг охирилари ва эрализнинг бошларида заминимиздан, жумладан Мовароуннаҳрдан кўчиб бориб, ҳозирги жойларида — Венгрия, Болгария каби Болқон давлатлари ерларида ўтроқлашиб қолганликлари фикримизнинг далилидир.

Лингвистик география лаҳжа ва шеваларни ўрганишда ҳам аҳамиятлидир. Чунки уларнинг тарихий тараққиёт йўлларини белгилашда, фонетик, грамматик ва лексик хусусиятларини ўрганишда халқ тарихи ва тил тарихи билан уларнинг тарқалган жойлари билан узвий боғлиқ ҳолда олиб текширилади. Масалан, ўзаро умумий хусусиятга эга бўлган Тошкент, Паркент, Пискент, Қарноб каби шеваларнинг ёки жинубий Хоразм, шимолий Бухоро, Форш-Богдон, шимолий ўзбек шевалари вакиллари қабиларнинг турли жойларда ўтроқлашиб қолиш сабаблари, улардаги умумий тил хусусиятлари, тарихи қабиларни ҳисобга олиш ва ўзига хос гомонларини асос қилиб олиб, уларнинг хариталарини чизиб бериш ҳамда лингвистик атласини яратиш муҳимдир. Бундай ишларнинг амалга оширилиши кўрағамли тавсифий қурол воситасини ўтайди.

Тилларнинг, жумладан уларнинг қуйи тармоқлари ҳисобланган лаҳжа ва шеваларнинг ҳозирги вақтдаги тарқалиш ҳолати турли селилар билан кўрсатилади. Ана шундай белгилар билан тил ёки лаҳжанинг жойлашган ўринлари ифодалаб берилишига умумий лингвистик географияда юнонча „изогласса“ деб юригилади ва бир хил, ўхшаш, тенг каби маъноларни билдиришга хизмат қилади. Бунда фонетик, грамматик ва лексик хусусиятларни аниқ кўрсатиш учун ҳар хил белгилар ишлатилади.

Қисқаси, лингвистик география лаҳжа ва шеваларнинг тарихий тараққиёти йўлларини аниқроқ белгилашга, уларда сўзлашувчи халқларнинг ҳозирги жойларда ўтроқлашиб қолиш сабабларини, гуруҳларга алоқадорлигини, тил тарихи ва халқ тарихи билан алоқаси-

ни тўлароқ аниқлашга, улар тўғрисида ишончли маълумотлар беришга хизмат қилади.

6-§. Лингвистик географиянинг ўрганилиши тарихидан

Туркий тиллар географияси маълумотлари Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий, Ғози Олим Юнусов, А. К. Боровков, Улуғ Гурсунов, В. В. Решетов, Собиржон Иброҳимов, Шоназар Шоабдурахмонов, Болта Жўраев, Абдуғани Алиев, Ҳисом Ғуломов, Худойберди Цониёров, Аъзам Шерматов, Азиз Жўраев, Мустақим Мирзаев, Карим Назаров сингари зукко олимларнинг номлари билан боғланган. Улар ўзбек халқ шевалярини ўрганиш, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ёзиб олиш, таҳлил этиш ва уларни хариталарга тушириб, шеваляримиз атласининг юзага келишига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Лекин бир қатор қимматли ишларнинг юзага келганлигига қарамасдан, ҳали ўзбек халқ шевалярининг атласи ниҳоясига етказилган эмас. Бунинг асосий сабаби Ўзбекистон Республикасида ягона шевашунослик марказининг бир неча йиллар ўз ишини сусайтириб юборганлиги билан изоҳланади. Ҳагто, шеваляларнинг ўрганилиши аҳамиятини тушуниб етмаган раҳбарлар ҳам бўлди. Бунга Ўзбекистон ФА Тилшунослик институтида шевашунослик бўлимининг тарқатиб юборилиши, олий ўқув юртларида ўқитиладиган ўқув соғлавларининг анча қисқартирилганлиги, унинг иккинчи даражали фан қаторига тушириб қўйилганлиги, курс ишлари ёзишнинг бекор этилганлиги кабиларни мисол сифатида эслатиб ўтиш ўринlidir. Шунингдек, сўнгги 20 йил ичида шевашунослик бўйича етук мутахассислар тайёрлашга ҳам аҳамият берилмай қўйди. Жумладан СамДУ да шу даврда ўзбек шевашунослигидан аспирантурага деяли жой ажратилмади.

Ҳозирги вақтда малакали мутахассислар билан таъминланган шевашунослик марказини ташкил этиш, унинг фаолиятини жонлантириш, сўнгра вилоятларда айрим лаҳжалар бўйича шева материалларини тўплаш ва уларнинг хариталарини жамлаб, атласини тузиб чиқиш муҳим вазибалардан биридир. Айрим вилоятлар ва гуруҳ шеваляри юзасидан шевашунослик лугатларини тайёрлаш ҳам олимляримизнинг кечиктириб бўлмайд

диган вазифаларидан ҳисобланади. Бунинг учун Ўзбекистон ФА Тилшунослик институти, ТошДУ, СамДУ ва бошқа олий ўқув юртларининг алоқаларини мустаҳкамлаш зарур.

Фонетика бобида қуйидагиларни қайд этиш лозим: Тошкент ва у билан яқин хусусиятли шеваларда ҳ ва х ундошларининг ўзаро аралаш ҳолда келиб, кўпроқ ҳ ундоши ўрнида ҳам х ундошининг ишлатилиши ва баъзан аксинча ҳолагнинг юз беришини ҳисобга олиш лозим (*Фарҳод—Фарход, хизматчи - ҳизматчи, шоҳ—шоҳ* сингари), Андижон шеvasида эса, аксинча, х ундошининг айрим ҳолларда ҳ ундоши билан қўлланилиши кўзга ташланади (*халқ - ҳалқ*). Қипчоқ лаҳжасини ташкил этувчи шеваларда (жумладан, Булунғур, Ғаллаорол, Бахмал шевалари каби) х ундоши қ ундоши билан алмашилиб қўлланилиши хосдир (*хотин—қатин, хат—қат* сингари). Пастдарғом, Нуробод, Ғўзалкент сингари туманларда яшовчи қипчоқ шевалари вакиллари нутқида эса қ ундошининг к ундошига ўгиши умумий фонетик хусусият саналади (*қари—кәри, Қодир—Кәдир* ва бошқалар).

Ёки морфологиядан аниқ ҳозирги замон феълини ҳосил қилувчи қўшимчанинг шевалараро тарқалишини олиб кўрайлик. Тошкент, Паркент, Пискент, Қарноб сингари шеваларда -вэ т (*кэвэтити, гэлъэвэтитъ* каби), Самарқанд—Бухоро гуруҳини ташкил этувчи шеваларда-э п (*йубэрэпти, йэвэпти* сингари), Марғилон, Қўқон, Жанубий Фарғона, Андижон, Жиззах, Каттақўрғон турндаги шеваларда -йә л (*йилэйәптә, корйәптә* каби), Наманганда -в у т > у т (*кәлувуттә, айтуттә* сингари) шаклларда ишлатилади.

Жўналиш ва ўрин-пайт келишкларининг қўлланилишида ҳам ўзига хос томонлар кўзга ташланади. Жумладан, -га ва -да Самарқанд—Бухоро шеваларида аралаш ҳолда келиб, кўпроқ-га қўшимчаси билан қўлланилади (*ишда бэр пти, Регистонга қизик тамашэ бол пти, уйда кетаман* сингари), Каттақўрғон, Пайшанба, Янгиқўрғон шеваларида ҳам бу наки келишк қўшимчаси алмашилиб келиши учрайди (*Кәрәмнэ пәркәйэ коррәм, в шәҳәрғә йүргәндә*).

Лексикада ҳам муҳим томонлар мавжуд: чивин, сийир, бузак, ийэк, ишхана (қипчоқ шеваларида): пашша, инак, тэвушқән, госала, манах (Самарқанд-Бухоро) каби.

Шундай қилиб, бир тил ёки унинг бир қисмига та-аллуқли ўзига хос тил хусусиятларининг ёзиб олини-ши, уларнинг тарқалган чегаралари белгилаб чиқилиб, хариталарга туширилиши шевашунослик атласининг негизини ташкил этади. Шу асосда нашр этилган ха-риталар жами эса шевашунослик атласини ташкил қи-лади.

Лингвистик харита ҳам, атлас ҳам лингвистик геогра-фиянинг таркибий қисми бўлиб, унинг ифода воситаси-дир. Уларни бир-биридан ажраган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Лингвистик географиянинг асосий мақ-сади тил ва лаҳжаларнинг тараққиёт қонунларини, йўл-ларини ва уларнинг ўзаро муносабатларини, таъсир доирасини аниқлаб беришга қаратиландир.

7-§. Лаҳжаларнинг бошқа тил категорияларига муносабати Миллий тил ва маҳаллий лаҳжалар

Тиллар ўзаро ҳамкорлик, бир-бирини бойитиш йўли билан ривожланиб келмоқда. Фақат қардош туркий тил-лар эмас, балки бошқа тиллар ҳам бир-бирларини бо-йитиши, бир-бирларидан озиқланишига турли йўللار билан ҳаракат қиладилар. Худди шу сабабли она ти-лимизга турли тарихий даврларда сўзлар, атамалар ва улар таркибида қўшимчалар, грамматик хусусиятлар ўзлашган. Ўз навбатида ўзбек тилининг бошқа тиллар-га самарали таъсири борлиги сезилиб туради. Чунки Абдулла Қодирий айтганидек, „Тиллар бир-бирларидан қарз олмасдан яшай олмайди“.

Мовароуннаҳрдаги энг қадимги халқлардан бири ҳисобланган ўзбеклар ўзининг кўп асрлик ҳаёти даво-мида бой адабиёт ва маданиятни вужудга келтирди. Улар ўзининг она тили— ўзбек тилини асрлар давоми-да ардоқлаб ва тараққий эттириб келди. Ўзбек тили ҳамда унинг лаҳжа ва шевалари жамият тараққиёти тўғрисида вақт утиши билан ўзгариб, тараққий этган ва турли шаклларга эга бўлиб келган. Бунинг тараққи-ётининг сўнгги даврларида вужудга келган миллий тил-га ҳам бевосита алоқадордир.

Миллий тилнинг шаклланиб етиши феодализмнинг емирилиши ва капитализмнинг юзага келиши билан боғлиқ бўлса ҳам, унинг унсурлари узоқ вақтлар шакл-ланган ва ривожланиб келган.

Тарихий маълумотларнинг далолат беришича, ўзбек-лар VI асргача уруғ-уруғ бўлиб яшаганлар. Уруғчилик

даври кишилик жамиятининг кичик, оддий ва бошлан-
ғич уюшмаси саналар эди. Шу билан бирга, бу давр-
ларда қабиллага хос белгилар ҳам пайдо бўла бошлаган.
Ўзбеклар VI—IX асрларда эса қабилла-қабилла бўлиб
ҳаёт кечирганлар. Бу қабилаларда қабилалар иттифо-
қига хос бўлган кўпгина белгиларнинг шаклланганли-
ги маълум. Ўша тарихий даврларда қабилаларнинг
ҳар бири ўзларига хос тилларга эга бўлган. Ҳар бир
лаҳжа моҳият эътибори билан бир қабиланинг тили
бўлиб хизмат қилган. Қадимги замонларда аждодла-
римиз уруғ-уруғ, қабилла-қабилла бўлиб ҳаёт кечирар
эканлар, улар бошқа уруғлар ва қабилалардан фарқ
қилувчи ўз тилларига эга бўлганлар. Қабилаларнинг
кейинчалик бир-бирлари билан аралшиб, қўшилиб «е-
тишлари натижасида уларнинг тиллари ҳам аралшиб,
қўшилиб кетган. Бу, аввало, қабилалар иттифоқлари
тиллари ва сўнгра халқ тилининг шаклланишига олиб
келган. Бу ўз навбатида ўзбек адабий тили, сўнгра
миллий тилнинг шаклланиши ва тараққиёти жараёнини
белгилаб берди.

Шунга мувофиқ, ўзбек тилининг пайдо бўлиши ва
ҳозирги ҳолатга етганига қадар бизнинг ота-боболари-
миз ўзларининг уруғлар, қабилалар, қабилалар итти-
фоқлари ва халқ тилларига эга бўлиб, улардан алоқа
воситаси ва кураш қуроли сифатида фойдаланиб кел-
ганлар. Жамиятнинг ўша тараққиёт босқичларига қа-
раб бу тиллар аждодларимизнинг талабларини қондир-
ган ва жамият тараққиёти ҳамда шароит талабларига
кўра ўз ички қонуниятлари асосида секинлик билан
ривожланиб келган. Ана шу тараққиёт жараёнининг
давоми сифатида ўзбек адабий тили вужудга келди ва
ривожланди, сўнгра ўзбек миллий тили шаклланди.

Миллат ва миллий тиллар ҳар бир мамлакатда ҳар
хил шароитда юзга келишидан қатъи назар, улар умум-
мий хусусиятларга эгадир. Капитализм белгиларининг
пайдо бўлиши ва кенг кўламга эга бўлиб бориши би-
лан миллат ва миллий тил шаклланган. Лекин уларла-
ги унсурлар капитализмдан аввал, яъни феодал тузум
даврида куртак ёя бошлаган. Бу эса миллат ва мил-
лий тиллар феодализмнинг емирилиши ва капитализм-
нинг пайдо бўлиши билан шаклланади деган маънони
беради. Миллий тил миллатнинг ўзига хос муҳим бел-
гиларидан бирини ташкил этади ва миллатнинг ҳамма
аъзолари учун баб-баравар хизмат қилади. У умумхалқ

томонидан яратилади ва узоқ тарихий жараён давомида сўз усталари, шоир-ёзувчилар, тилшунос, адабиётшунос, матбуот ходимлари ва умуман зиёлилар ва бошқа илор тоифалаги кишилар томонидан қайга-қайта ишланади, бир қолипга солиниб ихчамлашадн ва силлиқлашиш бораверади.

Ўзбек миллати ва миллий тилининг ташкил топшиш жараёни XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларига гўғри келади. Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб Мовароуннаҳрда миллат ва миллий тилининг юзага келишига замин ҳозирланди. Чунки Ўзбекистонда амалда феодаал тарқоқлиги барҳам топди, хонликлар (Хива, Бухоро, Қўқон хонликлари) тугатилди. Бу ўз на батада ижтимоий-иқтисодий замин бирлигини таъминлашда асосий аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон ва умуман Мовароуннаҳрга темир йўл ўтказилиб, халқлар ўртасидаги алоқа анча кенг даражада ёйила бошлади. Ўзбекистонда пахта етиштиришни ривожлантириш ва шу билан бевосита боғлиқ ҳолда пахта ва ёғ заводлари сингари саноат тармоқлари вужудга келтирилди.

Ўтган аср 70-йилларидан бошлаб ўлкада босма дастгоҳ ташкил этилди ва газета, журнал ҳамда китоблар нашр этила бошланди. „Туркестанские ведомости“, „Вақт“, „Ойна“, „Шўро“, „Турон“, „Садойи Фарғона“, „Кенгаш“, „Самарқанд“, „Хуррият“ каби газета ва журналлар шулар жумласидандир.

Шарқшунос олимлар ўз асарлари билан фаннинг турли тармоқларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшдилар. Ўзбек миллий тилининг шаклланишига замин ҳозирлашда Муқимий, Фурқат, Завқий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қолирий, Фитрат, Чўлпон каби шоир ва ёзувчиларнинг ғоят катта хизматлари бўлганлигини қайд этиш лозим. Бу соҳада Э. Бертельс, Е. Поливанов каби олимларнинг ҳам ҳиссалари бор.

Шундай қилиб, XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Марказий Осиё жумлалан, Ўзбекистонда хўжалик, маданият ва адабиёт соҳаларида бирмунча ўсиш ва ривожланиш кўзга ташланди.

Гарчи ўзбек элати чор мустамлакачилиги даврида ишлаб чиқариш кучларининг бирмунча ривожланиши, саноат корхоналарининг пайдо бўлиши, қишлоқларда пахта етиштириш заминида товар муносабатларининг кенгайиши, шаҳар ва қишлоқ ўртасида меҳнат тақси-

мотининг кучайиши натижасида миллий шаклланиш йўлига қадам қўйган бўлса-да, аммо унинг айрим таркибий қисмлари ўртасидаги этник тафовутлар ҳали кучли эди.

Шунинг учун ўзбеклар бу даврда бир бутун миллат бўлиб уюша олмадилар. Бу муҳим ишнинг тўла амалга ошиши XX асрнинг биринчи чорагида ниҳоятга етди. Ўтказилган миллий чегараланишлар (1924) натижасида ўзбек халқи ўзининг аниқ замин бирлиги ва янги миллий давлатига эга бўлди. Ўзбекистонда ўтказилган ер-сув ислоҳоти ҳам (1925) ўзбек миллати шаклланишининг мустақамланиши ва феодал қолдиқларининг тугатилишида муайян аҳамиятга эга бўлди. Натижада, ўзбек миллати ва унинг миллий тили шаклланди, ўз тараққиётининг янги босқичини давом эттирди. Ўзбек миллий тили ўзбек халқининг асосий алоқа воситаси ва турмуш зарурияти сифатида ўз вазифасини ўтаб келмоқда.

Ўзбек миллатининг ташкил топиш жараёнида унинг миллий тилига Тошкент-Фарғона ёки кенг маънода айтганда, қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси асос бўлди. Қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси дейилганда, шаҳарларга (Тошкент, Фарғона, Марғилон, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Жиззах, Каттақўрғон каби) оид шевалар тушуниларди.

Демак, ўзбек миллий тили тарихий жиҳатдан аниқ шевалар асосида шаклланган. Аммо тил узоқ яшовчан бўлганлиги ва ўзининг ички қонунлари асосида секинлик билан тараққий этиши туфайли ўзбек лаҳжа ва шевалари ўзаро анчагина фарқларга эга. Лекин бундан ҳар бир лаҳжанинг умумхалқ тили ва бошқа шевалардан грамматик қурилиши ва луғат бойлигидан бугундай ажралиб турган махсус грамматик қурилиши ва луғат бойлиги бор экан, деган хулоса келиб чиқмайди. Агар шундай ҳол юз берганда эди, айрим лаҳжалар ҳақида эмас, балки айрим мустақил тиллар ҳақида гапиришга тўғри келар эди. Турли лаҳжалар вакиллари эса бир-бирларини тушунмаган бўлар эди.

Бундан умумхалқ тили ва маҳаллий лаҳжаларнинг грамматик қурилиши ва луғат бойлиги умумийдир, деган хулоса келиб чиқади. Бунда қақат катта-кичик фарқлар ҳақида мулоҳаза юритиш ўринлидир. Тошкент шеваси ўзининг фонетик тузилиши билан (айниқса, ун-

ли фонемаларнинг миқдори билан). Фарғона шеvasи (Фарғона, Андижон, Марғилон, Қўқон) ўзининг морфологик қурилиши билан ўзбек миллий тилига асос бўлди Фарғона шеваларида аниқ ҳозирги замон феъллини -я п (-й э п) қўшимчаси билан ҳосил қилиниши, феълнинг замонлари, нисбатлари, майллари ва бошқа хусусиятларининг ўзбек миллий адабий тилидагидек хусусиятларга эга эканлигини кўрсатувчи факт ва материаллар тобора кўпроқ мустаҳкамланиб, кенг доирада оммаланиб бормоқда. Бундай муҳим хусусиятлар профессорлар С. Иброҳимов, Ш. Шоабдурахмонов, Ғози Олим Юнусов, В. В. Решетов, Абдуғани Ашев, филология фанлари номзодлари Ё. Ғуломов, Ш. Носиров, Ҳ. Узоқов, Н. Аҳмедов кабиларнинг Тошкент ва Фарғона водийсидаги шевалар бўйича ёзган илмий ишларида келтирилган факт ва материаллар асосида тобора кенг равишда тасдиқланмоқда.

Ўзбек миллий тили ўзининг шаклланиш жараёнида бундан сўнг ҳам лаҳжалардан озиқланиб ва бойиб боради. Масалан, қипчоқ лаҳжасининг - ж а т ы р // - ж а т и р, < - й э т ы р // - ё т и р шакли, кишилик олмошларининг I ва II шахс бирлик шаклларида мэн, сэн, қарағқич ва тушум келишкларининг асосан фарқланиши, ўтган замон феълда блязи қўшимчалар ва лексика соҳасида мавжуд бўлган илғор хусусиятлар адабий тилимиздаги ҳолатга мос келиши ёки яқинлиги кўза ташланиб туради.

Умуман олганда, у ёки бу сўзни миллий асосга олишда унинг қўлланилиш доирасини ҳисобга олиш зарур. Амалий ҳаётда баъзан бунга амал қилмаслик ҳоллари учраб туради. Масалан, Фарғона водийсидаги ҳамда қипчоқ шеваларидаги кэли ва чивин сўзлари тилимизнинг меъёрига киришида ҳеч қандай иккиланиш бўлиши мумкин эмас. Шунга қарамасдан, кўпинча, ўғир (оғър), пашша (пэшшэ) каби сўзлар адабий тил меъёри деб қарилади. Бизнингча, бу ноўрин. Тошкентда ва икки тиллик (тожик ва ўзбек) мавжуд бўлган айрим жойлардагина оғър, пэшшэ сўзларининг қўлланилиши учрайди. Бинобарин, булар тор доирада қўлланилади.

Миллий тилнинг лексик таркибини белгилаш жуда мураккабдир. Шунинг учун, баъзан ҳар қайси шевада учрайдиган турли сўзларни учратамиз. Масалан, ь с т а м о қ (Фарғона шеvasи), ызла ма қ (қипчоқ ше-

васи), қъдърмәқ (Тошкент шеvasи) каби. Ҳар хил луғатларда қатъий қўлланиладиган сўзлар ҳақида ҳа-
 нузгача турли фикрлар айтилади. Жумладан, сўнги
 вақтларда ҳам *каравот—сўри, нарвон—шоти, кели—
 ўғир, сапча—ҳамак, чивин—пашша* каби сўзларни
 алабий тил меъёри деб қўллаш ҳоллари учраб туради.
 Айрим ҳолларда фақат *ўғир, сўри, пашша, хомак, шо-
 ти* кабилар адабий тил меъёри деб қаралади. Бизнинг-
 ча, *каравот, нарвон, кели, сапча, чивин* сўзларини
 адабий тил асоси деб қараш маъқул. Намриёт ёки таҳ-
 рир ҳайъати ходимлари эса ўз шеvasининг материалла-
 рини адабий тил меъёрига ҳадеб киртавермаслиги
 лозим.

Маълумки, касб-ҳунар соҳасида шаҳар шевалари-
 дан сўз ва агама кўпроқ олинади, чорвачилик, ғалла-
 чилик, пахтачилик ва умуман қишлоқ хўжалигига оид
 атамалар эса қипчоқ шеваларидан олинади. Бу ҳеч
 кимга сир эмас бошқача йўл тутиш хатоликка олиб
 келади. Шунингдек, келаси замон феълнинг қўшим-
 часи -жақ, ҳаракат ва ҳолат шакли-мәқ (-мақ, -мәқ),
 аниқ ҳозирги за он феъли қўшимчаси-йәтир (-йә-
 тир < -ётир) кабилар, асосан, ўғуз лаҳжаси матери-
 алларига хосдир.

Мазкур қўшимча қипчоқ шевалари учун ҳам хос-
 дир. Чунки -ётир (-йәтир), -йәтир қўшимчаси
 қипчоқ лаҳжасида фонетик ўзгариш билан (й > ж) қўл-
 ланилади, холос. Юқоридаги каби мисолларни шева-
 лардан истаганча келтириш мумкин. Бу эса миллий
 тилнинг қуйи босқич шевалар ҳисобидан бойиб, ўзи-
 нинг фонетик тўзилиши, грамматик қурилиши ва лек-
 сик бойлигини тўлдириб туришини кўрсатади.

Одатда миллий тил ва адабий тил атамалари нутқ
 жараёнида тез-тез қўлланилиб, баъзан уларни бир-бир-
 ларидан фарқламасдан, бирининг ўрнида иккинчисини
 ишлатиш ва аксинча ҳолат юз бериб туради. Аслида
 эса уларни фарқлашга илғри келади. Чунки уларнинг
 ўзларига хос томонлари, фарқли хусусиятлари мавжуд.
 Миллий тил адабий тилдан фарқланади. Уларнинг фарқ-
 ли томонлари умумий тарзда қуйида илардан иборат:

1. Миллий тилнинг ташкил топиш жараёни феода-
 лизмнинг емирилиши ва капитализмнинг дастлабки ри-
 вожланиш даврига тўғри келади. Адабий тил учун эса
 бу шарт эмас. Чунки у капитализмдан олдин ҳам, ун-
 дан кейин ҳам пайдо бўлаверади. Масалан, ўзбек ада-

бий тили феодал тарқоқлиги даврида, XIII—XV асрларда шаклланди. Қozoқ, қирғиз, қорақалпоқ каби қар. ош халқларнинг адабий тиллари эса XX асрнинг биринчи чораги меваси сифатида юзага келди.

2. Адабий тил умумхалқ тилининг, жумладан миллий тилнинг ҳам, санъаткорлар, шоир-ёзувчилар, олимлар, матбуот, маданият ходимлари, умуман илғор зиёлилар томонидан қайта-қайта ишланган, сайқал берилган, силлиқлаштириб маълум бир меъёр ҳолатига келтирилган шакли ҳисобланади. Бундан миллий тилга нисбатан адабий тилнинг доираси тор бўлиб, ҳатто, унинг ўзи ҳам миллий тил таркибига кирар экан, деган маъно келиб чиқади. Худди шу сабабли лаҳжа ва шевалар миллий тил доирасига кирган ҳолда, адабий тил тушунчасига қўшилмайди. Шунинг учун ҳам, миллий тил ва унинг шевалари деганимиз ҳолда, адабий тил ва унинг шевалари демаймиз, лекин адабий тил улар ҳисобидан бойиб ва тараққий этиб бораверади.

3 Миллий тил ўзининг шаклланиш давридан бошлаб, умумхалқ тилига асосланади ва фақат халқ учун хизмат қилади. Унинг бойиши ва тараққиётида халқнинг аҳамияти каттадир. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Адабий тилнинг шаклланиши ва ривожланишида эса айрим илғор фикрдаги шахслар, олимлар, маданият арюблари ва санъаткорларнинг алоҳида хизматлари борлигини эслашга тўғри келади. Бунга ўзбек тилининг тўла шаклланиб етиши ва унинг тараққиётида улуғ шоир Алишер Навоийнинг хизматлари инҳоятда катта бўлганлигини мисолга келтириш мумкин. Навоий ўзбек тилининг такрорланмас муҳим хусусиятларини, унинг грамматик шаклларини, лексик бойлигини, улардаги энг нозик маъноларни ўзининг шоҳ асарларида назарий-илмий жиҳатдан асослаб берди ва амалда ундан қандай фойдаланиш кераклиги намунасини кўрсатди.

4 Миллий тилга нисбатан адабий тил ўзгарувчанроқ бўлади. Мисалан, феодал тарқоқлиги давридаги адабий тил билан ҳозирги ўзбек адабий тили маълум даражада фарқланади. Феодал тарқоқлиги даврида меҳнаткаш халқ оммаси адабий тилдан тўла баҳраманд бўла олмас эди. Чунки адабий тил ва шеваларнинг бир-бирларидан узоқлиги, одамларнинг яшаш ерлари тарқоқлиги кабилар тўсқинлик қилар эди. Сўнгги йилларда буларнинг барчаси барҳам топиб келди. Айниқ-

са, давлат тили ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши, Ўзбекистоннинг мустақил давлат бўлиб шаклланиши каби тарихий воқеаларнинг бу соҳадаги аҳамияти го-
ят катта бўлди.

8-§. Ўзбек адабий тили ва унинг шеваларга муносабати

Халқимиз ўзининг кўп асрлик ҳаёти давомида бой маданият ва адабиётни вужудга келтирди. Ўзбек халқи бой анъаналари асосида ўзининг адабий тилини яратди. Адабий тил халқ тили асосида шаклланди, ўзининг фонетик тузилиши, грамматик қурилиши ва луғат бойлигини маълум бир меъёрга киритди ва қоидаларга бўйсундирди.

Адабий тилнинг икки асосий шакли — оғзаки адабий тил ва ёзма адабий тил кўриниши мавжуд. Ёзма адабий тил ҳам, оғзаки адабий тил ҳам ўзининг бой анъаналарига эга. Лекин оғзаки адабий тил ёзма адабий тилдан илгари пайдо бўлган.

Ёзма адабий тил материаллари сифатида қўлланган сўзлар умумхалқ тили асосида адабий тилнинг шаклланишига хизмат қилади ва узоқ вақт истеъмолда бўлади, уларнинг айримлари вақт ўтиши билан тарихий сўзларга айланиб қолиши ҳам мумкин.

„Адабий тил“ атамаси икки маънода қўлланади. Бу, бир томондан, феодал тарқоқлиги даврида давлат идораларида иш юритиш, адабиёт, дин, илм-фан каби-лар учун ишлатиладиган тил бўлса, иккинчи томондан, бадиий асарлар тилидир. Шу билан бирга, турли иқтисодий-ижтимоий ва тарихий сабабларга кўра, адабий тил маълум бир лаҳжа асосида ташкил топган ёзма адабий тил ёки мажбуран қабул қилдирилган бошқа адабий тил сифатида мавжуд бўлиши мумкин.

XI — XII асрлардан бошлаб. Марказий Осиёдаги ва бошқа заминлардаги туркий тилларнинг, жумладан ўзбек тилининг аҳамияти кучая борди. Бу эса ўз навбатида ўзбек адабий тилининг шаклланишини ўзида акс эттира бошлади. У жонли халқ тили асосида вужудга келди. Демек, ўзбек халқининг ташкил топиши билан аста-секин адабий тилга ҳос хусусиятлар шакллана бошлади. Биз бу ҳолни ўша даврда майдонга келган Маҳмуд Қошғарийнинг машҳур „Девону луготит турк“ номли лингвистик асари, Юсуф Хос Ҳожиб-

нинг Қутадғу билиг". Аҳмад Югнакийнинг „Ҳибатул ҳақойиқ" каби илмий ва бадий асарлари шахунасида кўрамиз. Юқоридаги каби асарлар ўзбек халқ тили ва адабий тили тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган нодир дурдоналардир.

XIV — XV асрларга келиб, ўзбек адабий тили тўла шаклланиб етди, ўзбек адабий тилининг шаклланиш жараёни бир неча асрлар, узоқ даврларнинг маҳсулидир, яъни X — XI асрлардан ва ҳатто ушундан аввалги даврдан бошлаб, адабий тил унсурлари пайдо бўла бошлаган. Хоразмийнинг „Маҳаббатнома", Дурбекнинг „Юсуф ва Зулайҳо" асарлари ўзбек адабий тилининг энг яхши ёдгорликларидандир. Лутфий, Навоий, Атоний, Саккокий, Бобур каби ижодкорларнинг асарлари ўзбек адабий тилининг тўла шаклланиши ва тараққиётида муҳим аҳамият касб этди. Бу соҳада Алишер Навоий асарлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Навоий ўзбек тилининг муҳим ва ўзинга хос томонларини, унинг грамматик шаклларини, лексик бойлигини, ундаги энг позик томонларни ўзининг шоҳ асарларида илмий-назарий жиҳатдан асослаб берди.

Алишер Навоийдан сўнг ҳам ўзбек адабий тили ривожланиб келди. Масалан, XVII асрда яшаб ижод қилган Абулғози Баҳодирхоннинг „Шажараи тароқима" ва „Шажараи турк" асарлари ўзбек адабий тили тарихини ўрганишда айниқса қимматлидир. Муаллиф ўз асарлари тилини халқ тилига яқинлаштириб, содда бир ҳолда ифода этишга ҳаракат қилган, мумкин қадар чет тиллар хусусиятларини қўшмасликка уринган. Бу эса унинг „Беш яшар ўғлон ҳам тушунсин учун" деган сўзларидан ҳам кўриниб турибди.

Ўзбек адабий тили XVIII—XIX асрларда ҳам бойиди ва тараққий этди.

Феодал тарқоқлиги даврида адабий тил жамият аъзоларининг тор доираси, асос эътибори билан юқори табақа вакиллари — ҳукмрон синф вакиллари учун хизмат қилар эди. Бу даврда адабий тил ҳам, сўзсиз, тараққий этган, унинг вазифалари кенгайиб борган. Лекин кенг халқ оммаси адабий тилда мавжуд бўлган имкониятлар ва бойликлардан тўла фойдаланиш ҳуқуқларидан маҳрум эди. Улар адабий тилдан узоқда, тор доирада ҳаёт кечирар эдилар. Бу эса адабий тил ва шеваларнинг яқинлашуви эмас, балки уларнинг бири-биридан узоқлашишига олиб келарди.

Ўзбек адабий тилининг тараққиёти XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида анча сермахсул бўлди. Унда тараққийпарвар шоир ва ёзувчилар Фурқат, Муқимий, Завқий, Аваз Утар ўғли ва Ҳамза Ҳакимзола Ниёзий, Абдулла Қодирий каби санъаткорларнинг муносиб ҳиссалари бор. Бу даврга келиб, тилимизнинг грамматик қурилиши ва луғат бойлиги тараққий этди, бирмунча мукаммал тус олди. Лекин бу тараққиёт бир қанча қаршилиқларга дуч келди. Айрим тилшунослар ўзбек адабий тилининг тараққиёт жараёнини нотўғри йўлга солиш, уни четга буришга уриниб кўрдилар. Улар ўзбек адабий тилини XI — XV асрлардаги ёзма ёдгорликлар асосида қайтадан қуришни ёки ҳар бир лаҳжа асосида алоҳида адабий тилни шакллантириш ва ривожлантириш масаласини кўтариб чиқдилар. Бундай руҳдаги кишиларнинг ҳаракатлари 1935—1937 йилларгача давом этиб турди.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида кўпгина сўзларнинг маъноси ўзгарди ва кенроқ доирани қамраб оладиган бўлди (*ватан, боғча, халқ, мулк* сингари), маънолари фарқланди (*ёнилғи—ёнабган суюқлик модда, ёқилғи—утин, кўмир* каби), маънодош шаклдош сўзларнинг қўлланиш доираси кенгайди. Ҳозирги вақтда ўзбек тилига турли соҳаларни қамраб олувчи жуда кўнлаб илмий-назарий адабиётлар, бадий асарлар, газета ва журналлар нашр этилмоқда.

Адабий тилнинг тараққиёти, силлиқланиб бориши ва унинг шевадар ҳисобидан бойишида ҳамда адабий тил меъёрларига яқинлашиб боришида олимлар ва маданият ходимлари, ёзувчи-шоирларнинг муносиб ҳиссалари бор. Бу соҳада халқ оғзаки ижодиёти ҳамма вақт катта аҳамиятга эга бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлаётир. Чунки адабий тилни бойитиш, „хон“ сўзларни қайта ишлаш, аниқ қолипга тушириш ва умумий истеъмол даражасига олиб киришда адабларимизнинг хизматлари чекланмаган. Аслини олганда, ҳар бир ҳақиқий адабнинг ўзи тўла маънодаги тадқиқотчидир. Бунга улўф бобокалонимиз Алишер Навоийнинг „Мезонул авзон“, „Муҳокаматул луғатайн“; атоқли суз усталари Ойбекнинг „Навоий“, Абдулла Қодирийнинг „Ўтган кунлар“, Абдулла Қаҳҳорнинг „Қўшқиндор чироқлари“ каби романларини эслатиб ўтиш ўринлидир. Адабий тил тушунчасини бадий адабиёт тили тушунчаси билан тенглаштирмаслик лозим. Бадий адабиёт

тили умуммиллат адабий тилининг бир соҳаси бўлиб, унда адабий тил, лаҳжалар, жар оилар кабиларнинг хусусиятларидан турли мақсадлар учун фойдаланиш мумкин. Бу эса бадиий асар учун нормал ҳол саналади.

Ўзбек адабий тилининг ҳозирги даври тараққиётида ва мукаммаллашишида матбуот, нашриёт, мактаб, радио, кино, телекўрсатув, театр кабиларнинг аҳамияти каттадир. Бу соҳада шоир-ёзувчилар, маданият ва санъат арбоблари, олимларнинг алоҳида аҳамияти борлигини яна бир бор қайд этиш жоиздир.

Ўзбек адабий тили ўзининг дастлабки даврдан бошлаб, ўз тараққиётининг ҳамма босқичларида лаҳжа ва шевалар билан ўзаро алоқада бўлиб келган. Бунда адабий тил, бир томондан, шеваларга фаол таъсир кўрсатади. иккинчи томондан, улар ҳисобидан бойиб боради. Бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Чунки маҳаллий лаҳжалар энг қадимги даврларда ўша даврга нисбатан мустақил тил вазифасини бажарган ва халқнинг маълум бир қисми учун асосий алоқа воситаси ва кураш куроли ҳисобланган. Аслини олганда, у вақтларда халқ тили ҳам, адабий тил ҳам мавжуд эмас эди. Халқ тили ва адабий тил ана шу маҳаллий лаҳжалар негизиде вужудга келди ва ривожланди. Шунинг учун ҳам, адабий тил ва шевалар бир-бирлари билан узвий боғлиқдир.

Адабий тилнинг қўлланилиши миллий тилга нисбатан бирмунча чекланган бўлади. Шунга кўра, у лаҳжа ва шевалар билан мустақкам алоқада бўлса ҳам, уларни ўз ичига қамраб ололмайди. Бу эса миллий тилга хос хусусиятдир. Чунки, миллий тил тушунчаси ўзининг ҳажми ва қўлланиш лоираси жиҳатдан ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шеваларини ўз ичига олади. Ўзбек адабий тили ўзбек халқ тилининг пишиқ ва мукаммал ишланган шакли ҳисобланади. У бутун ўзбек халқининг алоқа воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ўзбек адабий тили ҳозирги вақтда ҳам энг ифодали ва амалий жиҳатдан фойдали бўлган жуль кўп сўзларни бой манба ҳисобланган лаҳжалардан олади ва шу ҳисобдан бойиб боради. Лекин шу билан бирга, лаҳжа ва шеваларга фаол таъсир кўрсатади. Натижада лаҳжа ва шевалар адабий тилга яқинлашиб, ундаг фонетик, грамматик ва лексик хусусиятлар адабий тилга мослашиб боради. Баъзан шевалардаги шакл ва категорияларга эса адабий тилдаги шакл ва категория-

лар жой бўшатиб беради. Шундай қилиб, шеваларга хос хусусиятлар камая бошлайди. Халқ моддий фаровонлигининг ошиши ва унинг маданий жиҳатдан тобора юксала бориши, илм-фан ва техниканинг ривожланиши, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ва шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутларнинг аста-секин камая бориши, онгликнинг кўтарилиши лаҳжа ва шевалар билан адабий тил ўртасидаги фарқларнинг камайишига сабабчи бўлади.

Демак, ҳозирги пайтда адабий тил ва шевалар ўртасида фарқлар мавжуд Республикамизнинг айрим жойларида бу ҳол кескин кўзга ташланиб туради. Масалан, бу фарқни Тошкент ва Жанубий Хоразм шеваларида, улар вакилларининг ўзаро суҳбатлари вақтида осонгина пайқаш мумкин. Бу фарқли томонларни қайси манбадан ўқиб олиш мумкин? Мавжуд дарслик ва қўлланмаларнинг барчасида улар йўл-йўлакай тилга олиб ўтилган, холос. Ўзбек адабий тили ва шеваларга бўлган муносабатни белгилашда Самарқанд тилшунослиги мактабининг ташкилотчиси ва раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Улуғ Турсуновнинг хизматлари беқиёсдир. Чунки у ўзбек тилшунослигида биринчи бўлиб, ҳозирги ўзбек адабий тили меъёрлари таркибига кирмайдиган сўз ва ибораларни 1966 йилда босмадан чиққан бир илмий ишида аниқ кўрсатиб берган эди. Асарда қуйидаги масалаларга ялоҳида эътибор берилган:

а) диалектал сўз ва иборалар ҳамда айрим шеваларга хос бўлган синтактик қурилмалар ва сўз яшанинги айрим унсурлари;

б) умумхалқ сўзлашув тилидаги образли-ўзига хос хусусиятларни очиб бериш учун айрим адабий асарларда қўлланилган содда сўзлар ва иборалар.

в) жиргонлар лексикаси ва фразеологияси ҳамда уларда ишлатиладиган сўзлар;

г) айрим ижтимоий гуруҳларнинг шартли ясама тили;

д) махсус касб атамалари лексикаси.

Булар адабий тил даражасида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлса ҳам, адабий тил услубида қатнаша олмайди, чунки уларнинг қўлланилиш доираси тордир¹.

¹ Проф. Турсунов У. Т. Ўзбек адабий тили курсининг предмети ва вазифалари. — Материалы XXIII научной конференции. . . , Самарқанд: Изд-во СамГУ, 1966, 3—4 бетлар.

9-§. Маҳаллий лаҳжалар ва ижтимоий жаргонлар

Маҳаллий лаҳжаларни атрофлича ўрганиш, уларнинг фарқларини кўрсатиш ва адабий тилга бўлган муносабатини аниқлаш ўзбек тилшунослигидаги ҳозирги муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Маҳаллий лаҳжала¹ умумхалқ тилининг қуйи босқичини ташкил этади. Улар маълум даврда миллий тилга асос бўлиши ва ривожланиб, миллий тил даражасига кўтарилиши мумкин. Уларнинг грамматик қурилиши ва асосий луғат бойлиги мавжуд. Бу ҳолат уларнинг миллий адабий тил учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий жаргонлар эса миллий тилнинг бузилган, тубанликка ва чирришга юз тутган шаклидир. Уларнинг ривожланиб, мустакил миллий тил даражасига кўтарилиши ҳақида мулоҳаза юритмаса ҳам бўлади. Чунки улар халқ оммасига эмас, балки баъзи бир ижтимоий қатламларга, айрим гуруҳ киши ларига (ўғри, савдогар, қассоб каби) хизмат қилади. Бунинг устига жаргонлар грамматик қурилишга ва луғат бойлигига эга эмас. Уларда чет тиллардан кирган ёки умумхалқ тилидан олиниб, бошқача маънода ишлатиладиган айрим сўзлар учрайди, холос.

Юқори табақадаги айрим кишилар баъзи бир чет сўзларни ишлатиш билан ўзларини халқ оммасидан устун кўймоқчи бўладилар, меҳнаткаш халқни менсимайдилар, ўзларининг қора ниятларини яширишга ҳаракат қилдилар. Рус аристократлари французча сўзларни қўшиб ишлатган бўлсалар (бу, айниқса, XVIII—XIX асрларда анча кенг тарқалди ва анъана ҳолига кириб қолди), французлар инглизча сўзлардан фойдаланганлар. Ўзбек феодал юқори табақа вакиллари эса араб ва форс тилидан олинган ва халқ оммаси учун гушунарли бўлмаган сўзларни ишлатишни маъқул кўрганлар. Масалан, *йўқолди—пинҳона бўлди, келинг — ташриф буюрсинлар, енг — танаввул қилсинлар* каби. Ўғри ва қассоб гуруҳлари, одатда, чет сўзлардан фойдаланмайди. Улар умумхалқ тилида мавжуд бўлган сўзларни бузиб, бошқача маънода, яъни ўзларининг дидларига мослаб қўллайдилар. Масалан, *бедона — тўпмонча (пистолет), бедона донлари — тўпмонча ўқи, лой — пул* ва бошқалар.

Ижтимоий жаргонларнинг хусусияти маълум даражада энг қадимги даврлардан бошлаб, араб ва форс тилларининг диний, илмий, фалсафий китоблар ёзиш, шеърини асарлар яратиш, давлат-идора ишларини юриштида авлоддан-авлодга кўчиб келганлиги, унинг ҳагто сўнги даврларда ҳам (XIX асрнинг ўрталаригача) ўз таъсирини сақлаб қолганлиги билан изоҳланади. Бу жаргонлар хусусиятлари ўтмишдаги тарихий даврларни баён этиб беришда, унинг манзарасини чизиш, ҳар бир тарихий давр кишиси учун ўзига хос хусусият ва тил яратишда бадий асарларда учрайди. Бу табиий бир ҳолдир. Бундан шоир ва ёзувчиларимиз ўз асарларида эркин фойдаланадилар. Лекин улардан фойдаланиш маълум чегарага эга. Шунга мувофиқ сўз усгалари фақат қаҳрамонлар нутқида ва баъзи тарихий-географик шароитни очиб беришда қўллайдилар. Улкан ёзувчи Ойбек „Навой“, „Қўтлуғ қон“ каби романларида бундай унсурлардан усталик билан фойдаланганлигини кўрамай.

Демак, маҳаллий лаҳжалар ўзининг грамматик қурилиши ва лўғат бойлигига эга бўлиб, халқ оммаси учун хизмат қилади. Ижтимоий жаргонларга эса бундай хусусиятлар умуман хос эмас.

10-§. Касб-ҳунар лексикаси ва ижтимоий жаргонлар

Касб-ҳунар эгаларига оид сўзлар халқ хўжалигининг турли ишлаб чиқариш соҳаларида халқимиз томонидан узоқ йиллар, ҳагто бир неча асрлар давомида, уларнинг меҳнат жағаёнида бунёд қилинади. Бундай сўз ва атамалар ҳар хил касб эгаларида турли маъноларда қўлланилади. Бунда лексик фарқлардан ташқари, фонетик ва морфологик ўзгаришларнинг ҳам мавжудлиги шубҳасиздир. Масалан, *чайдиш* – *чойдиш* (*чойжўш*); *абдаста* – *обдаста*; *пичақ* – *пичоқ*; *кетман* – *кетмон*; *нўй* – *ной*; *парма* – *парми*; *чумак* – *жумак*; *кўзлий узук* – *кўзли узук* – *кузли жузук*; *билагузук* – *биларзук* – *билнзук* – *биловзук*; *дўппи* – *калавч* – *калавўш* – *калаваш* – *тўппи* ва бошқалар шулар жумласидандир.

Анджон, Марғилон, Қўқон металлсозлари металлни болға билан юпқа ҳолга келтиришни ёзиш деў қўллсалар, Наманган металлсозлари яйқаш дейдилар. Қўл ювдириш учун ишлагиладиган мис идишни Анди-

жон, Намянган, Марғилонла чилопчин (тожикча чилон=чилоп+чин), Қўқонда дашшу, Қарнобда дашуёй, Самарқанд-Бухорода дастшуёй (дастшуёк); заргарларнинг билакузукка нақш соладиган металл қаламларини Қўқонда тез бурқалам, Андижонда дабаба қалам деб ишлатилади. Металлсозлар эриган металл, қуйиладиган металл оқиб тушадиган тешикларни Тошкентда жойрез, Фарғона водийсида чўғ деб қўллайдилар. Шунингдек, кўпчилик касб-ҳунарларга оид сўзлар бир хил ёки бир-бирига яқин қўлланилади. Масалан, қоп-қанор ва шол кабиларни тикиш учун ишлатиладиган жуводуз (тожикча жувод-қоп, дўз—дўхтан—тикмоқ), иморат ва умуман қурилишда ишлатиладиган рус тилидаги скоба (скоби) сўзи ископ, тожикча дасткола сўзи дасткалак—дастқалла кабилар.

Касб-ҳунар лексикасида у ёки бу буюмлар ёки нарсаларнинг номлари бутун турлари бўйича ифода қилинади. Маълумки, адабий тилда буларнинг умумий номи ёки қисми айтилади, холос. Чунки касб ҳунар эгалари ўз соҳаларидаги ҳар бир нарсани, унинг майда-чуйдаларигача номлаш ва ўзлари ишлаб чиқарган жойи билан боғлиқ бўлган ҳаётдаги буюм ва нарсаларни атрофлича тушувтиришга ҳаракат қиладилар. Жумладан, қулфнинг турлари: *бурама қулф, занжиргар қулф, катта қулф, кичик қулф, кишан қулф, уроқ-болға қулф, шкаф қулф, сандиқ қулф, дарвоза қулф, калитсиз қулф*. Ёки қайчи сўзини олиб қарайлик: *латабур қайчи, машина қайчи, уй қайчи, дукарт, дукартча, токбур, ток қайчи, катта қайчи, қирқлик* ва бошқалар.

Лекин бу нарса лексикада очиқроқ намоён бўлади. Чунки касб-ҳунар эгаларида у ёки бу нарсанинг аниқ номи билан боғланган сўзлар асосий ўринни эгаллайди. Бундай касб эгаларига хос сўзлар темирчилик, мискарлик, пичоқчилик, дўппидўзлик, заргарлик, тандирчилик, тақачилик каби касбда ишловчилар (бу касблар, асосан, қўл меҳнати билан бажариладиган) орасида мустаҳкам сақланади ва ўша жойдаги шева-лаҳжага боғланган бўлади.

Айрим соҳага хос сўзлар, яъни касб-ҳунар лексикаси пахтакорлар, боғдорчилик, мевачилик, чорвадорлар, пиллакашлар, чилангар, гиббиёт ходимлари, талабалар, спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланувчи

кабилар ўртасида ҳам учрайди. Масалан, футбол ўйини билан боғлиқ бўлган *дала, ҳимоячи, ҳужумчи, жарима майдончаси, сўнги ҳуштак, дарвозабон* каби атамаларни футбол ўйини билан кам қизиқувчи ва ундан етарли хабардор бўлмаган кишилар бошқача тушунишади ёки улар умуман тушунмасликлари мумкин. Бундай атамалар футбол ишқибозлари учун эса кенг даражада маълум бўлади.

Шахмат ва дамка (шашка) ўйинида қўлланиладиган *от, шоҳ, фил, пиёда, тўра*; талабалар ҳаёти билан боғлиқ бўлган *уч, беш, ўтди, йиқилди, синов, имтиҳон*; пахтачилик соҳасидаги *курак, барг, шопа, илдиз, ғуза*; чорвачилик билан боғлиқ бўлган *чўпон, чўлик, ёрдамчи қўтон, қўш, қўшхона, отар, кўшвон, нишкич* каби касб-ҳунар билан боғлиқ атамалар ҳам ушбу касбдан хабари бўлмаган киши учун номаълум туюлиши ва бошқача тушунилиши мумкин. Юқоридаги ишлар билан машғул бўлган кишилар эса жула осон тушунадилар ва ўзларининг кундалик ҳаётида етарли даражада қўллайдилар.

Баъзи ҳолларда ўзбек тилидаги сўзлар ҳар бир соҳада, касб-ҳунар эгасида, турлича маънода қўлланилиши мумкин. Масалан, *операция* сўзи почта, телеграф ходимларида хат-хабарларни ва умуман алоқа ишини тезлатиб олувчи ва бошқарувчи маъносидан, ҳарбий ходимларда бир жойни ёки чегарани қурол кучи билан босиб олиш ёки ишғол қилиш маъносидан, жамоат тартиби ва давлат хавфсизлиги ходимларида эса ушбу соҳага тегишли маълум бир ишни тезлик билан ҳал қилувчи киши ва ғуруҳ маъносидан қўлланилади. Тиббиёт ходимлари *операция* сўзидан бирор жароҳатни ёки ички касалликни жарроҳлик асбоби ёрдами билан ёриб, улардан касаллик иллатини чиқариб ташлаш ва киши танасини соғайтириш маъноларини тушунадилар.

Морфология, узак каби атамалар тилшунослар, математиклар, табиатшуносларда бошқа-бошқа маъноларда ишлатилади.

Турли тармоқларда мавжуд бўлган касб-ҳунарга оид сўз ва атамалар умумхалқ ўзбек тили лексикасида шу асосда юзага келади ва ҳамда истеъмом доирасининг кенгайиб бориши билан аста-секин умумистеъмом сўзларига айланиб, оммавий тус олади ва адабий тил меъёрига эга бўлади. Адабий тил бу соҳа ҳисобидан кенг даражада озиқланади ва ўз меъёрини мукам-

маллаштиради. Бу соҳада қўлланиладиган сўз ва атамаларнинг кўпчилик қисми эса бундай хусусиятга эга бўлмайди ва шева вакилларида айрим соҳалар билан боғлиқ бўлган атамалар касб-ҳунарга оид сўз ва атамаларни ташкил этади. Чунончи, Фарғона водийсида *дулли*, Самарқанд ва Бухорода *калапуш*, ж ловчи шеваларда *тақйя—калавач—тулли* шаклида ишлатилди.

Шундай қилиб, касб-ҳунар лексикаси алабий тилга яқин ва уни бойитишда асосий манба бўлиши билан бирга, ижтимоий жаргонларга ҳам қисман ўхшайди. Бу ўхшашлик фақат ташқи томондангина кўзга ташланади. Ҳақиқатда эса улар орасида катта фарқлар мавжуд.

Бу фарқларни ҳисобга олиш касб-ҳунар лексикаси ва ижтимоий жаргонларни фарқлаш имконини беради. Улар орасидаги фарқларнинг муҳимлари қуйидагилардан иборатдир:

1) касб-ҳунар лексикасидаги сўзлар халқ хўжалигининг айрим тармоқлари ва соҳалари билан мустаҳкам боғланган бўлиб, ижтимоий жаргонлар эса ишлаб чиқаришнинг бирор соҳасини ўз ичига олмайди ва улар билан алоқаси йўқ;

2) касб-ҳунар лексикаси кўндалик амалий ҳаётда ҳамма учун бир хил аҳамият касб этмайдиган айрим соҳалардаги тушунчаларни акс эттиради. Бундай сўз ва атамалар айрим соҳалардаги буюм, нарсалар ҳақидаги тушунчаларни акс эттиради ва бирор соҳада хизмат қилувчи касб эгаларининг эҳтиёжини қондиради. Ижтимоий жаргонлар эса кичик бир гуруҳ кишиларининг сирини сақлаш ва уларнинг фойдаси учун хизмат қилади;

3) касб-ҳунар лексикаси ўзи боғлиқ бўлган асбиб-ускуналар ва маҳсулотларнинг тарқалиши билан бирмунча кенг доирада қўлланилиши ҳамда ўсиб умумхалқ тили аҳамиятига эга бўлиши мумкин. Ҳатто, бундай сўзларнинг оммалашиб, адабий тил доирасига ҳам униси тажрибада кўплаб учраб туради. Ижтимоий жаргонлар эса ривожланиб, умумхалқ учун хизмат қилиш даражасига кўтарилмайди, унинг келажаги йўқ ва тарққиётдан маҳрумдир;

4) касб-ҳунар эгаларининг нутқи текшириш учун асос бўлиб хизмат қилади ва халқнинг моддий-маданий тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Ижтимоий жаргонларда бундай хусусият йўқ.

11-§. Шеваларни ўрганиш, ёзиб олиш, материаллар тўплаш усуллари

XI асрда ҳаёт кечирган машҳур олим Маҳмуд Кошғарий (унинг тўлиқ номи Маҳмуд Ибнул Ҳусайн ибн Муҳаммадил Кошғарийдир) туркий тилларнинг дастлабки таснифини яратган. Бу туркий тиллар соҳасидаги ягона тасниф эди. Маҳмуд Кошғарийгача туркий тиллар таснифи билан махсус шуғулланган олимни учратмаймиз Шунинг билан бирга у ўз даврининг улуғ шевашунос олими сифатида Чиндан бошлаб, бутун Мовароуннаҳр, Хоразм, Бухоро, Фарғона каби кенг заминда яшаган уруғ-қабилаларнинг тилларини синчиклаб ўрганган.

Маҳмуд Кошғарийнинг бу иши туркий тиллар, жумладан, шевашунослик тарихида тўнғич ва ягона бўлиб, уни якка ҳолда текшириш усули билан қилинган иш деб айтишимиз мумкин. Демак, якка ҳолда шеваларни ўрганиш тарихи Маҳмуд Кошғарий номи билан чамбарчас боғланади.

Маҳжалар ва шеваларни якка ҳолда ўрганишни нотаган ҳар бир шахс ўзини қизиқтирган шеваини текширишни асосини танлаб олиши мумкин. Шевашунос текшириладиган жойга бориб, маҳаллий шароит ва аҳоли билан танишади ҳамда шева устида кўзатиш ишлари олиб боради. Шеваларни текширувчилар ўзларини қизиқтирган соҳаларга алоҳида эътибор берадилар ва унинг ўзига хос хусусиятларини ёзиб олишга киришадилар. Ҳаъзан савол-жавоб усулидан ҳам фойдаланиш қимматли материаллар йиғишга ёрдам беради. Ишнинг муддати тадқиқотчининг олдига қўйган мақсад ва режаси билан белгиланади. Масалан, Маҳмуд Кошғарий ўз иши учун 15 йилча вақт сарфлагани маълум.

Маҳмуд Кошғарийдан сўнг ўзбек халқ шеваларининг махсус ҳолда текширилганлиги аниқ эмас. Бу усул билан материал йиғиш XIX асрнинг II ярми ва XX асрнинг бошларида бирмунча режали йўлга қўйилди. Шеваларни шу тариқа ўрганиш 20—30-йилларда, айниқса, кенг миқёсга эга бўлди. Бу соҳада Ғози Олим Юнусов, Улуғ Турсунов, Е. Д. Поливанов, Собиржон Иброҳимов, В. В. Решетов, Абдурауф Фитрат, Шоназар Шоабдурахмоновларнинг ажойиб тадқиқотлари бор. Шеваларни якка ҳолда ўрганишда республикамиздаги

дай „савол-жавоб“ усулларини ҳаётга татбиқ этиб кел-моқдалар.

Шундай қилиб, ўзбек халқ шевалярини ўрганишда қўлланиладиган усулларнинг энг муҳимлари уч хил экан, деган хулосага келиш мумкин: а) якка ҳолда ўрганиш; б) тажриба ўтказиш усули; в) савол-жавоб усули.

Кузатиш жойини танлаш. У тадқиқотчининг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари билан боғлиқ бўлади. Агар шевашунос ўз олдига тарихий вазифаларни ёритиб беришни мақсад қилиб қўйган бўлса, у вақтда муайян шеванинг тарихига оид материалларни тўплаши лозим. Шу билан бирга, маҳаллий халқ ичидаги энг эски анъанавий шеваларни ҳам тасвирлаб бериши керак.

Анаъанавий шевалар ўзларининг жойлашган ўринларига қараб, бир-бирларидан тарихий, ҳозирги ҳолати нуқтани назаридан анча фарқ қилади. Агар биз анъанавий шеваларни ўрганмоқчи бўлар эканмиз, биринчи навбатда уларнинг асосий хусусиятларини ташувчи шевалар устида иш олиб борамиз. Шунингдек, халқнинг илғор гуруҳи—ёшлар ва қишлоқ фаолларининг ҳам нутқи устида иш олиб бориш лозим бўлади. Бундай кузатишлар лаҳжалардаги хусусиятларнинг сақланганлиги, илғор аҳоли нутқида янги сўзларнинг пайдо бўлиши ва, аксинча, баъзи бир сўзларнинг йўқолиб боришини кўрсатиб беради.

Бироқ шевани тасвирлаш ўз олдига бошқа вазифаларни ҳам қўяди, яъни шеваларнинг тарихий ва келиб чиқиш томонига эътибор бермай, ҳозирги замон шаҳар ва қишлоқ шеваларининг хусусиятларини ўрганишни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Ҳозирги замон шеваларини текширганда, қарилар ва ёшлар, хотин-қизлар, эрақлар ва турли касб-ҳунар эгалари бўлган кишиларнинг нутқлари устида тадқиқот ишлари олиб борилади. Бир гуруҳ аҳолининг ўзида турли услублар ва лаҳжа турлари бўлиши мумкин. Уларнинг турмушдаги эркин суҳбатлари, мажлислардаги нутқлари, халқ оғзаки ижоди материалларининг тили турлича бўлади. Бундай ҳолларда уларнинг ҳар бирига хос бўлган муҳим тил хусусиятлари ҳам алоҳида ҳисобга олинади.

Шеваларни ўрганишнинг асосий йўлларида бири шу шевада сўзлашувчиларнинг нутқлари устида куза-

тиш ишларини олиб бориш ва уларни ёзиб боришдан иборат.

Шевашуноснинг иши жуда оғир ва масъулиятлидир. Ундан кўп ҳаракат қилиш, эҳтиётлик билан иш кўриш талаб қилинади. У ўзига ишонч туғдиришдан ташқари, халқ билан дўстона муносабатда ва мустаҳкам алоқада бўлиши лозим. Қишлоқ фаоллари орқали кенг маҳаллий халқ билан алоқа боғланади. Бироқ бу алоқа ҳали етарли эмас. Шевашунос маҳаллий халқ билан алоқани кучайтириш учун қишлоқнинг ижтимоий ва ишлаб чиқариш ҳаётидан узилиб қолмаслиги лозим.

Тадқиқотчининг қишлоқдаги иши. Тадқиқотчи қишлоққа келгач, кўп ёзишга уриниш шарт эмас. Аксинча, у бир қанча вақт шу шеванинг хусусиятларини тинглаши ва кузатиб бориши керак. Ана шундан сўнг тасодифий кишиларнинг нутқига эътибор қилмай, шу шевага оид вакил шāхсларнинг нутқини ўргана олади. Бошланғич даврнинг узоқ ва қисқалиги шевашуноснинг ўз олдига қўйган мақсади ва вазифалари билан белгиланади.

Шевашунослик материаллари тўплаш учун қишлоқнинг тарихи, ўлкашунослик, ишлаб чиқариш ва турмушга оид мавзулар бўйича суҳбат қилинади. Одатда, бир киши суҳбат ўтказади, иккинчи киши ёзиб боради. Материаллар кўпроқ бутун ҳаёти шу ерда ўтаётган, кўп воқеаларни бошдан кечирган кишиларнинг нутқидан ёзиб олинади. Чунки, уларнинг нутқи бузилмаган ҳамда уларда ўрганилаётган шевага хос хусусиятлар сақланган бўлади. Шунингдек, ёшлар, мактаб ўқувчилари, қишлоқ зиёлилари, жумладан, ўқитувчиларнинг нутқ жараёнини ҳам кузатиш ва ёзиб олиш мақсадга мувофиқдир.

Шева вакилларининг нутқини камида 2—3 кун кузатиб бориш мақсадга мувофиқдир. Шундан сўнггина ёзиб олишга киришилади. Шеваларнинг хусусиятларини ўзида акс эттирувчи материалларни ёзиб олишда 2—4 кишидан иборат кичик гуруҳ иштирок этади. Улардан бир-иккитаси суҳбатни бошқариб боради, қолганлари суҳбат материалларини тезлик билан ёзиб олишга ҳаракат қилади. Шу нўл билан кўплаб материаллар ёзиб олинади ва бу маъқул усул ҳисобланади.

Материалларни ўз вақтида ишламасдан, сафардан сўнг бир неча кундан кейин ишга киришиладиган бўл-

са, баъзи материалларни тўлдириш қийин бўлади, айримлари эса ўчириш кетиши ҳам мумкин. Бундай вақтда шева хусусиятларини ёзиб олишга иккинчи марта боришга тўғри келади.

Шева материаллари бир киши томонидан ёзиб олинган бўлса, унинг ўзи томонидан ишланади ва илмий ёзув билан таъминланади. Агар бундай материаллар жамоа томонидан ёзиб олинган бўлса, унинг ишланиш жараёни жамоа томонидан бажарилади.

12- §. Қишлоқ ҳақида умумий маълумот тўплаш

Маълумки, қишлоқ ва унинг аҳолиси тўғрисидаги маълумот шевашунослик учун катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳар бир аҳоли яшайдиган жойнинг номи аниқ ёзиш талаб қилинади. Бунда қишлоқ кенгаши, туман, вилоят номлари (агар бошқа давлат заминида бўлса, давлатнинг номи) аниқ кўрсатилиши керак. Агар жойнинг номи бирдан ортиқ бўлса, уларнинг ҳар бирини имло ва илмий ёзув билан берилади.

Шу билан бирга, қишлоқдан темир йўлгача бўлган масофани, шаҳар, туман марказига қалар бўлган масофани ҳам кўрсатиб ўтиш керак: қишлоқнинг жанубий, шимолий, ғарбий ва шарқий темир йўл станцияси шаҳар ва туман марказининг қайси томонида эканини ҳам кўрсатиб ўтиш зарур.

Баъзи вақтларда аҳоли яшайдиган жойнинг номи харитада кўрсатилган ном билан тўғри келмайди. Бундай вақтларда ҳар иккисини ҳам ёзиш керак. Шунингдек, бу ном қачондан бери мавжуд эканлиги, қандай касб-ҳунарлар борлиги ҳамда ўтмишда бу қишлоқда яшайдиган аҳоли ишлаш учун қаерларга кетганлиги ва ҳ. к. ларни ҳам кўрсатиб ўтиш керак. Бу тўғрида шаҳар ёки қишлоқ оқсоқолларидан маълумот олиш мумкин. Қариялар суҳбат вақтида мана шу аҳоли яшайдиган жойнинг тарихи, халқи ҳамда бу халқнинг қаердан келиб жойлашганлиги тўғрисида етарли маълумот бера олади. Агар шу тумanning архив материаллари бўлса, буни ҳам кўздан кечириб чиқиш керак. Бир томондан, архив материаллари шу аҳоли яшайдиган қишлоқ тарихи тўғрисида маълумот берса, иккинчи томондан, қўшимча равишда шу маҳаллий халқ томонидан ёзилган ҳужжатларнинг тил хусусиятларини ўзида акс эттиради.

13-§. Шевашунослик материалларини паспортлаштириш

Шевашунос материалларни ишлаб бўлганидан сўнг, ҳамма вақт кимдан ёзиб олинганлиги (фамилияси, исми), унинг ёши, жинси, саволи, маълумоти, хунари ҳамда ихтисосини кўрсатиш керак. Шу билан бирга, шева хусусида маълумот берган кишининг шаҳарда бўлганлиги, бўлган бўлса, қанча вақт ва қандай иш билан шуғулланганлиги кабилар аниқланади, кейин тўпланган материаллар устида иш олиб борилади. Ҳар бир шахснинг айтиб берган материаллари айрим суратда ишланади. Ана шунинг натижасида материаллар ўртасида қатъий чегараланиш ҳосил булади.

Барча материалларни яқинлаш борасида уни ким ва қачон ёзиб олганлиги ҳам қайд этиб қўйилади.

II Б О В. Т Р А Н С К Р И П Ц И Я ВА Т А С Н И Ф

1-§. Транскрипция ҳақида умумий маълумот

Транскрипция лотинча сўз (*transcriptio*) бўлиб, қайта ёзиш демакдир. Умуман, транскрипция илмий ёзув бўлиб, бир тилдаги ҳамма нозик томонларни ҳисобга олган ҳолда, илмий мақсадлар учун талаффузга кўра ёзиб олиш деган маънони беради. Географик ва тарихий номларнинг режада ва харитада берилганига мослаштириб ёзиб олишда ҳам илмий ёзувдан фойдаланилади. Булардан ташқари, халқ оғзаси ижодиёти материалларини ёзиб олишда ва бирор мусиқа асбоби учун ёзилган асарни бошқа бир мусиқа асбобига мослаб қайта ёзиш ҳам тушунилади. Уларнинг талаффузини ёзувда бериш учун белгилар системаси қўлланилади. Шундай қилиб, одатда, бирор нарсанинг илмий асосда ёзиб олинишига *транскрипция* дейилади. Бу мазкур сўзнинг умумий ва кенг маънода қўлланилишидир.

Бу атама тор маънода ҳам қўлланилади. Унинг тор маънодагиси фақат лаҳжа ва шеваларнинг ўзларига хос томонлари, хусусиятларини талаффузга мослаб ёзиб олиш тушунилади. Бунда у ёки бу тилда мавжуд бўлган алфавитдаги белгилар етарли бўлмайди. Шунга кўра, лотин, рус ва ўзбек тили алфавитларига тегишли ўзгартиришлар киритиш талаб қилинади. Бу белгилар одатда мавжуд алфавитдаги ҳарфларнинг усти-

дан, ёнидан ва тағидан шартли белгилар қўйиш йўли билан амалга оширилади ёки бошқа алфавитдан шартли равишда белги (ҳарф) қабул қилинади. Натижада илмий ёзувда белгилар сони асос қилиб олинган алфавитдаги белгилар сонидан кўп бўлиши мумкин.

Транскрипция билан транслитерация ўзаро мустақам боғлиқдир. Транслитерация сўзи ҳам лотинча бўлиб, орқали, воситаси билан ва ҳарф маъноларида келади. Икки атамани бир-бирлари билан алмаштирмаслик керак. Улар бир-бирларига ўхшаш бўлса ҳам, ўз хусусиятлари жиҳатидан тубдан фарқ қилади. Чунки транскрипция тил ёки лаҳжадаги товушларнинг турли кўринишларини талаффузга мослаб ёзиш, яъни унн ёзувда ифодалаш учун фойдаланилади. Транслитерацияда эса тилимизнинг турли даврларда ёзиб қолдирилган ёдгорликларини, масалан, Урхун-Энасой араб ёзувидаги ёзма ёдгорликларни ҳозир амалда бўлган ёзув тизими билан ифодалаш кўзга тутилади. Бунда бир ёзув иккинчи бир ёзув ҳарфлари билан ўқувчиларга тушунарли алфавитга келтирилади.

Қиёсий ва тарихий грамматика, филологик лугатлар тасвирини изоҳлаб ва нашр этишда ҳам транслитерация ишлатилади.

2-§. Транскрипциянинг турлари

Транскрипциянинг бир қанча турлари бор. Текширувчининг вазифаси ва мақсаллари билан боғлиқ ҳолда унинг турли кўринишлари қўлланилиши мумкин. Масалан, қардош тилларнинг фонетикасини, аниқ бир тилнинг фонетикасини тарихий жиҳатдан баён этишда фонетик транскрипциядан фойдаланилади. Лаҳжа ва шеваларни ёзиб олиш ва уларни таҳлил этишда эса фақат транскрипция билан иш кўрилади. Халқ орасида номи кенг тарқалган дostonлар, эртақлар, термалар ва бошқа халқ оғзаки ижоди материалларини ёзиб олишда, нашр этишда ҳам фонетик транскрипциядан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда уларнинг қимматига путур етади ёки камаяди.

Фонетик транскрипция бошқа мақсадлар учун ҳам қўлланилади. Масалан, француз, инглиз каби чет тилларни ўрганишда ишлатилади. Бу ўринда Л. В. Шчербаннинг „Фонетика французского языка“ асарини эслатиб ўтиш ўринлидир.

Маълумки, фонетик транскрипция кенг доирада қўлланилади. Лекин фонетик транскрипция ўз хусусияти нуқтаи назаридан бир хил эмас. Баъзи бир фонетик транскрипциялар аниқ бир тил ёки бир лаҳжа учун мўлжалланган бўлиб, у нисбатан тор доирага эга бўлади. Чунки ундаги шартли белгилар фақат шу тор доира учун мослаб олинган бўлади. Айрим фонетик транскрипциялар кенг миқёсда қўлланилиши мумкин. Улар логин алфавити асосида тузилган бўлиб, халқаро фонетик алфавит (ХФА) деб юригилади. Бундай транскрипция, сўзсиз, кенг доирада қўлланилади ва унинг аҳамияти чексиздир. Ана шундай транскрипциялардан бири академик Л. В. Щерба томонидан яратилган. Унинг транскрипцияси бошқаларга нисбатан бирмунча афзалликларга эга ва оммавий аҳамият касб этган.

Туркий тилларни ўрганишда туркологлар томонидан турлича транскрипциялар қўлланилган. Уларнинг кўплари логин алфавитига асосланиб ишланган транскрипциялардир. Баъзилари эса ҳар бир аниқ тилдаги алфавит асосида берилган. Масалан, Ғози Олим Юнусов, Н. А. Баскаков, Собиржон Иброҳимов, В. В. Решетов кабиларнинг бу соҳадаги тажрибаларини қайд этиш kifойадир. Улардан В. В. Решетовнинг транскрипцияси кенг доирада ишлатилади. Ҳозирги вақтда олий ўқув юрғларида ўтиладиган машғулотларда, илмий тажриба вақтларида ва ҳар хил илмий текширишларда амалда ана шу транскрипциялардан фойдаланилади.

3-§. В. В. Решетов транскрипцияси

Бошқа олимларнинг транскрипциялари унчали оммавий тусда бўлмасдан, улар тор доирада қўлланилади. Бундай қўлланилишнинг сабаблари бор. Чунки, биринчидан, В. В. Решетовнинг транскрипцияси муаллифнинг ўз ишларида қўлланилиши билан бир қаторда, айрим илмий ишларда ҳам унинг белгилари, моҳияти ва қўлланилиши махсус тушунтириб берилган (Транскрипция масаласига доир, 1947). Ғози Олим Юнусов ва бошқа олимларнинг транскрипциялари эса фақат ўзларининг илмий ишларида қўлланилиб, уларнинг моҳияти тушунтириб берилмаган. Иккинчидан, В. В. Решетовнинг транскрипцияси ҳозирги ўзбек ёзуви асосида тузилган ўзбек алфавити билан берилган. Унда баъзи қўшимча белгилар ишлатилган. Олим Тошжентда туғилиб ўсганлиги, турли шаҳар ва қишлоқларда кўп

бўлганлиги сабабли шева хусусиятларини яхши фарқлай оларди.

Шундай қилиб, В. В. Решетовнинг транскрипцияси ўзининг бир қанча афзалликларини билан ажралиб туради. Шунга қўра, у анча кенг миқёсда қўлланилади. Унинг транскрипцияга оид ишлари 1931 йилларининг охиридан бошлаб („Ўзбек тилининг Марғилон шеvasи“), лингвистик адабиётларда қўллана бошлади. Лекин, ҳали у вақтларда транскрипциянинг моҳияти кенг ларажада тушунтириб берилган эмас эди. Бу иш 1947 йилга келиб тўла равишда бажарилди. яъни ўзбек халқ шеваларини ўрганиш, ёзиб олиш учун махсус белгилар системаси юқорида қайд қилинган бир ишда баён этиб берилди. Олим ўзининг бу транскрипцияси белгиларини сўнгги йилларда қайта қайта ишлаб янада мукаммал ҳолатга келтирди.

Транскрипцияда унлилар ва ундошларнинг ҳар бири алоҳида белгилар билан кўрсатилади ва изоҳлаб берилади. Шунингдек, турли диакритик ва шартли белгилар ҳам киритилади. Транскрипция белгилари учун ўзбек алфавитида мавжуд бўлган ҳарфларнинг ҳаммаси олинади. Шунингдек, о, у, ы, э каби қўшимча белгилар ҳам қўлланилади.

Ўзбек халқ шеваларидан Тошкент ва Тошкент атрофидаги шеваларда; Жиззах, Каттақўрғон, Самарқанд, Бухоро, Қарноб каби шеваларда 6 тадан унли фонема мавжуд. Демак, бу шеваларда унли фонемалар миқдор жиҳатдан бир-бирига асосан мос келади. Булардан о—тил орқа қаттиқ лабланмаган фонема саналади. Самарқанд—Бухоро шеваларида бу фонема баъзан а белгиси билан берилади (Мас., амонот—омонат) ь ва у унлиларнинг талаффузи адабий тилдаги каби қисқа талаффуз қилинади. Самарқанд—Бухоро шевалари бундан мустаснодир.

Шундай қилиб, юқоридаги фонемалардан икки фонема (э, э), Фарғона шеваларида учта фонема (э, э, а) билан берилади. Қипчоқ шеваларидаги каби ўғуз унлиларда 9—10 тадан унли фонема мавжуддир. Шеваларда бирламчи чўзиқлик ҳам мавжуд (ады, қиз, диз каби). Бу ўғуз шеваларида учрайди. Масалан, ф фонема и Самарқанд—Бухоро шеvasидан ташқари, ҳамма шеваларда п ундошига ўтади. Тошкент ва Андижон шеvasида х ва ҳ аралаштирилади. Қипчоқ шеваларида

х фонемасининг қ фонемасига ўтиши (*қалқ, қатын* сингари), айримларида эса қ фонемасининг к фонемага ўтиши (*кәри, кәдир* каби) сингари хусусиятларнинг мавжудлиги кўзга ташланиб туради.

Биз қуйида илмий ёзувга асос қилиб олинган белгиларни ёслатиб ўтамиз.

Унлилар. Ўзбек халқ шеваларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва ёзиб олишда қуйидаги унлилар ишлатилади:

а — умумтуркий орқа қатор унли бўлиб, қипчоқ гуруҳидаги оҳангдош шеваларнинг ҳаммасида учрайди. Масалан: қандай, ата, вақт, хамыт каби. Байналминал сўзлардаги а фонемаси ҳам шу белги билан берилади: партия, парта, лагерь ва бошқалар. Бу унли Самарқанд ва Бухоро шеваларида ҳам ишлатилади: бала, алма, ашула, амон каби.

э — тил олди қатор, кенг, лабланмаган унли У ўзбек халқ шеваларининг деярли ҳаммасида қўлланилади. Жумладан, Марғилон, Андижон, Қўқон, Каттақўрғон каби шеваларда экэ, бедэ, кэттэ; Тошкент, Паркент, Қарноб каби шеваларда экэ, кэттэ каби.

э — тил орқа қатор, кенг, лабланмаган унли. У кўпинча шаҳар ва шаҳар агрофидаги шеваларда (масалан, дэнэ нэн, машин сингари) ва қурама, қозоқ-найман, қипчоқ каби шеваларда ишлатилади: ҳэ, жақын қэлни (қипчоқ), жой қамай қэлады (қурама), шәҳэрдэн отын сэтып, чай элды (қозоқ-найман) каби.

е — тил олди қатор, лабланмаган тор унли бўлиб, шаҳар ва шаҳар типли шеваларда учрайди. Тошкент, Наманган, Марғилон, Самарқанд, Жиззах, Каттақўрғон ва бошқа шеваларда кел, бедэ, терэк, ендэ, ечкэ, тескэрэ, керэк каби.

э — лаблашмаган очик унли фонема бўлиб, тилнинг олди қисмида ҳосил қилинади. Бу фонема оҳангдошлик хусусиятига эга бўлган шеваларда қўлланилади: эшик, эчки, элак, мэргэн каби.

е — олдинги қатор унли, лабланмаган, э унлисининг очик варианты. Бу э ва э ўртасидаги бир товуш бўлиб, Хоразм (гел, гет, герэк), Наманган (нсмэсэ, бэлиғ) каби шевалар учун хосдир.

и — тил олди қатор унли. У оҳангдош шеваларда мустәқил фонема ҳисобланади. Мас, гиш, кийим, илгәри, биттэ, бэшик, китәп каби.

ъ — холис, лабланмаган унли. Бу товуш и ва ы товушларининг бирлашиши натижасида келиб чиққан. Ў фонемаси шаҳар ва уларга яқин шеваларда қўлла-нилади: къшъ, ъккъ, бъз, към, кър, къръм, чъвън сингари.

ь — лабланмаган холис унли. У тургун товуш бў-либ, и унлисига яқин талаффуз этилади ва чуқур тил орқа товушларидан бўлган қ, ғ, х товушлари билан ёнма-ён келади. Ъ—унлиси шаҳар ва шаҳар атрофида-ги шеваларда учрайди: кърқ, қъш, қъзьк, мъх, ғъш каби.

у — тил орқа қатор лабланган унли. Туркий тил-ларда мустақил фонема саналади. Бу унли ўзбек халқ шеваларининг ҳаммасида ишлатилади. Мас., тумшук, улуг, қуйрук, мурун каби.

ү — тил олди қатор лабланган унли, у оҳангдош-лик ўзбек халқ шеваларида учрайди. Мас., күл, гүл, үчүн, үч кабилар.

о — тил орқа қатор, лабланган унли фонема. Қип-чоқ, қарлуқ-чи, ил-уйғур ва ўғуз шеваларининг ҳамма-сида ҳам мустақил ҳолатда қўлланилади. Масалан, орақ, қолыны қойып жүгәрди, бир миң йуз он сомға қой олды, орын бошап қолды сингари.

ө — тил олди қатор, лабланган унли. Бу ҳам оҳанг-дош ўзбек шеваларида ишлатилади. Масалан, көл, бөлим, бөлә, өзбәк, көр, көз каби.

ў — лабланган холис товуш. Бу унли о билан ө оралигидаги товуш бўлиб, шаҳар ва шаҳар атрофида-ги шеваларда учрайди. Шундай қилиб, унлиларни ифо-далаш учун юқорида қайд этилган сингари 14 та бел-ги ишлатилади.

Ярим тор унлиларнинг қисқа ёки сал чўзиқроқ та-лаффуз этилиши кабилар ҳар бири шевадаги фарқли тоҳонларга қараб, алоҳида қўшимча белгилар ёрдами билан қайд этилиши мумкин. Шунинг учун, бу масала-га алоҳида тўхталиб ўтирмаймиз. Фақат чўзиқ унли-ларнинг икки тури бор эканлигини қайд этиш билан кифояланамиз: бирламчи чўзиқлик ва иккиламчи чў-зиқлик. Бирламчи чўзиқликни ифодалаш учун унли-ларнинг устига тирега ўхшаш белги қўйиш билан ки-фояланамиз. Мас., ад, қиз, диз, ач каби. Иккилам-чи чўзиқликни билдириш учун унли товушдан сўн-

икки нуқта (:) қўйилади. Мас., шә:эр, де:қэн, ме:мэн, ко:нә ва бошқалар.

Қуш унли ясосан, қинчоқ лаҳжаси вакиллари нутқида бўлиб, иэ, уе, уо каби кўрринишларга эга бўлади: иэшиқ, уоша, уорша, үетти каби,

Ундошлар. Илмий ёзувда б, д, з, м, н, п, р, с, т, ш ундошлари ўзинча ишлатилади. Қолган белгилар қулилаги ҳолатда қўлланилади:

в—лаб-лаб, в—лаб-тиш в ундоши учраб қолса, уни алоҳида изоҳлаш зарур вэх, эвқэт каби.

й—русча й товушига нисбатан торроқ талаффуз қилинадиган товуш: йэвоп, әйә, пәйшәмь.

ғ—чуқур тил орқа, сирғалувчи товуш. Масалан, қулоғ, эғәйнъ, гәм каби.

г—саёз тил орқа, портловчи товуш. Мас., гөш, ългә каби.

ж—русча ж га мос келадиган товуш: аждар, журнал.

ж—қоришиқ ундош: жол, жора каби.

қ—чуқур тил орқа портловчи товуш: қой, қайчы.

к—саёз тил орқа, портловчи товуш: кәръм, кәрчәк.

л—чуқур тил орқа, қаттиқ: алтын, малтыш

н—тил орқа, бурун товуш: ъшън бор, мәнә қара.

л—тил олди, юмшоқ л: қил>кул>кул, кэл.

ф—лаб-лаб, лаб-тиш ф ундоши учраб қолса, алоҳида ифодалаш зарур: туф, пуф.

ч—қоришиқ товуш: чәй, ъчәк.

т^ш—қипчоқ шеваларида қўлланилади.

х—чуқур тил орқа, сирғалувчи товуш: Холмат, хамыр.

қ^х—чуқур тил орқа қоришиқ товуш: қ ва х фонемалари кам фарқ киладиган шеваларда учрайди.

ҳ—бўғиз товуши. Немис тилидаги һ ундоши каби талаффуз этилади: ҳамма, әвхәл.

Диакритик белгилар ва бошқа шартли белгилар:

. (нуқта), : (икки нуқта) ва ... (кўп нуқта) белгидан кейин қўйилиб, унлиларнинг чўзиқлигини ифодалайди.

— г ундошининг ёнига қўйилиб, ғ талаффузида портлашни ифодалайди.

’ г ундошининг ёнига қўйилиб, г’ сирғалувчи эканлигини ифодалайди, ақут белгининг ўнг томонига қўйилиб, юмшалишни кўрсатади.

— шевалардаги баъзи товуш ёки сўзларни ўзбек адабий тили материаллари билан таққослаганда, улар ораси я қўйилган белги.

= фонемаларнинг устига қўйилиб, бирламчи чўзиқликни ифодалайди.

: и иккиламчи чўзиқ талаффузни билдиради: шэ:эр, ме:чэн.

— белгиси бирлашиш ҳодисасини кўрсатиш учун товушлар ва кўрсаткичлар орасига қўйилади.

> — белгиси ўтиш ҳодисасини кўрсатади.

< — белгиси ўзгариш ҳодисасини билдиради.

// — белгиси товушларнинг алмашишини ва икки фактнинг жуфт қўлланилишини кўрсатади

() — қавс шарт бўлмаган хусусиятни кўрсатади.

| | — ўрта қавс умумий маъдан транскрипция қилинган сўзларни ажратиб кўрсатиш учун ишлатилади.

~ курсив—турли даражадаги кучсизланиш ва қисқарувни ифодалаш учун ишлатилади.

4-§. Транскрипция ва имлонинг ўзаро фарқлари

Илмий ёзув ва имло бир-бирларига ўхшасалар ҳам, улар қўлланилиши ва асослари билан ўзаро фарқланиши туради. Бу фарқларни ҳисобга олиш шеваинунослик учун, айниқса, фойдалидир.

Улар ўртасидаги асосий фарқлар қуйидагилардан иборат:

1. Ўзбек халқ шеваларидаги ўзига хос хусусиятларни илмий ёзув билан ифодалаганда, имло қоидаларига мослаб эмас, балки сўзларнинг талаффузига, уларнинг айтилишига қараб ёзиб олинади. Масалан, оғзёки нутқ жараёнида бошты, эпкэ каби шаклларга анча кўп қўлланилади. Ёзувда эса имло қоидаларига мувофиқ ёзилади: „бўлибди“, „олиб кел“. Илмий ёзувда сўзлар талаффузига ва эшитилишига мослаштириб ёзиб олинади. Масалан, Тошкентда: *тэкинэ ғашкэмга котаравуз, йэзэвэ ғасғэқ кочалэрэйнэ ғыр-ғыр шэмол эсэдэв*. Қарнобда: *элэқ йэқуб пэлук бэшэрдуғ су ғчэбэз* каби.

2. Илмий ёзувда унинг қоидаларига мувофиқ бош ҳарфлар қўлланилмайди. Имлода бунинг бўлиши шарт. Шартли равишда фақат хатбошида ва атоқли отларда бош ҳарфнинг ёзилиши ҳисобга олинади.

3. Транскрипция қоидаларига кўра, бир товуш бир белги билан берилиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, имло икки товушни ифода қилувчи *юлоуз, юз,*

ярим, ёш, етти, ер каби сўзлардаги товуш бирикмалари ю, я, ё ёзувда икки белги билан ю—йу, я—йа, ё—йэ, е—йъ, йэ каби ифода этилади. Масалан, шаҳар ва шаҳар атрофидаги шеваларда: *йулдуз, йуз, йорим, йэт, йэттэ, йэр*; қипчоқ шеваларда: *жулдуз, жуз, жарим, жат, жэтти, жэр* каби.

4. Одатда илмий ёзувда икки товуш бир белги билан ифода этиладиган нг ундоши транскрипцияда бир асосий белги орқали, яъни н тарзида берилади.

5-§. Ўзбек шевалари таснифлари ҳақида бир неча сўз

Ўзбек халқ шеваларининг ишланиш тарихини ҳам туркий халқларнинг сўнмас қуёши бўлиб қолган машҳур олими Маҳмуд Кошғарийнинг „Девону луғотит турк“ асари билан боғлаб ўрганиш ўринлидир. Бу асарда бошқа туркий тиллар билан бир қаторда, ўзбек тилининг ҳам ҳамма соҳаларига тааллуқли қимматли маълумотларни топиш мумкин.

Маҳмуд Кошғарий уруғ-қабилаларни ва уларнинг тилларини аниқлаб берган машҳур шевашунос олим ҳам эди. У кенг заминда ҳаёг кечирган туркий уруғ-қабилалар ва улар тилларининг ўзаро муносабатларини, улардаги яқинлик ва фарқларни, ажралиш ва қўшилиш каби масалаларни аниқлади. „Девону луғотит турк“ дан сўнг юзага келган манбаларда ҳам шеваларга доир маълумотларни учратамиз. Лекин махсус ишларнинг то XIX асрнинг ярмигача мавжудлигини учрагмаймиз. Ўзбек халқ шеваларини ўрганишга қизиқиш масалалари XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб пайдо бўла бошлади В. В. Радлов, С. А. Лапин, Ғози Олим Юнусов, Е. Д. Поливанов Улуғ Турсунов, А. К. Боровков, Шоназар Шоабдурахмонов, В. В. Решетов, Фаттоҳ Абдуллаев, Абдуғани Алиев, Мустақим Мирзаев, Худойберди Дониёров қабиларнинг ўзбек шеваларини ўрганиш ва тасниф қилишга доир асарлари вужудга келди¹.

Ғози Олим Юнусов таснифи. Ўзбек халқ шеваларини текшириш билан машғул бўлган ва бу соҳала анча қимматли ишлар қилган олимлардан бири Ғози

¹ Ўзбек диалектологиясидан курс материалари. — Самарқанд: СамДУ, I, 1962, 54—5-бетлар; Ўзбек тилининг ғарбий Самарқанд шевалари. — Тошкент, ФАН, 5—13-бетлар.

Олим Юнусовдир. У ўзбек тилининг бир қанча шева-ларини ўрганиш устида узоқ йиллар кузатиш ишлари олиб борган. Натижада, у анчагина шеваларга хос хусусиятларни ёзиб олишга муваффақ бўлган. Олим ўзбек тилининг турли шеваларига онд хусусиятларини ёзиб олиш билан бирга, уларни тасниф ҳам қилган. Унинг „Ўзбек лаҳжаларини таснифда бир тажриба“ (1935) деган асарига ўзбек халқ шеваларининг таснифи берилди.

Олим ўз китобида ўзбек халқ шеваларини учта катта гуруҳга бўлиб тасниф этади: 1. Ўзбек-қипчоқ лаҳжаси. 2. Турк-барлос лаҳжаси. 3. Хива-Урганч лаҳжаси.

1. Ўзбек-қипчоқ лаҳжаси. Ҳозир Олим бу гуруҳга кирувчи шева вакиллари ҳам алоҳида кўрсатади. Бу лаҳжада сўзлашувчи ўзбеклар Оҳангарон водийсида, Мирзачўлда, Ўратепа атрофида, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ва шимолий Хоразм каби жойларда яшайдилар. Бу лаҳжа вакиллари Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари шаҳарлари ва туманларида ҳам учрайди. Шунингдек, Қорақалпоғистоннинг Қипчоқ, Чимбой ва Қўнғирот туманларида; Тожикистоннинг Лақай ва Қўрғонтепа, Кабодиён, Саройқамар ва Кўлоб агрофида; Афғонистоннинг шимолий қисмида истиқомат қиладилар.

Бу гуруҳдаги шеваларнинг баъзи ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

Фонетика соҳасида: а) адабий тилдаги й ундоши ўрнида ж ундоши келади: *жилә*—йиғла, *жийиқ*—йиғиқ, *жантақ*—янтоқ, *жол*—йўл, *жизди*—ёзди, *жэр*—ер каби; б) адабий тилдаги ғ, г ундошлари ўрнида ўзбек-қипчоқ лаҳжасида й товуши келади: *сийди*—сигди, *сийир*—сигир, *тийди*—тегди ва бошқалар; в) сўзларнинг ўртасида қ ундоши ғ га ўтади: *оқар*—ағар, *ёқар*—йағар, *йиқар*—йиғар, *қулоқ*—қулағи каби; г) ўзбек адабий тилидаги ғ ундоши бу гуруҳдаги шеваларида в ундоши билан алмашиб қўлланилади: *тоғ*—тав, *соғ*—сав, *оғма*—авма каби; д) к ундоши сўз ўртасида келганда, жаранглашиш хусусиятига эга бўлади: *киб*—эгиб, *кўк*—көги каби.

Морфология соҳасида: а) жўналиш келишиги шаклида келган сўз ўзакларининг қаттиқ (-ға, -қа) ва юмшоқлигига (гэ, -кэ) қараб фарқланади: бала+ға = балаға, ат+қа = атқа, ит+кэ = иткэ; б) жўналиш ке-

лишиги қўшимчаси -га, м, н, нг бурун товушлари билан тугаган сўзларга қўшилиб келганда, қаттиқ ўзакларда а, юмшоғида э шакллариغا эга бўлади: атам— атама, энэм—энэмэ, танан—танана, тилин— тилинэ; в) чиқиш келишигининг қўшимчаси -тан, -тэн, -дан, -дэн, м, н, нг бурун ундошларидан сўнг эса -нан, -нэн қўлланилади; г) тушум келишиги -ны, -ни, -ты, -ти, ды, -ди қўшимчаларига эга бўлади; д) қаратқич келишиги кўрсатқич унлилар уйғунлашуви билан боғланган ҳолда б та қўшимча билан ишлатилади: -нын, -нин, -тын, -тин, -дын, дин; е) кўплик қўшимчаларининг шакллари эса 8 тага бориб етади: -лар, -лэр, -нар, -нэр, -тар, -тэр, -дар, -дэр; ж) аниқ ҳозирги замон феъли -йатыр, -жатыр қўшимчалари билан ясалади.

Ҳозир Олим юқоридагилар каби ўзбек-қипчоқ лаҳжаси учун хос умумий ва ўхшаш фонетик ҳамда морфологик хусусиятларни қайд этгач, бу гуруҳдаги шеваларни 4 та кичик гуруҳга бўлиб кўрсатади. Ҳар бир гуруҳ учун хос баъзи фонетик ва морфологик хусусиятларни санаб ўтади:

1. 1. *Қирқ шеваси*. Бу гуруҳ Жиззах ва Самарқанд ўртасида тарқалган деб қайд этади, яъни бу Самарқанд вилоятининг Бўлунғур туманидаги Қирқ шеваси ҳисобланади. Бу шевада и унлиси бироз чўзиқроқ талаффуз этилади: *пиг—пи :т, иг—и :т*. Кишилик олмошларининг 1- ва 2- шахс бирлик шакллари жиналиш келишиги қўшимчаси билан ўзгарганда, маған, саған, уған кўринишларига эга бўлади. Бу шевада мэнгэн, сэгэн юмшоқ шакллари ҳам қўлланилади.

1. 2. *Жалойир-лақай шеваси*. Бу шева вакиллари Тожикистон ва Қирғизистон республикалари заминда яшайдилар. Ўзбек адабий тилидаги а фонемаси жалойир-лақай шевасида баъзан е унлисига ўтади: *көген, беген* каби. Кишилик олмошларининг I, II шахс бирлик шакллари жалойир-лақай шевасида мэнэ, сэнэ деб қўлланилади.

1. 3. *Қипчоқ шеваси*. Бу гуруҳга олим Андижон вилоятининг Қўрғонтепа, Жалолқудуқ, Ойим туманларидаги шеваларни киритади. Қипчоқ шевасида оҳангдошлик анча сезиларли даражада сақланган. Адабий тилдаги -лар қўшимчаси бу шевада -лар, -лэр, -тар, -тэр, -нар, -нэр, -дар, -дэр шакллариغا эга бўлади. Бу гуруҳдаги -дар, -дэр, -тар, -тэр шакллари,

асосан, Янгиқўрғон тумани қилчоқ шевасига таъаллуқлидир.

1. 4. *Гурлан шеваси.* Хоразм вилоятининг Гурлан туманида яшовчи шева вакиллари нутқида ўзбек-қипчоқ лаҳжасининг ҳамма хусусиятлари сақланган, бироқ сўз бошида ж товушини кўп сўзларда йўқотган шеваларга киради. Бу шеваларда „балалар“ сўзи кўп ҳолларда „бағалар“ деб ишлагилади

II. *Турк-барлос лаҳжаси.* Бу лаҳжа вакиллари Тошкент, Қўқон, Наманган, Андижон, Марғилон каби шаҳарлар атрофидаги қишлоқларда яшайди. Турк-барлос шевасининг вакиллари Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида оз даражада учрайди, деб қайд этилади. Қозоғистоннинг Чимкент, Сайрам шаҳарларида; Қирғизистоннинг Ўш, Ўзган шаҳарларида ҳаёт кечирувчи шевалар вакиллари ҳам шу гуруҳни ташкил этади. Шунингдек, бу лаҳжадаги ўзбек шевалари Афғонистоннинг Балх, Қундуз шаҳарлари; Жиззах вилоятининг Бахмал туманидаги Ўсмаг, Сирдарёнинг ўнг қирғоғидаги (Далварзинда) Хос, Тақачи каби жойларда учрайди Тошкентдаги Қоратоғ шеваси ҳам шу гуруҳга мансубдир.

Баъзи хусусиятлари: ўзбек-қипчоқ лаҳжасида сўз бошида ж товуши келганда, турк-барлос лаҳжасида й товуши келади: жэр (йэр — жэр), йиғ — жийнэ каби. Жўналиш келишигининг қўшимчаси -гэ шаклида ишлатилади. Бироқ сўз охиридаги жарангли ундош товушлардан (д, г, ғ) сўнг жўналиш келишиги қўшимчаси келганда, ўзак охиридаги жарангли ундошлар жарангсизлашади. Натижада жўналиш келишиги -қа, -кэ қўшимчасига эга бўлади: тоғ + га = тоққа, тег + га = теккэ каби. Қаратқич ва тушум келишиклари қўшимчалари бир хил, яъни -нъ шаклига эга бўлади. Лекин Андижон шевасида қипчоқ шевалари шакли ҳисобланган -дың, -дин қўшимчаси ҳам учрайди. Истак феъли -лук қўшимчаси билан ҳосил қилинади: келэйлук, элэйлук каби. Буйруқ феълининг буйруқ-илтимос шакли -чъ қўшимчаси билан ясалади: берсэңчъ.

Ҳозир Олим турк-барлос лаҳжасини тўртга бўлиб кўрсатади:

1. *Сайрам-Чимкент шеваси.* Бу шевада оҳангдонлик тўла сақланганлиги қайд этилади, лекин ўзига хос хусусияти алоҳида берилмайди.

2. *Тошкент-Хос шеvasи.* Бу шевада т ундоши билан тугаган сўзларга тушум келишиги қўшимчаси (-ни) қўшилганда, таъсирга учрайди ва -тъ (-ти) деб қўлланилади. Шунингдек, биз, сиз каби кишилик олмошларига тушум келишиги қўшимчаси қўшилганда ҳам шундай ҳодиса учрайди: бъз + нъ = бъзъъ, съз + нъ = съзъъ. Истак феъли тусловчи -лук шаклига эга бўлади: элэй лук. Аниқ ҳозирги замон феъли Тошкент шеvasида буйруқ феълига -вот кўрсаткичини қўшиш билан ҳосил қилинади: келвоттъ, элвоттъ каби. Бўлишсизлик шакли келмэвоттъ ёки кемъйоттъптъ ҳолатига эга бўлади. Шарт феълига биринчи шахс кўплиги: -вуз, -мъз (бълсэвуз, келсэмъз, бэрсэвуз — бэрсэмъз).

Ўтган замон феълининг биринчи шахс кўплиги -мъз, -мъзэ, -вуз, -вузэ қўшимчалари билан, иккинчи шахс кўплиги эса -ъ:з қўшимчаси (элдузъ:з) билан шаклланади.

III. *Хива-Урганч лаҳжаси* Ғози Олим бу лаҳжани иккинчи бир ном билан, яъни турк-қарлуқ номи билан юритади. Унинг кўрсатишича, Хива-Урганч лаҳжасига Хива, Ғазовот, Шоҳобод, Қат, Тошқовуз, Эски Урганч, Янги Урганч, Хонқа, Хазорасп, Тўрткўл каби ўзбек шевалари кирди. Бу лаҳжа вакиллари Амударёнинг чап қирғоғида, Хазорасп ва Марв ўртасидаги ерларда ҳам яшайдилар. Шунингдек, Бухоро шаҳри ва унинг атрофида яшовчи қарлуқлар; Тожикистоннинг Кофирниҳон ва Вахш ўртасидаги қарлуқлар; Самарқанд, Каттақўрғон, Қарши, Шаҳрисабз, Кигоб, Ғузор, Бойсун каби жойларда ҳаёт кечирувчи ва тарихан тожик, араб ва афгонларни билдирувчи аҳолини ҳам шу гуруҳга киритади.

Хива-Урганч шеvasида унли товушлар билан тугаган қаттиқ ўзакда -ға, юмшоқ ўзакда -гэ қўшимчаси қўлланади. Агар сўзнинг ўзаги ундош товуш билан тугаган бўлса, қаттиқ ўзакда -а, юмшоқ ўзакда -э қўшимчасига эга бўлади. Бироқ, бу лаҳжада I ва II шахс кишилик олмошларининг бирлик феъли шакллари (мэи, сэи) юмшоқ бўлсалар-да, жўналиш келишиги қўшимчасини қўшганда қаттиқлашиб, манга, санга кўринишларида қўлланади. Келаси замон феъли -жақ, -жэқ қўшимчаси билан ясалади.

Ғози Олим Хива-Урганч лаҳжасини икки гуруҳга бўлади:

1. *Хива шеvasи*. Бу шева унлилар уйғунлиги ҳодисасининг мавжудлиги, бирламчи чўзиқ унлиларга эга бўлиши, қ ундоши ўрнида к ундошининг келиши билан ажралиб туради.

2. *Қарлуқ шеvasи*. Бу гуруҳга кирувчи шевалар вакилларининг яшаш жойлари юқоридаги сингари қайд этилади, лекин уларнинг ўзига хос хусусиятлари кенг даражада келтирилмайди.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турганидек, таснифда ўзбек шеваларининг таснифи, уларнинг хусусиятлари тўла берилмайди. Баъзан эса шевалар санаб ўтиш билан чегараланади. Натижада шевалар қайси хусусиятларига кўра гуруҳларга бўлинганлиги аниқ бўлмай қолади. Бу эса унинг камчилиги эди.

А. К. Боровков таснифлари А. К. Боровковнинг 1940 йилда ёзилган „Янги ўзбек алфавити ҳақида“ номли асари ўзбек шеваларини тасниф қилишга бағишланган асарлардан ҳисобланади. А. К. Боровков ўзбек шеваларини, асосан, фонетик жиҳатдан тасниф қилади. Унинг таснифига мувофиқ, ўзбек шевалари икки гуруҳга бўлинади: 1) о ланувчи ўзбек шевалари; 2) а ланувчи ўзбек шевалари.

1. *О ланувчи ўзбек шевалари*. Бу гуруҳга Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Каттақўрғон, Андижон, Марғилон, Қўқон, Қарши, Жиззах, Фарғона шевалари ва уларга туташган (шаҳар марказларига яқин бўлган) шевалар кириди. Бу шеваларда унлиларнинг сони 6—7 тагача бўлади: э, ь, у, е, о, э(а).

Демак, бу шеваларда оҳангдошлик ҳодисаси йўқолган. Бундан ташқари, уларда аксарият биринчи бўғинларда а ўрнида э қўлланади: эга, бэла, сэй, элмоқ, қулэқ. Шунингдек, сўзнинг ўртасида ь унлиси қисқа талаффуз этилади.

Морфологик жиҳатдан қараганда, жўналиш келишигининг қўшимчаси -га ва ўрин-пайт келишигининг қўшимчаси -да бир-бирдан фарқ қилинмасдан ишлатилади. Бу Самарқанд-Бухоро гуруҳи шеваларига хосдир.

Аниқ ҳозирги замон феъли бу шеваларда қуйидаги шаклларда қўлланади:

бэрвэтмэн	}	Тошкент	бэрэпман	}	Самарқан
бэрвэтсэн			бэрэпсан		
бэрвэтть			бэрэпти		

бэрийэпмэн	} Кўқон, Марғилон, Андижон, Фарғона	бэрвуттъман	} Наманган
бэрийэпсэн		бэрвуттъсан	
бэрийэптъ		бэрвуттъ	

2. *А ланувчи ўзбек шевалари.* Бу гуруҳ шеваларга Самарқанд вилоятининг қипчоқ шевалари, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг қишлоқ шевалари, шимолий Хоразм шевалари киради. Бундан ташқари, Қозоғистоннинг жанубидаги Сайрам, Чимкент, Қорабулоқ, Манкент шевалари киради. Бу шеваларда унлилар оҳангдошлиги сақланган. Унлилар сони 8 тадан 10 га-ча бориб етади: а—э, ы—и, у—ү, о—ө, а(э).

А. К. Боровков ўзбек шеваларини фонетик белгилашга қараб яна икки кичик гуруҳга бўлади: а) й ланувчи ўзбек шевалари б) ж ланувчи ўзбек шевалари,

а) й ланувчи кичик гуруҳга шимолий Хоразм ва жанубий Қозоғистоннинг Чимкент, Манкент, Туркистон шевалари киради;

б) ж ланувчи кичик гуруҳ шимолий Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларининг қишлоқ шеваларини ўз ичига олади.

Бу кичик гуруҳга кирган шеваларнинг энг асосий фонетик хусусияти шундан иборатки, сўзнинг бошида келатган ж ундоши ўрнида й келади: жоқ — йўқ, жаман — ёман, жыгыт — йигит, жол — йул.

Шаҳар шевалари таъсири остида ж ланувчи шеваларда ҳам а ўрнига биринчи бўғинларда э талаффуз этилиши ва ёзилишини учратиш мумкин: эта, эт.

Олим ўзининг „Ўзбек тили шеваларининг таснифи масалалари“ деган ишида юқоридаги фикрларни муфассал равишда тараққий эттириб, ўзбек шеваларини гуруҳларга ажратади Шунга кўра, ўзбек шевалари гўрт гуруҳга булинади:

1. Ўрта ўзбек диалекти
2. Шайбоний-ўзбек ёки ж ланувчи диалект.
3. Жанубий Хоразм диалекти.
4. Чқиқиб келиши ҳар хил бўлган айрим шевалар.

А. К. Боровков ҳар бир гуруҳ шевалари устида алоҳида-алоҳида фикр юритиб, уларнинг ўзларига хос фонетик ва морфологик хусусиятлари тўғрисида бирма-бир тўхталди. У ҳар бир гуруҳ ичидagi шеваларнинг ўзаро фонетик, морфологик хусусиятлари ва лу-

ғат таркиби жиҳатидан озгина бўлса-да бир-биридан фарқ қилишини кўрсатиб ўтади.

Шаҳар шеваларида унлилар таркиби бир хил бўлмай, 7 билан 8 ўртасидадир. Шаҳар шевалари унли фонемаларнинг ишлатилиши жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Масалан, *и* ва *у* тор қисқа унлилар Самарқанд ва Бухоро шеваларида нисбатан турғунроқ: *оқу йди*, *ашула*, *келэпти*, *дэру*, *хэгу*н. Қарши, Жиззах, Тошкент, Қўқон каби шеваларда бўлса, *ъ* ва *у* унлилари жуда ҳам қисқа, баъзи ҳолларда эса биллинар-билинас эшигилади: *хэтън*, *шэвкън*, *уръш*, *ъш*, *эшълә*, *ъдъш* кабилар.

1. Ўрта ўзбек диалекти. Бу диалектни яна икки гуруҳга бўлиб кўрсатилади: а) Ўрта Ўзбекистон шевалари. Бунга Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона шевалари киради; б) шимолий ўзбек шевалари. Бу гуруҳ Жанубий Қозоғистон вилоятидаги Чимкент, Сайрам, Марки ва Жамбул шеваларини ўз ичига олади.

Ўрта ўзбек диалектининг биринчи гуруҳига кирган шевалар ўзларига хос бир қанча хусусиятлари билан бир-бирларидан ажралиб турадилар:

1. Тошкент шевасида: а) бу шевада *э* унлиси билан *а* унлиси ўртасида катта фарқ бор. Чунки *э* энг тил олди, *а* эса энг тил орқа унли ҳисобланади. Тошкент шевасида *э* унлиси бошқа унли фонемаларга нисбатан турғунроқ ҳисобланади ва кўп қўлланилади: *қэндэғ* (қандай), *мэй* (май), *мэрт* (март), *вэқзэл* (вокзал), *йэлғон* (ёлғон). Лекин *э*, *э* унлиларининг эволюцияси Тошкент шевасида тугалланган хусусиятга эга деб бўлмайди: *тэшъмоқ*—*тэшъмоқ*, *эзгъна*—*эзгъна*, *чэқъм*—*чэқъм*, *эйъғ*—*эйъғ* (Тошкент, Хонобод, Хас, Тақачи, Янгийўл, Чиноз шеваларида);

б) *ҳ* ва *х* фонемалари талаффуз қилинганда, бир-биридан фарқ қилмайди, ҳатто бу икки фонема бирлашиб кетади ва *х* тарзида қўлланилади;

в) араб тилидан кириб келган баъзи сўзларда *ъ* (айн) танглай товуши *ғ* билан алмаштирилади. Масалан, „шеър“ дейиш ўрнига „шъгър“ дейилади.

Аниқ ўтган замон феъли шаклининг кўплиги *-дъмъз* қўшимчаси билан ифодаланади: *бордъмъз*, *келдъмъз* (бордик, келдик) каби. Ўтган замон феълининг аниқ ўтган замон шакли *келдъвуз*//*келдъвузэ* (келдик) шаклида ҳам қўлланади.

2. Самарқанд-Бухоро шеваларида. Самарқанд шевасида тил олди унлиси э ва тил орқа унлиси а бириридан жуда кам фарқ қилади. Шунинг учун бу икки унли товуш бир унли фонеманинг турли кўринишлари деб қаралади ва а шаклида ишлатилади.

Самарқанд ва Бухоро шеваларида икки бўғинли сўзларнинг биринчи бўғинида Тошкент шевасидаги э унлиси ўрнига а нинг келиши кўзга ташланиб туради: бэла — бала, элма — алма, ҳэвли — ҳавли, қэвун — қавун, тэмэша — тамеша, арээн — арзан кабилар.

Кўп ҳолларда биринчи бўғинда а унли фонемаси келади. Биз бу ҳолни кўпроқ икки бўғинли сўзларнинг биринчи бўғинида учратамиз: арээн, тавэқ, самэн, йамэн, амэнэғ кабилар. Қаратқич ва тушум келишигининг шакли бир хил, яъни -ни шаклида қўлланилади. Жўналиш келишиги ва ўрин-пайт келишигининг қўшимчалари жўналиш келишигининг қўшимчаси -га, -ка билан ифодаланади. Аниқ ҳозирги замон феълининг шакли -эп қўшимчаси билан берилади: келэпти — келяпти, бэрэпти — боряпти.

3. Фарғона шеваларида. Фонетик жиҳатдан Фарғона шеваларида бўлса э ва а унлилари ўртасидаги қарама-қаршиллик яна ҳам кескинроқ ифодаланади. Фарғона шевасида бир ва икки бўғинли сўзларнинг биринчи бўғинида э фонемаси келади: эрээн, қэзэн, йэман, сэман, тэвэқ.

э унлиси билан бир қаторда, а унлиси ҳам сақланган: тэвақ, йузмақ каби. э унлиси бир бўғинли, икки бўғинли ҳамда кўп бўғинли сўзларнинг биринчи бўғинида кўпроқ учрайди: шэть, эрээн, сэман, қэзан каби.

Морфологик хусусиятлари хусусида:

а) қаратқич ва тушум келишикларининг қўшимчалари (-нинг ва -ни) -нъ -дъ, -тъ шаклларида келади.

б) аниқ ҳозирги замон феълининг шакли -йэп қўшимчаси ҳосил қилинади. Мас., келйэптъ, бэрйэптъ каби.

Ана шу „Ўрта ўзбек“ диалекти гуруҳига кирган шеваларнинг ўзаро баъзи бир лексик хусусиятлари ҳам мавжуд. Масалан, Тошкентда сэгър, Самарқанд, Бухорода инак (инай), Қаршида енай, Фарғонада сигир; Тошкентда мушук, Фарғонада мишиқ, Са-

марқанд-Бухорода пишак, Қаршид: п̄шай. Тошкентда нэрвэн, Бухорода нарбэн, Фарғонада шэти; Тошкентда сүзмэк, Фарғонада йузмак кабилар.

II. Шайбоний-ўзбек ёки ж ланувчи диалект. Бу диалект қадим замонларда феодализм тарқоқлиги натижасида кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳолатида ҳаёт кечирган ўзбек уруғ-қабилаларининг гуруҳларини (хитой, қипчоқ, сарой, манғит, қўнғироғ, найман, минг, юз, қирқ кабилар) ўз ичига олувчи ўзбек шевалари ҳисобланади. Уларнинг вакиллари XVI асрдан бошлаб Ўзбекистоннинг турли жойларида ва Тожикистоннинг жануби-ғарбий қисмида, шимолий Хоразм, Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё вилоятларида ўтроқлашиб қолган. Шунингдек, ж ланувчи шевалар Оҳангарон водийсидаги қурама шеваларини ҳам ўз ичига олади. Лекин бундан ж ланувчи шевалар XVI асрдан пайдо бўлган, деган хулоса келиб чиқмайди. Чунки улар Шайбонийгача ҳам энг қадим замонларда ҳозирги Ўзбекистон замиинларида ҳаёт кечирганлар. Буни ёзма манбалар, қазилма ашёлар ҳам тўла тасдиқлайди.

Ана шу диалектга кирган шеваларда фонетик хусусиятларига кўра:

а) оҳангдошлик ҳодисаси сақланган; б) унлилар сони саккизтадан тўққизтагача; в) сўзнинг бошида й ўрнида ж келади: ж ол—йўл, ж аман—ёмон, жигит—йигит; г) сўзнинг охиридаги қ, ғ ундош товушлари в товуши билан алмашинади: тав—тоғ, бав—боғ, қонғырав—қўнғироқ; д) қ, ғ, к, г ундошлари сўз охирида келганда тушиб қолади: кичи—кичик, сары—сарик кабилар.

Морфологик жиҳатдан ж ланувчи шеваларда:

а) жўналиш келишигидаги кишилик олмошлари қўйидагича қўлланилади: маған—менга, саған—сенга, уған—унга кабилар. Айрим ҳолларда мэгән, сэгән шаклларида ҳам учрайди;

б) аниқ ҳозирги замон феълининг шакли - жатыр шаклида ишлатилди.

Ж ланувчи ўзбек шевалари луғат бойлиги соҳасида ҳам бир қанча ўзига хос хусусиятларга эга.

III. Жанубий Хоразм диалекти. Бу гуруҳга Хива, Урганч, Хонқа, Хазорасп, Шовот, Янгиариқ, Ғазавот, Шўраҳон ва шуларга туташган қишлоқлар киради. Алишер Навоий ҳам XV асрнинг охириларида бу диа-

лектни алоҳида кўрсатиб ўтган эди (туркча-хоразмча). Жанубий Хоразм диалектининг ўзига хос хусусиятлари:

Фонетика соҳасида: 1) оҳанглошлик ҳодисаси сақланган, унлилар сони 9'та.

2) еўз бошида келадиган к, т товушлари ўрнида г, д ундош товушлари келади: келди эмас, гелди, тирик эмас, дйри.

Морфология соҳасида: 1) аниқ ҳозирги замон феълининг шакли -й атир, -й'этир тарзида келади: гел'ятър, барйатыр; 2) келаси замон феъли -жак қўшимчаси билан ясалади: гелажак, баражақ кабилар.

Жанубий Хоразм диалекти ўзининг бир қанча лексик хусусиятлари билан ҳам фарқ қилади

IV. Чиқиб келиш жиҳатидан ҳар хил бўлган шевалар. Бу гуруҳга қуйидаги шевалар киради: а) Қорабулоқ, Иқон, Манкент. Бу шевалар вакиллари IX—XII асрларда ўрнашиб қолган Қаратқич келишиги тн шаклида; б) Наманган вилоятидаги уйғур-умлаут шевалари

V. В Решетов таснифи. Олим ўз асарларининг кўпида қорахонийлар даврига кўпроқ аҳамият берган. Чунки бу давр ўзбек халқи тарихи, ўзбек тили тарихи ва ўзбек шевашунослиги тарихида муҳим ўрнни тутади. Қорахонийлар давлати таркибидаги қорлуқ, чигил, яғмо каби туркий қабилалар ўзбек халқи ва ўзбек тилининг шаклланишида катта роль ўйнаган. Улар ҳозирги Ўзбекистон заминида тарқалган вақтларда бу ердаги уруғ-қабилалар ҳам бирлашиш, қўшилиш даврини ўз бошларидан кечираётган эдилар. Уларнинг келиши бу ердаги уруғ-қабилаларнинг бирлашувига, бир давлат атрофига бигиқиши ва халқ бўлиб ташкил топишига сабабчи бўлди ҳамда бу жараёни анча тезлаштирди. Қорахонийлар давлатида кўпчиликини ташкил этган қорлуқ, чигил, уйғур, яғмо каби қабилаларнинг тиллари ҳам ўша вақтлардаёқ диққатга сазовор бўлган. Ҳозирги Тошкент ва Фарғона водийсидаги ўзбек шевалари ана шу қорлуқ-чигил қабилаларнинг тиллари-шеваларига бориб тақалади

Маълумки, бу шевалар ўзларининг таъсир доираси кучайиши натижасида ўзбек тилининг муайян тарихий даврига келиб, яъни XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларига келиб, ўзбек миллатининг ташкил то-

пиши жараёнида унинг миллий тилига асос бўлди. Ана шу сабабларга кўра, В. В. Решетов марказий шаҳар ва шаҳар типидagi шеваларни қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси номи билан ажратиб тасниф қилади.

Тарихий лингвистик жиҳатдан туркий тиллар таркиби учта қисмдан иборатдир. Ўзбек тилида эса ҳар учала қисмга онд хусусиятлар мавжуд. Шунга кўра, ўзбек тилидаги шевалар қуйидагича номланади:

1. Шимоли-ғарбий гуруҳга ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжаси, унга чегарадош, ёндош қозоқ, қирғиз ва қорақалпоқ тиллари киради.

2. Жануби-ғарбий гуруҳ ўзбек тилининг ўғуз лаҳжасини ўз ичига олади. Бу гуруҳга яшаш жойлари ёндош туркман тили тааллуқлидир.

3. Жануби-шарқий гуруҳга қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасини ташкил қилувчи кўпчилик ўзбек шаҳар шевалари, ҳозирги ўзбек адабий тили ва эски ўзбек тили, қардош туркий тиллардан эса янги уйғур тиллари киради. Маъқур лаҳжага кирувчи шеваларнинг кўпчилиги учун шу нарса ҳоски, улар тожик тили билан жуда қадимдан алоқадор.

Шевашунос олим юқоридаги сингари тарихий таъриқийёт жараёнини ҳисобга олган ҳолда, ўзбек халқ шеваларининг таснифини беради. Бу тасниф „Ўзбек тили“ (1959), „Ўзбек диалектологияси“ (1959), „Ўзбек диалектологияси“ (1962, 1978) каби китобларда ўз ифодасини топган. Шунга мувофиқ ўзбек шевалари уч гуруҳга бўлиб тасниф қилинади: қипчоқ лаҳжаси, ўғуз лаҳжаси, қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси.

1. Қипчоқ лаҳжаси. Ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжаси ҳар хил туркий уруғ-қабила гуруҳи вакилларини ўз ичига олади. Булар орасида қипчоқ, найман, қангли, митан, лақой, уйшун, қорақалпоқ, сарой, кўнғирот, қиёт, дўрман, аргин, хитой, туёқли каби кўпгина уруғ-қабилалар бор.

Ўзбек тилининг қипчоқ шевалари фақат шевалар учунгина эмас, балки халқ оғзаки ижоди учун ҳам жуда қизиқарли материаллар беради. Авлоддан-авлодга ўтиб келган жуда бой халқ оғзаки ижоди, хусусан қаҳрамонлик эпоси ўзбек халқининг миллий бойлиги, ғурури ҳисобланади. Шу сабабли аксарият қисми қипчоқлардан бўлган ўзбек халқ бахшиларининг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, ўз навбатида, қипчоқ шеваларининг

Ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама татбиқ қилишни тақозо этади. Шу билан бир қаторда, қипчоқ лаҳжаси ўз фонетик ва лексик-грамматик хусусиятларига кўра ўзбек адабий тили нормаларидан ҳам кўп жиҳатлари билан фарқ қилади.

Ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжаси лингвистик жиҳатдан бир қатор хусусиятларга эгаки, булардан энг муҳимлари тубандагилардир:

Қипчоқ лаҳжасининг ўзига хос хусусиятларига далил сифатида жуфт унлиларнинг мавжудлиги (у—ү, о—о, ы—и, а—э) ва шунга боғлиқ бўлган ҳолда оҳангдошликнинг сақланиб қолганлиги, қўш унлилиқ, иккиламчи чўзиқлик, товушларнинг ўрин алмашиши, уларнинг жарангсизлашиши, тушиб қолиши, пайдо бўлиши каби хусусиятларни ўзида яқс эттирувчи кўплаб мисоллар келтирилади.

Фонетика соҳасида:

1. Оҳангдошлик ҳодисаси: көңнин < көңулим — <кўнглим; устуда — устидэ, қырақ, тэмлэрдан каби.

2. Дифтонг: үөрдэк < ўрдақ, иэчки < эчки, уорта < ўрта ва бошқалар.

3. Ўрин алмашиши: қатын — хотин, пан — фан, жавуи — жатыр — ёғиб ётир каби.

4. Тушиб қолиш: сары — сариқ, тары — тариқ, кэ — кел, эпкэ — олиб кел сингарилар.

5. Жарангсизлашиш: эгип — экиб, қап — қаб кабилар.

6. Пайдо бўлиши: орус — рус, ҳарра — арра, орамол — рўмол каби.

Сўз бошида й ундошининг ж ундошига ўтиши, яъни й лашиш эмас, балки ж лашиш ҳолатининг мавжудлиги: жол — йол, жаман — йаман, а) ғ > в: тағ — тав, оғиз — авыз; б) ғ > й, г > й йигин — жийин, тегди — тийди, сигир — сийир; в) сўз охирида к, қ ундошларининг тушиб қолиши: сариқ — сары, кичик — кичи; г) сўз бошида ҳ ундошининг ортиши: айвон — ҳайван.

Қипчоқ лаҳжасининг шевалари: ўз фонетик белгиларига кўра ж лашган, яъни а унлисининг сақланган ҳолда бўлиши. Масалан: ата, бала каби. Бироқ қипчоқ шевалари орасида о лашган шевалар, Самарқанд вилоятидаги қозоқ-найман шеваси, Фарғона-қорақал-

поқ шевалари. Оҳангарон водийсидаги қурама шеваларидаги каби қадимги туркий а унлиси э унлига ўтган (эга, бэла ва бошқалар).

Морфология соҳасида: қипчоқ шеваларининг хусусиятлари ҳам бой фактик материаллар асосида атрофлича баён этилган:

1. Қаратқич ва тушум келишиклари қўшимчасида -н//д//т товушларининг алмашилиши -нын// -нин, -дын, -диң, -тын// -тин// -ни// -ни// -ды// -ди, -ты// -ти каби кўринишларга эга бўлади.

2. Жўналиш келишигида кишилик олмоши бирлик шакллари -маған// мэгән, саған// сэгән, уған// угән деб ҳам қўлланилади.

3. Аниқ ҳозирги замон феъли -жатыр// -жәтир (бажара жатыр, келәжәтир каби) ва баъзан -ватыр (бараватыр, келәватыр) каби бошқа қўшимчалар билан ҳосил қилинади.

4. Келаси замон сифатдоши -тыған, -тиған каби қўшимчалар билан ясалади; жазатыған, келәтыған, оқыйтыған ва бошқалар.

II. Ўғуз лаҳжаси. Ўғуз лаҳжаси вакиллари Хива, Хонқа, Шовот, Ҳазорасп, Ҳазавот, Шўраҳон, Урганч сингари шеваларни қамраб олади. Шунингдек, Тошовуз ва Тўрткўл шаҳарларида ҳам ўғуз лаҳжасининг вакиллари кўп. Шимолий ўзбек гуруҳи (Қорабулоқ, Манкент, Қорамурт, Иқон) ҳам, шубҳасиз, ўғуз унсурларининг ништирокида шаклланган. Мазкур лаҳжа вакиллари бошқа туманларда (масалан, Жиззах яқинидаги Боғдон қишлоғида) ҳам учрайди.

Ўғуз лаҳжасининг энг муҳим ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардир:

Фонетик хусусиятлар: а) ўзбек тили қипчоқ шеваларидаги каби жуфт унлиларнинг мавжудлиги; б) қисқа ва чўзиқ унлиларнинг фарқлиниши, яъни туркман тилидаги каби қадимги туркий чўзиқ унлиларнинг (бирламчи чўзиқ унлилар) мавжудлиги: ат (ҳайвон); ад (исм), от (ўсимлик), от (олов); в) сўз бошида т ва к товушларининг жаранглашиши: дил (тил), гэл (кел); г) к ва г ундошларининг ўта юмшоқлиги; д) „бўл“ феълининг бошидаги б ундошининг тушиб қолиб „ол“ тарзида талаффуз этилиши (бол > ол) ва бошқалар.

Морфологик хусусиятлар: а) қаратқич келишиги қўшимчасининг -ын, -иң шаклида ишлатилиши; атын.

б а ш ы н — отнинг, бошнинг; б) жўналиш келишиги қўшимчаси учун -а қўлланилиши: а та ма — отамга; в) келаси замон шаклининг: -жа к/-ж э к қўшимчаси билан қўлланилиши: к е л э ж э к; г) истак феъли шаклининг -ли қўшимчаси билан ишлатилиши: к е л э ли; д) берсанэ — берсангчи туридаги буйруқ феъли шакллариинг мавжудлиги ва бошқалар.

Ўғуз лаҳжаси шевалар миқдорига ва шу лаҳжада сўзловчи аҳоли сонига кўра ўзбек тилининг бошқа лаҳжаларига нисбатан кам миқдорда учрайди.

III. Қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси. Ўзбек тилининг қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси шаҳар шеваларини ва уларга ёндош бўлган шаҳар, қишлоқ шеваларини ўз ичига олади. Мазкур лаҳжа бирлигининг шаклланиши XI асрдан қорахонийлар ҳаракати билан боғланган. Тарихий жиҳатдан қарлуқ-чигил-уйғур тил бирлигига Наманган, Тошкент, Андижон ва Ўзбекистоннинг бошқа туманларидаги аҳоли шевалари тааллуқлидир.

Бу лаҳжа Ўзбекистон Республикаси заминидан ташқарида ҳам кўп тарқалган. Масалан, Қозоғистоннинг Туркистон, Чимкент, Сайрам, Қорабўлоқ, Қорамурт, Иқон, Манкент; Қирғизистон заминидagi Ўш, Жаллообод, Ўзган ва бошқа ҳудудлар шулар жумласидандир. Бу лаҳжага оид шева вакиллариини софиқ Совет Иттифоқидан ташқарида, масалан, Афғонистонда ҳам учрагамиз. Маълумки, 1930 йилларда ўзбек уруғларидан қатагон этилганларнинг бир қисми қисман Шошдан (Тошкент воҳасидан) Афғонистонга кўчиб кетган. Ўзбек шеваларини тасниф қилган тадқиқотчилар бу лаҳжа шеваларини турли гуруҳга киритганлар, ҳолбуки, мазкур шевалар ўртасидаги қариндошлик ва тил жиҳатидан яқинлик фақат тарихий жиҳатдангина эмас, балки ҳозирги пайтдаги ҳолатида ҳам, фонетикада ҳам, лексикада ҳам, баъзи грамматик шаклларда ҳам кўзга яққол ташланади. Уйғур тилига хос бир қатор хусусиятлар, қисман „умлаут“ мавжудлигига қараб Наманган шеваси, хусусан Наманган атрофидаги баъзи қишлоқ шеваларида, масалан, Уйчи шевасида учрайди. Шу нарса шубҳасизки, ҳозирги пайтда „умлаут“ мавжудлигига қараб ажралиб турадиган шевалар ўтмишда, албатта, кўпроқ тарқалган.

Наманган шеваларига асос бўлган туркий тил бирлигини эътиборга олмасдан туриб, Андижон, Ўш каби

шевдалар яқинлигини аниқлаш мумкин эмас. Шунингдек, Тошкент шевасининг юқорида кўрсатилган шеваларга генетик алоқадорлигини ҳисобга олмасдан туриб, Тошкент шевасидаги баъзи фонетик хусусиятлар ва морфологик шаклларнинг келиб чиқишини тушунтириб бўлмайди. Модомики шундай экан, ягона заминда ва ягона бир тил жамоаси таркибида бир-бирига боғланмаган ҳолда вужудга келган тил ҳодисалари йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Тошкент ва Жиззах шеваларининг яқинлигини тасодифий бир ҳол деб бўлмайди. Шунингдек, Тошкент, Қарши, Наманган шевалари ўртасидаги фонетик ҳодисалар мавжудлигини фақат тил тараққиётининг умумий йўли билангина изоҳлаш мумкин. Иқон, Қорабулоқ, айниқса Чимкент, Сайрам сингари шевалар ҳам умумий йўлдан четда қолган эмас. Чунки бу шевалар эски ўзбек тили билан, шунингдек, Тошкент ва Наманган туридаги шевалар билан мустаҳкам алоқадордирлар. Фақат мазкур шеваларнинг айримларигина ўғуз тили хусусиятларини маълум даражада сақлаганлиги билан Тошкент, Наманган типидagi шевалардан фарқланади, холос.

Самарқанд-Бухоро-Хўжанд гуруҳи шеваларининг туркий асосини ҳам қарлуқ-чигил-уйғур тил бирлиги ташкил этади, лекин бу шеваларнинг таркибий қисмида тожик тили қатламининг таъсири ва икки тиллик сақланган. Шу сабабли мазкур шевалар асос эътибори билан бир-биридан фарқланадиган тил оилаларининг ўзаро таъсир жараёнини ўрганиш нуқтаи назаридан жуда қизиқарлидир.

Мазкур лаҳжага оид шевалар (Тошкент, Жиззах, Қарши, Андижон, Наманган, Ўш, Қорабулоқ, Чимкент ва бошқалар) тарихий жиҳатдан битта лаҳжа бирлигини ташкил этади. Умумий тарзда бу лаҳжани тубандаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Фарғона гуруҳи

1.1. Наманган шеваси. Бунга Наманган шаҳар шеваси ва шаҳар атрофидаги шевалар (масалан, Уйчи ва бошқалар) тааллуқлидир (Наманган атрофидаги қипчоқ шевалари, табийки, бу лаҳжага кирмайди). Мазкур лаҳжага оид шевалар уйғур тилига жуда ҳам яқинлиги билан ажралиб туради.

1.2. *Андижон-Шаҳрихон шеваси.* Бунга Андижон шаҳар шеваси, Шаҳрихон шеваси ва Андижон вилоятидаги бошқа бир қатор шевалар киради.

1.3. *Ўш-Ўзган шеваси.* Бунга Ўш, Ўзган, Жалолобод ва шу типдаги бошқа шевалар тааллуқли бўлиб, улар учун жанубий қирғиз шевалари билан бўлган алоқа сезилиб туради.

1.4. *Марғилон-Қўқон шеваси.* Бу гуруҳга Марғилон, Фарғона, Воил, Қўқон ва бошқа шаҳарлар киради.

2. Тошкент гуруҳи

Бунга Тошкент шаҳар шеваси, Тошкент вилоятидаги қипчоқ шеваларидан бошқа шаҳар типдаги шевалар, масалан, Тошкент, Паркент, Қорахитой ва бошқа шевалар тааллуқлидир.

3. Қарши гуруҳи

3.1. *Қарши гуруҳи.* Бу диалектга Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ каби (қипчоқ шеваларидан ташқари) Қашқадарёдаги шу турдаги шевалар киради.

3.2. *Самарқанд-Бухоро шеваси.* Бунга Самарқанд, Бухоро, Хўжанд, Фарғона волийсидаги Чуст, Қашқадарёдаги Козон ва шуларга ўхшаш бошқа шевалар киради. Бу диалект тожик тили билан аралаш бўлишига кўра ҳар хил шакллари сақлашига қараб фарқланади.

4. Шимолий ўзбек гуруҳи

4.1. *Иқон-Қорабулоқ шеваси.* Бунга Иқон, Қорабулоқ, Манкент, Қорамурт ва бошқа баъзи шевалар тааллуқли бўлиб, улар ўзининг таркиб топини жараёнида, аввало ўғуз, кейинчалик эса қипчоқ тили хусусиятлари билан аралашган.

4.2. *Туркистон-Чимкент шеваси.* Бу шеваларга Туркистон, Чимкент, Сайрам ва шу турдаги бошқа шевалар киради. Мазкур шевалар ўғуз тили хусусиятларининг кам бўлиши билан ажралиб туради.

Қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжасига кирувчи шевалар лингвистик жиҳатдан ўзларига хос бир қатор хусусиятларга эгаки, булардан энг муҳимлари тубандагилардир.

Фонетик хусусиятлар: ч ва т ундошларининг алмашилиши. Тошкент, Марғилон, Андижон, Наманганда: чыш-тыш; уйғурчада: ч (ъ) ш; ад. имлода: тиш; қўшимчаларда қ—к, ғ—г ундошларининг сақланиши. Маса-

лан, уйғурчада: тәрығ—тариқ, сәрығ-сариқ, ачық-очик; Тошкентда: қәттығ—қаттиқ, тәрәғ—тароқ, ортәғ-ўртоқ, қышләғлығ-қишлоқлик. Наманганда: йоғ—йоқ, бәлығ—балиқ; Тошкентда: шундәғ—шундай, бундәғ—бундай каби.

Юқоридә тилга олинган Самарқанд-Бухоро гуруҳи шеваларидаги унлиларнинг айримлари сифат жиҳатдан ўзаро фарқланади. Масалан, Самарқанд-Бухоро гуруҳи шеваларидаги а, у, и унлилари бошқа шевалардагига нисбатан бироз чўзиқ ва турғун ҳолатга эға бўлади ва тор унлиларнинг қисқалиги билан ажралиб туради, бу хусусият қисман бўлса-да, Тошкент шевасида ҳам мавжуд.

Қиёс қилинг: Тошкент, Наманганда: эдәмлә келдылә, быээ, сылә; Тошкентда: бәрувдәм, бәрудым; Наманганда: бәрудәм

Фонетик хусусиятларига кўра, қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжәси йлашган шеваларландир. Шаҳар шевалари ва уларнинг замини билан ёндош бўлган қишлоқ шевалари йлашган гуруҳларга тааллуқлидир.

Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжәсида унлилар сони 6 тадан 10 тагача етади. Бу лаҳжәга кирувчи шеваларнинг унлилари таркибига алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтилади.

Тошкент, Самарқанд-Бухоро гуруҳи шеваларида 6 та унли фонема мавжуд. Бунда Самарқанд шевасида ўзига хос томонлар алоҳида қайд этилади. Бухоро, Қарши, Хўжанд ва Чуст шеваларининг унлилари таркибидә ҳам 6 тадан унли фонема мавжуд бўлиб, уларда Тошкент, Самарқанд шеваларидаги сингаридир. Водил, Жиззәх шевалари ва Тошкент атрофидаги айрим шеваларда унлилар таркиби Тошкент шевасидаги унлилар миқдорига мос келади.

Қўқон ва Марғилон шеваларида эса унли фонемаларнинг сони юқоридә келтирилган шевалардагидан битта ортиқдир, яъни бу иккала шевада 7 тадан унли мавжуд.

Тошкент, Наманган, Андижон, Марғилон, Қўқон шеваларининг барчасида ҳам от турловчи қўшимчалардан -нъ фонетик кўринишлари билан қаратқич келишиги ҳамда тушум келишигини шакллантиради. Қаратқич ва тушум келишиги қўшимчаси фонетик кўринишларига қараб, бу шеваларни навбатдаги кичик гуруҳларга ажратиш мумкин:

а) -нъ қўшимчаси ундош билан тугаган сўзларга қўшилиб келганда, унинг биринчи товуши тўлиқ, илғор ассимиляцияга учровчи шевалар (унли билан тугаган сўзларга бу кўрсагич қўшилганда, -нъ сақланади). Бунга Тошкент, Наманган каби ўз фонетик хусусиятлари жиҳатидан шаҳар шеваларига яқин турувчи қишлоқ шевалари киради. Масалан, Наманганда: эт-ть—отни, тэллъ—толни, тузэъ—тузни. Тошкент шеваларида ҳам шунга ўхшашдир;

б) қаратқич-тушум келишигидаги қўшимчанинг -н (д), -т шакллари алмашуви билан фарқланадиган шеваларга Андижон, Марғилон, Қўқон гуруҳ шевалари киради. Мана шу хусусиятларга эга бўлган шевалар ўзбек тилининг қипчоқ шеваларига яқинлашади. Қиёс қилинг: Андижон, Марғилон, Қўқонда: этэсынъ кордъ, эшгъ мэээсъ, гылдъ кестъ каби.

Мазкур шевалар гуруҳи аниқ ҳозирги замон феъллини ифодаловчи икки морфологик белгига эга:

1) -вэт ва унинг фонетик вариантлари (-ват, -вэт, -ут (Тошкент ва унга яқин бўлган қишлоқ шеваларида, масалан, Паркентда -вэт; қиёс қилинг: Уйчи—вэт, Наманган -ут.

Яна қуйидагиларни қиёс қилинг:

Тошкентда:

Бирлик	Кўплик
1. бэрвэтмән // бэрэммән	бэрвэтмъз // бэрвэммъз
2. бэрвэтсән // бэрвэссән	бэрвэтсъз // бэрвэссъз
3. бэрвэттъ // бэрвэтты	бэрвэттылэ // бэрвэттылэ

Наманганда:

Бирлик	Кўплик
1. қылуғтымән	қылуғттымыз
2. қылуғтысән (қылуғссән)	қылуғтысыз
3. қылуғты	қылуғты

Уйгурчада:

Бирлик	Кўплик
1. қылвағымән	қылвағымыз
2. қылвағысән	қылвағысыз
3. қылвағыду	қылвағыду

Бу шаклларнинг генетик жиҳатдан бирлиги, яъни бир манбадан келиб чиққанлиги аниқ кўриниб турибди.

Тошкент ва Наманган шеваларида учрайдиган кўрсаткич „қылватымән“ шаклининг кейинги фонетик ривожидирки, буни Тошкент ва Наманган шеваларида учрайдиган оралик вариантлар ҳам исботлаши мумкин.

Наманган шакли -ут фонетик қонуниятлар асосида ўзгарган бўлиб, у аслида -вэт қўшимчасига бориб тақалади. Бу шаклнинг тарихий тараққиёти қуйидагича бўлган -ват // -вэт // -эт // -ут // -вут. Наманган шевасида: қилутты билан барабар қўлланиладиган қълэтты оралик фонетик варианты мавжудлиги фикримизнинг далилидир.

Қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжасидаги шеваларнинг ўзига хос морфологик хусусиятлари жуда кўп бўлиб, уларни яна давом қилдириш ва ҳар бир шевага хос хусусиятларни кўплаб келтириш мумкин. Дарҳақиқат, бу шеваларнинг ҳар бири генетик жиҳатдан умумий хусусиятларга эга бўлиши билан бирга, ўзига хос торш ва кўрсаткичларига ҳам эгадир. Буларни ўрганиш эса мазкур шеваларнинг ташкил топиши ва ривожланиши тарихини аниқлашга ёрлам беради.

Шу нарсани кўрсатиб ўтиш керакки, Тошкент шевасида қўлланивчи ўтган замон (I шахсидаги -дымыз // -думуз// -дик) бир қатор ёзма ёдгорликларда ҳам қайд қилинган. Тошкентда: элдъмъз—олдик, бэрдъмъз—бордик, ьштымыз—ичдик.

Этимологик жиҳатдан -дымъз ҳозирги ўзбек адабий тилидагига нисбатан қадимийдир. Чунки бу кўрсаткич Култегин шарафига ёзилган ёдгорликда сэзлимиз—сўзлашдик, бертимиз—бердик, итдимиз—қилдик шаклида учрайди Маҳмуд Қошғарийнинг „Девон“ ида, Муҳаммад Солиҳнинг „Шайбонийнома“ асарида ҳам шу қўшимча учрайди.

2) -йэп қўшимчаси Фарғона водийсидаги барча шаҳар (Андижон, Марғилон, Қўқон каби) ҳамда ўша шаҳарларга яқин бўлган қишлоқ шеваларига хосдир. Тунбадаги намуналарни қисс қилинг:

Бирлик	Кўплик
1. қълйэпмән	қълйэпмыз
2. қълйэпсэн	қълйэпсыз
3. қълйэпты	қълйэпты

Фарғона шеваларидаги бу қўшимча Наманган шевасидан ташқари, йэп шаклига бориб тақалади ва Са-

марқанд шевасидаги -э п кўрсаткичига ҳам яқинлашди.

Бирлик	Кўплик
1. қилэпман	қилэпмиз
2. қилэпсан	қилэпсиз
3. қилэпту	қилэпту

Самарқанд шевасида қайд этилган -э п қўшимчасидаги очиқ э фонемаси ўзининг турғунлиги билан ажралиб турали. Бироқ, Тошкент шеваларида -вэ т қўшимчаси учрайдиган аффиксал унли ва э Фарғона варианты -я а п даги а унлиси ўзбек шеваларида турли кўринишларга эга. Масалан, -вэ т қўшимчасидаги—э унлиси олдинги қатор унлиси орқа қатор а унлиси орасида ўзгариб туради (бу ҳолағ, айниқса, бошланғич шаклда яққол сезилади): келэ йэтыр, кэлэй атыр каби. Бундай ҳолағ қипчоқ шеваларида ҳам мавжуд: келэ жэтыр // кэлэ ж атыр — кэлэйэтир — кэлэй атыр).

Улуғ Турсунов таснифи. Маълумки, Улуғ Турсунов кўп қиррали олим бўлиб, ўзбек тилининг ҳар учала қисми—ўзбек адабий тили, ўзбек тили тарихи ва ўзбек шевашунослиги билан муңтазам равишда шуғулланиб келган. Натижада унинг серқирра фаолияти шогирдларига ҳам юққан. Масалан, Ғани Абдураҳмонов ҳозирги ўзбек адабий тили ва ўзбек тили тарихи, Абдужаббор Мухторов ҳозирги ўзбек адабий тили ва тил тарихи, Худойберди Дониёров, Ваҳоб Эгамов ва камини ўзбек шевашунослиги ва ўзбек адабий тили соҳалари ривожига ўз ҳиссамизни қўшиб келмоқдамиз. Улуғ Турсунов ўзбек шеваларини ўрганиш ва таҳлил этишга асримизнинг 30-йилларидан бошлаб қизиқа бошлаган. Унинг ташаббуси билан республикамизнинг Самарқанд, Жиззах, Андижон, Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё, Тошкент вилоятларига бир неча бор шеваларни ўрганувчи профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг ўқув-ишлаб чиқариш тажриба саёҳатлари ташкил этилган. Уларнинг аксариятида (50-йиллардан бошлаб) шахсан муаллиф ҳам иштирок этган. Зукко олим бошқа қатор муҳим масалалар билан биргаликда, шеваларни тасниф этишга ҳам алоҳида аҳамият бериб келган. Натижада, ўзбек халқ шеваларининг алоҳида таснифини яратишга муяссар бўлинди. Тасниф унинг

таҳрири остида нашр этилган „Ўзбек диалектологияси курсидан материаллар“ (1962), „Самарқанд вилоятидаги ўзбек халқ шеваларини классификация қилишга доир материаллар“ (1963) каби ишларда ўз аксини топган.

Таснифга, асосан, фонетик хусусиятлар асос қилиб олинган. Шунга кўра, Самарқанд вилоятидаги (у вақтда Ғаллаорол, Бахмал, Жиззах, Зомин, Фориш туманлари ва Жиззах шаҳри Хатирчи ва Нурота туманлари ҳам Самарқанд вилояти таркибига кирар эди) ўзбек шеваларининг таснифи берилди. Таснифга мувофиқ шевалар даставвал икки гуруҳга бўлинади: 1. Й ланувчи гуруҳ. 2. Ж ланувчи гуруҳ.

1. Й ланувчи гуруҳ Самарқанд, Жиззах ва Каттақўрғон; Қоратепа ва Митандаги барлос шевалари; Фориш-Боғдон (Фориш тумани), Самарқанд ва Жиззах шаҳарлари ва улар атрофидаги эронийлар шевалари; Самарқанд шаҳар, Пастдарғом, Иштихон ва Каттақўрғон туманларидаги араб шевалари; Самарқанд, Пастдарғом туманларидаги туркман шевалари қабиларни ўз ичига олади.

Ўз навбатида бу шевалар фонетик, морфологик ва лексик хусусиятларига қараб, яна саккизта кичик гуруҳга бўлиниб кўрсатилади ва улардан ҳар бирининг ўзига хос томони таҳлил этиб берилди:

1. *Самарқанд шаҳар ва шаҳар атрофидаги шевалар.* Бу шеваларда и ва у унлилари бир мунча чўзиқроқ талаффуз этилади ва турғун ҳолатга эга бўлади. О қаттиқ унлиси юмшоқ талаффуз этилиш хусусиятига эга. Морфологик жиҳатдан аниқ ҳозирги замон феълининг —э п қўшимчаси билан ҳосил қилиниши, жўналиш (-га) ва ўрин-пайт (-да) келишиклари қўшимчаларининг аралаш ҳолда ишлатилиши қабилар кўзга ташланиб туради. Шевалардаги лексик хусусиятларни, биринчи навбатда гасала (бузоқ), эрдэлу (ўрик), би йи (она), мурча (чумоли), инак (сигир), дэмэт (кўев), ҳамсэ йа (қўшни) сингари сўзлар мисолида кўриш мумкин.

2. *Жиззах ва Каттақўрғон шаҳарлари ва уларга яқин бўлган шевалар.* Бу шеваларда унлилар сони олтита, кўплик қўшимчаси, кўпинча, -ла шаклига, аниқ ҳозирги замон феъли -йэп шаклига эга бўлади.

3. *Усман-турк ва барлос шевалари.*

4. *Самарқанд вилоятидаги араб шевалари.*

5. *Қарноб шеvasи.*

6. *Фориш-Боғдон шеваси*

7. *Самарқандо ва Жиззах шаҳарларидаги эронийлар шевалари.*

8. *Самарқандо вилояти туркман шевалари.*

II. *Ж ланувчи гуруҳ.* Бу гуруҳга Булунгур, Жомбой, Пастдарғом, Пахтачи, Гўзалкент, Нуробод Зомин, Галлаорол, Хатирчи, Нарпай, Қўшрабод, Нурота, Жиззах каби туманлардаги кўпчилик қишлоқ шевалари киради.

Юқоридаги каби қишлоқ шеваларида умумий хусусиятлар билан бирга, ўзаро фарқли томонлар ҳам мавжуд. Шунга кўра, ж ланувчи шеваларни шарқий ва ғарбий гуруҳларга бўлиб ўрганиш тавсия этилади:

1. *Шарқий гуруҳга* Галлаорол, Зомин, Жиззах, Фориш (Қарабдол каби), Булунгур, Жомбой, Пайариқ киритилади. Ургут ва Самарқанд туманларидаги қипчоқ шевалари ҳам шу гуруҳга мансуб.

* 2. *Ғарбий гуруҳ* (Пастдарғом, Каттақўрғон, Гўзалкент, Нуробод, Нарпай, Пахтачи, Хатирчи, Қўшрабод ва Нурота туманларидаги қишлоқ шеваларини ташкил этади.

Юқоридаги ҳар иккала кичик гуруҳда ўзларига хос томонлар кўзга ташланиб туради. Шунга қуйидаги лексик хусусиятларни келтириш kifойадир:

Шарқий гуруҳда:

чал
кампир
қоңишы
бузав

Ғарбий гуруҳда:

бабай
мамай
хамсайа
госәлә

III БОБ. ФОНЕТИКА

1-§. Шеваларнинг фонетик хусусиятлари

Адабий тил ва шеваларни ўрганиш илмий-назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам унли товушлар таркиби билан мустаҳкам боғланган. Тилшуносликнинг ҳамма бўлимларини бир-бирига боғлаб ўргангандагина уларнинг тараққиёт қонушларини тўғри тушуниш мумкин. Морфологиядаги эгалик категориялари, уларнинг турланиш, сўз ясаш, лексикада эса сўзларнинг маъноларини ўрганиш, сўзларнинг турли-туман шаклларини аниқлаш каби масалаларини фонетик қонушларини ҳи-

собга олмасдан туриб тасаввур этиш қийин. Бу ҳол, айниқса, шевалар учун муҳимдир.

Қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжасида унли товуш уйғунлиги ёки оҳангдошлик ҳодисаси учрамайди. Шунинг учун ҳам улардаги унлилар миқдори кўп эмас, унлилар фонемасининг сони 6—8 дан ошмайди. Жумладан, Тошкент шеваларида олтита (ъ, э, е, ә, у, о), Наманган шевасида саккизта (ъ, ә, э, а, о, у, е, ь), Марғилон шевасида еттита унли (ъ, ә, а, э, о, у, е) фонема бор. Бу шевадаги унли фонемалар сифат жиҳатидан фарқланади. Ўзларига хос хусусиятлар алоҳида қайд этилади. Бухоро, Ургут, Қарши, Хўжанд, Чуст шеваларининг унлилар таркибида ҳам олтитадан унли фонема бўлиб, улар миқдор жиҳатидан Тошкент ва Самарқанд шеваларидаги ҳолатга тенгдир. Водил ва Жиззах шевалари, Тошкент атрофидаги айрим (Паркент, Пискент, Чиноз) ва Қарноб шеваларида унлилар Тошкент шевасидаги сингаридир. Қўқон ва Марғилон шеваларида эса унли фонемаларнинг сони юқорида келтирилган шевалардан битта ортиқдир. Унда а фонемаси ҳам ишлатилади.

Юқорида қайд этилган шаҳар шеваларидаги унлиларнинг кўплари ғарбий Самарқанд қарлуқ-чигил-уйғур шеваларида ҳам қўлланилади, баъзилари эса учрамайди.

а) бу гуруҳ шеваларидаги ә, э фонемаларининг қўлланилиши Тошкент шевасидаги фонемаларнинг қўлланилишига мос келади;

б) юқоридаги гуруҳни ташкил этувчи шевалардаги икки унли фонема ўрнида Марғилон шевасида уч фонема (ә, э, а) қўлланилади;

в) ъ, е, о, у фонемалари юқоридаги шеваларнинг ҳаммасида ҳам бир хилда ишлатилади.

г) Наманган шевасидаги ё унли фонемаси ғарбий Самарқанд, Тошкент, Марғилон шеваларида учрамайди.

Қипчоқ шеваларида 10 та унли фонема қўлланилади: а—ә, о—ө, у—ү, ы—и, э—э. Бу шеваларда унлилар оҳангдошлиги ҳодисаси сақланган, лаб ва қисман танглай оҳангдошлиги мавжуд. Шунга кўра, унли фонемаларнинг саккизтаси жуфт ҳолда қўлланилади. Бу ўзбек тилининг ҳамма қипчоқ шевалари учун умумий хусусиятга эга. Бунда уларнинг баъзиларида ҳали э фонемасининг тўла шаклланиб етмаганлигини қайд этиш

мумкин. Натихада э ва а унлиларининг алмашилиб кўлланилиш ҳолатлари кўзга ташланиб туради

Шундан қилиб, шеваларнинг материалларида товушларнинг ўзгариши жаранглашиш ёки жарангсизланиш, тушиб қолиш ёки орттирилиш, ўрин алмашиш ёки кучсизланиш каби ҳодисаларнинг нутқ жараёнида ҳоил бўлиши, оҳанглошлик, ундошларнинг ўрин алмашиши, ассимиляция, диссимиляция, қўш ундош кабиларни қамраб олади.

2-§. Унлилар таркиби

Қорлуқ-чигил-уйғур гуруҳи шеваларида унли фонеманинг миқдори 6—7 унлидан ошмайди: тор ёки юқори кўтарилиш унлилари: ъ, у; ўрта кенг ёки ўрта-юқори кўтарилиш унли фонемалари: е, о; кенг ёки пастга тушиш унли фонемалари: э, э, э; қипчоқ гуруҳ шеваларида 6—10 та унли фонема учрайди. Тор ёки юқори кўтарилиш унли фонемалари: ы, и; у; ўрта-кенг ёки ўрта-юқори кўтарилиш унли фонемалари: о, ө, э; кенг ёки пастга тушиш унли фонемалари: а, э, э.

3-§. Унли фонемалар тавсифи

1. Юқори кўтарилиш унли фонемалари: ъ, ы, и, у, ү;

ъ фонемаси ъ—тил олди лабланмаган қисқа унли фонема бўлиб, шаҳар шевалари (масалан, Марғилон, Самарқанд, Тошкент, Қўқон, Каттақўрғон, Жиззах каби) ва шаҳар шевалариға ўхшаш (Паркент, Пискент, Қарноб сингари) ы ва и фонемаларининг қўшилишидан ҳосил бўлган.

ъ фонемаси турли ҳолатларда кўлланилади:

1. Тил олди ундошларидан олдин бир бўғинли сўзларнинг бошида келганда: ъэ, ъч, ъш ъл.

2. Ёпиқ бўғинли сўзларда. Бундай вақтларда ъ унли фонемаси икки ундош ўртасида келади. Мисол: съз, бъл, съдра, сър, қъз, жъзэ

3. Тил орқа ундош фонемалар г ва к билан ёнма-ён келганда: кър, кътоб, къшкънэ каби.

4. Жарангсиз ундошлардан сўнг келганда: чъқтъ, ъштъ, кеттъ, оттъ, йъттъ.

5. ҳ, к, г ундошлари (чуқур тил орқа) билан ёнма-ён келганда: қъш, гъш, хъл, қърқъм, ъсъғ.

6. Шевадаги сўзнинг ҳар бир бўғинида аралаш ҳолда қўлланилади: б'р'р'с'с', у'ч'с'с', э'л'к-ҳ'э'л'к, т'ш'қ'н, ж'н'н'э'т.

Ъ фонемаси бошқа унлилар билан ҳам алмашилиб келиши мумкин:

1 Баъзан шевада ў фонемаси сўзларнинг биринчи ва иккинчи бўғинларида е унлиси ўрнида келади: б'р'р'-бери, ш'г'г'р'-шеър каби.

2. Шевада ў фонемаси э товуши билан алмашилиб келади: и'л'р'с'э, ч'э'и'п'ъ'й, м'э'п'ъ'й'э'т (манфаат).

Кўпинча ўринларда қарлуқ-чигил-уйғур шевалари билан Жиззах шевасида ў фонемасининг бир хилдаги қўлланишини кўрамиз:

Адабий тилда	Жиззах шевасида	Бошқа қарлуқ-чигил-уйғур шеваларида
икки	ъккъ	ъккъ
мушук	пъшәй	пъшәк — пъшәй
маориф	мэ: рьп	мэръп — мэ: рьп
ҳеч нима	ҳъш нъмэ	ҳъшнъмэ — ҳъштъмэ
биз	бъз	бъз
сиз	съз	съз
бизни	бъзъ	бъзъ

Бу унли фонема ўзбек тилининг Марғилон шевасида ҳам кўп қўлланилади: ькъ, съз б'т'т'э, ьт. к'р'к'ъ'м. к'ъ'й, т'э'л, т'ъ'й'ъ'н. Шевада икки бўғинли сўзларнинг иккинчи бўғинида ў фонемаси келса, сўзлар эгалик қўшимчаларини қабул қилиши ва сўзда урғунинг кўчиши билан ў унлиси тушиб қолиши мумкин: к'э'р'ъ'н—қ'э'р'н'ъ, о'р'ъ'н - о'р'н'ъ, б'у'р'ъ'н—б'у'р'н'ъ кабилар.

Қарлуқ-чигил-уйғур шеваларидаги ў қипчоқ гуруҳ шеваларида тил олди юмшоқ ва тил орқа қаттиқ фонемалар сифатида қўлланилади. Масалан, *ишини питкэзди, атты минип кэди, қойды жуныны алайық, ғилланы жийип бопти, қойды жуны көп болды, оқышың нэчи жыллык* кабилар. Бу ҳақда қуйида алоҳида тўхтаб ўтамиз.

и фонемаси. и—тил олди қатор унли фонемаси. У оҳангдош ўзбек шеваларида мустақил ҳолда қўлланиладиган юмшоқ унли фонемадир тиш, кийим, бит-тэ, бэшик, китэп, эчки каби.

и фонемаси сўзларнинг охирида баъзан адабий тилдаги е фонемасига яқин талаффуз этилади: кэпте, кэлде, энэсе, апте ва бошқалар. Айрим ҳолларда

унинг э ва е фонемаларига ўтишини кўрамиз: *экитә эдам бәр, эгирме беш оқувчи оқғайды, кичкәнә бачә-ләр ойнап жүрәди, кәтмән минән ишләв жоқ* каби.

ы—фонемаси. ы—тил орқа қатор лабламанган қаттиқ унли бўлиб, барча туркий тилларда учрайди. Унинг тил олди ва юмшоқ варианты и фонемасидир. Бу унли фонема ҳам оҳангдош ўзбек шеваларида асосий фонема сифатида ишлатилади. Масалан, *отасынын алдыга барды, қачан жүрын кәтти* каби.

Сўзларнинг ўртасида келганда, ы фонемаси у фонемаси билан алмашиб қўлланиш ҳоллари учрайди: *бир авуз иш жәп, гавуңнч айт, авур ишләрни бажарып жүрәди*,

Қипчоқ шеваларида и ва ы фонемаларининг қисқа қўлланилиши, тушиб қолиш ҳоллари анча кенг тарқалган.

у фонемаси. у—тор, тил орқа лабламанган унли фонема. Бу фонема тил юқори қисмининг кўтарилишидан ҳосил бўлади ва „юқори кўтарилиш“ унлилари гуруҳига киради. Бу фонема сўзнинг ҳар бир бўғинида келиши мумкин:

1. Сўзнинг биринчи бўғинида: сувэш, усмэн, уләр, шувэқ, кунжәлә сингари.

2. Сўзнинг иккинчи бўғинида: нэвут, улуг каби.

Шевада у фонемаси ь фонемасига ўтади: сугал—с ь явәл, Бухоро—П ь хэрә, депутат—дип ь тәт, примус—п ь р м ь с. Шунингдек, айрим сўзларнинг охирида (сўнгги бўғинида) у унли фонемасининг ь фонемасига ўтиш ҳоллари учрайди. Бу хусусият кўпроқ Каттақўрғон шевасига хосдир: куч ь й-кучук, сәв ь ғ-совуқ, туз ь м-тузум, нэв ь т-нобуд. „у“ лашиш, яъни адабий тилимиздаги о ва а унли товушларининг ўрнида у унлисининг келиши Қарноб шеваси унлилари учун хос белгилардан саналади: кувләд ь (ковлади), пелук (палов), гәрук (гаров), куруг (курак), б ь л м ә-сук (билмасак), дурән (даврон), дувләт (давлат) ва бошқалар.

Қарноб шевасида у унли товуши (бир бўғинли сўзларда) баъзан ўзбек адабий тилидаги ув бирикмасига мос келади:

Қарноб шевасида: Ўзбек адабий тилида:

су

сув

йу

юв (йув)

Қипчоқ шевалари сўзларида у фонемаси икки хил бўлиб, орқа у ва тил олди ўшакларида қўлланилади; үлүғ, түрмэк, түрсүн, күл, күл, үн, гүрүх. у ва ү унлилари бошқа фонемалар билан алмашиниб қўлланилди:

ү// и: туш—түш—тиш, устида—үстидә, остида—эстидә—эститә, кучук—күчук—кичик, турли—түрли, фурсат—пүрсәт, мурод—мүрәт,—мирәт у//ы: маймун—маймын, Махмуд—махмыт, бунда кел—миндә кә, бундан юқори—бынныдан жәғары каби.

II. Ўрта-юқори кўтарилиш унли фонемалари: е, э; о, ө.

е фонемаси. е—лабламанган тор унли фонема бўлиб, тилнинг ўрта қисмида ҳосил қилинади: ме: мән, кетърдъ, тепә, хеч, кел, келдъ, телпәк, текшърдъ, шелләдә.

Сўзнинг бошида келганда, э унлисига яқин талаффуз этилади: етъг, ешък, енък, еттъ, еркә.

Сўзнинг охирида е унли фонемасининг қўлланилиши жуда ҳам чегараланган бўлиб, юкламаларда келади. Бу хусусият Тошкент гуруҳидаги шевалар учун хосдир: келдъ-де, ьшлъяьбъз-де, убъз-де, бэрэвуз-де, йэвсук деймән-де.

Шеваларида сўзларнинг биринчи бўғинида е унли фонемасининг ь фонемаси сингари талаффуз этилиши ҳам учрайди: къпък//къпәй—кепак; търъзә//търъзә—дераза, сьсьйе—сессъйә—сессия каби.

Шунингдек, тўлиқсиз феълнинг биринчи бўғинидаги е фонемаси ә га ўтади ва тўлиқсиз феъл ўзидан олдинги келган сўзга (феълга) қўшилиб таллаффуз этилади: қилар экан—қъләйкән, бўлар экан—болейкән, кетар экан—кәтәйкән каби.

е фонемаси тўлиқсиз феъл шаклларида келганда тушиб қолади: йоргәйдъ—йўрга әди, боғләйдъ—боғлар әди, турәйдъ—турар әди.

ә фонемаси. ә—тил олди қатор лабламанган унли бўлиб, сўзларнинг биринчи ва иккинчи бўғинларида кўпроқ ишлатилади. Лекин сўзнинг охириги бўғинида келмайди. Масалан, эгер, эркән, меҳнәт//мәйнәт, эшик, бәдә, тәмир, тәшик, эчки каби.

Бу фонема бошқа унлилар билан алмашиниб келади: э//ә: кэма—кэмә. Тошкент—Тәшкән, кетмон—кәтмән; а—е—ә: меккәм, рәжәп: ә—ө: бәдәнә—бөдәнә каби.

о фонемаси. о ярим тор лаблашган унли фонема бўлиб, тилнинг орқа қисмида ҳосил бўлади У сўзнинг охирида ҳеч вақт қўлланмайди. о фонемаси кўпинча сўзнинг бошида келади, оғъл, Озбекъстэн, отъп, откән сингари. Шевада о фонемаси сўзларнинг биринчи бўғинида икки ундош товуш ўртасида қўлланилади; қой, дом, болдэк, қолтуқ каби.

о фонемасининг ўғуз шеваларида қўлланилишига намуналар: қой бақмақа геткән, иш болмады, соң хан чақыртырды, мән йинәкни оғълламадым, отқа тийсән, от өчәр каби.

о унлиси қипчоқ шевалари учун ҳам хосдир: орақ жоғалып қавды, орман қыравулы қолы да көрдим, ортағы келди каби.

ө фонемаси. ө унли тил олди лаблашган фонема бўлиб, қипчоқ ва ўғуз гуруҳлари шеваларига хосдир. Масалан, кези көрмәйди, белим иккига белинип кәтти, келди сувы көпәйди, көк көзлӀй йар учун (қипчоқ шевалари); өзинә мәккәмә уны сөнәдиләр, пашша алыб йәб көради; қарға қарғаның көзини чоқымас, бери бери ни йармас (ўғуз шевалари)

Пастки кўтарилиш унли фонемалари: ә, а э.

ә фонемаси. ә—тил олди, лаблашмаган кенг унли фонема, у биринчи ва сўнгги бўғинларда қўлланилади: әйт, әстә, туввә, пәхтә, пәбръкә, мәйдә-суйдә (қуйда) ә фонемаси сўзларнинг қўшимчаларида ҳам қўлланилади: бәдәнгә, жувәбгәр, ьшәймән каби.

Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги очиқ о билан айтиладиган баязи сўзлар шеваларда ә билан талаффуз этилади: әлмә—олма, бәлә—бола. әдәт—одаг, әйнә—ойна. Бу сўзлар Самарқанд шевасида алма, бала, адат, айна деб талаффуз этилади.

Бу шевалардаги а унлисининг қўлланилиши кўпгина сўзларда Жиззах шеваси сўзларидаги унли фонемаларнинг қўлланилишига мос келади:

Самарқанд шевасида:	Жиззах шевасида:
ман	мән
сан	сән
дада	дәдә

Бу фонема қипчоқ гуруҳи шеваларида қарлуқ-чигил-уйғур гуруҳидаги шевалардагига нисбатан анча кенг ишлатилади. Чунки ә фонемаси фақат имлодаги а

фонемаси ўрнидагина эмас, балки о фонемаси ўрнида ҳам келади: айг, апанди, кәдир, нәзик, чәй, чәч, чәмәдән, бәйлә, эрдәк, сәлим, кәрим, мавләи кабилар.

э фонемасининг кўп қўлланишига сабаб а ва о фонемалари ч, ж, й, ҳ, г каби баъзи ундош товушларнинг таъсири орқали юзага келади: жүгәри, әнәкәй, бәжәрди, ҳәсән, гәримсәл, гәртәк.

Булардан ташқари, турли хил йўллар билан ҳам э фонемасининг қўлланилиши ва унинг бошқа фонемалар билан алмашилиб қўлланилишига ҳам боғлиқ: а) чуқур тил орқа қ, г, х ундошлари билан ёнма-ён келганда ҳам кўп ҳолларда э фонемаси ишлатилади. Масалан, киләк, хәвәр, эркән; б) э фонемаси баъзан о унли ўрнида ҳам келади: кәмә—кема, кәтмән—кетмон; в) баъзи фонемаларнинг тушиб қолиши натижасида э унлисида иккиламчи чўзиқлик пайдо бўлади. мәлим, мә: ни, бөдәнә каби.

э фонемаси э — кенг лабланмаган тил орқа унли фонемаси. У шеваларда ўзгаришга кам учрайди: қъшләғ, ҳәвә, мәвън, ьшләмәк, мәшън, мәрт каби.

У эзбек шевларида турлича ҳолатда ишлатилади. Масалан, Марғилон шевасида анча турғунроқ, мазкур шева бу жиҳатдан Самарқанд шевасига яқин келади. Тошкент шевасида бўлса э га нисбатан кўпроқ ишлатилади. Чунки Марғилон шевасида баъзи ўринларда э фонемасининг вазифасини а фонемаси бажаради.

Шевалардаги э унлиси қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

1. Ёпиқ бир бўғинли сўзларда: эт, эәл, мәл, бәш, мәй, эч.

2. Икки бўғинли сўзларнинг биринчи ва баъзан иккинчи бўғинларида келади. Масалан, ләър, фәллә, гәдә, әлмъш, әлтъ, бә каби.

3. Икки бўғинли сўзларнинг ҳар иккала бўғинида ҳам қўлланилиши учрайди: дәвәм, қәздәр, әбләс, ләтън каби.

4. Кўп бўғинли сўзларнинг турли бўғинларида: бәзәр, кьрәгхәна, чәрвәдәр, сәмәрқән, ҳәсәвәг, тәвшърғ.

5. Лабланган в ва б ундош товушлари билан ёнма-ён келганда: йъвэрдъ, бѳхтъм, вѳх, бузэв, ме:мэн.

6. ѳ фонемаси тил орқа ундош товушлар ҳисобланган к, қ, х, ғ ундошлари билан ёнма-ён келганда: қъшлѳқ, ѳштърѳк, шундѳғ.

7. Феълнинг ҳаракат номи шакли, шунингдек, сифатнинг қиёсий даража шакли учун ҳам э унли фонемаси эмас, балки ѳ унлиси қўлланилади: кетърмѳқ, қъмълләмѳқ, келмѳқ, товэрѳқ, дурустрѳқ, чолләмоқ.

8. Шевада аниқ ҳозирги замон феълнинг қўшимчаларида ҳам ѳ фонемаси келади: кевѳтсѳз, оқъвѳттъ, кетѳвтъ, элѳттъ, қъвѳттъ. Бу фақат Қарноб шеваси учун хосдир.

Ҳозирги замон ўзбек адабий тилидаги „бола“, „олма“ каби баъзи сўзлар шеваларда ўзгаришларга учрайди. Бош бўғинлардаги (бо, ол) о фонемаси ўздан тубдан фарқ қиладиган э унли фонемасига ўтади: бәлә, әлмә сингари. Шевадаги бу ўзгаришлар кўпгина қипчоқ шевалари сўзларидаги ўзгаришларга мос келади. Бу сўзларнинг Тошкент шевасида қўлланиши (унли фонемаларнинг ишлатилиши) ҳозирги замон ўзбек адабий тилидаги ҳолатдан фарқ қилмайди. Бошқача қилиб айтганда, бу сўзларнинг биринчи бўғинларида ѳ унлиси келади, ѳ унли фонема адабий тилимиздаги о орқали ифодаланади.

Мана шу юқорида санаб ўтилган бир нечагина сўзларни мустасно қилганда ғарбий Самарқанд шеваларидаги ѳ фонемаси э ва а фонемалари ўртасидаги товуш бўлиб, ўзининг қўлланиш ўрни билан Тошкент шевасидаги ѳ унли фонемасининг қўлланишига тўғри келади

Қуйидаги мисолларни чоғиштириб кўрайлик:

Тошкент шевасида	Ғарбий Самарқанд шеваларида
ѳт	ѳт
мѳрт	мѳрт
зѳл	зѳл
мѳй	мѳй
мѳшъяѳ	мѳшън
вѳқт	вѳх

Бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўзларда э унли фонемаларининг қўлланиши қуйидагича хусусиятга эга:

1. Ўзбек адабий тилида урғусиз бўғинлардаги о фонемаси шевада ь фонемасига ўтади: трактор — т р а к т ь р, доктор — д у х т ь р, механизатор — м ь х э й н ь з э т ы р, дирижёр — д ь р ь ж о р, директор — д ь р ь т ь р ва бошқалар.

2. Урғусиз бўғинларда э га ўтади: к а л х у з // к а л х э з — колхоз, с а п х у з // с а п х э з — совхоз, э ч у т — о т ч ё г, ь с т а л — стол.

3. Баъзан „у“ фонемасига тўғри келади, л у х т у р — доктор, к а н д у х т ь р — кондуктор, э г ь т а т у р — агитатор.

Ф. Г. Исҳоқов татар тилида о фонемасининг у товушга ўтишини бундай кўрсатади: ф р у н т — фронт, п у л ь к — полк, п а л т а — пальто, э д и к а л у н — одеклон.

Ўзбек тилининг Марғилон шеvasида ҳам худди ана шу хусусиятларнинг мавжудлигини кўрамыз. Бунда о фонемасининг э унлига ўтиши „й“ ундоши билан ёнма-ён келганда, юзага келади. Масалан, Самарқанднинг қорлуқ-чигил-уйғур шеваларида т а й э қ, Марғилон шеvasида т а й э қ, Қарноб шеvasида п а й п э қ, Марғилон шеvasида п а й п э қ ва шу кабилар.

Таҳлил этилаётган шевалардан Қарноб шеvasи икки бўғинли сўзларнинг иккинчи бўғини э билан тугаганда, фонетик ўзгаришларга учрайди, яъни „у“ фонемасига ўтади Бундай ҳол баъзи сўзларнинг биринчи бўғинларида ҳам учрайди. Масалан, гаров—г а р у к, палов—п а л у к, олов — а л у к, Даврон — Д у в р э н, совуқ — с у в у г ва бошқалар.

Қипчоқ шеваларида э фонемаси, асосан, биринчи бўғинда келади, иккинчи бўғинида жуда кам ишлатилади. Масалан, қозоқ—найманда: б э н ы н, э л д ы, т а в ы п, қ э ч и п, б э л а л а р, а й т а м и з, ш э п т а л и каби.

Бошқа қипчоқ шеваларида г э м-гам, б э х ь л, м э м э, э р қ э, э р э л а ш, э й л ы қ, э л и с кабиларда ишлатилади.

Унлилар жадвали

Тилнинг кўтарилиш ўрнига ўра		Тил одди (олдинги қатор)		Тил орқа (орқа қатор)	
Лабнинг иштирокига кўра		лабла- маган	лабла- ган	лаблан- маган	лаблан- ган
Тилнинг кўта рилиш даража- сига кўра	юқори кўтари- лиш (тор)	и, ъ	у	ъ	у
	ўрта кўтарилиш (ярим тор)	е э е	е		о
	пастга тушиш (кенг)			а о	

4-§. Фонетик жараёнлар. Протеза

Протеза ҳодисаси Қарноб, Бурқут, Уйшуй, Минг, Манғит, Хитой, Қирқ, Сарой, Найман, Усма-турк, Хўжатуғ, Испанза, Янгиравот каби қорлуқ-чигил-уйғур, қипчоқ ҳамда ўғуз гуруҳ шевалари вакилларининг талаффузида кўплаб учрайди. Ушбу шева­ларда икки ёки ундан ортиқ ундош товушлар (р ҳамда айрим сиргалувчи товушлар) сўзнинг бошида келганда, талаффуз қулайлик туғдириш учун титрок р ва бошқа хил сиргалувчи ундош товушлардан олдин ы, и, о, у, ү каби унли фонемалардан бири орттирилади. Бундай ўзга­ришлар ўзлаштирама сўзларда кўпроқ учрайди. Масалан, ишкәп — шкаф, ьр ьскъ — ризқ, ьр ьскул — ризқул, стул ва стол — устәл, смега — и сметә, сирға — ысырға (қипчоқ) кабилар. Адабий тилда рўмол, рўза сўзлари қипчоқ шеваларида орамал, ораза тарзида қўлланилади. Ўғуз шеваларида бу сўз протезага учрамайди, балки соф ҳолда ромал, роза тарзида қўлланилади.

Рус тили орқали кириб келган стол сўзида эса бу ҳолидага амал қилинмайди, яъни стол сўзи ҳам ўғуз шеvasи вакиллари талаффузида протеза ҳодисасига уч­райди ва устәр деб қўлланилади.

Демак, бошқа шевалардан фарқли ўлароқ, ўғуз лаҳжаси бу ҳодисани четлаб ўтади. Қийқим (Иштихон тумани), Минг (Ургут тумани), Қипчоқ ва Бурқут

(Пайариқ тумани) шеваларида ҳам икки ундош кетма-кет, қатор келган ҳар бир сўзнинг олдида бир унли товуш орттириш ҳодисаси учрайди. Бундай хусусиятлар Тошкент, Андижон, Уйчи, Водил, Паркент сингари ўзбек шевалари материалларида ҳам учраб туради. Масалан, ўзбек адабий тилидаги *штраф, справка, стол, станция, счѣт* каби илгари ўзлаштирилган сўзларни олиб кўрайлик: Андижонда: ʻспэрэпкә, ʻштэрәп, ʻстәсә, ʻстол; Паркентда: ʻспэрәпкә, ʻштәрәп, ʻстәнсә, ʻстәл; Уйчида: ʻспэрәпкә, ʻштәрәп ʻстәнсә, устәл; Водилда: ʻспэрәпкә, ʻштәрәп, ʻстәнсә, ʻстәл.

Ўки Самарқанд, Каттақўрғон, Ургут шевалари материалларини олиб кўрайлик:

Самарқандда: истанса, устал, испарафка, Каттақўрғонда: ʻстәнсә, устәл, ʻспэрәпкә; Ургутда: истанса, устал, испарапка. Бу сўзлар адабий тилда *станция, стол, справка* деб ўз ҳолича қўлланилади.

Худди юқоридаги каби хусусият ўзбек тилининг Қипчоқ, Минг, Ханжиғали (Қийқим) шеваларида ҳам учрайди:

Қипчоқда: испэрәпкә, истәнчә, иччот.

Мингда исперәвкә, истәнсә, иччот.

Ханжиғалида: испэрәпкә, истәнсә, ичот.

Ўзбек адабий тилида: *справка, станция, учѣт.*

Ўзбек адабий тилида *сирға, стул, склад, рус, рўза* каби сўзларни ысырға, устул, искәләт, орыс, ораза, истәл тарзида талаффуз қилиш барча қипчоқ лаҳжасидаги ҳамма шевалар учун хос эканлигини кузатиш мумкин.

Шунингдек, Қипчоқ шеваларида сўз бошида келганда о, у, и унлилари уларнинг бири ортирилиб талаффуз қилинади. Масалан, рўмол—о р а м ә л // о р а м ә л, Рустам—и р у с т ә м, рашк—и р ә ш к, райхон—и р ә й х ә н, рўза—о р а з а, // о р у з а, Раҳмат—р ә х м ә т.

Қипчоқ лаҳжасида рус тилидан ва рус тили орқали кириб келган сўз ва атамалар ҳам хилма-хил фонетик ўзгаришларга учраган ҳолда ишлатилади. Масалан, истансә, истәл, истәкән, искәләт, испэрәпкә кабилар ҳамма қипчоқ гуруҳ шеваларида асосан бир хилда қўлланилади.

Қиёс қилинг:

Буркут	Қангли	Уйшун	Ўзбек адабий тили
истәл истәнсә истул	истәл истәнсә устул	истәл истәнсә истәл	стол станция стул

Самарқанд вилояти шеваларидан яна баъзи бирлариди, яъни Найман шевасида ҳам ы, и, о, у; Жиззах вилояти Фориш тумани Учма шевасида, Ургут тумани Хўжатуғ шевасида ъ, у, о, Испанза ва Янгиравот қишлоқ шеваларида эса у, о, и каби унли товушлар сўз бошида орттирилиб талаффуз қилинишини таъкидламоғимиз лозим.

р ундош товушидан олдин ъ, ы, у, о унли товушлари қўшилади. Мас., ранда—ъ р ә н д ә, рапида—и р ә п и д ә, рапорт—и р а п ы р т, рухсат—у р у қ с а т, рост—ы р а с каби. Бу қўшилишни шеванинг р товуши билан бошланувчи ҳамма сўзларига хос дейиш, албатта, нотўғри. Чунки, *рубоб, роман, рота* сингари оз миқдордаги сўзлар юқоридаги унлиларсиз айнан ўзича талаффуз этилади.

Протеза ҳодисаси қатор ўзбек шеваларида бўлгани каби туркий тиллар оиласига мансуб бўлган бошқирд, туркман, қирғиз, қозоқ тили шеваларида ҳам учрайди. Чунончи, бошқирд шеваларида адабий тилдаги стакан сўзи и стакан тарзида талаффуз қилинади. Ёки ўзбек адабий тилидаги *стол, рўза* каби сўзлар татар тилига: эстәл, бошқ.—остәл, тат.—ураза, бошқ.—ураза, қоз.—ораз, қирғ.—орозо, туркм.—ораз; спирт, шкаф сўзлари ёқут тилида испир, ыскаап; станция сўзи тат. ва бошқ. тилларида ыстанса тарзида талаффуз қилинади.

Шундай қилиб, протеза ҳодисаси ўзбек халқ шевалари ва қисман туркий тиллар учун хос бўлган фонетик хусусиятдир.

5-§. Эпитеза

Эпитеза ҳодисаси ўзлаштирилган сўзларда мавжуд бўлиб, улар Қарноб, Испанза, Бахмал, Сарой, Қирқ, Манғит, Паркент, Водил, Анлижон, Каттақўрғон каби шевалар вакилларининг талаффузида яшиқ сезилади. Масалан, ўзбек адабий тилидаги банк ва пропуск

сўзлари Ургут ва Испанза шевасида банка, пропуска тарзида қўлланилади, ёки қарнобликлар бу сўзларни бэнкэ, прэпэскэ деб талаффуз этадилар. Паркент шевасининг вакиллари бэнкэ ҳамда прэпэскэ тарзида талаффуз этадилар.

Ўзбек тилининг Манғит ҳамда Водил шеваларида мазкур ҳодиса бирмунча чегаралангандир. Масалан, Водил шеваси вакилларининг талаффузида бошқа шевалардаги каби этпускэга элбэтте бэрэмэн, бэнкэдэн пьлдэлдэзмь каби сўзлардагина қўлланилса, Манғит шевасида танка, банка сингари сўзларда учрайди.

Эпитеза ҳодисаси Самарқандда: учэскэ — участка, этпускэ — отпуск каби; Қарнобда: ъспэскэ — список — рўйхат, бэнкэ — банк, к ъйэскэ — киоск, прэпэскэ — пропуск, учэскэ — участок сингари; Ургутда: кийэска — киоск, этпуска — отпуск, банка — банк каби.

Юқоридагилар каби эпитеза ҳодисаси Андижон шеваси вакилларининг нутқида ҳам учрайди. Масалан, отпуск (ад. имлода: таътил) — этпуска, участок — учэсткэ — учэстэкэ, киоск — к ъйэскэ, пропуск — прэпускэ.

Эпитеза ҳодисасини қатор ўзбек шеваларида учратганимиздек, ўзбек адабий тили талаффузида ҳам мавжуд эканлигини қайд қилмоғимиз лозим. Сўз охирида қаторлашиб келган икки ундошдан кейин а унлисини қўшиб талаффуз қилинади. Бу ҳол кўпинча ундошларнинг ск, нк шаклларида сўнг юз беради. Масалан, отпуск — отпуска, бланк — бланка, танк — танка, банк — банка каби.

Шуни айтиш керакки, 1956 йилги ўзбек тили имлоси меъёри қонунлашганига қадар ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам эпитеза ҳодисаси ҳисобланган сўзлар фақат лаҳжа ва шевалар билан боғланар эди. 1956 йилдан бошлаб ўзбек адабий тили қондаси қабул қилинди ва тўла расмий тус олди.

Айрим сўзларда эса протеза, эпитеза, эпентеза ҳодисалари аралаш ҳолда ҳам ишлатилади. Чунончи, стрелка — истерелка, справка — исправка сўзларида биз бевосита протеза ҳамда эпитеза ҳодисалари, бланк — бланка сўзларида бевосита протеза ҳамда эпитеза ҳодисалари юз бераётганилиги, бланк — бланка сўзида

эса эпентеза ва эпитеза ҳодисаларининг бирга пайдо бўлаётганлигини алоҳида қайд қилмоғимиз лозим.

Қисқаси, эпитеза ҳодисаси ўзлаштирилган сўзларда кўпроқ мавжуд бўлиб, ўзбек халқ шевалари вакиллариининг талаффузида учрайди

6-§. Эпентеза

Эпентеза ҳодисаси ўзбек тилининг ҳамма шеваларида қўлланилади Айниқса, Қарноб Хўжатуғ, Қангли, Бахмал, Манғит, Минг каби шеваларда эса у янада ойдинлашади. Масалан, адабий тилдаги *давр* сўзи Қарноб шевасида эса дувир шаклида учрайди.

Қиёс қилинг: Қарнобда — дэкэлэт, тэрэктьр, тьрэнвэй; Ургутда — дакэлэт, тирэктир, тирэнвэй. Адабий тилда—доклад, трактор, трамвай.

Ўзбек тилининг Каттақўрғон ва унинг атрофидаги шеваларда ҳам худди Қарноб ва Ургут шеваларидаги сингари эпентеза ҳодисаси кучли сақланган. Масалан, Ъскэлэт — склад, кэнсърт — концерт каби.

Юқоридагилар сингари фонетик ҳодисаларни Ғаллорол тумани Қангли қишлоқ шевасида ҳам икки ундош ўртасида бир и унли фонемасининг орттирилиб талаффуз қилинишини кўраимиз. Масалан, илм—илим, косиб — касб — кэсип, кафт — кэпит каби.

Шунингдек, ўзбек тилининг қипчоқ шевалари вакиллариининг талаффузида ҳам и, а, у унлилари четдан қабул қилинган сўзларда орттирилиб талаффуз қилиниши хосдир. Масалан, рус тилидан қабул этилган трактор — тирэктир // тарақтыр, кровать — кэрэвэт // кэрэвэт, пленум — пилинум // пулънум, звено — зувинэ // зъвънэ каби сўзларда кўринади.

Эпентеза ҳодисаси биргина ўзбек халқ шевалари учун хос бўлиб қолмасдан, балки бошқа туркий тиллар учун ҳам хосдир. Масалан, ёқут тилида бырат—младший брат, қыласс—класс, кулуус—ключ, кырабаат—кроватъ, ёқут тили шеваларида эса ыспыравка—справка, пумала—смола кабилар учрайди

Эпентеза бир шевада кўпроқ мавжуд бўлса, иккинчисида нисбатан камроқ бўлади.

Маълумки, ўзбек адабий тилида ёнма-ён келган икки ундош товуш ўртасида қипчоқ шеваларида, айниқса, Манғит шевасида Ъ, а, у сингари унли товушларни қўшиб талаффуз қилинади. Масалан, акс —

Ә к и с, а с л — ә с ь л, к а с р — к ә с ь р, а қ л — а қ ы л, к р о в а т ы — к ә р ә в а т к а б и

Бирок, ўзбек тилининг Водил шеvasида эса бу ҳодиса нисбатан камроқ учрайди. Бори ҳам сўз ўртаси ва охирида ёнма-ён келган ундошлар орасига бир унли қўшиб талаффуз этиш натижасида вужудга келади. Масалан, ўғлимни конспект дафтари йўқ — эғл'ьм'ь кән'ьспей дәптәр'ь йоқ каби.

Шунингдек, араб, форс тилларидан қабул қилинган сўзларда ҳам и, у каби унли фонемалар сўз ичида ундош товушлардан сўнг орттирилиб талаффуз қилинади. Масалан, фикр — пикир, исм — исим, ҳукм — ҳукум, илм — илим, умр — умур, синф — синиф, қисм — қисим, фаҳм — фаҳим, расм — расим, нашр — нашир каби.

Эпентеза ҳодисасини, асосан, сўз ўртасида, охириги ёки бош бўғинида, портловчи ва сирғалувчи ундошлар қатор келганда, портловчидан сўнг қиска и, айрим ўринларда эса у ёки а унли фонемаларининг орттирилиб талаффуз қилинишида кўрамиз. Чунончи, и унлисининг орттирилиши сабабли: ҳарф — ҳариф, шифр — шифир, аҳл — аҳил, а унлисининг орттирилиши сабабли, доклад — даклат, оклад — акалат тарзида талаффуз қилинишидан қатъи назар, имлода ўз аксини топмайди.

Қисқаси, эпентеза ҳодисаси мактаб, маориф ва матбуотнинг таъсири туфайли ўзбек халқ шеваларида тобора чегараланиб бормоқда. Улар ҳозирги кунда лексалар нутқида учрайди. Ўқувчи, талаба ва бошқа маълумотли кишилар нутқида борган сари камайиб бормоқда.

7-§. Синкопа

Синкопа ҳодисасининг ҳосил бўлиши бевосита ургу масаласи билан боғланган бўлади. Ургусиз бўгинларда бир унли фонеманинг тушиб қолиши *синкопа* ҳодисаси ҳисобланади. Масалан, маориф — мэрүп;/мэр'ьп, Фотима — пәтмә, силос — сләс каби. Ўзбек тилининг Каттақўрғон, Ургут, Қарноб, Паркент, Манғит каби шеваларини ва ўғуз лаҳжасини олайлик. Бу шевалар вакилларининг талаффузида айрим сўзлардаги баъзи товушларни ишлатмаслик ҳоллари (синкопа) кўп-кўп учрайди. Мас., Паркент шеvasида: кутубхона —

библиотека — бублэтэкә, биллиард — билъйарт (Ш. Афзалов кузатишича) тарзида қўлланилади.

Шунингдек, ҳозирги-келаси замон феълларининг иккинчи бўғинидаги и, ы, ү, у унлилар талаффузда бевосита тушиб қолиши натижасида ҳам синкопа ҳолисаси вужудга келади. Масалан, чақираман — чақраман, йугураман — йугрэмән, ўтираман — отраман каби.

Юқоридаги каби *буйин, оғиз, эгин, бурун, қорин* сингари сўзларнинг иккинчи бўғинидаги унли товуш шу сўзларга янги бўғинларга эгалик қўшимчаси қўшилгач, урғунинг бевосита янги бўғинга кўчиши билан кучсизланади ва тушиб қолади. Бу адабий тил учун хосдир. Масалан, бўйин—бўйни, оғиз—оғзи, эгин—эгни, бурун—буруни, ўрин—ўрни, қорин—қорни каби. Бу адабий тил учун ҳам хосдир.

Ўзбек халқ шевалари материалларида бу ҳолиса кенг кўламда ишлатилади. Масалан, қорлуқ-чигил-уйғур шеваларида: қэрън—қэрнъ—қэниъ, мурун—мурнъ, муннъ: бойун—бойнъ; оғъл—оғлъ; қипчоқ шеваларида: авуз—авзы каби. Баъзан шевада -жақ қўшимчаси билан ясалган келаси замон гумон феълларида ўзак билан қўшимча ўртасидаги „а“ унлиси тушиб қолади. Бу ўтуз лаҳжаси учун хосдир. Масалан, бэражақ—бэржақ, алажақ—алжақ каби.

Синкопа ҳолисаси ўзбек тилининг қипчоқ ҳамда қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжалари материалларида кўп ҳолларда бир хил хусусиятга эга бўлади. Масалан, адабий тилда „харидор“ сўзи қипчоқ шеваларида хардар—харыдар, Тошкент шеvasида хэрдэр, Наманган шеvasида хэрдор шаклларига эга бўлади.

Шунингдек, сўз ўртасида ёнма-ён келган икки унлидан бири кучсизланади ва иккинчиси чўзиқ талаффуз қилинади. Масалан, маориф—ма:ръп, саодат—сэ:дат, таажжуб—тэ:жжуб каби. Юқоридаги ҳолатлар турли ўзбек шевалари материалларида учрайди. Лекин синкопа ўзбек адабий тили тарихи тараққиёти босқичида мавжуд бўлиб, адабий тил учун ўзинга хос хусусият ҳисобланади. Чунки *бирок, билан, сира, пировардида* каби сўзлар 1956 йилгача ўзбек имлоси қондаларига мувофиқ *броқ, блан, сра, правордида* деб қўлланилар эди. Демак, адабий тилнинг ўша даврдаги кўринишида синкопа ҳолисаси мавжуд эди.

8-§. Апокопа

Сўз охирида товушларнинг тушириб қолдирилиши урғунинг одатдагидан бошқача бўлганлиги сабабли юзага келиши мумкин. Бундай ҳолатда сўз охирида урғусиз унли ёки бўғин талаффузда кучсизлашади ва тушириб қолдирилади. Бу *апокопа* ҳодисасидир.

Маълумки, апокопа ҳодисаси бутун ўзбек шевалари учун хос ҳодиса саналиб, қисман ўзбекча, айниқса, байналмилал сўзларда кўплаб учрайди. Шунингдек, Пайшанба, Уйшун, Найман, Қарноб, Хўжатуг, Чуваллоқ, Паркент, Манғит каби шеваларда бу фикр янада ойдинлашади

Ўзбек тилининг қипчоқ шевасида ўзлаштирилган айрим сўзларда унли товушлар сўз ўртасида ҳам, сўз охирида ҳам тушиб қолади. Масалан, минута -- минит, газета -- гэзит, машина -- машын, аптека -- аптик каби. Уругут шевасида ҳам минут, газит, мэшин, эптик тарзида ишлатилади. Масалан, газетти элли, машин минан элип келли каби. Шунингдек, газета -- гэзът, минута -- мънът, машина -- мэшън, квартира -- кувэртър, телеграмма -- телегрэм каби апокопа ҳодисаси Қарноб, Чуваллоқ, Каттақўрғон тумани айрим жамоа хўжаликларига қишлоқ шеваларида ҳамда Уйшун шеваси вакиллари талаффузида бир а унлисининг тушиб қолишдан ҳосил бўладиган ўзига хос хусусият ҳисобланади. 1905—1917 йиллардаги адабий тил материалларини олайлик Бу даврда ҳам, тарихий манбаларнинг кўрсатишича, апокопа ҳодисаси юз берган. Жумладан, ўша йилларда рус тили орқали яриб келган *квартира, палата, фабрика, гранат, коңтора, минута* сўзлари кувартир, палат, пабрик, гиранат, кантор, минут шаклларида қўлланилган.

9-§. Редукция

Редукцияга учраган унлилар жуда қисқа талаффуз этилиб, фонетик транскрипцияда ярим товуш сифатида эшитилади. Тор унлилар, одатда, кенг унлиларга нисбатан кўпроқ қисқа талаффуз этилиш хусусиятига эга.

Ўзбек тилининг қорлуқ-чирил-уйғур лаҳжасига кировчи Тошкент, Наманган, Марғилон ва қипчоқ гуруҳ шеваларига кировчи Минг, Манғит, Хитой, Сарой, Туёқли, Қозоқ-найман, Буркут, Уйшун (Самарқанд вило-

яти). Қипчоқ (Наманган вилояти), Қорақалпоқ (Фарғона вилояти), Сарой (Андижон. Сирдарё вилоятлари) шеваларида ҳам редукция ҳодисаси учрайди. Масалан, ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасида: товушнинг <да в ш и ц < да в ы ш ы н < та в у ш ы н; яширин > жаширин < даширин > тириқлай > тирила й; насия > нәсйә; сира > сра, бўйни > мойны, мәнә, минә < мана, > муомала > мәмила > м'әмлә, маъноси > манәсы > мәни си, Мақсуд > махсыт > мэхсит.

Баъзи ўзига хос томонлари:

1. Адабий тилимиздаги ө унли фонемасининг ө унлисига ўтиши редукция ҳодисаси ҳисобланади. Масалан, олма — элмә, бола — бәлә, одат — әдәт кабилар шулар жумласидандир. Бу хусусият қорлуқ-чигил-уйғур гуруҳидаги Самарқанд, Қўқон, Бухоро, Қарши, Каттақўрғон, Жиззах, Қарноб, Паркент, Пайшанба каби ўзбек шеваларига хос бўлган томонлардан бирини ташкил этади. Масалан, бәлә, бьчэрә жьззэйъ кәвәб бопкетъптъ (Жиззах); ойнәб тургән кәлхочънъ бәләсъ ьшлөгәндән нурга толдъ дәләсъ (Паркент); мән шунъ әдәт қъб қәлъбмән (Қарноб); элмә ҳссьль бу йъл коп болдъ (Каттақўрғон) каби. Лекин *олма, бола, одат* каби сўзлар Тошкент, Марғилон, Андижон Фарғона шеваларида редукцияга учрамайди, яъни элмә, бәлә, әдәт деб талаффуз этилади.

2. „у“ лашиш ҳодисаси ҳам редукция саналади. Яъни адабий тилимизда о, а унлилари билан келган сўзлар шеваларда у унлиси билан алмашилиб қўлланилди. Бу қорлуқ-чигил-уйғур гуруҳидаги Қарноб шеваси материалларида кўпроқ учрайди. Масалан, пәлуккә әлук йәқәвуз, дәрәх нувдәсъ коп қәлъбдъ (Қарноб); пәшшәгә бәръп мән жу вәб берәмән (Тошкент).

3. Бир бўғинли, қолаверса кўп бўғинли сўзларнинг бошида жарангсиз ундош товушлардан олдин келганда. Масалан, қорлуқ-чигил-уйғур шеваларида: чэйник борми > чәйнък бә: мъ: нима иш билан—нъмә ьш мънән; чой ичди > чәй ьчтъ; қипчоқ шеваларида эса чәйник барма, чәй ишти, нимә иш минән > нимишмән каби.

4. Биринчи бўғини очиқ, иккинчи бўғини жарангсиз ундош билан бошланиб, ўз навбатида урғусиз бўғиндаги икки жарангсиз ундош товушлар орасида келганда. Масалан, қорлуқ-чигил-уйғур шеваларида тъшъ-

туштъ — тиши тушди, пишириб — п̣ъшър̣ъи каби. Қипчоқ шеваларида эса тиши тушди — тиши тушти, пишириб — пиширип сингари.

Қатор ўзбек шеваларида, даставвал, Тошкент ва Тошкент яқинидаги шеваларда ʼ фонемаси ўзининг ўзгарувчанлиги билан ажралиб туради ва урғусиз бўғинларда, жарангсиз ундош товушлар ўртасида, баъзан бир жарангли ва бир жарангсиз орасида, жарангсиз ундошлардан олдин келган ҳолатларда редукция учрайди. Тошкент шевасида бўлса, ʼ унлисининг тўлиқ редукцияси урғули бўғинларда ҳам тарқалганлигини қайд этиш ўринлидир. Масалан, т̣ъш//ч̣ъш, б̣ър, ʼс, ʼч каби. Самарқанд—Бухоро гуруҳ шеваларида эса ʼ, и турғун ҳолатда бўлади ва чўзиқ талаффуз этилади. Бу томондан Самарқанд—Бухоро шевалари Тошкент ва Тошкент типли шевалардан сифат жиҳатидан ҳам, миқдор жиҳатидан ҳам ажралиб туради.

5. Қипчоқ шевалари материалларида ҳам адабий тил талаффузидаги каби юқори кўтарилиш, лабламанган и, ʼ фонемалар ҳам кучли редукцияга учрайди. Бу бир бўғинли сўзларда ҳам, кўп бўғинли сўзларда ҳам очиқ кўриниб туради. Масалан, бир, киши, қипти, қишқи, сир, билэн, биз, сиз, пировардида, икрэм, пикир, тил, билим, тилэк, бизэр, синэв, бырақ, қирақ каби.

Бу сўзларда *сира, билан, пировардида, бироқ* сингарилар 1956 йилги имлода ҳозирги ҳолати қабул қилинганга қадар *сра, блан, правордида, броқ* тарзида қўлланилар эди, яъни бу сўзларда ҳам редукция ҳодисаси мавжудлиги тўғрисида бир и унлиси талаффуз этилмас эди ва ёзувда ҳам ўз ифодасини топмас эди. Ҳозирги вақтда эса қисқа талаффуз этилишига қарамасдан, ёзувда сақланади.

Кўриниб турганидек, ушбу ўриндаги редукция ҳодисаси кўпроқ р, л, з, к каби ундош товушлардан олдин келганда юз беради. Юқоридаги хусусият қорлуқчиғил-уйғур шевалари материаллари учун ҳам хосдир. Масалан, к̣ъшъ, қ̣ъпгъ, к̣ъшк̣ън, к̣ър, б̣ълъм, ʼз, т̣ъз, т̣ъл, т̣ъкъш, п̣эбр̣кэ, б̣ъзлэ каби.

Қипчоқ шеваларида баъзан ундош товушлардан кейин келганда ҳам и редукциялашади. Масалан, бирэв кэлди, уни гәви баракан, бирэвди баласъ минэн барды, бирэғ улам кәмәди каби.

6. Баъзан урғусиз бўғиндаги у ва ү фонемалари

кучсизланиб, редукция ҳодисасига учрайди. Масалан, Наманган шевасида тузулъшъ — тузълъш, Қорабулоқ шевасида эса ичигә чишти — ичига тушиди каби.

7. Ўзбек тилининг Наманган шевасида э уили товуши бошқа қуйи кўтарилишдаги а, о унлилари сингари иккинчи ва охирги бўғинларда редукциялашади. Масалан, болъдъгән, чегърәсә — бўладиган чегараси каби. Бундай хусусият Марғилон шеваси материалларида ҳам мавжуд: мәлеҳәтън не хълдә каби. Шунингдек, Наманган шевасида э фонемаси фақат ь унлисигагина ўтиб қолмасдан (э ь) балки е га ҳам ўтади (э е); йеданғәч, йенъ // адабий тилда *яланғоч, янги* каби. Бу ҳолни Қарноб шевасида ҳам учратиш мумкин. Масалан, янги — йаңи, йънъ, бўлди-да — болдъ-дә каби.

8. Ўзбек халқ шевалари материалларини кўздан кечирар экансиз, уларда е унлисининг редукцияга учраб, ь унлиси ҳолатига келиб қолишини кўрасиз. Масалан, бър кун чәл уләгә дъптъ: пәшшәгә бәрпән жувәп берәмән дъгън (Тошкент); узъмдъ шундай йъйлъккъ, тойъп буннъмъмизлән чъқъп кесън, дъптъ (Фарғона) кабилар

Ўзбек халқ шеваларида учровчи редукция ҳодисаси бошқа туркий халқлар тилларида ҳам мавжуд. Чунончи турк тилида: сарымсак, янылмақ, ачилажак кабилар. Тагар ва бошқирд тилларида икки ва ундан ортиқ бўғинли сўзларда ҳам редукция ҳодисаси мавжуд. Масалан, татарларда кешә (киши) — одам, бошқирдларда — сиғар (сығар) — бесән (бсән) — пичан; кысқыра (қысқыра) — қичқиради каби.

и ҳамда ы унлилари қорақалпоқ тилида кучли редукцияга учрайди ва ёзувда тушириб қолдирилади. Масалан, блу — билу, шбын, шыбын (пашша); татар тилида эса белу — блу, қызыл — қзыл каби.

10-§. Элизия

Элизиянинг ҳамма турлари ўзбек лаҳжа ва шевалари учун хос бўлиб, уларнинг деярли ҳаммасида учрайди:

а) элизиянинг биринчи турига: ўта олмайди — отәлмай дъ // отәлмәйду, шу ер — ше:р, бу ёққа — бәқә, шу ёққа — шәқә, бу ер — бе:р кабилар киради;

мән шәкә бәрәмән (Марғилон), сән шаттә турә-тур (Жиззах), бәкә ке, аққә кеттә — кәттәнә, әттәтә (Уйчи) каби. Элизияланиш ҳодисасини Ургут ва Самарқанд шеваларида ҳам кўплаб учратамиз: бора олмай — бәрәлмай, бу ёқдан — бахдан, олти ой — элтәй, ёза олади — йәзәладу, ёзәтган — йәзәткан, қила олади — қъләладу сўзларида у ва а унлилари тўлиқ элизия ҳодисасига учрапти. Масалан, бизлар кеча бәрәлмай қәлдук; ше:га//ше:рга бизарди туширди, соғра буйәзәткан киши айтти; бе:рга кел (Самарқанд); элтәйгача мәшин ҳайдамайман; ше:қ қарап келәверди. Мардәнқул хатти йәзәладу (Ургут) каби.

Бу ҳол Каттақўрғон тумани қипчоқ шеваларида ҳам мавжуд. Масалан, шахта, манахта, шәкә, бийәкә, кәтувди, әккиләвди, әйткәндим кабилар Навоий вилояти Хатирчи туманидаги Найман шевалари вакиллариның талаффузида ҳам унли говуш бир вақтда ёнма-ён келса, бири тушиб қолади. Масалан, бора олади — баралади; қола олади — қалалади кабилар;

б) иккинчи турига: бу ерда — бу:рда, у ер — у:р, қайси ер — қә:р (Қарноб) кабиларни кўрсатиш мумкин;

в) элизия ҳодисасининг бу тури ҳам ўзбек халқ шевалари материалларида учраб туради. Бу тўлиқсиз феълларнинг мустақил сўзлар билан бирикма ҳолида келиши билан боғлиқдир: бўлар экан — боләйкән, бир эди — бърдъ, шунинг учун — шунъйчун, олган эдим — элгәндъм кабилар. Шевадаги келган эдим — келгәндъм, ювиб кел — йубке, ўқир экан — оқъйкән кабилар ҳам элизия ҳодисасига хосдир.

Юқоридаги сингари хусусиятлар ўзбек тилининг Пайариқ туманидаги қипчоқ шеваларида ҳам учрайди; бундай пайтда биринчи сўзнинг охиридаги унли фонема тушиб қолади ва ҳар икки сўз паузаси, бир бош урғу билан айтилади. Масалан, тўриқ от, тора т — тора ат; Солиҳ ака — Соли ака — Салака, Малла ака — Мәллә әкә — Мәләкә кабилар деярли ҳамма қипчоқ шевалари учун хосдир.

Бундай хусусият араб тилидан кирган ва бирдан ортиқ ўзакдан ясалган киши отларида ҳам учрайди. Масалан, Абдусалтор — әлсәттәр — әлсәттәр, Под-

шо Али — Пэшшэди // Пошэли, Абдуалим — Абдалим // Эбдэлим, Абдулла ака // Эблэкэ сингари.

Юқорилагилардан ташқари, ўзларининг пайдо бўлиш йўллари характерли бўлган элизия ҳодисасининг мавжудлиги ҳам кўзга ташланиб туради. Мас., Тошкент, Жиззах, Шаҳрисабз, Қўқон каби шеваларда энэ шу — эншъ тарзида учрайди. Андижон шевасида эса энэ шу — эншъ / эшъ шаклига эа бўлади. Ўғуз гуруҳ шевалари материалларида энэ шу / эншу деб ишлатилади. Қипчоқ шеваларидаги нимиш — нима иш, бағдачылған — боғда очилган, эққолыны — икки қўлини, шаққарап — шу ёққа қараб кабилар ҳам элизия ҳодисаси билан бевосита боғлиқдир.

В. В. Решетов ўзбек тилининг қипчоқ шеваларида элизия ҳодисасининг бир мунча кенгроқ қўлланилишини алоҳида таъкидлайди. Чунончи: хардар — харыдар, Наманганда — хэрдэр, адабий тилда — хари-дор; ҳамша — хэмишэ, адабий тилда — хамиша. Қорлуқ-чигил-уйғур шеваларида эса элтэ эв — элтэв;

Элизия ҳодисаси бошқирд, туркман, татар тиллари материалларида ҳам мавжуд. Чунончи, бошқирд тилида: қилгэйнэм — келгэннем, туркман тилида: менинчун — менинучин, татар тилида: нэрсэ — нэирсэ каби. Шунингдек, озарбайжонча: абры — абыры, анры — анары, гров — гыров: нўғай халқ шеваларида: бурны — буруны вақты — вақтыты; брев — биравы, отуршы — отурушы каби.

11-§. Чўзиқ унлилар

Ўзбек шеваларида учровчи чўзиқ унлилар ўз хусусиятига кўра икки хил бўлади: бирламчи чўзиқ унлилар ва иккиламчи чўзиқ унлилар.

Бирламчи чўзиқлик. Бирламчи чўзиқликнинг ёзма ёдгорликларда маъно ажратиш хусусияти ҳам ўз аксини топган Қуйида ушбу ёзма ёдгорликлардан намуналар келтирамиз: Мингу ат адгыр — минишли отлар; бу эрол — ачығ тозурған — бу одам доим очларни тўйдирган (ДЛТ, I, 472-бет); ач нэ ймэс, тоқ нэ тэмэс — оч нималар емайди, тўқ нималар демайди (ДЛТ, I, 103-бет), бэг анар ат берди — бек унга унвон (ном) берди (ДЛТ, I, 107-бет).

К. К. Юдахин бўлса, ўзбек тилининг Қорабулоқ шевасида қадимги соф туркий бирламчи чўзиқ унлилар

бор эканлигини алоҳида қайд қилиб, уларнинг а, э. и шаклларда мавжудлигини кўрсатади. Масалан, ат//ад, ады, от — оды каби. Яна Қорабулоқда: баланын ҳақли пәс (боланинг ақли паст); бақып йургән малыңны бесән, сатаман (бақиб юрган молингни берсанг, сотаман); бул йолға чишипти (бу йўлга тушибди); бир байыңқы бий қизи барәкә (бир бойнинг бир қизи бор экан) каби.

Иқон шеvasида ҳам бирламчи чўзиқлик Қорабулоқ шеvasидаги сингаридир. Бироқ Иқон шеvasида чўзиқ унлиларнинг сони Қорабулоқдагига нисбатан миқдор жиҳатидан ан а кўпдир. Булар: и, е, ә, у, о, а, ү, о: алиң қумду — отинг ким; қолун ужы — қўлингнинг учи; очакта одун — ўчоқда ўтинг, оловинг; туш көрдум//туш көрдүм — туш кўрдим ва бошқалар.

Бирламчи чўзиқларга мансуб бўлган ўғуз гуруҳ шеваларга чўзиқ унли товушлар очиқ бўғинда кўпроқ учрайди. Лингвистик материалларнинг кўрсатишича, ёпиқ бўғинли сўз ўзига қўшимча олиб, очиқ бўғинга айланса, аввалгидек биринчи бўғиннинг унлиси чўзилади: бағ-баға, қаш-қашы, аш-ашы, йахшылык қыз йэнына гирди, қыз хыйэлы кө:ниндә геткән, биннисә вэхлар йол йирип ичи эч қалды; ә:дики вә:изи йоқ ва бошқалар.

• *Иккиламчи чўзиқлик.* Буни ҳамма шевалар учун умумий ва хос хусусият дейиш мумкин. Булар ўзбек тилининг Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Андижон, Каттақўрғон, Уйчи, Қарноб, Ургут, Жиззах сингари шева вакиллари нутқида тез-тез учраб туради. Иккиламчи чўзиқ унлиларнинг вужудга келиши р, к, в, х, н, ҳ, ғ. й каби ундош товушларнинг тушиб қолиши билан боғланади.

• Иккиламчи чўзиқ унлилар бир неча йўллар билан ҳосил қилинади: а) айрим ундош товушларнинг тушиб қолиши натижасида. Масалан, Каттақўрғон, Қарноб, Пайшанба шеваларида: шаҳар > шә:эр, эгним > е:нъм, кўҳна > кө:нә каби. Бундай фонетик ўзгариш билан иккиламчи чўзиқликнинг юзага келиши Самарқанд ва Ургут шевалари учун ҳам характерлидир: соғин Пензи ше:рига бәрип тушурди; дә:қәнни иши коп боладу (Самарқанд); вәй ериңдиз бә:ми ҳа-

ли; ло: батэ й бир кечага қэ: саңниз; тэққа сай-райлу ка: лик, бэ: майдуми (Ургут) каби.

Иккиламчи чўзиқликнинг бу тури бошқа ўзбек шевалари материалларида кенг даражада учрайди. Қорлуқ-чигил-уйғур гуруҳ шеваларида: сәпәм чучвәрә қы: бер дейдъ (Фарғона), ме: мәнлә келль чэқи, ана ша: ар коринди (Бухоро); энамла бир қишлоққа бэру: дук, бир онтәдә зәммүри бэ (Шаҳрисабз); бәдән пәрштән ме: мәнлә кептъ; шә: рдән кәмъ-сыйә кептъ (Жиззах). Ўғуз гуруҳ шеваларида: отны кө: ләсэн очар, қоншыны кө: ләсэн қөчәр; уны ичиндә зә: әр бар әди (жанубий Хоразм). Қипчоқ гуруҳ шеваларида: тәс-тәс кә: сәң бомайма, чумчуқдән қорққан тары: әкмәс; бул ке: нә дуйнә;

б) ёнма-ён келган унли товушлардан бирининг тушиб қолиши нағижасида шу ер — ше: р, у ер — у: р, бу: р (Қарноб); ше: т — шу ер (Тошкент), ше: ргә, ошә: ргә, ше: рдән (Каттақўрғон, Пайшанба), бе: га е: ге, ше: га. ше: ддан, оше: га (Ургут).

Жанубий Хоразм шевалари учун ҳам чўзиқ унлиларнинг иккинчи тури хос бўлиб, улар ҳам айрим ундош товушларнинг тушиб қолиши натижасида пайдо бўлади. Масалан, муҳим — му: м, меҳмон — ме: мән, қўйингиз бэ: мы, бор, шаҳарда — қойңыз бэ: мы, бэр, шә: рде деди каби.

Чўзиқликнинг яна бир тури сифатида эмпатик ёки ўта чўзиқлик ҳам мавжуд. Бу чўзиқликда қадимги бирламчи чўзиқлик ҳам бўлмайди, ундош товушларнинг тушиб қолиши ёки ёнма-ён келган унлиларнинг бирләшиши юзага келмайди. Баъзи сўзларга алоҳида аҳамият берилиб, улардаги айрим унлилар чўзилиброқ талаффуз қилинади.

Бу чўзиқлик ўзбек халқ шеваларида турлича кўринишларга эга. Масалан, Иргәш кәләгай; Патма ҳу (қипчоқ гуруҳ шевалари); ман айтгимки, бэ ра ми: з, ушта-уштадан қатә р қойди (Самарқанд), хәлъ: чъ келтәйны зәр бы, ҳу: пәшшәнъ гәпләрны айттъ, кел-кел деса, нэ: зъ келур, келма деса с:: зъ келур (Андижон).

12-§. Қўш унлилар

Қўш унлилар (дифтонглар) икки хил бўлади: чин қўш унлилар ва сохта қўш унлилар. Лингвистик материалларнинг таҳлилидан кўриниб турганидек, сохта дифтонглар икки хил кўринишга эгадир:

а) *пасайиб борувчилар*. Бунда биринчи унсур кучли ва асосий бўғин ҳосил қилувчи бўлиб, иккинчи унсур эса асосий бўғин ҳосил қилмайди, ёрдамчи унсур ҳисобланади ва у баъзи ўринларда қисқариб, билинар-билинимас талаффуз қилинади;

б) *кўтарилиб борувчилар*. Буларнинг ҳосил бўлишида биз пасайиб борувчи дифтонгларнинг аксини кўрамыз. Уларда биринчи унсур кучсиз, иккинчи унсур эса етакчи, асосий унсур ҳисобланади.

Дарҳақиқат, ўзбек тилининг қипчоқ шеваларида кўтарилиувчи дифтонг учрайди. Масалан, Фарғона водийсининг қипчоқ қорақалпоқ типли шеваларида адабий тилдаги *ут, ўқи, икки, она* сингари сўзлар в у т, в о қ у, и е к й, э н э тарзида талаффуз қилинади.

Дифтонглашиш ҳодисаси ўзбек тилининг қурама шевалари учун ҳам ҳосдир. Чунончи, у ор та — ўр та, о у г у р — ў т и р, у о й у н — ў й и н, у е р да к — ў р да к кабилар.

Қисқаси, дифтонглар масаласи фонетикадаги энг мураккаб ва шу кунга қадар илмий жиҳатдан етарли даражада асосланмаган соҳалардан бири ҳисобланади. Шу ваздан ўзбек тилшунослигида бу соҳа бўйича турли-туман фикрлар ҳукм суриб келмоқда. Баъзи ҳолларда эса ўзбек адабий тилида ҳам дифтонглашиш ҳодисаси биринчи ўринга қўйилади. Бунда -и й, -о й, -а й, -у й, -ў й, -ав, -ов, -ув каби товуш бирикмалари дифтонглар деб талқин этилади ва мисол тариқасида *сув, борув, бай-байтой, уй, ўй, совға, сарой, гавда* каби сўзлар келтирилади.

Бизнингча, булар қўш унлилар эмас. Борди-ю, уларни дифтонглар дейилса, у ҳолда ўзбек тили дифтонгларга энг бой тил бўлиб қолар эди. Юқоридаги мисолларда кўпинча и фонемаси чўзиқ талаффуз этилиб (и:), дифтонг деб қаралса ҳам, улар бир унли ва бир ундо и товушдан ташкил топган товуш бирикмалари ҳисобланади.

Дифтонглашиш ҳодисаси ўзбек шеваларида мавжуд бўлиб, асосан, қипчоқ ҳамда шимолий ўзбек гуруҳларига кирувчи Қорабулоқ шеvasида, Қурама ва умуман, қипчоқ шеваларига мансубдир. Ўзбек тилининг қарлуқ-чигил-уйғур гуруҳига мансуб бўлган шеваларда эса мазкур ҳодиса учрамайди.

13-§. Оҳангдошлик

Оҳангдошлик (сингармонизм) ҳодисаси икки кўринишга эгадир: 1. Танглай оҳангдошлиги. 2. Лаб оҳангдошлиги.

1. *Танглай оҳангдошлиги.* Бу фонетик ҳодиса туркий тиллар учун тааллуқлидир. Ўзбек адабий тили ва етакчи ўзбек шевалари эса буидан мустаснодир. Танглай уйғунлиги моҳияти шундан иборатки, уларда сўз таркибидаги унлилар оҳангдошлиги қаттиқ ва юмшоқ ҳолатда қўлланилади. Қаттиқ унлилар деганда, одатда тил орқа қатор унлилари ва юмшоқ унлилар деганда, тил олди қатор унлилари тушунилади. Танглай оҳангдошлигининг қонунияти қуйидагича:

1) агар сўз таркибидаги унли, яъни биринчи бўғинни ҳосил қилувчи унли, орқа қатор унли қаттиқ бўлса, у ҳолда иккинчи ҳамда сўнгги бўғинларда унлилар ҳам орқа қатор унлилар қаттиқ бўлиши лозим. Масалан, ўзбек адабий тилидаги „болалар келдилар“, „қишлоқ советига бордим“ жумлалари қипчоқ лаҳжасида ба + ла + лар кэл + ди + лэр, қышлақ сә + ви + ти + гә бар + дым шаклига эга бўлади;

2) агар сўзнинг биринчи бўғинидаги унли товуш тил олди қатор унлиси бўлса (юмшоқ), у ҳолда сўзнинг сўнгги бўғинларида охиригача ҳаммасида тил олди қатор унли қўлланилади. Масалан, ўзбек адабий тилидаги „онамнинг овози эшитилди“, „чайнакни олиб кел, чай ичамиз“ жумлалари қипчоқ лаҳжасида э + нәм + ни э + вә + зи э + ши + тил + ди; чәй + нәк + ни әпкә, чәй + и + чә + миз тарзида учрайди.

Шундай қилиб, унлиларнинг танглай уйғунлиги бутун сўз, унинг ўзаги ва қўшимчаларига тўла тааллуқли бўлади. Шу сабабли кўпчилик туркий тилларда деярли ҳамма вақт икки кўриниш — қаттиқлик ва юмшоқлик мавжуд бўлади. Бундай ҳол шимолӣ ўзбек шевалари, қипчоқ лаҳжаси ва ўғуз лаҳжасида бўлгани каби, қайд этилган ўзбек лаҳжаларида ҳам сўз ё қаттиқ, ё юмшоқ айтилади: паш + ша + ны оғ + лы бил + бил + гә + : йә + ни әп кә дә + ди (ўғуз), са + ған айт + тым тув + ра сөз + ди, сол + дыр + ма + ғын қызыл жуз + ди (қипчоқ) каби.

Сингармонизм ҳодисаси бошқа туркий тилларда ҳам мавжуд.

2. *Лаб оҳангдошлиги.* Лаб оҳангдошлиги хусусияти ҳам танглай уйғунлигига ўхшашдир. Лекин, у танглай уйғунлигига қўшимча равишда лаблашиш жиҳатидан ҳам мослашади. Масалан, сўз бошида ёки сўз ўрғасида лаблашган тил олди (юмшоқ) унли ишлатилса шу сўзнинг охирида ёки қўшимча қисмида лабланган тил олди (юмшоқ) унли и келади ва аксинча. Масалан, келлэр, гүлдэр (қирғиз) каби. Худди шу ҳолни тил орқа лаблашган унлиларнинг ишлатилишида ҳам кўрамиз: қолдор (қозоқ), қулун, орто (ёқут), достум, қолум, ойум (уйғур) каби.

Хуллас, мазкур ҳодиса аслида фонетик жараён бўлиб, унинг таъсири туркий тилларнинг морфологиясида ҳам мавжуд. Чунончи, оҳанглошлик шу тил ва шевалар морфологик кўрсаткичларининг ўзаклардаги унлилари товуш хусусиятига, яъни қаттиқ, юмшоқлигига қараб иккитадан то ўн иккита ва ундан ҳам кўпроқ кўринишга эга эканлиги билан ажралиб туради. Масалан, ўзбек тилининг қипчоқ шеваларида кўплик қўшимчаси -лар нинг тўрт вариантга эга эканлигини кўрамиз. Жумладан, -лэр (этиклэр), -лар (қойлар), -нэр (қэниэр), -нар (ацнар) каби.

Ўзбек тилининг қипчоқ гуруҳидаги бошқа туркий тиллардаги каби сингармонизм қонунини (ўзак-негизлар, қўшимчаларда) икки хил, яъни тил олди ва тил орқа унлилардан иборат бўлиб, юмшоқ ва қаттиқ вариантлар қўлланилади. Масалан, көрпәңе қарап айағ үзәт; бизәрдә қатгы нәрсә жоқ каби.

Бошқа қипчоқ шевалари билан бир қаторда, у Самарқанд вилоятидаги Найман, Минг, Уйшун, Хонжағалы, Қипчоқ, Сарой, Хитой, Манғит, Қозоқ-найман, Бурқут, Қорақалпоқ, Туёқли каби шеваларда ҳам қўлланилади: үйгә кеннәр; бизәр эртән дәм эламыз; түйә қәрдинмә жоқ, эшәк сәмрисә эгасини тәпәр, қорққан алдын муш көтәрәр; қышлақты ҳаваси таза; боған иш болды ва бошқалар

Ўғуз лаҳжасидаги шеваларда лаб оҳанги кучсиз ҳолатга эга. Масалан, узум, овуч, овурт (лунж) каби ҳолатларда кўзга гашланиб туради. Бошқа ҳолатларда эса бу қонун бузилади. Чунончи, отыр отқыз (ютқиз) каби. Бу билан ташқари қатор ўринларда (бошқа тиллардан келган сўзларни қўллаш, қўшма сўз-

лар феъл замонини ҳосил қилувчи -й атыр қўшимчаси, сифат ясовчи -рақ қўшимчаси каби) оҳангдонлик ҳодисасининг турғунлиги сезилмайди, аксинча, бундай вақтларда бу қонун бузиллади.

14-§. Ундошлар таркиби

Ўзбек шеваларидаги ундош фонемалар, асосан, адабий тилдаги ҳолатга мос келади. Унда ҳозирги адабий тилдаги баъзи ундошлар қўлланилмайди. Шевадаги ц, ф, ж ундошлари шулар жумласидандир. Ўзбек адабий тилидаги ц ундош товуши бу шеваларда ҳам те ёки с ундошлари тарзида ишлатилади. Ф шеваларда мусгақил фонема сифатида кўзга ташланмайди ва п ундоши билан алмашилиб келади. У баъзи бир тақлидий ҳамда ундов сўзларда ҳамда ўзлаштирилган бир неча сўзлардагина учрайди, холос. Самарқанд-Бухоро шевалари эса бундан мусгаснодир. Адабий тилимиздаги ж ундоши шевада ж ва ж деб икки хилда қўлланилади. Ж — ундоши бошқа тиллардан форс, араб ва рус тили орқали кириб келган баъзи бир сўзлардагина келади. Ж ундоши қипчоқ гуруҳи шеваларида кўпроқ ишлатилади. Қипчоқ гуруҳини ташкил этувчи шеваларнинг айримларида х товуши ўрнида қ, бошқа бир хилдаги шеваларда эса қ ундоши ўрнида к ундоши келади. Қолган ундош товушларнинг ҳаммаси ўзбек адабий тилидаги ҳолатдан деярли фарқ қилмайди. Уларда учрайдиган айрим ўзгаришларга дучор бўлиб туради. Бундай ўзгариш ҳолатлари қуйида изоҳланади.

15-§. Ундошларнинг талаффузда тушиб қолиши

Б фонемаси Б жарангли ундош товуш бўлиб, лабнинг бир-бирига жипслашувидан ҳосил бўлади: бъзэ, болтэк, қърбълоқ. Бу ундошнинг бошқа ундош товушларга ўтиши ҳам кўзга ташланиб туради:

а) Б > п: табиб — тэйъп, Бухоро — пъхэрэ, қийналиб — қъйләнъп. Мисолларимиздан б ундошининг сўзнинг бошида ва охирида келганида, жарангсизланиб, п ундошига ўтганлиги кўриниб турибди. Бу хусусият қипчоқ гуруҳидаги шевалар учун ҳам харақтерли хусусиятлардан саналади: кэпқа, эпсэттэр айгги, иш питти каби;

б) Б > в: нобуд — нэвут, бобо — бэво, Наби — Нэвъ, қабул — қэвул, ҳисобот — ҳъсэвт (қор-

луқ-чигил-уйғур лаҳжасида). Икки унли ўртасида келганида, б ундошининг в га ўтиши (қипчоқ шевалагида) ўзига хос хусусиятлардан бирини ташкил этади: бэвэси келивди, ҳыса вы чықты каби;

в) Б > м: буни — мунъ, бунча — мунчэ. Б ундош фонемасининг м ундошига ўтиши желанувчи ва йеланувчи ўзбек шеваларига, шунингдек кўпгина туркий тилларга ҳам хос бўлган хусусият ҳисобланади. Масалан, адабий тилдаги *бурун, бунча, байрам, буни* сўзлари қипчоқ гуруҳ шеваларида *мурун, мўнчэ, марэм, муны* шакллариغا эга бўлади;

г) сўзнинг ўртасида келадиган б ундош товуши й товушига ўтади ва тейъп деб қўлланилади.

В фонемаси. В лаб фонемаси бўлиб, лабларнинг бир-бирига яқинлашувидан ҳосил бўлади: мэвън, элпэвит, Қурвэи. Шевада в фонемасининг ғ ва г ундошларига ўтиши учрайди. Қуғъп — қувиб, дъг — дев, йуғъп — ювиб (қорлуқ-чигил-уйғур).

В ундош фонемаси сўзнинг охирида келиб, лаб-тиш хусусиятига эга бўлади: Кэри мэв, Хэмрэйъв (қипчоқ) каби.

Г фонемаси. Бу фонема юмшоқ танглай билан тил орқа қисмининг (тил ўзагининг) бир-бирига жипслашувидан ҳосил бўлади. Г ундоши қ, ғ, х ундошларига нисбатан бир оз тилнинг олдироғида талаффуз этилади. Г жарангли ундоши шевада, кўпинча, адабий тилимизда сўзнинг охирида келадиган жарангсиз к ўрнида келади: керак — кэрэг, тик — тьг каби. Бунинг акс ҳолати ҳам учрайди. Шунингдек, шевада г нинг й га ўтиши ҳам бор: эстэйънэ — астагина, дэляйэ — далага, дъйэи — деган, тъйърмэн — тегирмон каби. Бу фонеманинг қўлланилиши қипчоқ шеваларида ҳам турли кўринишларга эга: менга — мэнэ, тегирмон — тийирмэн каби.

Д фонемаси. Бу жарангли тил олди ундош товуши бўлиб, тилнинг учи билан пастки тишнинг бир-бирига жипслашувидан пайдо бўлади. У сўзнинг ҳар бир жойида келади. Ўзбек адабий тилида сўзнинг охиридаги д жаранглиси шевада жарангсизланиб, т товушига ўтади: Бобомурод — Бэмэт, нобуд — нэвуг, суд — сут, Аҳмад — Эҳмет, Зиёд — зъйот, шогирд — шэгрт (қорлуқ-чигил-уйғур шевалари) каби.

Бу жарангли ундош товуши сўзнинг охирида келганда, талаффуз этилмасдан тушириб қолдирилади: бэ-

лэн — баланд, дэнъшмэн — донишманд, Сэмэрқэн — Самарқанд.

Юқоридаги каби д фонемасининг жарангсизланиши, тушиб қолиши кабилар қипчоқ шеваларида ҳам учрайди: Мурэт, дэрт, Тэшкэн каби.

Ж фонемаси. Ж фонемаси жарангли ундош товуш бўлиб, тилнинг олдида ҳосил бўлади ва кўпроқ сўзнинг бошида ҳамда ўртасида келади: жуп, тэжрибэ, жэмэхэт, жу:рЪ.

Шеваларда Ж ундош товушининг й га ўтишини ҳам учратиш мумкин Қорлуқ-чигил-уйғурда: мажлис — мэйлЪс. Қипчоқ шеваларида: ажралади — айрылады каби.

Ж фонемаси қипчоқ шеваларида нисбатан анча кўп ишлатилади. Чунки й ўрнида ҳам келади: йинит — жингит, йўлдош — жолдаш, ёмон — жаман, юр — жу:р каби.

Ж фонемаси. Бу сирғалувчи ундош товуши бўлиб, асос эътибори билан баъзи ўзлаштирилган сўзларда ишлатилади: журнэл, эждэрқо, мъжгэн, муждэ каби. Бу фонема қипчоқ шеваларида ҳали тўла ўзлашиб кетган эмас. Натижада, ж каби талаффуз этилади: журнал каби.

З фонемаси. З сирғалувчи жарангли ундош товушидир. У тилнинг олди қисмида тил билан тишнинг иштирокида пайдо бўлади. З сўзнинг ҳар жойида кела олади. Қорлуқ-чигил-уйғур шеваларида: зэрул, зәнжыл; қипчоқ шеваларида: зэрдэли, зэхэр, заман, Музэппэр каби.

Й фонемаси. Й жарангли ундош фонема бўлиб, тил ўрта қисмида қаттиқ танглайга томон бир оз кўтарилишдан ҳосил бўлади. Масалан, қорлуқ-чигил-уйғур шеваларида: йэвэн, дэшуЙ, йузум, уЙ.

Қорлуқ-чигил-уйғур гуруҳида й товуши сўзнинг ўртасида келганда, баъзан тушиб қолади; жойлик — жо:лЪк, куйлақ — ко:лэг.

К фонемаси. К фонемаси портловчи ундош фонема бўлиб, жарангли г ундошининг жуфти саналади. Бу фонема й ундошлари билан алмашиб қўлланилади: кепак — кЪпэй, чойнак — чэйнэй, ўзбек — озбэй// озвэй. Шунинг билан бирга, бу фонема г ундоши билан алмашиб қўлланилади, амак — эмэг, терак — терэг, ўрдак — ордэг.

Л фонемаси. Бу сонор товуш тилнинг учида ҳосил бўлади ва тил олди товуши ҳисобланади. Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасида: улә, ел, пъллә; қипчоқ шеваларида: жылдам, жылан, лазым, ағыл, алынды каби. Шевада баъзи сўзларнинг ўртасида келган л товушининг тушиб қолиши ҳам учрайди. Қорлуқ-чигил-уйғур гуруҳида: келган — кэгән, келтир — кетыр, қилган — қъгән, кел — ке каби. Бу хусусият қипчоқ шевалари учун ҳам хосдир. Шунингдек, сўзнинг ўртасида келганла, л ундоши н ундоши билан алмашиб қўлланилади а гамнарам сўв тутьп журипти: тээрәк кэцнәр; силәр кэттиннәрмә каби.

М фонемаси. М лаб-бурун жарангли ундош фонемаси бўлиб, сўзда чекланмаган ҳолда қўлланилади. Масалан, қорлуқ-чигил-уйғур гуруҳида мәркә (меҳнат куни), шъмгъб, мэй, мақсәт; қипчоқ шеваларида: минән, әмәлпәрәс, маймын, Мухтәр.

Н фонемаси. Жарангли сонор товуши ҳисобланган н ундошининг ҳосил бўлишида тил ва тишдан ташқари, бурун ҳам ишгирик эгади. Қорлуқ-чигил-уйғур шеваларида: ме: мән, тън, де: қән, нәрсә; қипчоқ шеваларида: нәзвәй, кәннәр, кәткән. Н ундоши л га ўтади: миннәт//мыллат каби.

Ассимиляция натижасида баъзан н ундоши ўздан олдин келган сўзнинг таъсири билан унга мослашиб кетади: қорлуқ-чигил-уйғур шеваларда: отни — оттъ. қизни — қъзъъ, сизни — съзъъ каби.

П фонемаси. У жарангли б ундошининг жуфти саналади. Шевадаги п товуши адабий тилимиздаги ф товушининг ўрнида ҳам келади: пъкр, әпәндъ, нәпәқә, пәқәт ва бошқалар. Кўриниб турибдики, ф фонемасининг п ундошига ўтиш хусусияти сўзнинг барча бўғинларида учрайди. П фонемаси қипчоқ шеваларида одатдөгидан кўпроқ ишлатилади Чунки ф ундоши п ундоши вазифасини ҳам бажарди. Масалан, фарқ — парқ, фақат — пақат, нафар — нәпәр, Фарҳод — Пархат, Фарғона — Парғона.

П ундоши баъзан жараңглашиб, б фонемага ўтади. Пичоқ — бъчоқ, пишиқ — бъшъқ, пишди — бъшдъ, писмоқ — бъсмоқ, пес — бес. Бу хусусият кўпроқ Қарноб шевасига тааллуқлидир.

Р фонемаси. Р фонемаси ўзбек адабий тилидаги ҳолатдан фарқ қилмайди. Лекин у шеваларда камроқ учрайди ва қўлланилиши ўрни билан баъзи хусусият-

ларга эга. Бу фонема асл ўзбекча сўзларнинг бошида қўлланилмайди, сўзнинг ўртаси ва охирида эса чегарасиз ҳолда ишлатилади.

Р фонемасининг баъзи хусусиятлари: қорлуқ-чигил-уйғур шеваларида:

1) р сўзнинг ўртасида келганда, баъзан орттирилади: қари — қарръ, чўри — чорръ, ориқ — эрръқ; 2) сўзнинг охирида келганда, л ундошига ўтади; биргалашиб — бъләләшъп, занжир — зәнжъл; 3) р фонемаси айрим ҳолларда тушиб қолади (сўзнинг ўртаси ва охирида): бор — бэ, одамлар — эдәмлә, бер — бе, йўқдир — йоқд у//й оқдъ. Баъзан сўзнинг ўртасида келганда, ассимиляцияга учрайди ва л ундошига ўтади: терлаб — теллаб, қимирлаб — қъмъллаб каби. Қорлуқ-чигил-уйғур шеваларида қайд этилган ўзига хос томонлар қипчоқ шеваларида ҳам мавжуд, лекин сўзнинг охирида тушиб қолмайди. Масалан, кәрри, гәлләп, әлләп каби.

С фонемаси. Бу ундош З нинг жуфти ҳисобланади. Масалан, қорлуқ-чигил-уйғур шеваларида: сэн, сөтул/сөтъл: бъръсдрә, ьстъръшкә қипчоқ шеваларида: сәттәр, сәмән, той, сув, сүзүп журипги, мәсләҳәтләр, болды каби. Шевада с ундоши ш га ўтади. Қорлуқ-чигил-уйғур гуруҳда: сичқон — чышқән, мусича — мучъчә.

Т фонемаси. Т ундоши жарангли д ундошининг жуфти Шевада т сўзнинг охирида тушиб қолади, яъни апокопа ҳодисаси юз беради. Тошкент — Тәшкән, дүст — дос, ғишт — ғъш, вақт — вәх, суст — сус, артист — әртъс. Унда т ундошининг орттирилиши ҳам учрайди: әнъқ әйтъш қъйънт каби. Т фонемасининг сўз охирида тушиб қолиши қипчоқ шевалари учун ҳам хосдир: тўрг — тор, пишт — пиш, кишт — киш. Кумушкент — Кумушкан. Шунингдек, с/ч: соч — чәч, сачоқ — чәчәқ каби.

Ф фонемаси. Ф ундош фонемасининг шевалараро қўлланиш доираси бир хил эмас. Масалан: Самарқанд-Бухоро шеваларида у мустақил ҳолатга эга, бошқа қорлуқ-чигил-уйғур гуруҳи шеваларида, баъзи бир тақлидий ва ундов сўзларда ҳамда байналмиал сўзларда эса ф ундоши деярли қўлланилмайди. Бу фикрни „Ўзбек халқ шевалари луғати“ ва Ф. Абдуллаевнинг „Ўзбек тилининг Хоразм шевалари“ китобининг луғат қисмида берилган материаллар ҳам тўла тасдиқлайди.

Чунки „Ўзбек халқ шевалари луғати“ даги ф ундоши учун келтирилган сўзлар, асосан, Самарқанд-Бухоро шевалари материалларидир.

Қуйида ф фонемаси билан қўлланиладиган ва ўзгаришга учрайишган шевалардан мисоллар келтирилади: *Исрофил нарсаларини йиғиб битти, чўйнан билан пийёлани элип йолга жонади; жорам бир йаман савдогарлар минан сафар қилди* (Самарқанд); *ҳавузни бир тарафга шашлик пиширайтикэн, манту пиширайтикэн ошхона ҳам бэр* (Бухоро). *пуф, туф, туф-лэ* (Марғилон); *кәннэкчьдэн нэмэ кеттэ, бэр пуфдэ* (Жиззах); *эшнэ куф-суфьгэ ҳеч кэм эшэнмайдэ* (Каттақўрғон, Пайшанба).

Қипчоқ гуруҳи шеваларида қуйидагича ҳолатга эга бўлинади: *ашны пилэп ишти, үйгэ түплэмәйди; ҳазир дамланы купсуныгы ҳэш ким қылақ самайови каби.*

Х фонемаси. У жарангсиз тил орқа ундош товуши бўлиб, сўзнинг ҳар бир жойида келади. Қорлуқ-чигил-уйғур шеваларида: *хэшэк||хэшэк, пэхтэ, мэхэйнэзэтсыйэ, халънэ* (узумнинг бир тури), *сэйъсхэне*; қипчоқ лаҳжасида: *халқ, пахтахана, хизмэтчи, хуржун каби.*

Х ундоши қ, к ундош товушлари ўрнида келади. Қипчоқ шеваларидан Каттақўрғон туманидаги Найман, Минг ва Иштихон туманидаги Хонжиғали шеваларида х ундош фонемасининг қ ундошига ўтиш ҳоллари мавжуд: *халқ — қалқ, хин — қын, хотин — қатын, дарахт — дарақ.* Бу хусусият кўпроқ шарқий Самарқанд қисмида (Булунғур, Ғаллаорол, Бахмал туманлари) қўлланилади.

Н фонемаси. Н ундош товуши сўзнинг ўртасида ва охирида қўлланилади. Қорлуқ-чигил-уйғурда: *мыңъллъ, мың, йун, бэрбэн, йэнэ.* Қипчоқда: *жузун, жэн, мэнэ, қаран каби.*

Н сўзнинг ўртасида келганда баъзан й ён товушига ўтади. Қорлуқ-чигил-уйғур шеvasида: *ишланглар — ъшлэйлэ, укангиз — укэйъэ, орқангизга қаранг — эрқэйъзгэ қэрэнг, бордингизми — бэрдъйэмъ// бэддъйэмъ.*

Ч фонемаси. Бу жарангсиз ундош тил олди ҳисобланади. У сўзнинг ҳар бир жойида кела олади. Сўзнинг ўртасида ва охирида ч товуши келганда ш ундошига ўтади. Сўзнинг бошида келганда бу хусусият

учрамайди. Мисоллар: ʃшдʃм, қошқар, чʃшқэн, ушқур. чэмʃш каби. Ч ундош фонемасининг ш га ўтиши қипчоқ шеваларининг ҳам ўзига хос томонлари саналади Ч ундош товушининг ш билан алмашиб келиши ўзбек тилининг Паркент шеvasида ҳам мавжуд: *чайнʃ ʃштʃк; кʃшкэнʃ эмрʃт кʃбардʃк* кабилар.

Ш фонемаси сирғалувчи жарангсиз ундош товуш бўлиб, тилнинг олдида (учида) ҳосил қилинади. Қорлуқ-чигил-уйғур гуруҳида: Ташқэн, пʃшэкбэчэ, тншкʃр, тэптʃш, шорʃ. пʃшэк//пʃшʃй.

Қ фонемаси. Бу поргловчи жарангсиз ундош товуш бўлиб, тилнинг орқа қисмида пайдо бўлади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида сўзнинг охирида қ келганда, қорлуқ-чигил-уйғур шеваларида ғ келади: иссиқ — ʃсʃʃʃʃ, тирноқ — тʃрнʃʃ, тариқ — тʃрʃʃ, сандиқ — сʃндʃʃ, сачоқ — сʃчʃʃ, ўроқ — орʃʃ.

Қипчоқ лаҳжасида эса сўзнинг охирида тушиб қолди: тары, куры, сары каби.

Қорлуқ-чигил-уйғур шеваларида қ ундош товушининг х ундошига ўтиши, яъни аспирация ҳодисаси ҳам кенг тарқалган: чиқди — чʃхтʃ, сақлаш — сʃхлʃш, балиқ — бʃлʃх, чироқ — чʃрʃх, милтиқ — мултʃх каби.

Қ ундошининг х товушига ўтиш ҳолати ўзбек тилининг Марғилон шеvasида ҳам учрайди: мэхтʃл, махсʃт, қʃрх кабилар.

Биз тил тарихига доир баъзи ёзма ёдгорликларда ҳам қ товушининг ғ ундошига ўтишини учратамиз: *тʃтуғни тиллар эр кʃрʃмғар қотиғ* (роҳат, шириқликни тиловчи киши қаттиқ қийинчиликларга чидайди); *кичиктʃ қатығлʃнса улʃозу севинур* (ёшлиқда қаттиқчилик чекса, каттарганда шодланили).

Қорлуқ-чигил-уйғур шеваларида баъзан қ ундош товушининг в ундошига ўтишини ҳам учратдик: эйув — айиқ, бойʃв — бўёқ. Бу хусусият қипчоқ шеваларининг таъсири бўлиши кезик Чунки, бу хусусият қипчоқ шевалари учун нормал ҳол ҳисобланили

Ғ фонемаси Ғ фонемаси жарангли тил орқа ундош товушидир Бу товуш қорлуқ-чигил-уйғур шеваларида ҳам кўп қўлланилади. Чунки кўпгина сўзларда қ фонемасининг ғ фонемага ўтиш ҳолати кўп учрайдиган ҳолдир. Мисоллар: совуқ — сувʃʃ, тариқ — тʃрʃʃ, сариқ — сʃрʃʃ каби. Бошқа ҳамма ўринларда ғ ундош товушининг қўлланилиши ҳозирги ўзбек адабий

Ундошлар жадвали

Павло булғиш ўрнига кўра		Лаб		Тил олаки				Тил ўрта	Савз тил орқа			Тужур тил орқа	Бўғиз		
Таркибига кўра	Овсаннинг иш-тиркига кўра	Жарангли	Жарангсиз	Жарангли	Жарангсиз	Жарангли	Жарангсиз	Жарангли	Жарангли	Жарангсиз	Жарангли	Жарангсиз	Жарангсиз		
Соф	Шовқинли-лар	Портовчи	п	т	д						к	г	ж	жарангли	
		Сирғалуви	ф	с	з				й			х	ғ	х	жарангли
	Порт-ловчи	Бурун		м		н							н		жарангли
		Ўн				а									жарангли
	Соғрауви	Тит-рок				р									жарангли
		Портовчи								п	н			ж	жарангли
	Шовқинли-лар	Сирғалуви													жарангли
															жарангли
	Коришк	Шовқинли-лар													жарангли
															жарангли

тилидан фарқ қилмайди. Ғ ундоши қипчоқ шеваларида ҳам турли хил ўзгаришларга учрайди: бир бав от, уны авдарды, баққа чықты каби.

16-§. Фонетик жараёнлар Анакопа

Анакопа сўз охирида келувчи ундош товушларнинг тушиб қолиш ҳодисасидир. Бу фонетик ҳодиса ўзбек лаҳжа ва шеваларида мавжуд. Жумладан, Андижон шевасида лл, мм, сс, эд, ст каби ундош фонемалар ўзаро бирикиб келганида, ўша бириктирилган ундошлардан бири тушириб талаффуз қилинади. Масалан, грамм — гърэм, поезд — пэйъз каби

Баъзи шеваларда бир бўғинли сўзлар охирида ҳам анакопа ҳодисаси учрайди: тўрт — тор, қасд — қас, рост — рэс, кел — ке, дўст — дос, ғишт — ғъш каби.

Ўзбек халқ шевалари вакиллариининг талаффузида қатор ундошларнинг сўз охирида келадиган т ундоши талаффузда тушиб қолиши хосдир. Самарқанд вилоятидаги Уйшун шевасида: дўст — дос, гўшт — гош, Ём шевасида: кафт — кәп, дарахт — дәрәх, Ниёзбоши шевасида: гўшт — гош, пойтахт — пэйтах; Водил шевасида: Тошкент — тәшкән, жуфт — жуп; Фарғона, Андижон, Қўқон шеваларида: кафт — кәп; Ургут шевасида: гўшт — гош, пайванд — пайван; Самарқанд шевасида: Самарқан, пәшъс, дарах; Булунғур тумани Янгиравот қишлоқ шевасида: пас — пәс, ғишт — ғъш, Тошкент — Тәшкән, гўшт — гош тарзида талаффуз қилинади.

Ўзбек адабий тилидаги „ғишт“, „мушт“, „тўрт“ сўзларининг шевалардаги кўринишлари қуйидагича:

Андижон, Қўқон, Фарғона	Каттақўрғон	Водил
ғъш тәр муш	ғъш тәр муш	ғыш тәр муш
Уйшун	Ниёзбоши	Адабий тил
ғъш тәр муш	ғъш тор муш	ғишт тўрт мушт

Ёки қуйидаги материалларга диққат қилайлик:

Қорлуқ-чигил уйғур лаҳжаси: у зинадан кирип пасга қарап тушти; пәйизға минип бәрдик; ғишларни жәйига қойди; вазир донишман киши эди, шу дохтир берган дәрусини тор чакрасини пайсәләга тәмузлим (Самарқанд типли шевалар); Самарқанга йашайды; жән эғригкан досмас; шәйи койлакни кәйһәп Тәшкән бәрмәхчә вәлләм (Қарши); борь бәлән тулкь әкәләсь жә қәлһн дос большәптә; дарақ устәгә чьқвәлһптә (Фарғона) каби.

Уғуз лаҳжаси: шу әйтқанларын рас васа, әкит иш деди, шу вахта қаранңи чүшип барвагырады ва бошқалар.

Қипчоқ лаҳжаси: Булунғур туманидаги Янгиравот кишлоқ шевасида эса гуноҳ — гүнә тарзида айтилади ва ҳ ундоши анакона ҳодисасига учрайди. К ундоши Катгақўрғон ва унинг атрофида мавжуд бўлган Найман шевасида анакона ҳодисасига учрайди. Масалан, кичик — киччи, тирик — тири, чирик — чирри. Ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжаси шеваларида йирик — ири, тирик — тири каби сўзларда талаффуз жараёнида тушиб қолади.

Найман шевасида (Катгақўрғон тумани) ўзбек адабий тилидаги бол, ол қол сўзлари бә, э, қә тарзида, Ём шевасида „кела қол“ сўзи кәләқа тарзида айтилади. Шунингдек, Янгиравот шевасида ол — э, кел — ке тарзида айтилади. Ғаллаорол туманидаги „Чувиллоқ“ кишлоқ шевасида кәфғ — кәп, фарзанд — пәрзән, сариқ — сары, йирик — ири тарзида талаффуз этилади.

17-§. Ассимиляция

Ассимиляция ҳодисаси ундошларнинг ён товуш таъсирида юмпалиши, жарангли ва жарангсиз бўлиш, пайдо бўлиш ўрнига кўра ўзгариши натижасида юзага келади. Ассимиляцияни прогрессив ва регрессив, тўлиқ ва қисман деб фарқларга ажратиш мумкин. Ассимиляция ҳодисасини шу тарнқа гуруҳлаштириш олат тусига кириб келган, барча дарслик ва қўлланмаларда шу ҳолга риоя қилинади.

1. Прогрессив ассимиляция. Бунда сўзларда олдинги товушнинг бевосита таъсири натижасида кейинги товуш ўз хусусиятини ўзгартиради ва олдингига ўхшаш товушга айланади. Масалан, лд — лл: солдат —

сэллат, тд — тт: ўтди — ўтти; нд — нн: шундан — шуннан — уннан кабилар.

Улар Тошкент, Наманган, Қарноб, Ём, Найман, Хоразм, Уйчи, Бахмал, Бурқут, Қангли, Ургут, Каттақўрғон, Самарқанд, Испанза, Янгиравот каби шеваларда ишлатилиши билан ажралиб туради. Бироқ мазкур ҳодисанинг тарқалиш доираси бир хил эмас.

Қорлуқ-чигил-уйғур гуруҳи шеваларидан Каттақўрғон шеваси вакилларининг талаффузида эса мазкур ҳодиса кўпроқ учрайди. Ҳатто, шевачиликда энг кам тажрибага эга бўлган киши ҳам буни тезда фарқлай олади. Масалан, бўлди — боллъ, олди — эллъ, шундай — шуннэй, нондай — нннэй, индамай — иннэмай, бу ёққа — баққа, сандан — сәннән, жондан — жәннән, сандай — сәннэй кабилар.

Прогрессив ассимиляция Самарқанд вилояти Минг ҳамда Уйшун шевалари вакилларининг талаффузида ҳам мавжуд. Масалан, алдади — эллэди, солдат — сэллат; Сарой, Манғит, Хитой, Найман шеваларида: ишим тувры дэп мани аллама; авқатты тэс-тэс жэгэр; жэтти элчэп бир кес леган мақол бар; аҳмэт ҳамма нэрсэлэрини сатты ва бошқалар.

Қиёс қилинг:

Ургут шеваси	Бурқут шеваси	Адабий тил
чэмма	чолла	чолма
этти	атты	отни
эттэй	аттэн	отдан
сэтты	сэтты	сотди
йэтты	жэтти	етди

Бундай ассимиляция ҳодисаси қўмиқ, бошқирд каби туркий тилларга ҳам хосдир.

Прогрессив ассимиляция ўз хусусиятига кўра икки хил бўлади:

1.1. Прогрессив ассимиляциянинг тўлиқ шакли. Агар икки хил товуш ассимиляция натижасида турли хил бўлиб, бир-бирга айнан ўхшаса, тўлиқ ассимиляция сөналади. Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасида: пэшэ қувэтти бир вазири бэр еди; булар турмага неча кун йэтти (Самарқанд), ҳэзэр мэктэпкэ кеттэ (Марғилон); кэл хэзэз пэхтэ пункьтэ; Тошмэтты этэсьнэ кьтэпэ (Тошкент); уэдэм эйттэ, мэнэ тэгдэрьмэ

йэзъп тэш дуттъмэн дедъ; бир кэм пьррь гуй-
эге мьндъръп йубэрдъ; вэй олмэсэм, эш шъ къя дэм-
лэп чьқувдъи (Наманган); кэйнэкъдэн ньмэ кэттъ,
бър пуфдэ; экэн эпкеттъ; къгэнтъ; йэз йэзльгын
кълэттэ (Жиззах).

Қипчоқ лаҳжаси: маған ойлап көрәйин дэп тагы
били эллэмэ; Саған аягтым туяра сээди, Солды ма-
ған қызыл жузды (Қатаған); таң сәрицән пәлшә та-
лап йар боламан дәмәдинмэ; қара башны ханнан
зийатгай көрдим (Шимолий Хоразм); Мехмәннарға
чәйлиш қайнатды, чәйниққә дәмнәп чықарды (қо-
зоқ-найман).

Ўғуз лаҳжаси: пашшаны қызыны йанана кэгән,
бир йуртын пашасы бәрәкән; ҳуннан йедды қа-
рақчы кәләди каби.

12. Прогрессив ассимиляциянинг тўлиқсиз шакли.
Прогрессив ассимиляциянинг тулиқсиз кўриниши Тош-
кент, Жиззах, Наманган, Ан ижон, Фарғона, Самар-
қанд, Каттақўрғон, Ургут, Шаҳрисабз каби шеваларда
ўзига хос хусусияти билан ажралиб туради. Ҳасан,
айтгики, ишка бэрамизми; отурган жәйдан бир ке-
сакти йердан қолига эльи турган эди: бэвэ Ҳасан-
га уч йил иш берли; сәткани учун, бир уштаси
эрқага тушти, ергалап сорасан ишка леди (Самар-
қанд); тәғьм бәшқә къшьнъ ьшкә йубәрәмъз (На-
манган); йәхшъ мьнән йурсан, йегарсан мурәткә,
йэмән мьнән йурсән қәләрсән уйәткә; ишка бэммай
уйәтка қәллим (Ургут); ақл тәшқә емас, бәшқә
(Қарши); мәйлискә кетти (Шаҳрисабз) кабилар.

Қипчоқ лаҳжасида: иштин жаманы жоқ, иштән
кәти, кучтә кәтти, атқа жам бәрип қой, эртә мәр-
тәннән далаға чықып кәткән, гәвгим кәләди, иш-
кә бәрсән ашынды . . . Әҳметти иши түшти сәткә
(Самарқанд вилояти қипчоқ шевалари); экәсинә көр-
гәндә қайрылып қаштым, укәсин көргәндә кучағым
аштым, гүлдин шакасыны булбул қондырма (Шим.
Хоразм) каби.

2.1. Регрессив ассимиляция. Регрессив ассимиляция
ҳам прогрессив ассимиляция сингари ўзбек халқ шева-
лари вакилларининг талаффузида ўзига хос хусусиятга
эга бўлади. Регрессив ассимиляция Наманган, Тошкент
шеватариде кенг ўрин олган. Наманган ше-асида:
бърлә — бъллә, ичса — ьссә, йурды — йудды
ка и.

Қиёс қилинг:

Наманган, Тошкент	Қипчоқ	Адабий-ило
чушсә//чуссә әйтсәм//әйсәм// әссәм орнъм//оннъм	тушсә//туссә әйсәм онным	тушса айтсам ўрним

Қатор ўзбек халқ шеваларида учровчи прогрессив ҳамда регрессив ассимиляция ҳодисалари узоқ тарихий аҳамиятга эга эканлиги билан ҳам ажралиб туради Чунончи, „Девону луготит турк“ да прогрессив ассимиляция ҳақида қуйидагиларни учратдик. Чунончи, отти — ўтди (I, 182-бет), улатты — улатди (I, 220-бет) каби.

Яни баъзи намуналар: пәшшә Кубатти бир вазири бәр ели, у айтиқи бомаса, нарсаларинни йеггин (Самарқанд); пәпусриснъ хумәръ туссо керәй, шоллъм//шорлък; чәм мгәллъй//чәрмгәрлък (Жиззах); куллъғосън тәғъйдә дулдур эт (Андижон); Мъсър деган бър мәмләкәттә бър сөздәгәр қәплән бәмь егкән едъ, шундә хәттъ оқуп туръп; нтор куллъй йоллъ уч күндә этъп (Марғилон) каби.

Ўзбек халқ шевалари материалларида ҳам регрессив ассимиляциянинг икки тури учрайди:

2.1. Регрессив ассимиляциянинг тўлиқ шакли. Унинг тўлиқ кўриниши ҳам ўзбек шеваларида анча кенг тарқалган. У ўзбек тилининг қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасидаги Андижон, Наманган, Фарғона, Паркент, Жиззах, Қўқон, Ургут ва Қипчоқ шеваларида кўплаб учрайди. Чунончи, қипчоқ шеваларида ўзак-негизларга ва баъзан ўша ўзақларга қўшимчалар қўшилганла юзага келади. нм > мм: баргаммыс < барғанмыз; пд > шш: подшо — пашша; рн > нн: сурнай — суннай; ҳс > сс: маҳси — массы; ҳк > кк: маҳкам — маккәм кабилар.

Самарқанд шеvasида: бир Кубот деган пәшшә бәр еди; битта бойни йоған қәнни чиқипту; банниеса чоз улупту элдици куссига (курсига) жой бә; Ургут гуманидаги Испанза ва Хўжатўғ шевалари ҳам бу жиҳатдан характерлидир: чз > сс: чизса — чисса; тс > сс: болса — босса (Испанза); рз >

зз: ариза — азза; рн > жж: бурчак — бу ж ж а к;
рч > чч: чарчадим — чаччадим; нм > мм: чоршан-
ба — шаршамми ва бошқалар

Яна куйидагиларни қиёслаш ўринлидир:

Ургут	Наманган	Қарши, Китоб, Яқкабоғ	Адабий тил
туссун	туссун	туссун	турсин
қаззи	қаззъ	қаззъ	қарзи
бинни	буннъ	буннъ	бурни
хужжун	ходднъ	хужжун	хуржун
чэшшамми	чэшшэмь	чэшшэмь	чоршанба

Бошқа туркий тиллар, жумладан, бошқирд, қўмиқ тили шеваларида зэмәдлар, душмәллар, гелләр каби шакллар учрайди¹.

2.2 Регрессив ассимиляциянинг тўлиқсиз шакли.

Юқорида қайд қилинган қатор шеваларда регрессив ассимиляциянинг тўлиқсиз шакли ҳам учраб туради. Масалан, Андижон шевасида: кд > ғд: оёқдан — айақдан, кирибсан — къръпсэн; кс > ҳс: саксон — сахсон; Тошкент шевасида: кх > ҳс: сәҳсән; Фарғона шевасида: кр > йр: кичикроқ — къчъйрәғ каби.

Бу хусусият қипчоқ шевасида ҳам мавжуд: тч > лч: уятчанг — уялчән; вр > бр: февраль — пэбрал; қд > ғд: тақдим — тағдим каби.

3. Мураккаб ассимиляция. Мураккаб ассимиляцияда сўз тарқибидәги икки ундош талаффузда ўзгариб, бир шаклга ёки бошқа кўринишга ўтиб қолади.

Мураккаб ассимиляция икки хил кўринишга эга бўлади:

3.1. Мураккаб ассимиляциянинг тўлиқ шакли. Мураккаб ассимиляциянинг тўлиқ шакли барча ўзбек шевалари учун хос ҳодиса бўлиб, Андижон, Фарғона, Тошкент, қипчоқ шеваларида у ёки бу даражада учрайди. Масалан, Андижон шевасида: тт > пп: читтак — чъппәк; ид > ин: баландлик — бәләннъ; нқ > пқ: айтиб қўйинг — әйтъпқойън; Тошкент ва Фарғона шеваларида: рг > лл: бирга — бъллә; би > пп: китобни — кътәппъ кабилар.

¹ Дмитриев Н. К. Грамматика башкирского языка. — М. — Л., 19 ғ, 28-бет; Киекбаев Ж. Бошқирт теленен фонетикаси. — Уфа, 1958, 116-бет.

Ўзбек тилининг қипчоқ шеваларида иккита ҳар хил товушнинг пайдо бўлиш ўрни жиҳатидан ўзгармай қоладиган бошқа типлардаги бир хил товушларга ўтиш сабабли мураккаб ассимиляциянинг тўлиқ шакли номён бўлади. Масалан: б д > пп: борибдими — бэр ы ппи, юрибдими — жириппэ; н г > нн: нонга — нэнца, менга — мэнцэ; т н > тт: саватни — саватти; к г > кк: бекга — бөккэ; д д > тт: қандан — қанттан.

Мураккаб ассимиляциянинг бу тури тува, ёқут каби туркий тиллар ва уларнинг шеваларида ҳам учрайди: қилинар — қыннар — қылынар, билинар — минир, тыпчыр — тывытыр (тува); тиктэр — тигинэр ёки тигнэр, туттар — тутнар ёки тутнар (ёқут) кабилар¹.

3.2. Мураккаб ассимиляциянинг тўлиқсиз шакли. Мураккаб ассимиляциянинг тўлиқ шакли мавжуд бўлган шеваларда мазкур ҳодисанинг тўлиқсиз шакли ҳам бор. Масалан, Андижон шевасида: б д > пт: асбобда — эсвэпте; б н > пт: китобни — кэтэптэ; р н > нд: тирноқ — тьндақ; Қўқон, Андижон шеваларида: к н > й д: теракни — терэйдэ; Жиззах, Тошкент шеваларида: ч н > ш т: ҳеч нима — ҳъштъмэ//ҳештмэ каби.

Шунингдек, ўзбек тилининг қипчоқ шеваларида мураккаб ассимиляциянинг тўлиқсиз шакли ўзақларга қўшимчалар қўшиш нагжасида юзага келади. Масалан, б д > пт: мактабда — мэктэптэ, келибди — кэпти, ишдан — иштэн; т г > нн: Тошкентга — тэшкэннэ кабилар.

Бу ҳодиса ҳам ўзининг узоқ тарихига эга бўлиб, унинг баъзи унсурлари Маҳмуд Кошғарийнинг „Девон“ида ҳам мавжуд: д ундоши п, т, ч, к ундошларига қўшилганда, ўша товушга сингиб, т га айланган (топти, етти, экти сингари)².

Хуллас, қадимги ёзма ёдгорликларда ва ҳозирги ўзбек халқ шеваларида мазкур ҳодисанинг у ёки бу кўринишда мавжуд эканлигининг асосий сабаби талаффузда қулайлик, ихчамликка интилишдан иборатдир.

¹ Исхаков Ф. Г. Явления сложной ассимиляции согласных. — Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. ч. I, фонетика, 1955, 310—313-бетлар.

² Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк, I. Тошкент. ЎзССР ФА нашриёти, 1961, 23-бет.

Умуман, ассимиляция ҳодисаларининг турли кўри-
нишлари ўзбек лаҳжа ва шевалари учун хос хусусият
бўлиб, уларнинг материалларида анча кенг тарқалган.
Ассимиляциянинг баъзи кўринишлари ўзбек адабий ти-
ли материалларида ҳам учрайди. Масалан, юрак + га/
юракка қишлоқ + га/қишлоққа, чиқ + ган/чиқ-
қан, эк + ган/эккан ва бошқалар.

18-§. Диссимиляция

Бу ҳодиса ҳам ўзбек шеваларида маълум даражада
учраб туради. Қарноб шевасида: зарур — зарил, кас-
сир — кэстър, амма — эмбэ, зарар — зэлэл; Ургут
шевасида: зарур — залул, билан — минэн; Паркент
шевасида: зарар — залал кабилар.

Диссимиляция ҳодисаси Ём, Хоразм, Ниёзбоши,
Минг каби шева вакилларида нисбатан кам учрайди.
Масалан, зарар сўзи Хоразмда зэлэл, Ниёзбоши,
Минг шеваларида — зэлэл/зэрэл шаклларига эга
бўлади.

Қипчоқ лаҳжасида диссимиляция ҳодисаси анча кенг
тарқалган. Масалан: нолон — лэдэн, зарур — зэрил,
бирор — быран, кассир — кэстир, мумкин — мун-
кин каби.

Диссимиляция ҳодисаси ассимиляция сингари икки
хил: прогрессив диссимиляция ва регрессив диссими-
ляция шаклида бўлади.

Прогрессив диссимиляция: зарар — зэрэл//зэлэл,
зарур — зэрул//зэрил каби.

Регрессив ассимиляция: чт > шт: учта — уштэ,
почта — поштэ (қорлуқ-чигил-уйғур); ғу > ву: буғ-
дой — бувдай; гм > йм: тугма — тиймэ, тегма —
тиймэ, гн > йн: игна — ийнэ, эгним — ийним (қип-
чоқ) кабилар.

19-§. Метатеза

Ўзбек тилида метатеза у ёки бу сўз таркибидаги ун-
дош товушларнинг ўзаро ўрин алмашинишидир. Маса-
лан, қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасида: тунроқ — тур-
пэқ, ёмғир — йэмър, айланай — айленэй, дәрэ —
дәйрә//дәрийә, супра — сурпә, дунё — дуйнә, де-
вор — девәл шакллари учрайди.

Бу фонетик ҳодиса тил тараққиёгининг яқин давр-
лари ичида пайдо бўлмасдан, балки жуда қадимгидир.
Чунончи, „Девону луғогит турк“ да ҳам метатеза ҳо-

дисаси мавжуд бўлиб, унинг қадимийлигини кўрсатишга хизмат қилади. Ушбу борада Маҳмуд Кошғарийнинг қўйидаги сўзлари муҳимдир: „Кажо қабиласи бундой сўзини бундой деб талаффуз қилади. У қабилә кишисини билиш учун шу сўзни айтдириб кўриш ҳам одат эди“ (II, 9-бет).

Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги *урган* сўзи „Девону луғотит турк“ ва „Қутадғу билиг“ да ўгран шаклида ишлатилганлигини кўрамиз. Шунингдек, *ёмғир* сўзи XI аср ёзма ёдгорликларида *ёғмир* < *йоғмир* деб ишлатилганлиги аниқдир.

Метатеза ҳодисаси асрлар ўтса-да, ўзбек шевалари вакилларининг нутқида сақланиб қолган. Чунинчи, у ўзбек тилининг Қарноб, Қурама, Каттақўргон, Пайшанба, Самарқанд, Ургут, Хоразм, Уйчи, Ниёзбоши, Бурқут, Минг, Андижон, Қангли, Хўжатуғ, Янгиравот шеваларида бирмунча кенг қўлланилади. Ўзбек тилининг Қарноб шевасини олайлик. Шевада икки ундош ёнмаён келганида, ҳақли равишда метатеза ҳодисасига учрайди. Масалан эчки — экчъ, дарё — дэйрә//дарйо, аҳвол — авҳол, текшир — тешкыр, ёмғир — йағмыр//йомғър, тупроқ — турпоқ каби. Бундай ўзига хос хусусиятлар бошқа ўзбек шеваларида ҳам мавжуд: бу дуйна мани жорам Алқаш вазирга керак (Самарқанд); дэйирэгә чомиллик (Шаҳрисабз); дайрәни суйи (Ургут) каби

Метатеза ҳодисаси ўзбек тилининг ўгуз лаҳжасига ҳам хосдир: тайха (дўппи), йас (сой), тэк (кэт — кароват), Ирвайъм (Иброҳим), қоңшы (қўшни), дайра (дарё), турпәқ (тупроқ) каби

Метатеза ҳодисасининг ўзбек шевалари учун хос эканлигини ўз навбатида В. В. Решетов, А. Н. Кононов кўрсатиб ўтганлар.

Шуни алоҳида таъкидламоқ керакки, метатеза ҳодисаси ўзбек халқ шевалари вакилларининг талаффузида учраганидек, туркий тиллар оиласига мансуб бўлган ҳақас, тува тили шеваларида ҳам ҳали ҳозиргача ўз қимматини йўқотмаган.

Қиёс қилинг:

Ҳақас шеваларида	Ҳақас адабий тилида	Ўзбек адабий тилида
ахсыр	аскыр	айғир
охсас	осхас	ўхшаш
хапхан	хапхан	тузоқ
хаухах	хапах	том

Ёки:

Тува шеваларида	Тува адабий тилида	Ўзбек адабий тилида
ақша//ашқа ёске//ёсқә тапқыр//тақпыр ошқар//ошқар	ақша ёске тапқыр ошқар	пул бошқа икки марта ўпмоқ

Умуман, метатеза ҳодисаси ўзбек халқ шевалари материалларида бир неча хил кўринишларга эга. Уларни чуқур ўрганиш метатеза ҳодисасининг узоқ тарихийлигини ўрганишда катта аҳамиятга эгадир.

20-§. Спирантизация

Спирантизация ҳодисаси бир портловчи ундош товушнинг портловчилик хусусиятини йўқотиб, сирғалувчи товушга ўтиши натижасида содир бўлади. Бошқача қилиб айтганда, бу ҳодисаниң ундошларнинг юмшоқроқ талаффуз этилиши дейиш ўринлидир.

Қипчоқ шеваларида: ф > п фабрика — пәбрикә. футбол — путбал; к > ҳ: кўкнори — кәҳнәри//кә: нәри, мәктәп — мактаб; к > й, эшагига — эшшейинә//эшшәгига; б > в: сабр қилди — сәвир қылды; ч > ш уч — уш, чўққа — чошқа, оч — ач//аш, куч — куш; қ > х: экиннәр гүлгә кирәдигән вах боп қавды: әрпә талқаннә//талханнә туйуп мәккәгә кәтәди каби.

Қорлуқ-чигил-уйғур шеваларида: к > х: қъз әйттъкъ, ундәй мәхсәдънъз босә әйттъң; кольнъз бълән йън; элгәй сахлан берсайър дедъ; ч > ш: қочди — қаштъ, ичди — ъштъ; т > ч: тиш — чъш (Марғилон); қ > ҳ: шойъ койләктъ қъйъп Тәшкан бәрмәхчъ воллъм: кал катта акасъйа хурмайи қатъх алип бәрған чәққа йолга йәғмир йәққан (Қарши); у кишинан мәни қорқәтқән жәйъм йәх; коб доң қимәсуллә; қолини пиҷәх кесип кетипгә (Шаҳрисабз); мән бутун бәлъхләръ пәдшәсъ едъм (Наманган); ишка чихтиллама (Ургут); әҳмълтъх. қрәм мълтъх әтшәмъс йәр-йәр; дәлгә чъх дегәндә, безгәй қуръш қиләдъ (Фарғона) кабилар.

21 § Қўш ундошлилик

Бу фонетик ҳодиса сўзларнинг ўрта ила иккита бир хил ундош товушларнинг қўшалоқ ҳолда келишидан ҳосил бўлади. Бу хусусиятни ўзбек адабий тилидаги сўзларда ҳам, ўзбек халқ шеваларидаги сўзларда ҳам учратиш мумкин. Шеваларда уларнинг ҳосил бўлиши турли хил фонетик ўзгаришлар билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам, ўзбек халқ шевалари материалларида ундошларнинг қўшалоқ ҳолда келиши адабий тилдагига қараганда кўпроқ учрайди. Масалан, *кассир*, *чинни*, *иттифоқ* каби сўзлар қатор шеваларнинг материалларида кэстър (қорлуқ-чигил-уйғур), чинни, ынтыпақ (қипчоқ) деб қўлланилади ва ўзидаги, яъни қўшалоқ келиш хусусиятини йўқотади. Шунингдек, адабий тилдаги „ғизза“ сўзи кўпгина шеваларда тъз (қарноб) деб қўлланилади. Жанубий Хоразмда лйз деб қўлланилади. Демак, адабий тилдаги геминания, яъни қўш ундошлик ҳодисаси ҳисоблангани ҳолда, шева материалларида ўз хусусиятини йўқотадилар: тоқъо — тўққиз, чақан — чаққон, мэкэжувэръ — маккажўхори сэкъс — саккиз, онэкъ — ўн икки (Фаргона), дадам икэвгайам койлайлий эпила (Қарши), қойдън ўштасънъ сойдъ (Марғилон).

Қўш унлиларнинг қўлланилиши ўзбек тилининг қувидаги лексик қатламларида кўзга ташланиб туради:

1. Соф ўзбекча сўзларда Сўзлар ўзак ва каммаҳсул қўшимчалардан иборат бўлади. Бундай сўзлардаги ўзак ва қўшимчаларни ажратиш бўлмайди. Шу сабабли уларни ажралмас бутунлик деб қаралади. Улар ўзбек халқ шевалари материалларида анчагина учрайди. Масалан, кэрри — қарн, жэззэ — почча, ҳэррэ — арра, киччи — кичик, кэттэ — катта (қипчоқ); эллэ — алла, эммэ — амма, ьссъқ — иссиқ, сссьқ — сассиқ (қорлуқ-чигил-уйғур); егэри гөззимизэ мэнэг гөринди; бир пашшаны гөззи көр волады (ўғуз) кабилар.

2. Арабча сўзларда: муқаддам, муқаддас, жаннат, мураккаб ва ҳоказо.

3. Форс-тожик тилидан кириб келган сўзларда: баззоз, паррак, балли, ҳамма каби.

Яна қиёс қилинг:

Қорлуқ-чигил-уйғур шеваларида: юқори — йоққэръ, аввал — эвэл, таваккал — тэвэккэл, арра — эррэ,

чекка — чеккә, пуллаш — пуллә, шалла — әллә, малла — мәлә, ташаккур — тәшәккур, уммат — умма (Андижон), миннат — мълләт, неча — нъччъ, эллик — ъллъй, ўрнига — оннъгә, подшо — пәшшо, отни — өттъ (Жиззах).

Кўшалок ундошнинг ишлатилиши ўғуз лаҳжаси материалларида ҳам анча кенг қўлланиб турилади: қарры гәсә эш үсгинә, йаш гәсә иш үстинә; дийәни уллысы көпирни үстиндә тайақ йыпды; чанңы асманә чиқариш гейатырган сансиз ҳава гөззи дүшипти//чүшипти.

Ўзбек адабий тили ва халқ шеваларида қуйидаги грамматик усуллар ва сўз ясалишлар билан геминация ҳоджаси юзага келади:

а) сифатнинг кучайтирув шакли орқали: оқ-оқ-оппоқ, соғ-соғ-соппа-соғ, (ад. имло); ақ-ақ-аппақ, сағ-сағ-саппа-сағ (қипчоқ) каби;

б) жуфт сўзларнинг ясалиши натижасида: битта-яримта, опптән-соппон, эппән-сәппән, шартташурта — шәрттәшуртә (қорлуқ-чигил-уйғур);

в) тасвирий сўзлар воситасида: укки, какку, пирра, чиппа-чиппә, ўшшаймоқ (ад.—имло); икки, кәкки, пиррә, чиппә-чиппә, ишшәймәқ (қипчоқ) ва ҳоказо

Кўш ундош маънони фарқлаш хусусиятининг мавжудлигини алоҳида қайд этишга тўғри келади. Масалан, қорлуқ-чигил-уйғур шеваларида: қәтәқ (кишилар истәъмол қиладиган сут маҳсулоти), қатик/қәттәқ (юмшоқнинг акси, қаттиқ), калла (организмининг бир қисми, кәлә жамловчи сон қўшимчаси, *аккаламиз*), саллоҳ сифат, исм, сәләҳ, Хайриддин Салоҳ), эппә сифатнинг кучайтирувчи шакли, оппайдин (қариндошлик атамаси) ва бошқалар.

Шундай қилиб, қўш ундошларнинг сўз ўртасида келишини кўрдик Улар сўзларнинг охирида ҳам ўзбек адабий тили ва шеваларида учрамайди. Шу сабабли бошқа тилларда геминация ҳисобланган қатор сўзлар фонетик ўзгаришларга учраб, ўзларидаги бундай хусусиятларни йўқотади:

а) арабчадан ўзлаштирилган сўзларда: әк/ҳ аққ, пән (фанн), ҳур (ҳурр), сәр (сирр) (қорлуқ-чигил-уйғур) ва бошқалар;

б) байналмилал сўзларда: митәл — металл, гирәм//гырам, грамм (қипчоқ) кабилар.

Бу жиҳатдан ҳам, яъни чет тиллардан ўзлаштирилган сўзларда ундошларнинг бўлиши жиҳатидан ҳам адабий тил билан шева материаллари бир-биридан фарқланади. Масалан, *аввал*, *ҳуррият*, *чинни* каби сўзлар ўзбек адабий тилида геминат ҳисоблангани ҳолда, шеваларда бундай хусусиятга эга бўлмайди. Бу ҳақда юқорида тўхталдик;

в) ўзбек тили лексикасида мавжуд бўлган соф ўзбекча, арабча, форс-тожикча ва байналмилал сўзларда кўш ундошлар сўз бошида учрамайди.

Сўзлардаги фонетик ўзгаришларни, уларнинг келиб чиқишини ўрганишда уларни тарихий жиҳатдан олиб текшириш мақсадга мувофиқдир. Масалан, Алишер Навоий асарларида: *Уч куйи*, *уч юққори қилдиш* тоб, *юққоридин инли икки бургут*.

Ундош товушларнинг иккиланиши, яъни геминация ҳодисаси ўзбек адабий тили ва лаҳжалари ҳамда шеваларида қўлланилгани сингари бошқа туркий тиллар ва уларнинг шева материалларида ўзига хос фонетик ҳодиса сифатида ишлатилиб туради. Айниқса, бу фонетик ҳодиса озарбайжон ва чуваш адабий тиллари ҳамда шева материалларида кўпроқ учрайди. Шунини айтиш керакки, бу иккала туркий тил ва уларнинг шевалари учун хос бўлган геминация ҳодисасининг катта қисми кўнчиллик туркий тиллар, жумладан, ўзбек тили учун ҳам умумий бўлиб, кичик бир қисми эса фақат у ёки бу туркий тилда мавжуд бўлади.

Озарбайжон тилида	Ўзбек адабий тилида	Чуваш тилида	Ўзбек адабий тилида
оллар < он + лар булар < бун + лар соммэз < сон + мэз	улар булар сўнмас	перре пиллек саккар	бир беш саккиз

Ўзбек тилининг тарихини белгилловчи ёдномаларда юқоридаги сингари сонларда геминация ҳодисаси кўп учрамайди. Қуйида баъзи мисоллар қиёс қилинади.

Ўрхун-Энсай ёзма ёдгорликлари	„Девону луғотит турк“	„Қутадғу билг“
ики сәкиз тоқуз отуз	ики/икки сәкиз//сәккиз тоқуз//тоққуз отгуз	эки//экки сәккиз//сәккиз тоқуз отуз

Умуман олганда, геминация ҳодисаси туркий тиллар ва уларнинг лаҳжа ва шеваларида ҳам учрайди. Ўзбек лаҳжаларида турлича кўринишларга эга бўлиб, улар фонетик ҳодисалардан саналади. Бу фонетик жараён туркий ёзма ёдгорликлар учун ҳам хосдир.

IV БОБ. МОРФОЛОГИЯ

1-§ Морфологик хусусиятлар ҳақида

Сўз туркумларини аниқлашда морфологик-лексик ва синтактик белгилар асос қилиб олинади ҳамда улар турли хил гуруҳларга, категорияларга ажратилади. Сўз туркумларини тасниф қилишда, бу соҳалаги қатор ноаниқликларни бартараф этишда чуқур мулоҳаза юритиб, уларни илмий-назарий жиҳатдан асослаш ва исботлаб беришда Е. Д. Поливанов, Х. Комилова, У. Турсунов, В. В. Решетов, А. Ғуломов, Ш. Шоабдурахмонов каби олимларнинг хизматлари катта бўлган.

Ўзбек шеваларининг морфологиясини баён этиб беришда мавжуд фикр-мулоҳазаларга асосланиб иш кўрилади. Шунга кўра, ўзбек шеваларининг морфологияси ҳам мустақил сўз туркумлари, ёрдамчи сўз туркумлари ва алоҳида гуруҳларга бўлиб ўрганилади. Ушбу соҳаларда шева материалларида ўзаро умумийликлар билан бир қаторда, ўзига хос томонлар ҳам кўзга ташланиб туради. Бу ҳолни келишикларнинг эгалик ва кўплик категориялари; феъл замонлари, феъл майллари ҳамда феълнинг функционал шаклларини ўрганиш каби соҳаларда аниқ тасаввур этиш мумкин. Шевалар морфологиясидаги бундай ўзига хос томонлар бошқа сўз туркумлари ва категорияларида ҳам мавжуд.

2-§ Келишик категорияси

Келишик категорияси отнинг ёки отлашган сўзнинг бошқа гап бўлақлари билан бўлган грамматик боғланишини кўрсатиб келади, уларнинг гаптаги вазифасини ифодалаш учун хизмат қилади. Бу хусусият ўзбек адабий тили учун ҳам, ўзбек халқ шевалари учун ҳам умумийдир.

Ўзбек адабий тилида олгита келишик, бешта грамматик кўрсаткич мавжуд. Чунки бош келишикнинг қўшимчаси бўлмайди. Ўзбек халқ шеваларининг бир қисми адабий тилдаги ҳолаг билан умумийликка эга

бошқа бир қисми эса бу жиҳатдан фарқланади. Қорлуқ чигил-уйғур лаҳжаси гуруҳига кирувчи шеваларнинг аксариятида олтига келишикнинг тўртга кўрсаткичи бор. Бунда қаратқич ва тушум келишиклари бир шаклда, яъни тушум келишиги шаклида келади. Самарқанд, Бухоро, Қарши, Ургут, Шаҳрисабз, Каттақўрғон ва уларга ўхшаш шеваларда жўналиш ва ўрин-пайт келишиклари ҳам аралаш ҳолда қўлланилиб, ўзларининг шакли жиҳатидан жўналиш-ўрин-пайт келишигига ўхшайди. Ўғуз лаҳжасида ҳам қаратқич ва тушум келишикларининг кўрсаткичлари кўп ҳолларда бир хил кўрinishга эга бўлади. Фақат айрим ҳоллардагина фарқланиш кўзга ташланиб туради.

Қипчоқ лаҳжаси таркибини ташкил этувчи шеваларда ҳам баъзан қаратқич-тушум келишиги ҳолида келиши учрайди.

Қаратқич ва тушум келишиклари кўпгина ўзбек шеваларида бир хил кўрсаткичга эга бўлишига қарамаздан, уларнинг ҳар бири мустақил келишик саналади. Жўналиш ва ўрин-пайт келишиклари ҳақида ҳам худди шу фикрни такрорлаш лозим. Мазкур келишиклар қўллачилиши, вазифалари, маъно хусусиятлари кабилар билан ўзаро фарқланиб туради. Бу, айниқса, гап ичида яққол кўзга ташланади. Қаратқич бирикмага, яъни қаратқич келишиги қаралмишда эгалек қўшимчасининг келишини талаб қилади. Бунга ўхшаш хусусият тушум келишигида бўлмайди ва ҳоказо.

Ўзбек адабий тили ва унинг лаҳжа ва шеваларида қуйидаги келишиклар мавжуд: бош келишик, қаратқич келишиги, тушум келишиги, жўналиш келишиги, ўрин-пайт келишиги, чиқиш келишиги.

3-§. Бош келишик

Бош келишик ҳеч қандай қўшимчага эга бўлмайди. Бу хусусият ўзбек адабий тили учун ҳам, ўзбек халқ шевалари учун ҳам умумийdir. Бош келишикда келган сўз ўзининг шакли жиҳатидан сўзнинг ўзак ёки негизига тенг бўлади. Демак бош келишикдаги сўз отда эга бўлиб келди. Масалан, Исрофил нарсаларини йиғип бигта қайнак билан пийёзлани элип жонади (Самарқанд), әнә бър әдәм келәптъ (Кўқон): Кәрәм бьзәнъкьгә еди (Каттақўрғон) каби.

Шундай қилиб, бош келишик шаклидаги сўз гапда кесим бўлиб келади ёки таркибли кесимда унинг аж-

ралмас қисми сифатида қўлланилади. Бундай вақтла улар эгага боғламалар ёки оҳанг орқали бирикади. Мақалан, Жолдаш оқувчъ (қипчоқ), деқанчылықды сақасайам — бугдай (Манкент).

Бош келишикда келган сўз бошқа келишикларни ҳосил қилиш учун бошланғич, яъни дастлабки шакл деб қабул қилинади: пахтаны таласы, эҳмэтти иштә көрдим, чәйнәкдә чай дамнәп чықарды, сувды меҳманнарды алдыға қойды (қипчоқ).

4-§. Қаратқич келишиги

Ўзбек адабий тили материалларида қаратқич келишиги фақат бир қўшимча билан, яъни -нинг қўшимчаси билан ҳосил қилинади. Ўзбек халқ шеваларида эса у турлича қўшимчалар ёрдамида келишини кўраминз. Жумладан, қипчоқ шеваларида -нын, -нин кўрсаткичлари билан бир қаторда -ны, -ни ва уларнинг турли кўринишлари билан юзага келади. Қорлуқ-чигил-уйғур гуруҳ шеваларида қаратқич келишиги тушум келишинининг шакли -нъ билан ишлатилади. Ўғуз лаҳжасидаги шеваларда эса қаратқич келишиги -нын, -нин, тушум келишигининг шакли -ны, -ни ва қадимий шакли бўлган -ың, -ин билан ишлатилади. Сўнги хусусият қорлуқ-чигил-уйғур ва қипчоқ лаҳжалари материалларида -ны, -ни, ва унинг фонетик кўринишлари бўлган -дъ, -тъ кўрсаткичлари ҳам ишлатилади: Никэлайди вэқтига мани уч миң таннага сэртилар (Самарқанд); етъйдъ ьчъ ҳол (турк), қрә кәкәл қъздъ, қуштъ (Андижон), мән ь ьшъм битти (Каттақўрғон) каби.

Қаратқич келишиги белгисиз ҳолда ҳам қўлланилади: оқувчъ, қъшлоқ рәйсь (Каттақўрғон, Қарноб), алма гули напарман, мән йарымны тапарман (Қорабулоқ) каби.

Шундай қилиб, қаратқич келишигида келган отлар белгили ва белгисиз ҳолда қўлланилади. Бу, айниқса, юқоридаги шаҳар ва уларга ўхшаш бўлган шевалар учун ҳосдир. Бундай вақтларда отларнинг қаратқич ёки тушум келишиги шаклида эканлиги қаралмишдаги эғалик қўшимчаси ёки шу от билан боғланиб келган феъл орқали аниқланади.

Қипчоқ лаҳжасида ҳам қаратқич келишиги қўшимчалари бир қанча кўринишларга эга бўлади. Бу, бир томондан, сўз узакларининг қаттиқ ёки юмшоқлигига

боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, ассимилятив ҳодисалар билан ҳам боғланади Масалан, жэгмиш қызшын энәси ҳәли-ҳәли кәлиңчәк; атамдын қалры өти; аттын жылавыны мәккәм ушләди, бәш қойдун гәши бомас нәхәри каби

Қаратқич келишигининг белгисиз ҳолда қўлланилиши қипчоқ шеваларида ҳам мавжуд: тав эчкиси, милисә халымы, ғоза бәрги, бәхәр хәвәси каби

Ўғуз лаҳжасида қаратқич келишиги қўшимчасининг қўлланилиши ўзига хос хусусиятга эга. Унинг белгиларини шартли равишда учга бўлиб кўрсатиш мумкин: а) қаратқич келишигининг қўшимчаси қаттиқ-юмшоқ кўринишларга эга бўлиб, -ның ва -нин деб қўлланилади: йанны кишинин, бир қизи бар әди, унин таржимамайи ҳали;

б) қаратқич келишиги шакли тушум келишиги қўшимчаси -ны, -ни орқали ифода этилади: мана учраган кишини адыны билмәймән; шун билән биргә.

в) қадимги ёзма ёдгорликларга хос бўлган -ын, -ин тарихий шакллари билан ишлатилади. Бу шакллар қаттиқ ва юмшоқ ундошлар билан тугаган сўзларнинг ўзақ ва негизлари билан қўшилиб келади: кәрәкли дашың ағрами йоқ. көпин иши көл болур (ўғуз) каби.

Қорабулоқ ва Иқон шеваларида ҳам қаратқич келишигининг шакли -ын, -ин қўшимчаси билан ишлатилади: мәнә бу укузун кәттәлиги, атын башы каби.

Ўғуз лаҳжасида ҳам қаратқич келишиги белгисиз қўлланиш хусусиятига эга: йахшылық қыз йанына гирди, қыз хыйәли йарына геткән каби.

Тил тарихи материалларида ҳам қаратқич келишиги қўшимчалари ҳозирги адабий тилдаги сингари шаклга эга бўлганлигини кўрамиз. Масалан, Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари, „Девону луғотит турк“, Алишер Навоий ва унинг замондошлари асарларида -ның, -нин қўшимчалари қаратқич келишигини ҳосил қилган. Шунинг билән бирга, қўшимчанинг -нуң, -нүн каби вариантлари ҳам учраб туради. Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари материалларида эса -ын, -ин шакллари ҳам мавжуд. Сўнгги қўшимча қисман XI аср ёзма ёдгорликларида ҳам учраб туради.

5-§. Тушум келишиги

Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасига оид шеваларда тушум келишиги -нъ кўшимчаси билан шаклланади: кымдакым олсә, унъ мээрғә эбәрп қойъшсын (Тошкент); бу эдамларни кочага чиқарди (Самарқанд); унъ қувъп чьқарвәредъ (Фарғона); Кәръмнъ бээрғә кордъм (Каттақўрғон), нънәнъ бәрвәр (Жиззах) ва бошқалар.

Айрим ҳолларда тушум келишиги -лъ, -тъ қўшимчаси билан қўлланилади. Масалан, қорә кә:къл қъздъ, қуштъ, эттъ этә-әнәсини элдъгә эбәрдъ (Андижон), ьгтъ қәппас, эттъ теппас деб бомайдъ (Карши), тәғдъ туман бәсипту (Ургут) каби.

Қорлуқ-чигил-уйғур шеваларида ассимиляция ҳодисаси билан боғлиқ ҳолда тушум келишигининг шакли -зъ, -мъ, -лъ, -шъ, -пъ, -чъ каби кўринишларга эга бўлади. Бу, айниқса, Тошкент, Наманган, Шаҳрисабз, Ургут, Каттақўрғон каби шеваларда кўпроқ кўзга ташланиб туради: у узъп чәччъ йәхшъ корәдъ (Тошкент); бъззъ мәхтәп оқувчиләръ (Каттақўрғон); конулли ғам бәсипту (Ургут) каби.

Ўғуз гуруҳидаги туркий тилларда гүндүзүн, қышын (қишда) каби сўзлар ҳам учрайди. Булар қадимги ёзма ёдгорликлар тилида алоҳида келишикни, яъни қурол келишигини ташкил этган бўлиб, ҳозирги вақтда бу хусусият айрим туркий тилларда -н, -ын, -ун каби шакллари сақланиб қолганлигини кўрамыз. Уларнинг баъзилари ҳозирги вақтда ҳолат ва вақт равишларини ифода этади.

-ын, -ин қўшимчаси Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари, Алишер Навоий ва унинг замондошлари асарларида ҳам учрайди ва анча кенг миқёсда ишлатилади. Тарихий ёзма ёдгорликларда ҳозирги -ны, -ни кўрсаткичлари ҳам тўла равишда қўлланилган. Булардан ташқари, -ығ, -иг, -уғ, -үг каби кўринишлари ҳам мавжудлиги ёдгорликлар материалларида учраб туради.

Қипчоқ гуруҳи шеваларида тушум келишиги қуйдагича шаклларга эга бўлади: -ды, -ди, -ты, -ти, -ны, -ни Булардан, -ны, -ни қўшимчаси ўнли товушлар билан тугаган сўзларга қўшилиб келади: ата сыны әйтип кәлди, гав эчкисини үшләп алды каби.

-ды, -ди, -ты, -ти қўшимчалари унлош товушлар билан тамом бўлган сўзларга қўшилади. Булардан -ты, -ти қўшимчаси ассимиляция нағижасида юзага келадиган ҳодисадир: Кәримди базарга жигәр; сувды мыйманнарды алдыға қойды; тутты жәгәни тавуш қыйын; ҳәзир атты көриш әмирмәхәл; пишәкти қувып кәтти каби

Юқоридә қайд әтилган қаратқич ва тушум келишиклари материалларида уларнинг шакллари жиҳатидан ҳам фарқланиши аниқ кўриниб турибди. Лекин бу чегара ҳамма вақт ҳам қатъий бўлиб қолавермайди. Бу шеваларда қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасидаги сингари бир хил шакл келишик-қаратқич ва тушум келишиги шаклида қўлланилиши ва ўзида уларга хос маъно вазифаларини ўташ ҳоллари учраб туради. Қаратқич ва тушум келишикларининг умумий қўшимчали ҳолати ҳамма қипчоқ шевалари учун умумий дейиш мумкин. Масалан, бэвайды уч улы бэрәкән; мэхманнар сувды чәйниг билән этып жүгәрди, ву Қайқыны вахтыны хуш әтсәнчи кабилар.

Булардан ташқари, сўзларнинг ўзак-негизларида лабланиш-лабланмаслик, қаттиқ-юмшоқлик ва бошқа фонетик қонуниятларга мувофиқ қипчоқ шевалари -ну, -нү, -ду, -дү, -ту, -тү сингари бир қанча тушум келишиги қўшимчалари кўринишларига ҳам эга бўлади. Бу, асосан, Янгиқўрғон туманининг қипчоқ шевалари учун хосдир.

Қипчоқ шеваларида ҳам тушум келишиги белгили шакл қўлланилиши билан бир қаторда, белгисиз ҳолатда келиши янча кенг тарқалган. Масалан, сув ичип кә, иш бажар, аш жә каби

Ўғуз лаҳжасига кирувчи шеваларда сўзларнинг ўзак-негизлари қаттиқ-юмшоқлигига қараб, -ны, -ни қўшимчаси билән қўлланилади: . . . суннатланы бақарәди, у жәкләни бақып йурди, балаларыны чақырды каби. Бу лаҳжада тушум келишиги вазифасида -ы, -и шакллари ҳам ишлатилади. Масалан, малларыны келә әкит дели каби.

Тушум келишигининг белгисиз ҳолда келиши ўғуз лаҳжасида ҳам учрайди. Қорлуқ-чигил-уйғур, қипчоқ ва ўғуз лаҳжаларида қаратқич келишигидаги сингари тушум келишиги ҳам белгили ва белгисиз келиши мумкин. Ҳар иккала ҳолатда ҳам турли хил аниқловчилик вазифаларини бажаради. Улар нарсанинг аниқ ва но-

аниқ, умумий ва хусусий маъносига алоқадор бўлмайди.

Баъзан лингвистик материалларда тушум келишигининг белгисиз ҳолати билан бош келишикни аралаштирмаслик лозим. Бунда ҳеч вақт икки келишик шаклини бош ва тушум келишигининг шакли деб қаралмасдан, фақат тушум келишигининг белгили ва белгисиз шакли деб қараш лозим. Масалан, битта китоб кўрсатинг, хат ёзмоқ, иш битирмоқ, обсерваторияни томоша қилмоқ каби тўғрироқ бўлса керак деб ўйлаймиз.

Сўнги вақтларда айрим манбаларда, ўзбек адабий тилида олтига келишик ва уларнинг ўзига хос олтига шакли бор деган фикр қайта қайта такрорланмоқда. Бунда бош келишикда ҳам кўрсаткич мавжуд деб гумон қилинади. Бизнингча, бу янглиш фикрдир. Чунки ўзбек тилининг тарихий тараққиёт йўлларини белгилувчи материаллар, ҳатто, қадимги ёзма ёдгорликлар, жумладан Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликларида ҳам бош келишикнинг кўрсаткичи борлиги тасдиқланмайди. Демак, бош келишикнинг қўшимчасининг мавжудлиги тил тарихи манбаларида ҳам ўз ифодасини топмаган, ҳозирги шевалар ҳам бу ҳақда гувоҳлик бера олмайди.

6-§. Жўналиш келишиги

Қорлуқ-чигил-уйғур шеваларида жўналиш келишигининг қўшимчаси -гә шаклида қўлланилади. Бу кўрсаткич уни ва ундошлар билан тугаган сўзларга фарқсиз қўшилиб келаверади; Мурэд -мә хсә дъгә йетьпть (Тошкент); бу эдамларны битта-битта кочага чиқорди (Самарқанд); элэи эригә шундай депть (Фарғона); әйәмлә дөләгә брәдълә (Каттақўрғон) каби.

Чуқур тил орқа қ, ғ ундошлари кабилар билан битган сўзларга -гә қўшимчаси қўшилганда, жўналиш келишигининг шакли -қә шаклига эга бўлади. Масалан, бәққә брәвуз, дьйдълә (Тошкент, Қарноб); очаққа от қәлә, дөпть (Фарғона); нондъ элпи қъшлэққа брәмән (Марғилон); йәғ йэққа тэмәдъ, мөшаваяя жазам йэқ (Қарши) каби.

Сўзларнинг охири к, п, с, т, ш, ҳ каби жарангсиз ундошлар билан тугаганда, жўналиш келишигининг кўрсаткичи -кә ҳолатида қўлланилади. Масалан, тағым бър қыйын ьшкә йубәрәмиз (Наманган); эшкә

пәлвән, ышка шәл (Қарши); еш ыккә суркәлмәй ычкә рьгә кър (Каттақұрғон); пәлуккә әлук йәқвуз (Қарноб) сингари.

Шеваларнинг баъзиларида -гә қўшимчаси ғ, г ундошлари билан битган сўзларга қўшилганда ҳам ўзгаришсиз қўлланилиш ҳоллари учраб туради. Бу Қарноб шеваси учун хос хусусиятдир. Масалан, тәғгә хәм-мәсь бәршгә жәнәдъ; бәрггә бәрәтмъз ва бошқалар.

Жўналиш келишигининг -ә қўшимчаси билан қўлланиш ҳолати мавжуд бўлиб, кўпроқ й, м, л, р, п, н сонор ундошлари билан тугаган сўзларга қўшилиб келади. Масалан, уйә кърп чықәй (Жиззах); әкәмә айттъ; мәнъ дәнгәрләрим уйә қәптъ (Каттақұрғон); мән сәнә нъмә дедъм (турк); Бахмалә қой хәйдәйбъз, бәзоргә бәрәвуз (Қарноб) каби.

Қилич қишлоқ шевасида ҳам жўналиш келишигининг қўшимчаси -ә билан келиши учрайди:

*Бър коргәндә эшъқ болдум сен қъзә,
Сәндән бәшқә жә: нән корунмәс кәзә...*

Ушбу шеваларда жўналиш келишигининг қўшимчасини қабул қиладиган сўз унли товуш билан тугаган бўлса, бундай ҳолда унинг кўрсаткичи -йә кўринишига эга бўлади. Масалан, ҳәвлъйә, бедәнәйә, дәләйә (Тошкент); эдәм қо(р)ққан вәққә тили кәлимәйә кәмәй қоләйкән (Шаҳрисабз); улә тәпәйә чықдълә (Каттақұрғон) ва бошқалар.

Баён этилаётган гуруҳ шеваларининг айримларида -гә ва йә урнида тушум келишигининг қўшимчаси қўлланилиши бу гуруҳ шеваларидаги ўзига хос томонлардан саналади. Масалан, ҳәжани бәрип айтин, мани туринг, навбат сизники деди (Самарқанд) каби,

Қорлуқ-чигил-уйғур шеваларида жўналиш келишигининг белгиси яширинган ҳолда келиши мумкин. Лекин тушириб қолдирилган шакли, жумладан, аниқ англашилиб туради: әкәмлә бәзәр бәрдилә (бәддълә); улә Сәмәрқән кегтъ (Каттақұрғон); йәқънда Тәшкән бәрәвуз, Бумәт дәш кетган (Қарноб) сингари

Қипчоқ гуруҳи шеваларида жўналиш келишигининг қўшимчаси қуйидагича кўринишларга эга бўлади: -га, -гә, -а, -ә, -қа, -қә. Кўриниб турибдики, булар қаттиқлик ва юмшоқлик, тил олди ва тил орқа унлилари ҳамла қисман ёнма-ён келган айрим ундош товушлар таъсирида юзага келади ва қўлланилади. Бу эса син-

гар.ионизмнинг шевалардаги ўзига хос хусусиятларидан ҳисобланади: уйам ишига жонади, уны гəви-гə кирмəли, бу балаға бир жаш толды, сиз билəккə ишəммəн, атама массы алдым; атана бар, энəнə бар, ўйимə барғаным жоқ кабилар.

Жўналиш келишигининг кўрсаткичи кишилик олмошларининг биринчи, иккинчи, учинчи шахс бирлик шаклларига эга бўлади. Бу хусусият қипчоқ лаҳжасини ташкил этувчи кўпчилик шевалар учун умумий хусусиятдир. Бу шеваларнинг баъзиларида эса бошқача манзари кўрамиз. Уларда кишилик олмошларини жўналиш келишигида қўллаганда, маған//мэгəн, саған//сэгəн, уған//оған деб қўлланилади. Бу хусусият Қурама ва Булунғур, Пайариқ, Ғаллаорол ва Иштихон каби туманлардаги қипчоқ шеваларининг вакиллари нутқида ишлатилади. Айрим қипчоқ шеваларидаги маған, саған, оған кишилик олмошлари ҳозирги қозоқ, қирғиз қорақалпоқ ва қумиқ тилларида ҳам мавжуд. Ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасидаги бу хусусият билан юқоридаги туркий тилларнинг қипчоқ гуруҳига кирувчи тилларда бу шаклларнинг мос келиши улардаги ўзаро умумийликлар билан изоҳланади.

Жўналиш келишигининг кишилик олмошларига қўшилиб ишлатилишидаги бу шакли бошқа грамматик кўрсаткичларга нисбатан шевалар вакиллари нутқида анча мустақкам сақланиб келмоқда. Натижада улар адабий тил меъёрларини эгаллаган эълилар ва ўқитувчилар, жумладан, филолог ўқитувчилар нутқида ҳам учраб туради. Бундай ҳолларда шева вакиллари нутқида қараб, улар қипчоқ шеvasининг қайси бирига оидлигини осонгина аниқлаш мумкин.

Ўғуз лаҳжасида ҳам жўналиш келишиги бир қанча шаклларга эга бўлади: -гə, -кə, -а, -ə, -на, -нə. Масалан, қырқ дийəгə йуклəп йигиткə кəп дунья бəрипти; пахтагə, арқасына, мурадина егти, мана учраган киши, шу йирə варып каби. -а, -ə шакллари ўғуз лаҳжасида анча фаол қўлланувчи қўшимчалардандир. Жўналиш келишигида қўлланиладиган қўшимчаларнинг ҳаммасини юз фоиз деб олинса, шундан камида 50 фоизини -а, -ə қўшимчаларига ажратишга тўғри келади.

Тил тарихининг асосий манбалари ҳисобланган Ўрхун-Энасой ёзма ёдгордиклари, „Девону луғотит турк“,

Навоий ва унинг замондошлари асарларида жўналиш келишиги қўшимчалари ўзбек халқ шеваларидаги қўшимчалар билан умумийлик ва бирликка эга. Улардан баъзилари архаиклашиб, истеъмодан чиқиб кетган. -ғару, -гэрү, -қару, -кэрү, -ра, -рә, -рү кабилар шулар жумласидандир. -ра, -рә, -ру -рү қўшимчалари -гару, -гэрү, -қару, -кэрү кўрсаткичларига нисбатан қадимийдир.

Ҳозирги туркий тиллар, жумладан, ўзбек тили ма-те.риалларида бу келишик қўлланилмайди. Уларнинг айрим кўринишлари жўналиш келишигида ифодаланади, баъзан равишлар ва кўмакчилар доирасида ишлатилади.

7-§. Ўрин-пайт келишиги

Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси гуруҳларига кирувчи шеваларда ўрин-пайт келишиги -дә, -тә қўш мчаси билан шаклланади. -дә ули ва жарангли ундош товушлар билан тугаган сўзларнинг ўзак ва негизларига қўшилиб қўлланилади. Масалан, кегвә: сә ы ол дә бър эқ дәрвәзә корънпгъ (Тошкент); дунйәдә нъмәнъ етъ шърън екән (Фарғона); дәл дә коръндъ; ьсгән сә дә турьпгъ (Андижон); эдәмдъ эдәм сәпәр дә бьләди (Жиззах); мән бәрсәм әг дә ҳеч: кьм йоғәкән (Каттақўрғон). Сўзларнинг охири жарангсиз ундошлар билди тамом бўлганда эса -тә ҳолида ишлатилади; бизарди завуттә ишлайсан деди (Самарқанд); туттә ҳссьл копу, бәрәкәсь йоғ (Туркистон) каби.

Ушбу гуруҳларга кирувчи шевалардан Самарқанд, Бухоро, Қарши, Каттақўрғон, Ургут, Шаҳрисабз каби-ларда ўрин-пайт келишиги билан жўналиш келишиги кўрсаткичлари бир-биридан кам фарқ қилади ва ара-лаш ҳолда келаверади. Бу хусусиятни машҳур шева-шунос олим Е. Д. Поливанов ҳам ўзининг Самарқанд шеваларига бағишланган ишларида ўз вақтида алоҳи-да қайд қилган эди: бачала мактабга оқуйди; тор киши йәний а таппәнчаси бәр (Самарқанд); биза қишлэққа турамиз (Бухоро); Самарқандга йа-шайди (Қарши). Бу хусусият баъзан, Жиззах шеваси-да ҳам учрайди. Масалан, озьңгә йоқ, элэмгә йоқ; эпәм дәл әгә ьшләйдь каби.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турган-идек, ўрин-пайт келишиги қўшимчаси (-дә) вазифа-сида қўлланилаётган -гә охири ули ва жарангли ун-

дош товушлар билан тугаган сўзларга, -кэ эса охири жарангсиз ундошлар билан тамом бўлган сўзларга ва -кэ қўшимчаси охири чуқур тил орқа ундошлари билан битган сўзларга қўшилиб келади. Баъзан -гэ қўшимчаси юмшоқ ҳолатга эга бўлиб, -йэ шаклида ҳам ишлатилади ва учрайди. Бу кўпроқ сўзларнинг охириги товушлари унлилардан иборат бўлганда юз беради ва Каттақўрғон Шаҳрисабз, Қарши каби айрим гуруҳ шеваларигагина тааллуқли бўлади мэл қассепт қолийа ҳалэл (Қарши); экэмлә бьээнъкъйэ тез-тез кеп турэдълэ (Каттақўрғон) каби.

Иккала келишик ҳам фақат жўналиш келишиги шакли билан ифодаланади, унинг аксинча ҳолати бўлмайди. Шаҳрисабз шевасида эса тожик тили унсуллари ва унинг таъсири бўлмаслигига қарамасдан жўналиш келишигининг ўрнида ўрин-пайт келишиги келиши кўзга ташланиб туради, Бу хусусият зиёли ва ўқувчилар нутқида хос томонлардан ҳисобланади. Мас., кинэда бэру:дук, чэй хэнада кетъ каби

Қипчоқ лаҳжасини ташкил этувчи шеваларда ўрин-пайт келишиги -да, -дэ, -та, -тэ қўшимчаси билан қўлланилади. Сўзларнинг охири унли ва жарангдош унлилар билан тугаганда -да, -дэ қўшимчаси билан, яъни ўрин пайт келишиги билан ҳосил қилинади: қолда бэжэриш шэри эмэс, дэй рэдэ қуры тэш жоқ каби. Агар сўзларнинг охири жарангсиз ундош товушлар билан тамом бўлса -та, -тэ қўшимчаси қўлланилади жаз жавынчын тэшлэмэ, қышта өзун билэсэн каби.

Ўғуз лаҳжасида ҳам келишик қўшимчаси қипчоқ лаҳжасидаги шевалар сингари -да, -дэ, -та, -тэ шакллари билан келади. Бу кўрсаткичлар ҳам сўзларнинг ўзак ва негизларига қўшилиб келиши жиҳатидан қипчоқ шевасидаги сингари бўлиб, қаттиқ ўзак ва негизларда унли ва жарангли ундошлардан сўнг -да ва жарангсиз ундошлардан сўнг -та қўшимчаси билан ифодаланади (улар базарда йолықышқанда каби). Юмшоқ ўзак ва негизларда эса унли ва жарангли ундошлардан сўнг -тэ қўшимчаси қабул қилинади.

Юқоридагилардан ташқари Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари материалларида ўрин-пайт келишиклари қўшимчаси сифатида -а, -э, -йа, -йэ каби шаклларнинг қўлланганини ҳам учратамиз. Масалан, отыз йашыма, бирийэ каби.

Демак, ўзбек тили тарихини белгиловчи нодир ёзма ёдгорликларда, ҳозирги вақтда амалда қўлланилаётган адабий тил ва ўзбек халқ шеваларида ўрин пайт келишиги шакли бир хил ёки умумийдир. Шу билан бирга, унинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатувчи турли хил шакллар ҳам учрайди. Лекин барибир ўзак ва негизга қўшилиб келиши жиҳатидан деярли фарқланмайди.

Халқ мақоллари, топишмоқлар ва баъзан оғзаки нутқда ўрин-пайт ва жўналиш келишиклари белгисиз ҳолатга эга бўлиб, бош келишик шаклида келиши мумкин. Лекин бундай вақтда уларни бош келишик деб қарамасдан, ўрин-пайт ва жўналиш келишикларининг белгисиз шакллари деб изоҳлаш керак.

8-§. Чиқиш келишиги

Қорлуқ-чигил-уйғур шеваларида чиқиш келишигининг қўшимчаси -дан шаклида қўлланади. У сўзларнинг ўзак ва негизларига қўшилиб келиши жиҳатидан адабий тилдаги ҳолатдан фарқ қилмайди: „...бэрсэ кэмэс кочэдэн кегэврүптэ“ (Тошкент); ушта-уштадан қатор қэйдэ (Самарқанд); бэрп ьлэн эрьдэн сорэптэ (Фарғона); йтьичь эсмэндэн (Наманган) каби.

Сўзларнинг жарангсиз ўзак ва негизлари охирига -гэн, -тэн қўшимчаси қўшилиб келади: иттэн пас, эттэн бадан (Бухоро); у сьрэ гэптэн қомэйдэ (Андижон); ошаттан эпкелмэдь (Марғилон); тэштэн қаттиқ, гуллан нэзук (Ургут) каби.

-дэн, -тэн (-тан) кўрсаткичларидан ташқари, турли хил фонетик ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган -нэй, -нэн, -лэн, -дэм, -тэм каби кўринишлар ҳам учрайди: эштэм бьр эшэм эдьм (Андижон); тунна гуллэн даста қилдим (Ургут); бу белвэг келэн-нэн тегдь (турк) кабилар.

Қилчоқ лаҳжасида чиқиш келишигини ҳосил қилувчи шакллар бир неча хил бўлади. Булар сўзларнинг ўзак ва негизлари қаттиқ ёки юмшоқ ҳолатга эга бўлиши билан боғлиқдир; сэни сүйгэннэн айтаман; пайыздан тушип қалдым; дарақ бэлидэн синэди; иштэн кетти; чумчуқтан қорққан тары экмэс, ҳэвлисидэн битгэ нэн чыхмады.

Ўғуз лаҳжасида ҳам сўз ўзак ва негизларнинг қаттиқ ва юмшоқлигига амал қилган ҳолда чиқиш кели-

шигининг қўшимчаси қипчоқ лаҳжасидаги сингари қу-
йдагича кўринишга эга бўлади: -дан, -дэн, -тан,
-тэн, -нан, -нэн: шарқдан гэлэдингэн шамал; мэн
гэмэстэн, бу алтыннан салынган, уч гунэн сон
каби.

Ўзбек тилининг Туркистон, Иқон, Манкент ва Қо-
рабулоқ шеваларида чиқиш келишигининг шакли -дын
(эндын, тамдын); -дин: бетидин, ата-энэм-
дин; -тын: чоқтын; -тин: геттин, игтин каби
қўшимчалар билан шаклланади.

Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари, „Девону луғотит
турк“ каби ўзбек тилига оид ёзма ёдгорликларда чи-
қиш келишигини ҳосил қилиш учун -дан, -дэн, -тан,
-тэн, -дын, -дин шакллари қўлланилган. Масалан,
каптан, ондэн, оғуздан, танышдын (Ўрхун-
Энасой ёзма ёдгорликлари); мэндин, кишидэн,
эштан, йолдан („Девону луғотит турк“) каби. Али-
шер Навоий ва унинг замондошлари асарларида чиқиш
келишиги қўшимчаси -дин (ҳажрингдин, андин) би-
лан ифодаланади.

Чиқиш келишигида келган сўзлар адабий тилдаги
сингари ҳаракатнинг бошланиш пайтини, ўрнини, унинг
сабабини, бирон жой ёки нарсанинг узоқлашишини
билдириб келади. Гапда отлар уюшиб келганда, чиқиш
келишиги қўшимчасининг ана шу уюшиб келган отлар-
га қўшилиш усуллари, уларнинг вазифалари кабилар
ҳамма ўзбек шеваларида ҳам адабий тилдаги ҳолатга,
асосан, тўғри келади.

Чиқиш келишиги шакли тарихий нуқтаи назардан
бошқа келишикларга нисбатан бирмунча кейинроқ
шакллангандир. Чунки у энг қадимги ёзма манбалар-
да кам қўлланган. Унинг ўрнига кўп вақтда ўрин-пайт
келишиги қўшимчаси ишлатилган.

Шундай қилиб, энг қадимги ёзма ёдгорликларда ке-
лишикларнинг сони анча кўп бўлиши, уларнинг шаклла-
ри ҳам хилма-хил бўлган. Уларнинг кўпчилиги ҳозир-
ги ўзбек тили ва унинг лаҳжаларида ишлатилмайди.
Ёдгорликлардаги -дин, -тин, -а -э, -йэ, -н, -ин ка-
би шакллар ўзбек халқ шевалари материалларида, қис-
ман, ҳозирги ўзбек тилида ҳам (айниқса, поэзияда) уч-
раб туради. Айрим ўзбек шеваларида келишик қўшим-
чаларининг миқдор жиҳатдан кўп бўлиши уларда ас-
симляция, оҳангдошлик каби ҳодисаларнинг мавжуд-

лиги билан изоҳланади. Лекин қўшимчаларнинг хил-ма хил кўринишларга эга бўлиши уларнинг миқдорига таъсир этмайди яъни ўзбек лаҳжа ва шеваларининг ҳаммасида олтига келишик мавжуд.

9-§. Эгалик категорияси

Эгалик категориясини ҳосил қилувчи қўшимчалар ўзбек тилининг лаҳжа ва шеваларида бир қанча кўринишларга эгадир. Масалан, пәхтәм деганда, унинг биринчи шахс бирликка тегишли эканлигини, инагин деганда эса унинг иккинчи шахс бирликка тваллуқли эканлиги англашилади.

Эгалик қўшимчаси Фарғона шеваларида қуйидагича кўринишларга эга бўлади:

Унлилар билан тугаган сўзларда

Шахс	Бирлик	Кўлик
1	-м	-мъз; -мъс
2	-н	-йъз; -йләр
3	-съ	-съ; -ләръ

Ундош билан тугаган сўзларда

Шахс	Бирлик	Кўлик
1	-ъм	-ъмъз, -ъмъс
2	-ън, -ъй	-ъйләр, -ъз
3	-ъ	-ъ, -ләръ

Баъзи мисоллар келтирамиз: бэләм, қъзъм. Ке эрқәмгә мьнвэл; хәльйәм қәннън тоймәдьмь дептъ; ей қъзъм, нега гәмгънсән; бьзнъ хэв — лъмъз мевәзәр, эрқәсъ шәптәлъзор; тълъйнъ чъқәр бър опәй; кетмәнъйләр қәнъ; унъ егән узум-ләръ буннъдән чъқъл кетъптъ каби.

1. Жадвал ва мисоллардан англашилиб турганидек, эгалик қўшимчаларининг ҳар учала шахсдаги бирлик шакллари адабий тилдаги ҳолатга мос келади. Бунда -ън кўрсаткичининг -ъй шаклига айланишини қайд этиш мумкин.

2. Биринчи шахс бирлик ва кўпликда баъзан қўшимчаларнинг охирида жарангсизланиш ҳолатлари учрайди. -мъз, -мъс, -ъмъз, -ъмъс каби. Биринчи шахс кўпликни ҳосил қилувчи -миз/-мъз, -бъз, -въз, -миз, -вуз каби), -имиз (-ъбъз, -ъвъз, -имиз, -увуз каби) қўшимчалари тарихан кишилик олмошларининг биринчи шахс кўплик шакли биз (бъз, биз каби) билан боғланади. Бунда фонетик ўзгариш юз бериб, сўзнинг бошидаги „б“ ундоши „м“ ундоши билан алмашган. Натижада, биз олмоши -миз деб ҳам қўлланила бошланиб, турли қўшимчаларнинг, жумладан эгалик қўшимчаларининг ҳосил қилинишига сабабчи бўлган. Бу сингари характерли томон „Девону луғотит турк“ да ҳам алоҳида қайд этилган.

3. Иккинчи шахс кўплигида адабий тилдаги -нгиз қўшимчаси ўзгариб, -низ, -йъз, -ъз шаклларига эга бўлади -йъз, -йъ кўрсаткичлари билан бир қаторда, -йлэр қўшимчаси ҳам ишлатилади. Адабий тилдаги -ингиз деярли ҳамма вақт -ъйлэр каби қўлланилади.

4. Учинчи шахс кўплик бирлик шаклида ҳам (-съ, -ъ), кўплик шаклида ҳам (-лэръ) келиши мумкин. Бу эа адабий тилдаги ҳолат билан бир хилда ёки ўхшашдир, деган маънони билдиради. Чунки учинчи шахснинг кўплиги кўпликни билдирувчи қўшимчалари ҳам баъзан бирлик шаклидаги қўшимчалар билан ҳам қўлланилаверади.

Фарғона шеvasида адабий тилдаги сингари эгалик қўшимчаси от ва отлашган сўзларга қўшилганда, кўплик кўрсаткичидан сўнг ва келишик қўшимчаларидан олдин келади. Мас., узъмларъң пышдьмъ; мэнгэ постъньздъ, телпәйъздъ, белвъгъздъ берън кабилар. Маълумки, бу каби ҳолатлар Тошкент шеvasида бошқачароқ тус олади, яъни эгалик қўшимчаси кўплик кўрсаткичларидан сўнг келиши ҳам мумкин. Айниқса бу иккинчи шахс кўплиги учун хосдир. Бу ҳақда Тошкент шеvasи ҳақида мулоҳаза юритганда, алоҳида тўхталамиз.

Андижон, Марғилон, Қўқон каби Фарғона водийсидаги шеваларда эгалик қўшимчалари ва уларнинг кўринишлари, эгалик қўшимчаларининг қўлланилиши Фарғона шеvasи билан ўзаро умумийликка эга. Шунинг учун ушбу масалада Фарғона шеvasи материалларига қараб хулоса чиқариш мумкин. Уларда айрим

Ўзига хос томонлар ҳам учрайди. Биз уларнинг баъзиларини қайд этамиз:

Андижон шеvasида иккинчи шахс кўплиги учун ундош билан тугаган сўзларга -йъз (масалан, қолъйъз тъллә каби), -йнэр (мас., сълэрнъ//сълэрдъ қойъйнэр, тагайнэр каби) қўшимчалари билан ишлатилади. Қўқон шеvasида бу қисқариб, -ъз шаклида ҳам қўлланилади. Унинг фонетик ўзгариши қуйидагича юз беради: -ингиз, -ънъз, -ъйъз, -ъз. Масалан, озлэръздъ тойлэръз, мэнэм озъзгэ охшэгэн каби. Марғилон шеvasида иккинчи шахс кўплиги учун тўлиқ ва қисқарган шакллар жуфт ҳолда келаверади. Мас., этънъз > этъйъз > этъз, озъйъз > озъз, ьшьйъз > ьшьз, нэнъйъздэн берън ... каби.

Тошкент шеvasида эгалик қўшимчалари ва уларнинг турли хил фонетик кўринишлари ўзига хос хусусиятларга эга. Улар сўзларнинг ўзак ва негизлари унли ва ундош товушлар билан тугашига қараб, турлича шакллар олади. Унли товушлар билан тугаган сўзларга қуйидагича морфологик қўшимчалар ва унинг кўринишлари қўшилади:

Шахс	Бирлик	Кўплик
1	-м	-вуз, -вузэ, -взэ, -уз
2	-к	-йъз, -илэ, -ъз
3	-съ	-съ, -ларъ

Сўзларнинг охири ундош товушлар билан тугаган сўзларга қўшиладиган қўшимчаларнинг жадвалини тубандагича кўрсатиш мумкин:

Шахс	Бирлик	Кўплик
1	-ъм	-увуз, -вузэ, -взэ, -узэ
2	-ък	-ъйъз, -ъз, -ъйлэ
3	-ъ	-ъ, -ларъ

Юқорида келтирилган эгалик қўшимчалари ва уларнинг турли кўринишлари учун намуналар келтирамиз: ке бэлэм, менъ мэйъзъм; энэ йуртън эмэн бо(л)-сэ; укэйъз болэмэн; элмэвузэ пьштъ, бэлэйлэ

келдъмъ, ъшьз бэ:мъ; узумъйлэ, бэғувздэ гул
коп, мэээс ѓо; экэлэръ этлэнъ мъмъп кабилар.

Шевада эгалик қўшимчаларининг қўлланилишидаги
баъзи хусусиятлар:

1. Ҳар учала шахсда ҳам эгалик категориясининг
бирлик шакли ҳозирги ўзбек адабий тилидаги ҳолатга
мос келади.

2. Биринчи шахс кўплигида эгалик қўшимчалари
бир неча кўринишларга эга бўлади: -вуз, -вузэ, -взэ,
-увуз, -увузэ. -уз, -узэ шаклларининг пайдо бў-
лиши бевосита биз олмоши билан боғланади.

3. Иккинчи шахс кўплигидаги -ъйъз, ѓз шаклла-
ри -дънъз қўшимчаси ва -йъз эса -нъз қўшимча-
сидан келиб чиққанлиги аниқдир. Чунки Тошкент ту-
ридаги шеваларда -ң ундошининг -й ундошига ўтиши
фонетик қонуниятлар нормасига киради. Мас., эйъң >
эйъз, укэыъз > укэйъз, эпэңъз > опэйъз ка-
би. Баъзан -ғъз қўшимчаси билан эгалик категория-
си ясалади: бэлағъз эйлэнсън, вэй этэм-е каби

-ъйлэ, -йлэ шаклларидаги ўзгаришлар ҳам юқо-
рида айтилган фонетик қонуниятлар, яъни -ң ундоши-
нинг -й ундошига ўтиши билан изоҳланади: -ъңлэ,
-ъйлэ, ңлэ, -йлэ. Бу икки қўшимча билан эгалик
категорияси ҳосил қилганда, сўзловчининг бошқа суҳ-
батдошларга, тингловчиларга бўлган менсимаслик, эъти-
борсизлик муносабатларини билдиради.

4. Шевада учинчи шахснинг кўплик шакли -ъ, -съ
ва -лэръ (-ларъ) қўшимчалари билан ишлатилади.

Демак, эгалик қўшимчаларининг учинчи шахс кўп-
ликда келишида бирлик ва кўплик қўшимчалари қатъ-
ий равишда фарқланмайди.

Учинчи шахс кўплигида -лэръ, -лар шаклининг
қўлланилиши бошқа эгалик қўшимчаларига нисбатан
анча кейин пайдо бўлган. Ўзбек лаҳжа ва шевалари-
да эгалик қўшимчаси кўплик шаклининг ишлятилиши
кам учрайди, ёки учинчи шахс бирликда келиб, жуфт
ҳолда қўлланилаверади. Масалан, Тошкент шевасида:
бэлэм, бэләң, бэләсъ, бэләвуз, бэләйъз,
бэл:з, бэләсъ//бэллэръ; Жиззах шевасида: бъ-
лэйъм, бълэйъз, бълэйъ//бълэйлэръ.

Тошкент шевасида охири э фонемаси билан туга-
ган сўзларга эгалик қўшимчалари қўшилганда, учинчи
шахс бирлик ва кўпликда одатдагича -съ қўшимчаси

сақланади. Лекин биринчи ва иккинчи шахс бирлик ва кўпликда эгаллик қўшимчаларидан олдин бир й ундоши орттирилади. Масалан, пəшшəйъм чъқъп корсəтъптъ, пəлгəйъз бə:мъ, пəрвəсь пəлəк каби.

Қарноб шевасида эгаллик категориясини ҳосил қилишнинг қизиқ бир тури мавжуд. Бунда эгаллик қўшимчаси ундош товушлар билан битган сўзларга -съ, -ьсь қўшимчасини қўшиш билан ҳосил қилинади ва унли товушлар билан тугаган сўзларга -съ шакли қўшиш билан юзга келади.

-ъсь, -съ қўшимчасини қабул қилувчи сўз (қаралмиш) ўзидан олдин келган сўзнинг (қаратқичнинг) кишилик олмошининг иккинчи шахс кўплигида келишини талаб қилади. Шунини ҳам қайд этиш керакки, кишилик олмоши ҳар вақт кўплик категориясининг кўрсаткичи -лə ва ундан сўнг қаратқич келишигининг шаклини олган ҳолда келиши шарт. Акс ҳолда эгаллик категориясининг бу турдаги шакли бузилади. Мас., пəрмəсь, бъзлənъ, ьшьсь каби.

Эгаллик категориясининг Қарши шеваси ҳам Тошкент ва у каби шеваларга ўхшашдир. Лекин унинг ўзига хос томонлари ҳам бор: тəмдан озум тайладим қэра козлий бир йэр учун; уйизгə бəлдълə каби.

Самарқанд, Бухоро ва Ургут шеваларида эгаллик қўшимчалари, асосан, бир хил дейиш мумкин. Булардан Бухоро шевасидаги -биз, -йиз, -и, -гиз (ҳəвлимиз, оғлийиз, ойлари:з, апаңиз каби) шакллари Самарқанд ва Ургут учун хос эмас. Улардаги умумий хусусиятларни ҳисобга олиб, Самарқанд шевасидаги эгаллик категорияси шакллари келтирамиз. Бунда сўзларнинг ўзак ва негизлари унли ёки ундош товушлар билан тугашига қараб, эгаллик қўшимчалари икки турга бўлинади.

Сўзларнинг охири унли товушлар билан тугаганда шундай қўшимчаларга эга бўлади:

Шахс	Бирлик	Кўплик
1	-и	-миз
2	-и	-низ
3	-си	-си, -лари

Сўзларнинг охири ундош товушлар билан тугаганда, эгалик қўшимчалари қуйидагича қўлланилади:

Шахс	Бирлик	Кўплик
1	-и м, -у м	-иниз
2	-и н, -у н	-иниз
3	-и	-и, -лари

Мисоллар: Мани жорам, мани раимни сарғайиши, ман озум сани жораң, йузуң-козуң демайду, отур жўййиңга, ушгаси тушти, турмэни начайлиги, ҳамамиз отурдук, екэвимиз бэрамиз, еболаңизни элай... гуноҳиңиз коп, эдамлар жўйларига отурдила.

Жадвал ва мисоллардан кўришиб турганидек, Самарқанд шеvasида биринчи ва иккинчи шахс бирлик шаклида -ум, -уң қўшимчаларининг ишлатилишини қайд этиш мумкин. -ум, -уң қўшимчалари Бухоро шеvasига хос хусусият саналади

Иккинчи шахс бирлик (-иң, -иң) ва кўплик (-иңиз, -иң) қўшимчалари н ундошидан кейин қандайдир билнар-билинас г ёки к ундошларидан бирининг талаффузида учраши сезилиб туради. Буни шартли равишда ярим г ёки к деб аташ мумкин. Масалан, а к аңгиз, о д а м иң г, и ш иң г каби.

Умуман, Самарқанд шеvasидаги эгалик қўшимчалари гаркибидаги унли фонемаларнинг бироз чўзиқ талаффуз этилиши ва турғун ҳолатга эга эканлигини қайд этиш мумкин.

Қипчоқ лаҳжасида эгалик категориясини ҳосил қилувчи қўшимчалар хилма-хил бўлиб, турли кўринишларда бўлади. Улардаги қўшимчаларнинг бунчалик кўп бўлишини ҳеч қайси шевада учратмаймиз. Қипчоқ шеваларидаги асосий қўшимчалар ва уларнинг кўринишлари қарийб олтмишга яқиндир. Уларнинг миқдори жиҳатидан кўп бўлишига сабаб қипчоқ шеваларида оҳангдошлик ҳолисасининг мавжудлиги, ўзак ва негизларнинг қаттиқ ва юмшоқ ҳолатга эга бўлиши кабилар билан изоҳланади. Буни аниқроқ тасаввур этиш учун қипчоқ шеваларидаги қўшимчалар ва уларнинг кўринишларини тубандагича кўрсатиш ўринлидир:

Ҷазн-пегнз		Шажс	Уннлар билан тугаганда		Ундоллар билан тугаганда	
			Бнрлнк	Куплнк	Бнрлнк	Куплнк
Лабланмаган	қаттнк	1	-м	-мыз	-ым	-ымыз
		2	-н	-ңыз	-ын	-ыңыз
		3	-сы	-лары	-ы	-лары
Уннлар	юмшоқ	1	-м	-миз	-им	-имиз
		2	-н	-низ	-ин	-иниз
		3	-си	-лари	-үн	-лари
Лабланган	қаттнк	1	-м	-мыз	-ум	-умуз
		2	-н	-нуз	-ун	-унуз
		3	-си	-лары	-ун	-лары
Уннлар	юмшоқ	1	-м	-муз	-үм	-үмуз
		2	-н	-нуз	-үн	-үнүз
		3	-су	-лари	-үн	-лари

Намуналар атама минэн кэлдим, сөзун қаттыма ишим болды, байдың қой-эчкиси, биздин балаларымыз кэлди, өзүм келдим, сизди жэриниз, уларды үйлэри, уны ким нэри бар каби.

Қипчоқ гуруҳидаги айрим шеваларда хусусий айырмалар ҳам бор Масалан, -су, -сү, -дары, -дэри, -тары, -тэри қўшимчалари фақат Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманига қарашли қипчоқ шевасига хосдир.

Ўғуз лаҳжасида эгалик қўшимчаларининг қўлланилиши қипчоқ шеваларидагига ўхшашдир. Бу биринчи навбатда оҳангдошликнинг мавжуд эканлигида кўзга ташланиб туради.

Мазкур шева материалларида сўзларнинг ўзак ва негизларидаги қаттиқлик ва юмшоқлик ҳолатлари ҳисобга олинган ҳолда эгалик қўшимчаларининг бир қанча шакллари қўлланади. Баъзан унлиларнинг лабланган ҳолатда бўлиши ҳам учрайди. Масалан, ду:зуң, гөззиң каби.

Ўғуз лаҳжасидаги эгалик шакллари аниқроқ тасаввур қилиш учун қуйида уларнинг жадвалини берамиз ва баъзи мисоллар келтирамиз.

Ўзак/негизлар	Шахе	Унилар билан тугаганда		Ундошлар билан тугаганда	
		бирлик	кўplik	бирлик	кўplik
қаттиқ	1.	-м	-миз	-ым	-ымыз
	2.	-н	-ныз	-ың	-ыңыз
	3.	-сы	-лары	-ы	-лары
юшшоқ	1.	-м	-миз	-им	-имиз
	2.	-н	-низ	-иң	-иниз
	3.	-си	-лари	-и	-лари

Мисоллар: атамнан-энәмнән зыйат гөрэнди; йара коңлим гетмийди; аёа қолым чықышмийди; атын сағрысына; базара бэрэңыз, гэззуңни ойуп барасан, деди кабилар.

Булардан ташқари, қаратқич-тушум (қорлуқ-чигил-уйғур) лаҳжаси ёки тушум (қипчоқ ва ўғуз лаҳжаси) келишиклари шакллари -ни > -нъ > -дъ > -тъ қўшимчаларига -нъ > -къ қўшимчасини қўшиш орқали, яъни -ники, -нъкъ, -дъкъ, -тъкъ қўшимчаси билан юзага келади. Уләнъкъ девэтгъ; бьззъкъгә ке(л,сән (Тошкент); маңа, туриң, навбат сизники, деди (Самарқанд); эт бьлән мьшъқ пэдшэникъгә кепти (Наманган); мен аламкинә варып гэлэмән (ўғуз); бэлалар мэхмэникигә кэтту, эт камдики, миэңдики дэгәннәр (қипчоқ) кабилар.

10-§. Кўplik категорияси

Отларнинг кўplik шакли турли хил кўplik қўшимчалари ёрдамида юзага келади. Айрим туркий тилларда кўplik ясовчи кўрсаткичларнинг сони унтагача етади, баъзан ундан ҳам ортиқ бўлади. Лекин уларнинг аксарияти -лар, -лэр, -ла, -лэ кўрсаткичлари отларнинг кўплигини ҳосил қилиш учун хизмат қилади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида эса кўplik кўрсаткичи учун фақат бир шакл, яъни -лар шакли қўлланилади.

Ўзбек лаҳжа ва шеваларида ўзларига хос хусусиятлар мавжуд. Уларда кўplik кўрсаткичлари бир қанча кўринишларга эга бўлади. Кўplik кўрсаткичининг сон жиҳатидан хилма-хил бўлиши ўзбек халқ шеваларидаги ассимиляция, оҳангдошлик каби фонетик ҳодисалар билан изоҳланади. Уларнинг деярли ҳаммасида -лар, -лэр, -ла// -лэ қўшимчасидан бирининг қўлланишини кўрамыз. Булардан ташқари, турли фонетик

Ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган кўплик категориясининг бошқа хил кўринишлари ҳам учрайди. Айниқса, қипчоқ ва ўғуз лаҳжаларидаги бундай кўрсаткичларнинг миқдори 8—10 гача етади.

Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасидан Андижон шева-сида, қипчоқ ва ўғуз лаҳжаларида кўплик қўшимчаси -лар, -лэр билан ҳосил қилинади. Демак, бу шевалар материалларида ўзак ва негизларнинг қаттиқ-юмшоқлиги ҳисобга олинади. Бу кўплик кўрсаткичи отлар ёки отлар ўрнида келган сўзларнинг ўзагига ёки сўз ясовчи қўшимчалардан сўнг қўшилиб келади. Айниқса, кишилик олмошларининг биринчи, иккинчи, учинчи шахс кўплик шаклларига қўшилиб келиши кўпроқ учрайди. Бу -лар// -лэр қўшимчаси ва уларнинг бошқа турли кўринишлари учун баб-баравар ҳолда келади: не кун лэр башъмъзгэ тушмэдъ, эдамлар кельшъ (Андижон); пахталар молық болды (қипчоқ), бизлэр қызыкымыздэн сатып эдик, азандэки на: ны маллар вәрдинэ (ўғуз) кабилар. -лар қўшимчасининг қаттиқлик (-лар) ва юмшоқлик (-лэр) кўринишлари Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари ва „Девону луғотит турк“ да мавжуд. Кўпликнинг тўла шакли Марғилон, Самарқанд, Қўқон, Ўш, Фарғона каби шеваларда қуйидагича қўлланилади: тэг нымэлэр дъйдъ йэ (Фарғона); эвт жой лэр (Қўқон); бизлар ҳаммамиз отурдик (Самарқанд); бъзлэр бълъкъ звыгэ бэрдък (турк) каби.

Тошкент, Бухоро, Шаҳрисабз, Каттақўрғон, Жиззах, Қарши, Ургут шеваларида кўплик кўрсаткичининг тўлиқ шакли қаттиқ ва юмшоқ қўлланилади, фақат эгалик қўшимчаларидан олдин бу қўшимчанинг тўлиқ ҳолати келиши мумкин. Масалан, йэрлэръ, бузэрлэрънъ, ме: мэнлэръ каби.

Юқоридаги шеваларда -лар, -лэр қўшимчасининг охиридаги р ундоши ўзининг кам титраши сабабли кучsizланади, баъзан тушиб қолади. Натижада -лэр> -лэ ҳолатига эга бўлади, яъни -лэ деб қўлланилади: булэ ҳэр кунъ кельшгэн (Тошкент), ме: мэнла келли чэқи (Бухоро), бъзлэ эслъ орътепэлъй болэмъз (Жиззах), энэмлэмэ: маңна кетгъдэ (Қарши), силэ эвал кельңла (Ургут) кабэ.

Юқорида кўплик қўшимчаси тўлиқ қўлланилувчи, яъни -лэр билан келувчи шевалардан Қўқон ва турк шеваларида -лэ қўшимчаси билан келади: сълэ

мънән ... (Қўқон), бузэгла келдъ эдэмлә рэ-
вэтгә еннъ (турк) каби.

-лә қўшимчасидан сўнг келишиқ қўшимчалари қў-
шилганда ҳам, кўплиқ охиридаги р ундоши қайта тик-
ланмайди, яъни унинг тўлиқ шакли намоён бўлмайди.
Масалан, бър кун чэл улэгә дептъ (Тошкент); бэ-
лэләнъ ышләръ коп (Каттақўрғон); уләнъ тэмэр-
қә йърләрън олчәп тәпшърълдъ (Қарноб); дарахла-
дан барла чушъпту (Қарши) каби.

Умуман, -ла қўшимчасидан сўнг фақат бир ҳолда-
гина, яъни эгалиқ қўшимчасидан олдин келгандагина
кўплиқ таркибидаги р ундоши қайта тикланади. Узи-
нинг тўлиқ шаклига эга бўлади. Масалан, падарла-
рийа нағлат, йерганийа ем босун (Қарши); ошедды
бачалари жуда шум бўладу (Ургут); қъзләрънъ
сочи узун экән (Шаҳрисабз); уләрнъ пәхтәләръ
(Тошкент) кабилар.

Кўпгина шеваларда -лә кўрсаткичи ҳурмат маъно-
сини билдириш учун ҳамда яққа шахс учун қўллани-
лади. Масалан, экәмлә, эдәмлә (Тошкент), ул
къшъ эқувчълә, кесъллә (Фарғона) каби. Бундай
хусусиятлар Наманган шевасида ҳам учрайди.

-ләр қўшимчаси тўлиқ ҳолати ва ўзгариб, -лә тар-
зида келишидан ташқари, бошқа хил фонетик ўзгариш
ҳам мавжуд. Натижада сўзларнинг ўзак ва негизлари-
да тил орқа қаттиқ ундошлар бўлса, -нар ва сўзлар-
нинг ўзак ва негизларида тил олди юмшоқ ундошлар
келса, -нәр қўшимчаси ҳосил бўлади. Бу қипчоқ лаҳ-
жаси учун хосдир, қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасидаги
айрим шеваларда эса фақат -нәр қўшимчаси келади:
эттәминән адамнарды үйдән тавып бомайды; мал-
лар экиннәрди жәп кәтти (қипчоқ); озъйнәр бәръй-
нәр (Фарғона), озъйнәр кельйнәр (Андижон); ешән-
гә кыз тәпширмәй эльңнар (Марғилон) кабилар.

-ләр фонетик ўзгаришига қараб, -ләр, -әр шак-
лида ҳам қўлланилади. -ләр кўрсаткичининг -әр
шаклида қўшилишида сўз, айниқса, унинг охиридаги
з ундошининг таъсири туфайли юз берган деб қараса
тўғрироқ бўлади. Мисоллар: бизәр кечқурун кела-
миз; бизарниқи; бизарди (Самарқанд); бугун
бъзәр ышъмъздәйм қълдъй (Жиззах); бъзәр ҳэ-
зър ышләпмъз (турк) каби.

Тошкент, Қўқон, Жиззах, Каттақўрғон, Қарноб, Ур-
гут каби қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасида ва ўғуз лаҳ-

жасида кўпликнинг -э кўриниши мавжуд бўлиб, қипчоқ лаҳжасидаги шеваларда ишлатилмайди. Чунки, уларла -э қўшимчасининг ўрнида -эр қўлланилади. Шунини айтиш керакки, -эр, -нэр, -нэ қўшимчаси кўплик кўрсаткичи сифатида ишлатилган шеваларда -э қўшимчасининг қўшилиши умуман учрамайди ёки кам учрайди.

Ўзбек лаҳжа ва шеваларида кўплик кўрсаткичлари турли кўринишларга эгадир. Уларнинг кўплари ёзма ёдгорликлар билан бир хил бўлиб, айримлари эса ёдгорликларда учрамайди. Жумладан, қадимги ёзма ёдгорликлар, Навоий ва унинг замондошлари асарлари тилида қўлланилган -лар, -лэр қўшимчалари Самарқанд, Фарғона, Андижон, Қўқон, Марғилон, турк каби қорлуқ-чигил-уйғур ва қипчоқ лаҳжаларида ҳам асосий қўшимча бўлиб хизмат қилади.

11- §. Олмош. Олмош тўғрисида бир неча сўз

Олмошлар бошқа сўз туркумлари (от, сифат, сон) ўрнида қўлланилиб, умумий маънога эга бўлади. Уларнинг маъноси нутқ жиҳаёнида, гап ичида аниқланади. Бу жиҳатдан олмошлар от сўз туркумига яқин туради. Чунки отларнинг ҳам катта бир қисми умумий номларни, воқеа-ҳодисалар ва нарсалар ҳақидаги мавҳум тушунчаларни билдиради. Олмошлар дастлаб отлар ўрнида қўлланилиб, уларнинг ўрнида келади. Отлар гап тузишда келишик, эгалик, кўплик ва кесимлик қўшимчаларини олиб ишлатилгани сингари, олмошлар ҳам ана шундай категорияларни ҳосил қилувчи қўшимчаларни қабул қилиб, турли вазибаларни бажаради. Сифатлар ва сонлар эса бундай хусусиятга эга бўла олмайди. Сифат, равиш, феъл, сифатдошлар эса фақат отлашиб келгандагина турлана олади, холос.

Ўзларининг вазибалари жиҳатидан бошқа сўз туркумларига нисбатан отга яқин бўлганлиги сабабли олмошлар, айниқса, кишилик олмошлари гапнинг барча бўлақлари вазибасида кела олади. Кўрсатиш олмошлари гапда ҳам эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи вазибаларини бажаради. Бунинг учун отлашиши ва турли қўшимчаларни қабул қилиши лозим.

Шундай қилиб, олмошлар орасида ўзларининг қўлланилиш доираси, маъно хусусиятлари ва бажариб келган вазибалари билан кишилик ва кўрсатиш олмоши

алоҳида ажралиб туради. Улар ўзбек халқ шевалари материалларида ҳам хилма-хил кўринишларга эга бўлиб, ўз шаклларининг тарқалиш доираси, қўлланилиши, маъно хусусиятлари билан бир-бирларидан фарқланади.

Кишилик ва кўрсатиш олмошларининг кўпгина шакллари қадимги ёзма манбаларда ҳам ўз ифодасини топган. Уларнинг айримлари эса ёзма ёдгорликларда қайд этилмаган бўлиб, фақат шеваларда кенг тарқалган бўлиши ҳам мумкин. Чунки ёзма манбалар, айниқса, энг қадимги манбаларда ўзбек тилининг ҳамма таркибий қисмлари олинган эмас.

12-§. Кишилик олмошлари

Кишилик олмошлари умумий маъно, мавҳум тушунчани билдириб, нарса ва уларнинг белгиларини кўрсатмайди. Уларнинг дастлабки шакллари тарихий-этимологик жиҳатдан бе//би, се//си ўзаклари билан боғланади. Буни „Қадимги туркий ёзма ёлгорликлар“ (1951), „Ҳозирги замон ўзбек тили“ (1957), „Ўзбек диалектологияси курсидан материаллар“ (1962), „Ўзбек диалектологияси“ (1962), „Ўзбек тилининг ғарбий Самарқанд шевалари“ (1977) каби манбаларда кузатиш мумкин.

Ўзбек халқ шеваларида кишилик олмошларининг қўлланилишида фақат алабий тил эмас, балки шевалар аро умумий ва фарқли томонларнинг мавжудлиги кўзга ташланиб туради. Бундай хусусиятлар ўзбек халқ шевалари учун хос бўлган фонетика, грамматика ва лексика соҳасидаги хилма-хилликлар билан изоҳланади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги мен, сен, у, биз, сиз, улар кишилик олмошлари ҳозирги ҳолатга етганга қалар турли мураккаб фонетик ўзгаришларни ўз бошидан кечириб келган. Масалан, уларда б, м ундошларининг ўрин алмашуви, биринчи ва иккинчи шахс бирлик шаклларидаги бирликни ифодаловчи н ва шу шахсларда кўпликни билдирувчи э унсурининг мавжудлиги, учинчи шахс бирлик ва кўпликдаги р ундошининг тушиб қолиши кабилар шулар жумласидандир.

Ўзбек халқ шевалари кишилик олмошларининг қўлланилишига тааллуқли баъзи ўзига хос томонлар қуйида баён этилади:

ларида ана шу шакллардан фойдаланишни афзал кўрадилар. Минг афсуски, бу дикторлар, журналистлар ва олимларимиз нутқида ҳам тез-тез учраб туради. Ҳақиқатда эса буни ўзбек адабий тили нормаси учун ижобий ҳодиса деб ўйлаш нотўғридир. Чунки булар шеваларга хос хусусият бўлиб, ҳозирга қадар айрим зиёлилар, жумладан тилшуносларда ҳам учраб туриши ғалати бир ҳолдир. Лекин баъзи шаҳар шевалари ва уларга ўхшаш шеваларда юқоридаги ҳолатдан фарқ қилган ҳолда, адабий тилдаги сингари қўлланилади. Масалан, Андижон, Ўш ва Фарғона типли баъзи шеваларда кишилик олмошларининг I ва II шахс бирликлари адабий тилдаги сингари мен, сен деб қўлланилиши ва бу жиҳатдан ҳам адабий миллий тил билан мослик борлиги кўзга ташланиб туради.

Андижон шевасида: ат сенъ коруп къшнейдъ, мен аттан чушей (тушей), сен аттъ секънлэтиб йўрәсен; менъ кътэпъ м; Ўш шевасида: менъ эмәлъ м шу сәййт. . . , сенгә, дедъ ъккъ мәрэтбә, ъккъ мън тәнгә ънхэм кълдъ м, менъ декәнъ мгә бу дъ:қән кърдъ, къзъл эрсъда мен сенъ көрпъ қәлдъм.

Шу нарсани қайд этиш керакки, бундан 15 — 20 йиллар илгари мен ва сен кишилик олмошлари фақат қипчоқ шеваларига хос деган фикр анча турғун эди. Шевашунослик материалларининг таҳлили эса бу фикрнинг нотўғри эканлигини кўрсатади. Чунки кишилик олмошларидаги бундай хусусият қорлуқ-чигил-уйгур лаҳжасидаги қатор шевалар учун ҳам хос эканлиги аниқланди. Лекин бундан кишилик олмошларининг I ва II шахс бирликлари (мен, сен) бошқа шаҳар ва шаҳар типидagi шеваларда қўлланилмас экан деган хулоса келиб чиқмаслиги лозим. Чунки шевалар тобора кўпроқ текширилиши билан янги-янги тил ҳодисалари аниқланиб бориши, шубҳасиздир.

Кишилик олмошларининг I ва II шахс бирлик шакллари шимолий ўзбек шеваларидан ҳисобланган Қорабулоқ ва Манкент шеваларида ман, сан ва мен, сен кўринишларида учрайди.

Кишилик олмошлари I ва II шахс бирлик шакллари (мен ва сен) нинг ишлатилиши „Ўзбек диалектологияси“ дарслигида ҳам қайд этилган.

Шундай қилиб, кишилик олмошларининг I ва II шахс бирлик шакллари нинг мен, сен деб қўлланилиши қипчоқ шевалари билан бир қаторда Андижон,

Ўш, Фарғона, Қорабулоқ, Манкент каби шевалар учун ҳам хосдир.

Шеваларнинг баъзилари (Қорабулоқ, Манкент) ўзларида ўғуз тили айрим унсурлари сақланиб қолганлигига қарамасдан, Тошкент ва Намаиған типидagi шевалар билан мустақкам боғлангандир. Шунга мувофиқ Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Каттақўрғон, Қарши, Бухоро, Шаҳрисабз, Андижон, Фарғона, Марғилон, Ўш, Қорабулоқ, Манкент каби шеваларнинг ҳаммаси гарийхий жиҳатдан битга лаҳжа — қорлуқ-чигил-уйғур гуруҳини ташкил этади. Буларда ўзаро бирлик, умумийлик ва бир-биридан фарқлар, ўзига хос хусусиятлар борлиги кўзга ташланиб туради.

Кишилик олмошларининг I ва II шахс бирлик шакллари Найман, сарой, манғит, қўнғирот, хитой, минг, қатағон, қирқ, жўш, хонжигали, юз, қозоқ каби қипчоқ гуруҳи шеваларида мэн, сэн деб қўлланилади: мэн ба- зардан мэндек алдым, мэни ишим көбэйип көтти, сэн көлдинмэ, сэни көрэмэн дөвдым, бул мэлим мэни оқытқан, сэни жоқлап көвдим каби. Мэн, сэн шакллари ҳамма қипчоқ шевалари учун умумийдир.

I ва III шахс бирликдаги мэн, сэн олмошлари сифат жиҳатдан Андижон, Ўш, Манкент, Иқон каби қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасига кирувчи шевалар ва қипчоқ шевалари адабий тил билан мос келади. Бу ҳолат юқоридаги шеваларнинг ўзбек адабий миллий тили нормасида ўз аксини топганлигини кўрсатади. Бундан ташқари, адабий тилимиздаги кишилик олмошларининг (мэн, сэн) тарихий тараққиёт йўлларини аниқлашда ҳам юқоридаги шеваларнинг материаллари алоҳида аҳамият касб этади. Бу, айниқса, қипчоқ шеваларидаги бундошининг мундошига ўтишида яққол кўзга ташланиб туради. Юқоридаги каби ҳодисалар биринчи шахс материаллари бўла олади.

III шахс бирлик шакли Қарноб ва турк шеваларида адабий тилдагидан фарқ қилгани ҳолда, ул деб қўлланилади. Самарқанд, Каттақўрғон ва бошқа қорлуқ-чигил-уйғур шеваларида эса адабий тилдаги каби у билан ишлатилади.

Кишилик олмошларининг III шахс бирликда қўлланилиши жиҳатидан Тошкент, Қўқон, Андижон, Фарғона, Қарши, Бухоро, Паркент, Уйчи, Ўш, Турк-барлос шевалари ҳам адабий тилдаги билан бир хил, Жиззах,

Қорабулоқ, Ҳиёзбоши шевалари эса Қарноб шеваси билан ўзаро мос келади.

Қипчоқ шеваларида кишилик олмошларининг III шахс бирлиги у (о), ул (ол) шаклларида қўлланилади: у чығама, кимул, инэ уңа қара, улам қоймас, оның қолы кабы.

Кишилик олмоши учинчи шахс бирлик шаклининг ул деб қўлланилиши ўзбек тилининг тарихий ёзма ёдгорликларида ҳам марказий ўринни эгаллайди: Ул ана қарлуқлади (у у кишини қарлуққа нисбат берди, яъни қарлуқ деб атади), улани ёғилади (у уни душман деб ҳисоблади) (Маҳмуд Кошғарий).

Ул санамким, сув яқосинда паритек ўлтурур,
Ғоятн нозиклигилан сув бирла ютса бўлур.

(Атойи)

Юқоридаги қипчоқ на баъзи қорлуқ-чигил-уйғур шеваларида ул олмошининг мавжудлиги унинг тарихийлигини исботлашга ҳам ёрдам беради.

Жўш ва Водил каби шеваларда яна в товуши ҳам орттирилиб, во шаклида қўлланилади. Бу шеваларда в ундошининг орттирилиши у унли товушининг лабланиш хусусиятидан ҳосил бўлган деб қараш лозим.

Ғарбий Самарқанд шеваларида кишилик олмошлари кўплик шакллари ҳам турли хил кўринишларга эга бўлади. Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасидаги шеваларда:

а) кишилик олмошларининг III шахс кўплиги улэ саналади. Шевалардаги фонетик ўзгаришлар натижасида р ундошининг кам титраши билан боғлиқ ҳолда тушиб қолади. Бу хусусият кўпчилик шеваларга хос фонетик қонун бўлиб, қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасига кирувчи Тошкент, Самарқанд, Қарши, Шаҳрисабз, Турк, Жиззах каби шеваларнинг деярли ҳаммасида учрайди.

б) I ва II шахс кўплиги ўзбек адабий тилидаги шакллардан кам фарқ қилади, яъни бъз (биз), съз (сиз) леб ишлатилади. Бу кишилик олмошларининг кўплик қўшимчалари -лэ ва -э кўрсаткичларини қабул қилади: бъзлэ, бъзэ, съзлэ, сълэ. II шахс кўплик қўшимчасини қабул қилганда, унинг таркибидаги икки ундош тонув тушиб қолади: съзлэр, съзлэ, съзэ. Бу шакл ўзбек тилининг қорлуқ-чигил-уйғур шеваларининг кўпи учун умумий бўлган хусусиятдир. Шунини айтиш керакки, бъз кишилик олмоши

кўплик кўрсаткичини (-лэ) қабул қилганда. Қарноб шеvasида қаратқичли бирикмаларда қаратқич қаралмиш билан ўзаро мос келиши ҳолати бузилади: б'эзлэнь х'эвл'эсь (бизнинг ҳовлимиз), б'эзлэнь п'эрмэсь (бизнинг фермамиз) каби.

І шахс кўплигидаги биз кишилик олмошининг тўлиқ кўриниши Тошкент, Қўқон, Жиззах, Қарши, Андижон, Фарғона, Ўш, Каттақўрғон, Самарқанд, Ургут, Қарноб, Пайшанба, турк-барлос каби шеваларда ҳам мавжуд. Бироқ, бу шевалар кўпликни англатишига кўра, бир-биридан фарқ қилиб туради. Тошкент, Қўқон, Каттақўрғон, Жиззах, Қарноб, Пайшанба каби шаҳар ва шаҳар туридаги шевалардаги б'эзэ, б'эзлэ олмошларидаги -лэ, -э кўплик кўрсаткичларининг кўплик шакли бўлган -лэр (-лар) қўшимчасининг турли кўринишлари деб қараш керак. Чунки юқоридаги шеваларда -лар қўшимчаси б'эз ва с'эз олмошларига қўшилганда, -а, -лэ вариантлари шеваларда б'эзэ, б'эзлэ шакллари нутқда (оғзаки нутқда) фаоллиги билан ажралиб туради. Юқоридаги шакллар бирликни англатган ўринларда мағрурлик ёки камтаринлик маъноларини билдирганларида, ўзбек адабий тилидаги биз олмошига нисбатан фарқланади. Бу фарқ, асосан, б'эз, б'эзэ ва б'эзлэ олмошларининг услубий бўёқлигидадир. Биз олмоши адабий услубни, бошқалари оддий сўзлашув нутқ услубини кўрсатади. Бу жиҳатдан Андижон шеваси бошқа қорлуқ-чигил-уйғур шераларидан фарқланади ва адабий тилдаги сингари б'эз, с'эз, б'эзлэр, с'эзлэр деб тўлиқ талаффуз этилади ва таъкидлаш маъносини ифодалайди.

Шевалардаги кишилик олмошларининг маъно доирасига назар ташласак, уларнинг ҳар бирида томонлар мавжудлигини кўрамыз:

а) б'эз, б'эзлэ, б'эзэ ва с'эзлэ, б'эзэ, с'эзлэ олмошларининг ишлатилиши шаҳар ва шаҳар атрофи шеваларининг ҳаммаси учун ҳар бир хилда хосдир. Улар, асосан, сўзловчининг нутқи қаратилган жамоани эътиборга олишни биринчи ўринга қўйганлигини янада аниқлаштиради;

б) сенлэ, сенлэр II шахс кўплик шахсларида қўлланганда, сўзловчининг нутқи қаратилган объектга бўлган муносабатини (оддийлик, назар-писанд қилмаслик каби) англаиб келади. Бу олмошлар Тошкент, Туркистон ва Чимкент каби шеваларда мавжуд.

Умуман, шевалардаги сен, сэн, сьз, сьлэ, сьзэ, сьзлэ шакллари тубандаги маъно фарқларига эга:

Сен, сэн — бир шахсга нисбатан қўлланилади.

Сиз — бир шахсга нисбатан ҳурмат маъносида қўлланилади.

Сенлэ, сенлэр — жамоага нисбатан оддий ва менсимаслик муносабатини билдиради.

Сьзлэ, сьзэ жамоага нисбатан ҳурмат маъноси-ни билдиради

Сьлэ — жамоага нисбатан ҳурмат маъноси бир-мунча кучсизроқ эканлигини кўрсатади.

Кишилик олмошлари содда шаклла келганда, иш-ҳаракатнинг аниқ бир киши томонидан бажарилмаслиги, умуман бажарилишини кўрсатади. Олмош қўшма ҳолда келганида эса (гап ўзлик олмоши тўғрисида борди) иш-ҳаракатнинг аниқ бир шахс томонидан бажарилганлигини англатиб туради. Қуйидаги икки мисолни чоғиштириб кўрайлик:

1. Ул оғдъгэ хэг йэзду.

2. Унъ озъ оғдъгэ хэг йэздъ//йэзду (Қарноб).

Биринчи гапда хатнинг ким томонидан ёзилганлиги аниқ эмас, иккинчи гапда эса хатни биров эмас, балки унинг ўзи ёзганлиги аниқ кўриниб турибди.

Қипчоқ гуруҳини ташкил этувчи шеваларда эса кишилик олмошлари I шахс кўплиги биз, бизэр; II шахс кўплиги сиз, сизэр, силэр; III шахс бирлиги ол ва кўплиги улар > волар//олар тарзида ҳам учрайди. Бизэр, сизэр, силэр услубий бўёқнинг оддий сўзлашув нутқи услубини билдиради ва бир-мунча фаол ишлатилади: сизэр уйгэ бэрасызарма бизэрди ишимиз патти; улар пэхтэ (чигит) экин болды; силар барып кэннэр, биз қышты ҳэлийэм ғазапайа жағамыз; иш минэн бол сизди көпдэн бэр-мэн көрмөвдим; кун қызып кэтип эларам жоғалып кэтти; улар дэлэдэ мэйнэт қылады каби.

Самарқанд вилоятининг шарқий қисмидаги қипчоқ шевалари эса биз ва сиз кишилик олмошлари кўплик кўрсаткичини қабул қилмайди, улар, асосан, -лар кўрсаткичисиз ишлатилади.

Қипчоқ лаҳжасидаги шакллари туркий тилларнинг қипчоқ гуруҳига кирувчи баъзи тиллар билан қиёс қи-

лишни ўринли деб ҳисоблаймиз. Бу лаҳжадаги биз олмошидан ташқари, яна қардош қорақалпоқ тилида биз лэр, қозоқ ва қирғиз тилларида биз дэр шакллари ҳам қўлланилади. Шунингдек, қозоқ тилида сиз ва сизлар, қорақалпоқ тилида сиз ва сизлар жуфғ ҳолда ишлатилади. III шахс кўплигида ҳам қипчоқ шевалари билан қозоқ ва қорақалпоқ тилларида ўзаро мослик мавжуд. Чунки қипчоқ шеваларидаги о (бирлик) ва олар (кўplik) олмошлари қозоқ ва қорақалпоқ тилларида ҳам худди шундай кўринишга эгадир. Шунингдек, қипчоқ шеваларида III шахснинг кўплиги улар шаклида ҳам қўлланилади.

Шундай қилиб, қорлуқ-чигил-уйғур ва қипчоқ лаҳжалари шеваларидаги кишилик олмошлари ўзбек адабий тили ва бошқа қардош тиллар билан қоғштирилганда, қуйидагича ҳолат юз беради:

Бирлик

Шахс	Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси	Қипчоқ лаҳжаси	Ўзбек адабий тили	Қозоқ тили	Қорақалпоқ тили
1.	мэн	мэн	мен	мен	мен
2.	сэн	сэн	сен	сен	сен
3.	у (ул)	у (ол)	у	ол	ол

Кўplik

Шахс	Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси	Қипчоқ лаҳжаси	Ўзбек адабий тили	Қозоқ тили	Қорақалпоқ тили
1.	сьз	биз, бизэр	сиз	биз, биздэр	биз, бизлар
2.	сьз	сиз, сизэр	сиз	сиз, сиздэр	сиз, сизлар
3.	улэ	улар, олар	улар	олар	олар

Бу ўринда қипчоқ шеваларига хос баъзи томонларни қайд этишга тўғри келади. Кишилик олмошларининг ҳар учала шахсидаги бирликларига жўналиш келишигининг қўшимчаси -га қўшилганда, шеваларда икки хил ўзгаришнинг юз бериши кўзга ташланади:

а) Сарой, Хитой, Манғит, Найман, Минг, Жалойир, Юз, Уч, Уруғ каби шеваларда мэнэ, сэнэ, уна деб қўлланилади. Биз шундай хусусиятнинг М. Кош-

ғарийнинг „Девону луғотит турк“ асарида ҳам фаол қўлланилганлигини қайд этишимиз мумкин;

б) Қирқ. Туёқли, Хонжигали, Ғаллаорол, Бахмал каби шеваларда у маған//мэгән, саған//сэгән, уған//оған шаклларига эга бўлади. Бу хилдаги ўзгариш Оҳангарон водийсидаги қурама шевалари учун хосдир. Сўнги хусусият қозоқ тили учун ҳам нормал ҳолат саналади. Бундаги фарқ шундан иборатки, қозоқ тилида маған, саған, оған олмошлари мавжуд бўлиб, унинг юмшоқ вариантлари бўлган мэгән, сэгән, үгән учрамайди. Аслини олганда бу ўзгариш фонетик ҳолатлар билан боғлиқ бўлиб (ман + ға, мән + гә, сан + ға, о + н + ға каби), сўнгра мураккаб метатеза ҳодисаси юз берган (ма + ғ + ан, мә + г + ән, са + ғ + ан, о + ғ + ан сингари).

Кишилик олмошлари шахсларни кўрсатиш билан бир қаторда, кесимлик қўшимчалари вазифаларида ҳам қўлланилади. Бундай ҳолда келганла. улар фонетик ўзгаришга учрайди. Бу қорлуқ-чигил-уйғур шеваларида қуйидагича кўринишга эга бўлади:

1. Кишилик олмошларининг I ва II шахс бирликлари (мән, сән) кесимлик қўшимчаларининг I ва II шахс бирликларига (-мән, -сән) шакл жиҳатдан мос келади.

2. Кишилик олмошининг III шахс бирлиги у, ул шаклида қўлланилади.

Кесимлик категорияси эса III шахс бирлигида кўрсаткичга эга эмас.

3. Кишилик олмошининг III шахс кўплиги улә ҳисобланади.

Кесимлик категорияда эса III шахс кўплиги кесимлик қўшимчасининг III шахс бирлигига тенг бўлади, яъни III шахс кўплигининг қўшимчаси ҳам нолга тенг бўлади.

4. I шахс кўплигида кишилик олмоши учун б'эз қўлланилади. Кесимлик категориясида эса -б'эз, -в'эз, -м'эз каби бир қанча кўринишларга эга бўлади.

5. Кишилик олмоши билан кесимлик қўшимчасининг II шахс кўплиги бир шаклда келади.

Кишилик олмошлари ва кесимлик қўшимчаларининг қўлланилишига доир баъзи мисоллар: Мән жувәбгәр + мән, сән жувәбгәр + сән, ул (у) жувәбгәр, б'эз жувәбгәрм'эз//б'эз жувәбгәр + б'эз, с'эз жувәбгәр + с'эз, улә жувәбгәр.

Кишилик олмошлари ва кесимлик қўшимчаларининг чоғиштирма схемаси

Шахс	Бирлик		Куплик	
	Кишилик олмошлари	Кесимлик қўшимчалари	Кишилик олмошлари	Кесимлик қўшимчалари
1.	мэн	-мэн	бъз	-мъз, -въз, -бъз
2.	сэн	-сэн	съз	-съз
3.	у (ул)	—	улэ	—

Шеваларда кўп вақтларда кесимлик қўшимчалари туширилиб қўлланилади: мэн жувэбгэр, сэн жувэбгэрсэн, бъз жувэбгэр, съз жувэбгэр, ул жувэбгэр каби.

Кишилик олмошлари -дэк қўшимчаси билан ҳам келади:

Шахс	Бирлик	Куплик
1.	мэндэк	бъздэк
2.	сэндэк	създэк
3.	ундэк//үндэк	улэдэк

Қипчоқ гуруҳи шеваларла кишилик олмошлари ва кесимлик кўринишларининг қўлланилиши, асосан, адабий тилдаги ҳолатга мос келди. уларнинг сингармонизм ҳодисаси билан боғлиқ ҳолда қўшимчалари адабий тилдагидан кўпроқ кўринишларга эга бўлиш ва кўп ҳолларда тушириб қолдирилишини қайд қилиб ўтишга тўғри келади:

Шахс	Кишилик олмошлари	Кесимлик қўшимчалари	Кишилик олмошлари	Кесимлик қўшимчалари
1.	мэн	-мэн	биз, бизэр	-миз
2.	сэн	-сэн	сиз, сизэр, силэр	-сиз
3.	у (ул)	—	улар	—

Шундай қилиб, ўзбек адабий тилидаги кишилик олмошлари мен, сен, у, биз сиз, улар ҳозирги ҳолатга етганга қадар бир қанча фонетик ўзгаришларга дуч келган. Булардан I шахс бирлиги ўзбек тилининг қалимги ёзма ёлгорликларида бэн шаклида ҳам қўлланилган. Навоий ва унинг замондошлари асарларида кишилик олмошларининг I ва II шахс бирлик шакллари мен ва мэн, сен ва сан деб ишлатилган. Бу

хусусият ҳозирги ўзбек шеваларида ўзининг тўла ифодасини топган. Мен ва сен олмошлари қипчоқ ва қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаларидаги Андижон, Уш. Жанубий Фарғона ҳамда аксарият Қорабулоқ, Манкент каби шевалар учун хос бўлиб, бошқа ўзбек шеваларида мэн сэн олмошлари қўлланилади. Кишилик олмошларининг III шахс бирлик шакли қадимги ёзма ёлгорликларда ол, Навоий даврида ул кўринишларига эга бўлган. Ҳозирги ўзбек шеваларидан Қорабулоқ, Қарноб, Турк каби шеваларда ул; Тошкент, Андижон, Қарши, Фарғона, Марғилон, Жиззах сингари шеваларда у шаклида ишлатилади. Кишилик олмошларининг кўплик шакллари (ҳар учала шахс бўйича) ҳам қадимги ёзма ёлгорликлар ва ўзбек халқ шеваларида турлича фонетик ўзгаришлар билан ишлатилади.

13-§. Кўрсатиш олмоши

Маълумки, олмошларнинг маъноси ноаниқроқ, умумийроқдир. Бу ҳол кўрсатиш олмошларида янада яққолроқ кўзга ташланади. Кўрсатиш олмошлари шахс ва нарса-буюмларни кўрсатиш, таъкидлаш йўли билан аниқланади. Демак, гапда аниқловчилик вазифасида қўлланилади. Бу жиҳатдан сифат вазифасида келади, унинг ўрнида қўлланилади. Чунки олмошлар маъно ва грамматик шакллари жиҳатидан ҳар хил бўлиб, мэн, сен, у, биз, сиз, улар кишилик олмошлари кўпроқ отга; бу, шу, у, ўша кўрсатиш олмошлари эса сифатга ўхшашдир. Шунингдек, кўрсатиш олмошлари гапда эга, кесим, тўлдирувчи вазифаларида ҳам ишлатилади. Бу эса уларнинг отлар сингари хусусиятларини ўзида акс эттириш билан изоҳланади. Уларнинг отлашиш ва гурли хил қўшимчаларни қабул қилишида яққол кўзга ташланади.

Кўрсатиш олмошлари ўзбек халқ шеваларида турли хил фонетик ўзгаришлар билан қўлланилади. Айниқса, кўрсатиш олмошларининг ана, мана сўзлари билан бирикиб келиб, таркибли олмошлар ҳосил қилганида, яққол кўзга ташланиб туради. Улар ҳам ўзбек адабий тилидаги кўрсатиш олмошлари сингари нарса-буюмнинг узоқ ва яқинлиги билан боғлиқдир.

Шевалардаги кўрсатиш олмошлари ва уларнинг ҳар бири шевага хос бўлган шакллар ҳақида, даставвал, умумий тасаввур ҳосил қилиш учун уларнинг жадвалини беришни лозим топдик:

Қорлук-чигил-уйгур ялжаси						
Тошкент	Самарқанда	Ургут	Каттақўрғон	Пайшанба	Қарноб	Қишқоқ ялжаси
У бу	У бу	У бу	У бу	У бу	У бул	У, бу, ул, бу, о
шу	шу	шу	шу	шу	шул	бу, во, о шу, шул, шо, шол
ошэ	оша	ошэ	ошэ	ошэ	ошэ	ошэ
энэ	ана	энэ	энэ	энэ	энэ	энэ, энэ
манэ	мана	манэ	манэ	манэ	манэ	ман, манэ
эшъ	ана шу	энэ шу	энэ шу	энэ шу	энэ шу	эншу
мэшъ	мана шу	манэ шу	манэ шу	манэ шу	манэ шу	ман шу
энэу	манави	мана бу	манэ бу	энэ бу	манэ бул	манэ манэви
эну хэйлэ	ана у хэйлэ	хайлэ	энэвъ	энэвъ хэйлэ	энэвъ бул	энэви
мэмбъ	мана бу	мана бу	манэ бу	манэ бу	манэ бу	манэ манэви манэви
						манэ манэ бу манэ бу

Кўрсатиш олмошларидан баъзи ўзига хос томонларни қайд этамиз:

1. Бу, бул. Бу олмоши яқиндаги нарсани кўрсатиш учун хизмат қилади. Ҳар иккала шаклдаги олмош ҳам келишиклар билан турланиб келганда, баъзан сўзнинг бошида келганда б ундош товуши м бурун ундошига ўтади. Шунингдек, ассимиляцияга учрайди: бу эрадан бир кам қирқ кун отти; соғра бу чэйхонани егаси келди (Самарқанд); буннэй актъв оқътувчылэрымъздэн коп (Каттақўрғон); бундэғ къшьлэ корьнмэдь (Қарноб); би едди шупирип қойднңми (Ургут); бу гәпләрди хоп тайыннап айтады; бул энди этланады (Қипчоқ).

Бул шакли кўплик қўшимчасини қабул қилганда, кўрсатиш олмоши охиридаги л товуши тушиб қолади: бул — булэ, булэ қэндэғ нэрсэ, булэ эқэвуз болэду (Қарноб).

Жиззах. Қўқон, Ўш каби шаҳар ва шаҳар типдаги шеваларда бу олмоши билан бир қаторда, бул шакли ҳам учрайди: бу тэрвуздъ към еккэн, бу сьрдъ към эйтмэдь (Жиззах), бу нъмэ галвалар (Марғилон); бу йълкъ, чумчуқ... (Қарши).

Бул кўрсатиш олмошининг (шунингдек ул олмоши ҳам) тарихий шакли Ўш шевасида, асосан, сўз бирикмалари таркибида келади: булуз (<бул + уз) — бу томон, улуз (<ул + уз) — у томон каби.

Демак, бу жиҳатдан ҳам Самарқанд шевалари билан юқоридаги шевалар ўртасида ўзаро умумийлик бор. Ўзбек тилининг Водил ва Қорабулоқ шеваларида яна бир бул кўрсатиш олмоши қўлланилади. Қорабулоқ шевасида б ол шакли ҳам учрайди. Ушбу ўринда ўзига хос бир томонни қайд эгиш ўринлидир. Бунда бул кўрсаткич олмоши кўплик белгисини қабул қилганда, сўзнинг ўзига кўплик кўрсаткичи орасида бир а орттирилади, кўплик қўшимчаси эса тўлиқ шаклини сақлайди: була + лар (бул + а + лар < булар): булалар орысың пәткәнини билмәйди каби.

Қипчоқ шеваларидаги бул, бу олмоши қозоқ, қирғиз, қўмиқ тилларида ҳам худди шундай кўринишларга эга бўлади. Қорақалпоқ тилида эса фақат бул олмоши мавжуд. Шундай қилиб, қипчоқ шевалари ва баъзи туркий тиллар ўртасида ўзаро ўхшашликлар борлиги кўзга ташланади.

Бу кўрсатиш олмоши Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари, „Девону луғотит турк“, Алишер Навоий ва унинг замондошлари асарларида ҳам бу ҳолида қўлланилган: бу уч тигинлар (бу уч гўзал), бу эрин укушуг учырган (бу одам қушни учиргани-учирган). Баъзан фонетик ўзгариш туфайли унинг му (бу > му) деб ишлатилиши ҳам учрайди: мунта урдым — бунда кесдим, муны тиләм эса сән айру нәкәрәк сән — буни истамасанг, бошқа яна нима керак (ДЛТ, 1); Бил муниким сен доғи бир бандасән, Кўкрагидин ожизу афғондасән („Хамса“).

2. У, ул, ўл олмоши нарса-буюмни кўрсатиб, бир нарсани иккинчи бир нарсдан ажратиб таъкидлаш учун қўлланилади. Улар предметни, воқеа-ҳодисани англатади. У, ул, ўл кўрсатиш олмоши дунёдаги кўпгина тилларда, ластаввал, кўрсатиш олмоши сифатида, сўнгра эса кишилик олмошининг учинчи шахс бирлик шакли учун ҳам қўлланади. Бу туркологияда умумий хулоса сифатида тан олинган. У олмоши Самарқанд, Ургут, Каттақўрғон, Янгиқўрғон каби шеваларда у, Қарноб шевасида ул деб қўлланилади. Қипчоқ лаҳжасида эса у ва ул билан бир қаторда, о ва ол кўрсаткичлари шакли ҳам мавжуд. Баъзан ул олмоши Самарқанд шевасида ҳам учрайди: у ғишларни беш-олтитасини элудики, уни тәгидән бир катта ҳарсан чиқты; ул вазирди бир дости бәр еди (Самарқанд); уннән нәрэкъсь бьзәнъкъ; ул кетәггәндь; улә шун эғ эдәмде (Қарноб); иеллаг а шилтиқ қип сув сеп; у куссигә (курсида) ким бә: (Ургут); уны иши авжав; ул (адам) шәхәр барады (Қипчоқ).

Кўрсатиш олмоши келишиклар билан турланганда, турлича фонетик ўзгаришларга учрайди:

Келишиклар	Қорлуқ-чигия-уйғур лаҳжаси			Қипчоқ лаҳжаси	Адабий тилда
	Самарқанд	Каттақўрғон	Қарноб		
Бош келишик	у	у	ул	у, ул, о, ол	у
Қаратқич келишиги	уни	унъ	унъ	уны	унинг
Тушум келишиги	уни	унъ	унъ	уны унын	уни

Келишклар	Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси			Қипчоқ лаҳжаси	Адабий тилда
	Самарқанд	Каттақўрғон	Қарноб		
Жўналиш келишиги	унга	унга	унга	уна, ун, унә	унга
Ўрин-пайт келишиги	унда	унда	унда	унда	унда
Чиқиш келишиги	ундән	ундан	ундән	униан	ундан

Кўрсатиш олмошининг бу тури Қорабулоқ шеvasида ол ва ул, Жўш шеvasида во ва ол деб қўлланади.

3. Шу, шул. Бу олмош умумий тушунчани англатиб, сўзловчининг нарса ёки воқеа-ҳодиса билан олдиндан таниш бўлганлигини билдиради. Бундай нарса, воқеа-ҳодиса ҳақида илгари сўзланган, унга диққат-эътибор жалб этилган бўлади.

Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасида, Самарқанд шеvasида ва қипчоқ лаҳжасида кўрсатиш олмошининг шу ва шул шакллари ишлатиләди. Қарноб шеvasида шул бўлиб келади Каттақўрғон ва Ургут шеваларида у шакллари қўлланилади: ману жәйим шул акан деди; мундан буйақ шул бълани танип, шу бир бълвани ози қолди сәрамаган (Самарқанд), шул ь сь кәрәг (Қарноб); шул отталага йурумманку (Ургут); атылықты маврыты шундә өтәр (Қипчоқ)

Адабий тилдаги шу кўрсатиш олмошининг тарихий кўринишда ишлатилиши Ўш шеvasи учун ҳам хосдир: қәмчъ бойлък шул йәръмдән койнъм қәлпътъ; кәгдәк қонън боләдъ шул бъләнъ соккәнъ

Шул кўрсатиш олмоши бул олмошига нисбатан аниқ маънони англатади. Масалан, бул қәндәг нәрсә, айтгән эдәмънъз шул мъ (Қарноб).

Шул, шу кўрсатиш олмошлари келишиклар билан ўзгарганда, л ундоши н ундошига ўтади: шул — шунъ; шул — шунга каби (ёки бир н ундоши қайта тикланади (шу — шунда, шү — шуннән каби).

Қарноб ва қипчоқ шеваларида шул кўрсатиш олмоши кексалар ва ўрта ёшлилар нутқи учун хос бўлиб, ёшлар нутқида эса асос эътибори билан шу олмоши келади.

Халқ оғзаки ижолиёти материаларида ҳам кўрса-тиш олмошининг шу л шакли ишлатилади:

Шу л кийгизди майин кўйлакни,
Боз бостириб кийди бу л қиш телпакни.

(„Алломиш“)

Бу л, шу л, ул кўрсатиш олмошлари -дэқ, -дэғ қўшимчалари билан бирикиб, бундэқ, мундэғ, шундэқ, ундэқ, шуннэй, уннэй, буннэй шаклла-рида ҳам ишлатилади ва гапда аниқловчилик вазифа-сини бажаради.

Мисоллар: буннэй лэмлэръмъз ҳэзър копэйъ-пептъ; уннэй демэ (Каттақўргон); ундэғ къшълә корэгмэс, улэ шундэқ эдэм-да (Қарноб) каби.

Шевалардаги шу л олмоши шу ва ул кўрсатиш олмошларининг бирикувидан пайдо бўлган бўлиб, ҳо-зир ҳам ўзининг тарихий шаклида қўлланилади. Биз бу шаклни кўпгина туркий тиллар материаларида ҳам учратамиз Масалан, бошқирд, қирғиз, қўмиқ каби тилларда. Ўзбек адабий тилида фақат шу шакли би-лан қўлланилади. Лекин баъзан, асосан, шеъриятда, шу л ҳолида ҳам учраши мумкин: Шу л эрур айбим Муқимий. мардуми Фарғонаман („Муқимий“).

4. Ошэ. Бу кўрсатиш олмоши нисбаган аниқ нар-са-ҳодисаларни кўрсатиш учун қўлланилади, сўзловчи-нини шу нарса билан аввалдан таниш бўлганлиги, ало-қадорлигини кўрсатиб келади: ошэ хумчэнь эпкэрсэ-тэймъ (Тошкент); йъгът ошэ куңъ эйэткен қъзънь севмэсэкэн (Фарғона); ошэ сыгърдъ сэгтъ (Марғилон); ошэ бэласани кутип турипти (Бухоро); ошэ мани укэм (Шаҳрисабз); ошэңга қарап бэшлаб бэрди (Са-марқанд); ошэңнэй бэлъгънь мэн бърънчъ кордым (Каттақўргон); ошэңди бачалари жуда шум боладу (Ургут); кымкегэн, ош ошэ ънэкнъ эйтвэгтъ; йэне ошэ мэсэлэ босэ керэқ (Қарноб).

Қўқон шевасида ошэ (о шэлейэм пьтгандур ка-би) кўрсатиш олмошининг ҳу кўринишлари ҳам уч-райди: ҳу тэллэ туръптъку сингари.

Ошэ кўрсатиш олмоши қипчоқ шеваларида учра-майди. Учраган тақдирда ҳам, бу ҳодисани шаҳар ва шаҳар атрофидаги шевалар таъсирида юз берган деб қараш керак. Чунки, адабий тил билан бир қаторда, бошқа шевалар ҳам қипчоқ шеваларига ўз таъсирини

кўрсатмоқда. О ш э олмоши ўғуз шеваларида қуйидагича ишлатилади: ош э, ош эң э каби.

5. Мэнэвъ, энэвъ Бу кўрсатиш олмошлари ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам қўлланилади. Қипчоқ шеваларида минэвъ кўриниши ҳам учрайди. Масалан, мэнэвъ кьмнъ бэлэсъ; минэ ҳэвөем қавып калди; мэнэви адамди қараң.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Қўқон, Шаҳрисабз шеваларида ана шу кўрсатиш олмоши талаффузида фарқланиш қуйидагича бўлади: Тошкент, Жиззах, Шаҳрисабз, Қўқон шеваларида эн шъ, энэшъ тарзида қўлланилади. Андижон шевасида эса эншъ, эшъ шаклига эга бўлади. Қипчоқ шеваларида энэ шу, энэши тарзида ишлатилади. Ўғуз гуруҳ шеваларида бу олмоши ана шу деб қўлланилади.

Мана шу кўрсатиш олмоши қорлуқ-чигил-уйғур шеваларида кўп ҳолларда қисқа талаффуз эгилиши билан аниқланади. Жумладан, Каттақўрғон типли шеваларда: мэнэ шъ, мэнэ шу.

Самарқанд, Ургут каби шеваларда адабий тилдаги шаклига мос келади Тошкент шевасида мэншъ, мэншъ. Жиззахда мэншу, меншъ кўринишларига эга. Бу шаклда қўллаш Водил, Паркент, Уйчи шеваларига ҳам хос.

Қипчоқ шеваларида минэшу, минэши шаклига эга бўлади. Ўғуз шеваларида унинг иншу шакли мавжуд.

Мэнэ бу кўрсатиш олмоши қорлуқ-чигил-уйғур шеваларида мэнэву, мэнэвъ, мэнбу, мэну, мэнэвъ мэ:мъ каби фонетик ўзгаришлар билан қўлланилади. Қипчоқ шеваларида минэви, мэнэви сингари кўринишларга эга бўлади.

Адабий тилда „ана бу“ кўрсатиш олмоши Самарқанд, Каттақўрғон шеваларида мэнэбу, Қарнобда мэнэ бул деб ишлатилмоқда. Шаҳар ва шаҳар типдаги бошқа шеваларда энувъ, энэвъ, энв, энэву, энбу, энэбъ шаклларига эга бўлади. Қипчоқ шеваларида ҳэнэву, ҳэнэ'ви деб ишлатилади.

Ана у кўрсатиш олмоши Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз ва Ургут шеваларида ҳэйлэ, ҳайлэ; Каттақўрғон, Қарноб, Пайшанба каби шеваларда— ҳэйлэ, Жиззахда — ҳэвэнэ, Қаршида — ҳэйлэ ҳэ

кўринишларида қўлланилади. Қипчоқ шеваларида эса ҳэйлә, ҳэнә тарзида келади.

Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасидаги шеваларда кўрсатиш олмошлари *ер, ёқ* сўзлари билан бирикиб келиб, эгалик қўшимчалари билан бирикади. Эгалик қўшимчалари билан қўлланилганда эса катта фонетик ўзгаришларга учрайди. Масалан, адабий тилдаги бу ерда, у ерда, шу ерда, шу ёққа, шу ердан, ўша ерда кабилар қуйидагича ҳолатга эга бўлади: сотта, оттә, шоттә, шу йерден, ошеттә (*Тошкент*); бәттә, әттә//йәттә, уйрдә, мәншу йеттә, шу йағда, шу йердән//шу йеттән (*Андижон*); бәғдә, ағдә, шаққә, ше:рдән оше:ргә (*Каптақўрғон, Пайшанба*): бу:рдә шә:рдә, шәқдә, ша:рдән, ошә:рдә (*Қарноб*); бне:гә, ик:гә, шеаққа, ша:дан//шеддан, ошие:га (*Ургут*) каби.

Шундай қилиб, бу, шу, у, ўша кўрсатиш олмошлари бирор нарса ва воқеа-ҳодисани ажратиб кўрсатиш ва алоҳида таъкиллаш учун ишлатилади. Маъно билдириш хусусиятига кўра, бу олмоши нисбатан яқинроқдаги нарса ёки воқеа-ҳодисани кўрсатиш учун ишлагилади. Шу олмошининг маъноси бу олмошининг маъносига нисбатан сал узоқроқ кўрсатиш билан фарқланади ва маъно ҳам кучлироқ бўлади. Айниқса, нарса алоҳида кўрсатиладиган бўлса, ҳамма вақт шу олмоши ишлатилади. Шунга қарамасдан, бу иккала олмошни айрим ҳолларда алмаштириб қўлласа ҳам бўлади.

У олмоши бу ва шу олмошларига қараганда, масофа нуқтани назаридан янада узоқроқни кўрсатиш учун хизмат қилади. Ўша кўрсатиш олмоши эса нарса ёки воқеа-ҳодиса билан сўзловчи шахс ўртасидаги масофанинг узоқлигини билдириб келади. Унда таъкиллаш маъноси кучли бўлади.

Кўрсатиш олмошлари бу, шу, у олмошларига мана, ана сўзларини қўшиб, таркибли олмошлар ҳосил қилинади. Баъзан бундай сўзларнинг ўзи олмош вазифасида қўлланилиши ҳам мумкин:

Мана сенга олам-олам гул,
Этагингга сиққанича ол.

(*Х. Олимжон*)

14-§. Феъл ҳақида

Феъл нарса-буюмнинг ҳаракат ва ҳолатини ифодаловчи сўз гуркуми ҳисобланади. Феъллар шахслар ва нарсалар ҳаракатини билдириш билан бирга турли ҳолатни, белгининг ўзгаришини ҳам ҳаракат тарзида англатади: бу одамникида тўрт йилдан бери ишлайман; ўзи бир кун жазосини тортар, бир кун изо бўлар.

Сўз гуркумлари ичида энг каттаси ва мураккабларидан бири феълдир. Навоийшуносларнинг статистик маълумотларига кўра, Навоий асарларида қўлланилган сўзларнинг умумий сони 26 мингдан кўпроқ бўлиб, уларнинг 1000 га яқини феъл ва феъл шаклларини ташкил этади. Феъллар гап тузишда кучли уюштирувчилик хусусиятига эга бўлиб, кўпгина бошқа сўзларни ўзига эргаштириб келади. Огнинг келишиклар билан турланиши, асосан, феълда ифодаланган маъно талабига қараб бўлади. Масалан, баҳор келди, гуллар очила бошлади, мен ишдан келяпман, бу йил мактабни тамомлайман.

Гап бўлакларидан ҳол ва тўлдирувчи, асосан, феълга боғланади. Улар феълда нутқ қисмларини бирлаштирувчилик хусусияти — синтактик ҳолатнинг кучли эканлигини кўрсатишдан иборат. Отда турланиш, феълда эса тусланиш асосий морфологик белгилардан биридир. Бунда лексик жиҳатдан ўзгариш юз бермайди, фақат шахс-сон, замон сингари маъноларни аниқлайди, кесимлик ҳам кўрсатилади. Феълнинг асосий синтактик вазифаси кесимлик бўлиб, ўзининг турли вазифаларида (сифатдош, равишдош, ҳаракат номи) гапнинг бошқа бўлаклари — эга, тўлдирувчи, аниқловчи ҳол вазифаларида ҳам кела олади.

Феъл замон, майл шахс-сон, нисбат, бўлишли-бўлишсизлик категориялари, вазифадошлик шаклларига эга бўлиб, уларнинг аксарияти феълнинг маъноси билан боғлиқ ва фақат унга хос категориялардир.

Феъл билан ифодаланган ҳаракат аниқ бир вақтда юзага келади. Ана шу ҳаракатнинг нутқ сўзланиш вақтига бўлган муносабати замон категориясига таълуқлидир. Феълнинг учта замони мавжуд бўлиб, ўтган замон, ҳозирги замон, келаси замон номлари билан юритилади: кўп ишлар бажарилади, ҳозирги вақтда

ҳам муваффақиятлар қўлга киритилган, ҳали келгусида кўп ишлар бажарилар каби.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, феъл замонларининг умумий таснифи аниқ бўлса ҳам, ҳар қайси замондаги феъл шаклларининг чегараси ҳалигача тўла ҳал этилмаган. Ана шу муаммолар ҳақида „Ҳозирги ўзбек адабий тилида феъл замонларининг баъзи мунозарали масалалари“ (1984) деган ишда алоҳида фикр юритилган.

Ўзбек лаҳжа ва шеваларида ҳам феъллар адабий тилдаги умумий томонлардан ташқари, бир қанча ўзига хос хусусиятлар билан ҳам фарқ қилади. Бу фикрлар феъл замонлари, феъл майллари, феълнинг вази-фадошлик шакллари, бўлишли ва бўлишсизлик ҳодисалари кабиларда яққол кўзга ташланиб туради. Қўшма феъл қўшимчаларининг кучли ўзгаришлари туфайли бир-бирига қўшилиб ва қисқариб келиши шевалардаги ўзига хос хусусиятлардан бири ҳисобланади. Қўшма феъл шакли таркибида келган баъзи ёрдамчи (тўлиқсиз) ва кўмакчи феъллар сўзловчининг нутқида тез талаффуз этилиши натижасида қисқариб келган ва баъзи ҳолларда улардан иккига товушгина сақланиб қолган, холос.

Бундай ҳолатда улар сифатдош ва равишдош қўшимчалари билан бириктириб келиб, флекцияга айланади, яъни қўшимчага ўтиб кетади. Шундай қилиб, махсус кўрсаткичлар: баъзи феъл кўрсаткичлари пайдо бўлган. Масалан, -дъ// (адабий тилда эди), -кэн (адабий тилда экан); эпкэ//апкэ (адабий тилда олиб кел) каби.

Бундай шаклда келган қўшма феълларнинг баъзилари ана шундай жараён билан содда феъл ҳолатига келиб қолган. Масалан, қорлуқ-чигил-уйғур гуруҳида: келгэндъм — келган эдим; сэгъбдъ — соғиб ётибди соғаетир; оқъйкэн — ўқир экан; қипчоқ шеваларида: барайды — борар эди, кэлэйкэн — келар экан, кулипти — кулиб эди каби. Содда шаклга айланиб қолган қўшма феълларнинг биринчи ҳолати, яъни тўлиқ вариантнинг қўлланилиши шеваларда деярли учрамайди. Нутқ жараёнида айрим сўзларнинг қисқариши туфайли ўзининг дастлабки ҳолатини бутунлай ўзгартириб юбориш даражасига келиб қолиши бошқа сўз туркумларида ҳам мавжуд: эшъ < эншъ < энъшъ < энъшу < энэшу (ана шу); мэшъ < мэншъ < мэнъ шу < мэнэ шу (мана

шу); Назармат < Назар мамат (Назармуҳаммад); Гули < Гулнор (Гулнора); китаб < китоб < кифти об (китоб); Матрайыш < Маматраҳим) Муҳаммад Раҳим) каби.

Феъл ва феъл шаклларининг нутқ жараёнида қисқаришига қуйидаги мисолларни ҳам келтириш мумкин: маъ < мәни аъ < мани аъ < мәнә алың — мана олинг; шитип < шийтип < шойтип < шундәй қып — шундай қилиб; аң алың — олинг; битип журипти < мундай қып журипти < бундай қылып журипти — бундәй қилиб юрибди ва бошқалар.

Феъл замонлари, майллари ва вазифадошлик шаклларида ўзига хос томонлар мавжудлиги кўзга ташланиб туради. Чунки улардаги айрим хусусиятлар лаҳжа ва шевадар материаллари учун хос бўлиб, сермаҳсул ҳолатга эгадир, айрим шакллар эса умумий қўлланилмайди. Ишда бу соҳадаги умумийлик ва жузъийликларга алоҳида аҳамият берилади.

15-§. Феъл замонлари

Ҳозирги ўзбек адабий тилида феъл замонларининг тасниф қилиниши, замонларни белгилаш ва қўллашда хилма-хил қарашлар мавжудлигига қарамасдан, феъл замонлари учга бўлинади ва қуйидаги номлар билан ишлатилади: ўтган замон феъли, ҳозирги замон феъли ва келаси замон феъли.

Ўтган замон феълини беш гуруҳга бўлиб ўрганиш анъанага айланиб қолган. Бу ўқитиш жараёни учун ҳам, илмий тадқиқотларни амалга ошириш учун ҳам қулайдир:

1. Аниқ ўтган замон феъли: сэмсәпәззъ дәнъдән тәпъб әпкелдъм; чәқурувдъм кәмәдън. озъм йеп қойдъм, дъпти (Тошкент); ҳаммә ышгъ қып қойдым, әкәмнәр кәтги (Қипчоқ); у ыштәккә қърдъ, болдъм мән сәнъкъ (Жиззах).

2. Узоқ ўтган замон феъли: әлтъ кун турип йана қәйтип кегамман (Қарши); мән бу кътәпгъ оқуп чъққән; уләрдъ энә тълъсъ тожъй тълъ богәәкән (Жиззах); чәрәк йәвуп қойғандим (Шимолий Хоразм); бър пәдшәнъ ышқъ шу қъзгә тушуп қәлгән едъ (Наманган).

3. Ўтган замон ҳикоя феъли: мән қойъмдъ йоқатибыдым, деди; манав коргән әкән; бир қойымны берәй дебидим (Қорабулоқ).

4. Ўтган замон давом феъли: тэ олгунъмъз йах-шълък қълэрдъм (Андижон); улэ(р) ъшлэрдълэр (Пайшанба).

5. Ўтган замон эшитилганлик феъли; Қэрэ кэжъл „эттэн йашълк қъппэн“ деп ха па болдъ (Андижон); қарға пичэнчигэ барыпты (Туркистон).

Ўтган замонни ҳосил қилувчи феъл шакллари билан ҳосил бўлган феълларнинг маъноларида умумий хусусият, яъни маъно умумийлиги мавжуд. Шунга кўра, улар бир гуруҳга жамланади. Лекин ушбу феъл шакллари ҳар бири ўзига хос маъно нозикликлари билан фарқланиб туради. Бу фарқларни юзга келтириш учун ҳар бир гуруҳда бошқа-бошқа қўшимчалар қўлланилади. Уларнинг айримлари ўзаро хусусиятларга эга. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда феъл замонларига, айниқса, феълнинг аниқ ўтган замон, аниқ ҳозирги замон, аниқ келаси замон феъли шаклларига алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтамиз.

16-§. Аниқ ўтган замон феъли

Аниқ ўтган замон феъли маъно жиҳатидан ҳаракатнинг нуғ сўзланиб турган пайдан олдин бажарилгайлигини англатиб келади. Бунда сўзловчи унинг бажарилганлигини кўргандек ёки шу ҳаракатнинг гувоҳи бўлгандек хабар қилади. Аниқ ўтган замон феъллари ўзларидаги қўшимчаларнинг турли-туманлиги билан ажралиб туради ва бу жиҳатдан ўтган замон феълларининг бошқа турларидан фарқ қилади.

Ўзбек халқ шеваларида аниқ ўтган замон феълининг қўлланилиши, ҳосил бўлиш йўллари, маъно хусусиятлари, вазифалари ўзбек адабий тилидаги ҳолатдан деярли фарқ қилмайди. Лекин ҳар бир айрим ёки бир гуруҳ шеваларда адабий тил билан умумийликдан ташқари, улардан ҳар бирининг ўзига хос томонлари мавжуд.

Шевалардаги айрим ўзига хос хусусиятларни аниқлаштириш мақсадида Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари, „Девону луғотит турк“ ва Алишер Навоий асарларидаги баъзи феъл шакллари чоғиштириш уларни аниқроқ ва тўлароқ тасаввур қилишга ёрдам беради.

Аниқ ўтган замон феълида феъл шакллари унинг хилма-хиллиги унинг ўзак ва негизларида жарангли ва жарангсиз ундош товушларнинг келиши ва қадимги феъл ҳосил қилувчи қўшимчаларнинг сақланиб қол-

ганлиги билан изоҳланади. Бундай феълларни ҳосил қилиш учун феъл ўзакларига -ди замон ясовчи қўшимчаси ва тегишли сон-шахс кўрсаткичлари қўшилади. Умумий тасаввур ҳосил қилиш учун намуна сифатида бир-иккита мисолларни келтириб, ҳар учала шахсининг бирлик ва кўпликлари бўйича туслаб кўрайлик. Масъалан, Тошкент шевасида:

Бирлик		
I шахс	келдъм	кордъм
II шахс	келдън	кордън
III шахс	келдъ	кордъ
Кўплик		
I шахс	келдук//келдув//келдувузэ келдъмъз келдувуз, келдуз; кордъмъз, кордувуз, кордуз	
II шахс	келдъңъз, келдъйъз, келдъз келдъйле; кордъңъз, кор- дъйъз,	
III шахс	кордъз, кордъйлэ	
III шахс	келъштъ, коръштъ	

Ёки Каттақўрғон шевасидаги ўшлэмэқ, чэпмэқ феълларининг ўшлэ, чэп ўзаклари феъл ҳосил қилувчи аффиксларни олиб кўрайлик:

Бирлик		
I шахс	ўшлэдъм	чэптъм
II шахс	ўшлэдъң	чэптъң
III шахс	ўшлэдъ	чэптъ
Кўплик		
I шахс	ўшлэдък//ўшлэдъй, чэптък//чэптъй	
II шахс	ўшлэдъйъз//ўшлэдъз, чэптъйъз//чэптъз	
III шахс	ўшлэдълэ, чэптълэ	

1. Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси гуруҳига кирувчи Марғилон, Наманган, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Каттақўрғон, Ургут, Жиззах каби шеваларда аниқ ўтган

замон феълнинг қўлланилишида учинчи шахс бирлик ва кўплик кўрсаткичи фарқланади ҳамда учинчи шахс кўплиги учун -лар// -лэр, -ла// -лэ қўшимчаси қўлланилади. Булардан Кагақўрғон, Наманган, Қарши, Жиззах, Ургут шеваларида -лэ (-ла) аффикси ёрдамида шаклланади. Масалан, улэ кыйнэйэ кеттълэ (Каттақўрғон); ыштълэ, кэлдълэ (Наманган); келънчак йувънцълэ, тараннълэ (Қарши), йъгътлэ келдълэ (Жиззах), мемэнла кеттила (Ургут) каби.

Самарқанд, Бухоро ва Марғилон каби шеваларда кўпликни билдирувчи шакл тўлиқ ҳолатга эга, яъни учинчи шахс кўплиги унинг бирлигига -лар// -лэр қўшимчасини қўшиш билан ясалади: мардикорликка йубэрдилар (Самарқанд); уйга кирдилар (Бухоро); мэкэмгэ кеттълэр (Марғилон) ва бошқалар.

Шуни айтиш керакки, Марғилон шевасида -лэр кўрсаткичидан сўнг иккинчи шахс бирлигини кўрсатувчи -ън қўшилиб келади. Бундай ҳолатда кўплик белгиси иккинчи шахс кўплик қўшимчаси ўрнида ишлатилади. Масалан, бэрдълэрън, кэлдълэрън каби.

Аниқ ўтган замон феълнинг кўплигини ҳосил қилувчи шакл Тошкент, Фарғона, Андижон ва Қўқон шеваларида ҳам фарқланади, яъни -ыштъ ҳолатга эга бўлади. Масалан, мемэнлэ келъштъ (Тошкент); шеръйлэръ қасэмйэт қълъштъ (Фарғона); эдэмлэр келъштъ (Андижон); энэлэрън келъштъмъ (Қўқон) каби.

Тошкент шевасида -лэ шакли учинчи шахс бирлигида келиб, ҳурмат маъносини ҳам англайди. Масалан, бувъйъзлэ еттълэ; булэ кордълэ (Тошкент) сингари.

Феълнинг учинчи шахс кўплиги ҳурмат маъносида келиши Фарғона, Андижон ва Қўқон шеваларида ҳам учрайди. Масалан, бувъм келъштъ (Фарғона); озлэръ эйттълэр (Андижон), эмекъм бэгдэн уй элъшъптъ, экэлэрън келъштъмэ (Қўқон) каби.

Фарғона гуруҳ шеваларида баъзан юқоридаги ҳолатнинг бузилиш ҳолларини учратамиз. Бошқача қилиб айтганда, учинчи шахс кўплиги учинчи шахс бирлигида қўлланилади. Масалан, ҳэжъмэтлэр келдъ, эртъслэр эшуллэ қълдъ (Андижон); булар жэй мэкэмгэ кеттъ (Марғилон) каби.

Учинчи шахснинг кўплик кўрсаткичи Уйчи шевасида Тошкент, Фарғона, Андижон ва Қўқон шеваларидаги каби -штъ, -ъштъ шакллари билан ясалади ёки учинчи шахс бирлигида келаверади. Масалан, эшлэчълэйэм йэм кечгэчэ эшлэ қъп отъръшьптъ//эшлэчълэйэм йэм кэчэгэ эшлэ қъп отъдъ.

Аниқ ўтган замон феълининг учинчи шахс кўплик қўшимчасининг бўлиши ва бўлишсиз шакллари -лар// -лэр, -ла// -лэ -штъ, -ъштъ ўзбек шеваларининг бир қисмида қўлланилмайди. Шунинг учун учинчи шахс бирлик ва кўплик шакллари фарқланмайди ва бир хилда учинчи шахс бирлигида келди. Бу хусусият Қарноб, Ўш, Шаҳрисабз ва қисман Қўқон шеваларига тааллуқлидир. Масалан, Нэвълэ (Наби ва бошқалар) кетгъ, бър қъш йэмэн сувуғ болдъ-лэ, коп қойлэ олду, бизлэнь чольқлэрэ дэштэ қой бэқъб йуръйдъ (Қарноб); улар бэчэлэ гулли узде, ҳаммэ эдэмлэ кодде, тэпте (Шаҳрисабз); тойга коп къшьлэ келдъ (Қўқон) каби.

Фақат айрим ҳоллардагина (буни беш-олти фонз деб айтиш мумкин) -ш, -ъш ёки -лэ ишлатилганлигини учратиш мумкин. Қўқон шевасида баъзан -ъштъ, -штъ шакллари билан қўлланилади. Лекин бу оммавий хусусият эмас ва асосан яқка шахсга нисбатан ҳурмат маъносини ифодалайди. Масалан, эмэкъм келъштъ, дэдэм гепъръштъ каби. Ўш ва Шаҳрисабз шеваларида эса кўплик қўшимчаси учинчи шахсда умуман қўлланилмайди. Учинчи шахс кўплиги ушбу шеваларда ҳурмат маъносини билдириб, учинчи шахс бирлик ёки иккинчи шахс кўплик шакллари учун ишлатилади.

Ўзбек тилининг қипчоқ гуруҳи шеваларида аниқ ўтган замон феъли шакли қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси III шахс кўплик шаклида -лар, -лэр, -ла, лэ, -штъ, -ъштъ каби шаклларининг қўлланилиши кузатилмайди. Шунга кўра, эга билан кесимнинг мосланиши юз бермайди. Учинчи шахс кўплик шакли ҳамма вақт учинчи шахс бирлигида қўлланилади. Бу қипчоқ шеваларининг деярли ҳаммаси учун хос бўлган умумий хусусиятдир.

Масалан: қоп адамнар кэтип қалды, меҳманнар сувды чэйниг минэн этъп жубэрди//жугэрди, ҳашэрчилар пэхтэни тэрип болды; балалар учэввийэм меҳманнардан ыйалып (уйалып) қачып кетти.

Ўғуз гуруҳи шеваларида -ла, -лэ қўшимчаси аниқ ўтган замон феълининг кўплиги учун ишлатилади. Айрим ҳоллардагина учинчи шахс кўплиги -лар, -лэр билан ҳам ҳосил қилиниш ҳоллари учраб туради: кэрвэнлә „барса гэлэрэ“ геттилэ. кэлхаз волыпты эмиш деб айтыб йури вэрдилэр, санга нэ волды деп сорыйдилар.

Баъзан ушбу гуруҳдаги шеваларда аниқ ўтган замон феълининг бу шакли кўплик кўрсаткичларисиз III шахс бирлигида қўлланилиш ҳодисалари талқиқотларда алоҳида қайд этилмаса-да, уларни шевалардан ёзиб олинган намуналарда учратиш мумкин: шунда йоғаридан ташкәрувчиләр кәлди, ҳуны адамлары алавулмәпти.

Туркий тилларда ва уларнинг лаҳжаларида учинчи шахс кўплик шакллрининг -лар, -лэр, -ла, -лэ кабилар билан ҳосил қилиниши сўнгги ҳодисадир. Чунки ластлабки вақтларда учинчи шахс бирлик ва кўпликлари фақат бир хил кўринишда, яъни бирлик шаклида мавжуд бўлган. Қозок, қирғиз, нўғай, бошқирд каби тиллар ва уларнинг лаҳжалари бунга мисол бўла олади.

Демак, Самарқанд, Бухоро, Марғилон шеваларидаги кўплик кўрсаткичлари ўтган замон феъл шаклининг учинчи шахс кўплик шакли учун қўлланилганда, тўлиқ ҳолатга эга бўлади (-лар, -лэр). Қатор қорлуқчигил-уйғур шеваларида бу тўлиқ шакл ўзгариб, -лар, -лэр, -ла, -лэ ҳолатида учрайди. Бошқа бир гуруҳ шеваларда кўплик -чштъ, -штъ шаклларида қўлланилади. Айрим шеваларда эса кўплик кўрсаткичи иштирок этмайди. Улар бирликда қўлланилади.

Ўзбек тили тарихига тааллуқли қадимги ёзма ёдгорликлар тилида ҳам III шахс кўплиги учун -лэр (ёки -лэ) қўшимчасининг иштирок этиши деярли учрамайди. Бунда кўплик маъноси бирликда ифодаланади. „Девону луғотит турк“, Алишер Навоий ва унинг замондошлари асарлари тилида эса ўтган замон феълининг III шахс кўплигида -лар қўшимчасининг қўлланилиши кўзга ташланиб туради.

Масалан: олар бир-бирига битик отрушды — улар бир-бирига хат юбордилар (ДЛТ, I, 196); олар бир икинди бирлә уқыштылар — улар бир-бирларини чақирдилар (ДЛТ, I, 19), олар икки битиштиләр — улар икковлари битишдилар (ДЛТ, II, 93). Касб чун

эл ғанимат айладилар, Шаҳр сори азимат айладилар (Хамса, 325). Етишгач бири-бирга айландилар, ики қўлладек ишга қотландилар (Хамса, 366)

2. Самарқанд, Бухоро. Ургут; Қарноб, Қарши, Наманган, Шаҳрисабз шеваларида -дъм, -тъм, -дъ, -тъ каби шакллар билан бир қаторда, биринчи шахс бирлиги -дум ва учинчи шахс бирлиги -ду кўринишларига эга бўлади. -ду кўшимчанинг тарқалиш доираси Бухоро, Қарши, Наманган, Шаҳрисабз шеваларида бошқаларга нисбатан чегараланган. Масалан: мән қол -бетимни йувдум, иштим (Бухоро); ҳазир йетмишга кирдим, соғра ман отурдум чэй ичип, назир уни олтурду, кесилмаган бош биркун сухэнга кираду, ажали муаллақ тенаңга йурупту (Самарқанд); бәққа коддум озуйнъ; севуп қоллум козуйнъ; бәлаң йъйлапту (Қарши); бир брәси, бир бәмәси бол (ув) оттуру (Шаҳрисабз); тухумдъ бърэвлъ бләсэгә элдъм, мен бэрувдум. сьздъ къчкърду (Қарноб); йулду, ушту (Наманган).

Аниқ ўтган замон феълининг I шахс бирлик ва III шахс бирлик шакллари -дум, -ду кўшимчалари билан юзага келиши ўзбек тилининг Уйчи шеваси учун ҳам хусусиятлардан саналади.

Ўзбек халқининг қипчоқ шеваларида аниқ ўтган замон феълининг биринчи шахс бирлик шакллари -дым, -дим, -тым -тим аффикси билан, учинчи шахс бирлик шакллари эса -ды, -ди, -ты, -ти кўрсаткичи билан шаклланади.

Масалан: мән чавдым-чавдым бәрибир чәрчәп қалдым, авға чығдым, биттә қойән аттым, мән сәнн қанча куттим, ишти вақлы бажарды, сәни гәниңнә жаппар кулди; оқувчыларам шуңо кәлди, жәлидә қатты; ҳазир адамларды ҳаммасы пахтага чықты; шу минәм мыраг-мақсатқа жәтипти; уларды иши дәррәв ишипти.

Ўғуз гуруҳи шеваларида ҳам аниқ ўтган замон феълининг биринчи шахс бирлик ва учинчи шахс бирлик шакллари қипчоқ шевалари сингаридир: в у н ы // х у н ы чийирткәдийн этиб қола чушурдим, бу гәпләдән хаварым йоқлықыны айттым, бир гун пашша душ гөрипти каби.

Фақат айрим ҳоллардагина -дум, -ду кўринишларининг учрашини қайд этиш мўмкин. Масалан, длә дәнни хатта гөрдум, манга уш тайақ урду.

Қадимги ёдгорликлар тўли „Левону луғотит турк“ ва Алишер Навоийнинг нодир асарларида аниқ ўтган замон феълининг I шахс бирлиги -дум, -дүм, -тум, -түм қўшимчаси билан ҳам ясалиши кузатилади: кучшуп тақы қавуштум — нега у билан ўртоқлашиб, апоқ-чапоқ бўлдим (ДЛТ, III. 206); аның ишин кеччүрдүм, эшин йимә қаччүрдүм — унинг ишини битирдим, ҳамроҳимни ҳам қаччирдим (ДЛТ, I, 82). Сўз тугатгач, қошида ер ўптум, Бўлубон шод сесканиб кўптум, Умрдин ноумид бўлдум-ло, Меҳнати ҳажринида ўлдум -ло (Хамса, 255).

Бу жиҳатдан қатор шевалар учун хос бўлган юқоридаги каби феъл ясовчи шакллар қадимий тарихга эга эканлиги билан ажралиб туради. Демак, қадимги ўзбек тили ёзма ёдгорликларидаги феъл шакллари ўзбек шеваларининг кўпларида ҳозирга қадар сақланиб келмоқда.

3. Тошкент, Самарқанд, Ургут, Наманган, Қарноб, Шаҳрисабз каби шеваларда аниқ ўтган замон феълининг биринчи шахс кўплиги -дук, -дуг, -тук шаклларида ҳам қўлланади. Масалан, бьээ коп ъшләнъ кордук, бьээ чэйъ ъштук (Тошкент); биз бир кун келдук Ҳасан жойига (Самарқанд); бизэйәм етишэйдук (Шаҳрисабз); бул ъшләнъ бьэз қьлдуг (Қарноб), куллэдән бьр кун отгэгьм мәнәм тэғамнъ-кьгә кьрудуг (Наманган); эддух куни ҳеч кетга бэрмадук (Ургут).

Бу шакл энг қадимги шакллардан ҳисобланади. Унинг турли шеваларда қўлланиши В. В. Решетов, А. К. Боровков, Ш Ш. Шоабдурахмонов каби қатор тилшунос олимларнинг илмий текширишларида қайд этилган. Ўтган замон феълининг бундай қўшимча билан ҳосил қилиниши ўзбек тилининг Қорабулоқ шева-си учун ҳам хосдир. Масалан, хайр жумәлликкә бардук енди бердүгүдүк (бердик, едик); қьлдуг (қьлдык елик) каби.

Тил тарихига оид материалларни кўздан кечирсак, уларнинг дастлабкиларидан бири ҳисобланган Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликларида ўтган замон аниқ феълининг биринчи шахс кўплигида -дук, -дук қўшимчасининг қўлланилганлигини учратамиз. Бундан -дук, -дук шакллари ўша даврлар манбаларида йўқ экан деган хулоса чиқмайди. Бу қўшимча бошқа вазифада қўлланилган, яъни сифадошлик қўшимчаси ўрнида

келган. Проф. С. Е. Маловнинг қайд этишича ва бошқа лингвистик материалларнинг гувоҳлик беришича, -дук шакли аниқ ўтган замон феъли сифатида эмас, балки феъл шаклларида бири бўлган ўтган замон сифатдоши қўшимчаси вазифасида қўлланади.

Тил тарихига оид йирик манбалардан бири бўлган „Девону луғотиг турк“ асарида -дук, -дук қўшимчаси аниқ ўтган замон феълнинг унумли шаклини ясовчи қўшимча саналади. Шунинг айтиши лозимки, Маҳмуд Кошғарийнинг „Девон“ ида -дук, -дук қўшимчаси аниқ ўтган замон феълнинг шахс бирлиги маъносида ҳам ишлатилади. Масалан, мэн анар тавар бэрдүк — мен унга мол бердим (ДЛТ, II, 65); биз яғдук — биз юқори чиқдик; мен йармақ тэрдүк — мен танга тўпладим; мэн йақурдук — мен ёй қурдим; йақурдук — ёй қурдик (ДЛТ, II, 64).

Маҳмуд Кошғарийнинг „Девону луғотиг турк“ асаридаги -дук, -дук шакллари ҳақида кенг илмий-назарий фикрлар ҳозирги тилшунослик нуқтан назардан ҳам катта аҳамиятга эгадир. Унинг қайд этишича, яғмо, чигил, тухси, арғу, уйғур ва то Чингача бўлган ҳамма қабилаларда аниқ ўтган замон феъли (III шахс бирлик шакли) -ды, -ди шаклида ҳосил қилинади.

Алишер Навоий асарларида аниқ ўтган замон феълни ҳосил қилиш учун -дук, -дук қўшимчаси фаол қўлланилади:

.. Васли айёми ичра эрдук шод,
Шукр этиб қайғудин эдук озод.

(Хамса, 279).

Халойиқ бошидин олиб ихтиёж,
Муоф айладук икки йиллик хирож...

(Хамса, 354).

Ҳодиса торожи этиб молға,
Колдук ўқуш ажз ил бу ҳолға.

(Хамса, 65).

Бу шакллар энг қадимги лаврлардан бошлаб тил тарихи ва ўзбек халқ шевалари материалларида кўп-кўп учрайди.

-дук, -дук қўшимчаси билан феълнинг аниқ ўтган замон I шахс кўплик шакли ҳосил қилиш Бобурда

ҳам Навоийдаги сингаридир: Андижонға бўла Самарқандни иликдин бердук, . . . озуқ-овқатсиз қолдук, ўзимиз ҳам Андижонға келдук (*Бобурнома*, 25- ва 129-сеглар).

Алишер Навоий асарларида -дук, -дук қўшимчаси III шахс бирлиги буйруқ майлини ясаш учун ҳам ишлагилади. Бошқача қилиб айтганда, ҳозирги адабий тилимиздаги қўшимча бўлган -син, -сун қўшимчаси ўрнида ишлатилади. Масалан, ул хушҳол ўлдук — у хушҳол бўлсун каби.

Юқоридаги хусусиятлар XVIII аср Эрон тарихчиси Мирза Меҳдихоннинг „Мабоинул лугат“ асари ва „Абушқа“ да ҳам қайд этилади.

Бу шаклнинг ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шеваларида қўлланилишини учратмадик. Уларда фақат аниқ ўтган замон феълининг кўplik кўрсаткичида ишлатилиши кўзга ташланиб туради.

Мирза Меҳдихон „Лугат“ да -дук, -дук қўшимчаси билан ҳосил қилинган қуйидаги шакллари кўрсатади: асрадук — сақласин, сўрдук — сўрасин, бўлдук — бўлсин.

Буйруқ феълининг -дук, -дук шакли III шахс бирлик шаклидан ташқари, ўтган замон феълининг II шахс кўplik шакли маъносида ҳам ишлатилган. Бу фарқ Алишер Навоийнинг „Муҳокаматул лугатайн“ида ва „Абушқа“ да қайд этилади. „Сабъи сайёр“ да „эрдуклар“ сўзини мисолга келтириб, „эрдингизлар“ деб таҳлил қилади. Меҳдихон ҳам бу ҳақда гапириб, „эрдуклар“ сўзини „эрдинглар“ тарзида ёзади. -дук, -дук феъл шакллари ва унинг қўлланилиши ҳақида Мирза Меҳдихон нима деса, „Абушқа“да ҳам шундай дейилади. У „бордук“ сўзини „борсун“, „кетдук“ сўзини „кетсун“ тарзида изоҳлайди.

Валдаги ичтик ва хушҳол ўлдук,
Ғаму меҳнат анго посол ўлдук.
Мунга текруки ҳоло соғ эмишдук,
Ерини дашту гоҳи тоғ эмишдук.

(*Ҳамса*).

-дук, -дук қўшимчасининг Навоийда -сун ёки -сунлар вазифасида келишини оммавий хусусият деб қарамаслик керак. Чунки -сун, -сунлар шакллари Навоий асарларида анча кенг доирада қўлланилади.

Демак, -дук, -дук шакли Урхун-Энасой ёдгорликларидан бошлаб, Маҳмуд Кошғарий ва Алишер Навоий асарларида анча кенг миқёсда тарқалган бўлиб, ўтган замон сифатдоши, аниқ ўтган замон феъли ва баъзан буйруқ феъли кабиларни ҳосил қилиш учун қўлланилган. Ёзма манбалар юқоридаги сингари хулоса чиқаришга имкон беради.

-дук, -дук қўшимчаси „Қутадғу билиг“ (XI), „Қиссасул анбё“ (XIV аср), „Муҳаббатнома“ (XIV аср) ва Муқимий, Фурқат каби шоир-ёзувчилар яшаган даврларда пайдо бўлган асарларда учраб туради.

Юқоридаги қўшимчалар билан бир қаторда, XIII — XIV асрлардан бошлаб, айниқса Навоий давридан эътиборан -дық (-ды + қ), -дик (-ди + к) қўшимчаси мустақил ҳолда қўлланила бошлайди. Шу даврдан бошлаб, оммавий равишда ишлатиладиган бўлиб қолади ва адабий тил нормаси сифатида мустаҳкамланади. Демак, энди -дық, -дик барча соҳаларда -дуқ// -дук, -туқ// -тук шакллари ўрнини эгаллай бошлайди.

Қорлуқ-чигил-уйғур шеваларида аниқ ўтган замон феълларининг бундай шаклда келиши улар вакилларининг жуда узоқ вақтлардан бери ўтроқ ҳолда ҳаёт кечириб келганликларидан, шеваларнинг эса қадимий тарихга эга эканлигидан дарақ беради.

Шуни алоҳида таъкидлаб кўрсатиш лозимки, Тошкент ва Қарноб шеваларида аниқ ўтган замон феълларининг биринчи шахс кўплиги, кўпинча -дъмъз шакли билан ҳосил қилинади. Масалан, бърдъмъз, йъвърдъмъз, келдъмъз кабилар.

Маълумки, аниқ ўтган замон феълларининг -дъмъз қўшимчаси ёрдами билан ясалиши энг қадимги шакллардан ҳисобланади. Тарихий нуқтаи назардан -дъмъз шакли -дум, -ду, -дук, -дуг, -дуқ, -тук шакллариға нисбатан ҳам анча эскидир.

Ўзбек халқ шеваларининг бир гуруҳида -дъмъз (-дымыз// -димиз) қўшимчасининг ҳам фаол бўлганлиги тарихий фактдир. У шеваларда аниқ ўтган замон феълларининг биринчи шахс кўплиги, кўпинча, -дъмъз билан ҳосил қилинади: йъвүрдъмъз, келдъмъз каби.

Шундай қилиб, тарихий жиҳатдан юқоридаги қўшимчаларнинг манбаларда қўлланилиши ўрни қуйидагича: -дъмъз// -димиз// -тимиз, -дуқ// -дүк// -дик.

Аниқ ўтган замон феълнинг биринчи шахс кўплиги қадимги туркий ёдгорликлар тили ва „Девону луғотит турк“ да ҳам -дымыз, -димиз шаклига қўлланган. Ҳақиқатан ҳам, феълнинг бу шакли энг қадимийдир. У тил тарихига оид дастлабки манбалардан бошлаб учрабди. -димиз қўшимчаси „Гафсир“ да ҳам бор.

Алишер Навоий ва унинг замондошлари асарларида -дымыз, -димиз шаклининг қўлланганлигини учратмадик. Демак, бу даврга келиб, бу қўшимча истезмолдан чиққан бўлиши мумкин.

Қайд этилган шакллардан ташқари, Тошкент шева-сида -дув, -дувуз, -дувузэ, -дузэ, -дувзэ каби қўшимча ва кўринишлари ҳам аниқ ўтган замон феълнинг биринчи шахс кўплик шаклини ясаш учун қўлланади.

Шундай қилиб, ҳар иккала қўшимча ҳам тарихий манбаларда ўз ўрнига эга бўлган. Улар қўшимчалар сифатида ҳар иккаласи энг қадимги манбалардан бошлаб учрайди. Лекин -дуқ// -дүк дастлабки вақтларда аниқ ўтган замон феъли вазифасида (II шахс кўплик) қўлланилмасдан, бошқа вазифаларни бажариб келган. У вақтда бу маънода, -дымыз// -димиз қўшимчаси қўлланилар эди.

Аниқ ўтган замон феълнинг биринчи шахс кўплик шакллари қипчоқ шевалари материалларида -дық, -дик, -тық, -тик қўшимчаси билан ҳосил қилинади: бизэ уватган қатты-қатты жүрүп// жирип кэттик, бизэр үйгэ бардық, уна барып жэгтик, нимэ болайкэн дэп қорқып қалдық (ғарбий қипчоқ шевалари); гәширишкә олардан қорқдық тос-топаланыны чығарып кэттик, соғун кәп авқәт жәдик, отырып-отырып ухләп қалдық (шарқий қипчоқ шевалари)

Бу жиҳатдан ўғуз шевалари ҳам ўхшашдир. Чунки уларда ҳам биринчи шахс кўплик шакллари -дық, -дик, -тық, -тик шаклларида ишлатилади. Масалан, барғаннан соң отырдық, тойа гәттик ва бошқалар

4. Самарқанд, Бухоро, Каттақўрғон, Наманган, Қарши, Шаҳрисабз ва Ургут каби шеваларда ассимиляция ҳодисаси кучли. Шунга кўра, -лъм, -лум, -лъқ, -лък, -лъ каби қўшимчалар ҳам ўтган замон феълнинг бирлик шаклларины ҳосил қилиш учун ишлатилади: бәрийп келлим (Самарқанд); мехни қорәрийп

эллин (Бухоро), севуп қоллум (Қарши); бьээ бэггә бэлл'к (Каттақўрғон); эҳ-эҳ тилимни чишлэвэллим (Шаҳрисабз); дарвозаңни четип оттум билмадин (Ургут) каби.

Қипчоқ ва ўғуз лаҳжалари материалларида ҳам маълум даражада ассимиляция ҳодисасининг мавжудлиги кўзга ташланиб туради. Аниқ ўтган замон феълининг биринчи шахс бирлик ва кўплик шаклларидаги -тық, -тик, -тым, -тим кабилар шулар жумласидандир.

5. Фарғона, Жиззах, Шаҳрисабз, Ўш ва Каттақўрғон типли (Пайшанба, Янгиқўрғон каби) шеваларда биринчи шахс кўплик шакли -д'й, -т'й. -л'й сингари қўшимчаларга ҳам эга бўлади. Иккинчи шахс кўплик шаклида эса -д'з, -т'з қўшимчаси қўлланади.

Сўнги хусусият Тошкент ва унга ўхшаш (масалан, Паркент каби) шеваларда ҳам анча мустақкам сақланган шакллардан саналади.

Қипчоқ гуруҳи шеваларида оҳангдошлик ҳодисаси билан боғлиқ жарангсизланишнинг мавжудлиги кўзга ташланади. Бу шеваларда учинчи шахс бирлиги билан кўплиги фақат бирлик шаклидагина қўлланади. Демак, ўзбек адабий тилидаги -лар шакли ва қарлуқ-уйғур-чигил шеваларидаги -лар, -лэр, -ла, -лэ ёки -'ш. -т' ҳолатидаги кўпликни англатувчи қўшимчалар қипчоқ шеваларида қўлланмайди. Унинг кўплик маънолари жумлада реаллашади.

Шуни айтиш керакки, ҳар учала шахснинг бирлик ва кўплигида ҳам ўзакнинг қаттиқ ва юмшоқ келишига қараб аниқ ўтган замон феъли шакллари ҳам қаттиқ ёки юмшоқ ҳолатга эга бўлади. Масалан, чавдым-чавдым, берибир чэрчэп қалдым; мэн сэни қанча кутгим бийирдэ; ишти вақлы бажарды; бу жыл көп иш қылдық; жавун болар-бомасыны көрдинизмэ каби.

Шу ўринда яна бир ўзига хос томонни, яъни биринчи шахс кўплик шаклида -дық, -тық қўшимчаси билан ҳам феълларнинг ҳосил қилинишини қайд этиб ўтиш лозим. Масалан, бизэр бу жыл көп иш қылдық, алмань аттық атқанца каби.

Қипчоқ шеваларидаги юқоридаги хусусиятни аниқроқ тасаввур этиш учун қуйида бармақ, кэлмэқ, ичмэк, атмақ феълларини ҳар уч шахснинг бирлик ва кўплик шакллари бўйича туслаб кўрайлик:

Бирлик

I шахс	бардым, кэлдим, аттым, ичтим
II шахс	бардын, кэлдин, аттын, ичтин
III шахс	барды, кэлды, атты, ичти
Кўплик	
I шахс	бардық, кэлдик, аттық, иштиқ.
II шахс	бардынис, кэлдинис, аттыныс, ичтинис.
III шахс	барды, кэлди, атты, ишти

Ўғуз лаҳжасида аниқ ўтган замон феълيني ясовчи шакллар қорлуқ-чигил-уйғур шеваларида, айниқса, қипчоқ шеваларида анчагина умумий томонларга эга. Бу биринчи шахс бирлик ва кўплиги, иккинчи ва учинчи шахс бирлигида кўзга ташланали. Уларнинг қипчоқ шеваларидан фарқи иккинчи шахс охирида келган қўшимчаларнинг охирида жаранглашиш бўлмаслиги ва кўплик аффикси -лар, -лэр нинг қўшилиб келишини айтиш лозим. Баъзи қўшимчаларни чоғиштириб кўрайлик. Қипчоқда: -дыңыз, -диниз, -тыңыз, -тиниз. Масалан, жавун болар бомасыны көрдинисмэ, сиз алыныс дәл жүрүппән, чэчэ сизэм кэп-кэттинисмэ; ашты түзини таттыңысма жоқма (қипчоқ); сынавы бэриб болдыңызарма, нэ хавар әпкелдиниз (ўғуз) кабилар.

Учинчи шахс бирлиги билан кўплиги қипчоқларда фарқланмайди (шакли жиҳатидан), ўғузларда эса кўплик шакли учун -лэ, -ла қўшимчалари қўлланилади. -дыла, -дилэ, -тыла, -тилэ. Масалан, огулланган йипәкни мәни бойныма ташдыла: көрвәнла аған билан гәлип отыравердилэ, ахыры дарвазаны қақтыла каби.

Учинчи шахс кўплик ва бирлик шакли қадимги туркий обидалар тилидан ҳам деярли фарқланмайди ва асосий бирлик қўшимчаси орқали берилади. Бу даврдаги ёдгорликларда кўплик шакли ҳам учрайди, лекин у кўпроқ буйруқ феъли ва сифатдош шакли учун ишлатилади. „Девону луғотит турк“ даврига келиб, энди кўплик учун алоҳида қўшимчалар (-дылар, -дилар, -тылар, -тилар) фаол қўлланила бошлайди.

17-§. Аниқ ҳозирги замон феъли

Ўзбек халқ шеваларида ҳам ҳозирги замон феълини аниқ ҳозирги замон феъли ва ҳозирги-келаси замон феъли деб икки турга бўлинади. Атамаларни қўлашдаги баъзи чалкашликларга қарамасдан (масалан, конкрет ҳозирги замон феъли, аниқ ҳозирги замон феъли, ҳозирги замон давом феъли, ҳозирги замон гумон феъли), мавжуд тилшунослик адабиётларида ҳозирги замон феъли юқоридаги каби икки қисмга бўлиниб ўрганилади ва таҳлил этилади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида аниқ ҳозирги замон феълени ҳосил қилиш учун қуйидаги уч қўшимча қўлланилади: -яп, -ётир, -моқда. -Ётир қўшимчаси адабий тилимизда 1920 йилдан бошлаб фаол ишлатилганидан бўлиб қолди. -яп ва -моқда қўшимчалари эса 1929 йил май ойида бўлиб ўтган тил ва имлога бағишланган анжуманда адабий тил нормаси сифатида қабул этилган эди. Ҳар учала қўшимчанинг қўлланилиши бир хил даражада бўлмаса ҳам, уларнинг маъноси бир-бирига жуда ҳам яқин бўлиб, фарқли томонлари фақат услубий жиҳатдан кўзга ташланиб туради. Шу сабабли -яп, -ётир ва -моқда қўшимчаларини бир-бирига шаклдош сўзлар сифатида қўлланиш адабий тил нормасига мос келади.

Юқоридаги қўшимчалардан -яп ва -ётир қўшимчалаги услуб нуқтани назаридан -моқда қўшимчасига нисбатан сермахсулроқ ҳисобланади. -яп кўрсаткичи ўз навбатида -ётир қўшимчасига нисбатан фаол қўлланилади.

-яп қўшимчаси Фарғона водийсидаги (Андижон, Фарғона, Қўқон, Марғилон, Ўш), шунингдек Жиззах, Каттақўрғон, Пайшанба, Янгиқўрғон каби шеваларнинг ўзига хос хусусияти бўлса, -ётир қўшимчаси ўғуз ва қипчоқ шеваларининг материалларига тўғри келади. Ана шу 60 йилдан кўпроқ вақт ичида ҳар иккала қўшимча ҳам адабий тилда кенг қўлланилиб кетмоқда.

-яп қўшимчаси ҳозирги вақтда энг кўп ишлагиландиган қўшимча бўлиб, аниқ ҳозирги замон феълининг катта қисми фақат шу шакл орқали ҳосил қилинади. Унинг аниқ ҳозирги замон феълени ясаши, феълнинг қайси шаклига қўшилиб келиши ҳақида икки хил фикр мавжуд:

а) феълнинг равишдош шаклларига -яп қўшимчасини қўшиш билан аниқ ҳозирги замон феълни вужудга келтириш. Масалан, бора япман, ёзаяпман каби;

б) феълнинг буйруқ шакли ўзагига тўғридан-тўғри -яп аффиксини қўшиш билан аниқ ҳозирги замон феъли ҳосил қилинади. Масалан, бор япман, ёзаяпман каби.

Иккинчи фикр проф. В. В. Решетов томонидан айтилган бўлиб, имло масалаларига бағишланган турли йиғилишларда, илмий асарларда тўла равишда асослаб ва исботлаб берилган эди. Бу фикр кўпчилик мутахассислар ва жамоатчилик томонидан маъқулланди. Нагижала „Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари“ да ўз аксини топди. Ўзбек имлосининг амалдаги қонун-қоидаларида аниқ ҳозирги замон феълнинг аффикси -яп феълнинг буйруқ шаклига, унинг ўзагига қўшилиши кўрсатилган

Феълнинг замонлари, везифадош шакллари, майллари, исбатлари кабиларнинг ҳаммаси унинг буйруқ шаклидан ҳосил қилинади деган фикрни Маҳмуд Кошғарийнинг „Девону луготит турк“ асаридаги мтериаллар ҳам қувватлайди. Чунки „Девон“ да буйруқ феълнинг асос қилиб олинishi, феъл ҳосил қилувчи қўшимчаларнинг буйруқ феълига қўшилиши алоҳида ҳисобга олинган. Шунинг билан бирга, Маҳмуд Кошғарий буйруқ феълнинг ўзакка тенг келишини ҳам қайл этади.

Орадан шунча вақт ўтганлигига қарамасдан, ҳали ҳам айрим тилшунослар ва нашриёт ходимлари ўртасида -яп қўшимчаси феълнинг равишдош шаклига қўшилади деган фикр ҳукм суриб келмоқда. Баъзан эса равишдош шакли орқали аниқ ҳозирги замон феъли ясаш ҳам тавсия қилинади. Бу тавсиянинг қанчалик асоссиз ва яроқсиз эканлиги ўз вақтида матбуотда қаттиқ танқид қилинган эди. Бизнингча, бу соҳада ҳам бир хилликка эришиш ва шу йўл билан имлонинг мукаммаллашувини таъминлаш мумкин. Бу эса феълнинг ҳамма замон шакллари унинг буйруқ шакли ўзагидан ҳосил қилинади деган фикрга тўла риоя қилиш йўли билан амалга оширилади.

Ана шу 40 йилча вақт ичида проф. В. В. Решетовнинг фикрлари янада мустаҳкамланди ва алабий тил нормаси сифатида оммавий тус олди. Сўнгги вақтлар

нашр этилган дарслик, қўлланма ва ҳар хил илмий асарларла ҳам бу қоида ҳисобга олинди.

Гилга доир баъзи материалларда эса -яп қўшимчаси феълининг негизига қўшилади, деган фикр ҳам учрайди. Бу ўринда ҳам бироз англашилмовчилик бор. Чунки ўзак билан негизнинг бир-биридан фарқланишини ҳисобга олиш зарур. Яхшиси, бу ўринда негиз атамасини ишлағмаслик маъқулроқ.

Сўнгги йилларда чиққан айрим материалларда аниқ ҳозирги замон феълининг ясовчи қўшимчаси -япти деб берилиши ҳам учраб туради. Бу ўринда -япти қўшма қўшимча бўлиб, -яп аниқ ҳозирги замон феълини ҳосил қилувчи қўшимча эканлигини, -ти(-ди) III шахс бирлик шакли қўшимчаси эканлигини эсда тутини лозим. Тажрибада эса талабалар, айрим ўқитувчилар орасида ҳам, худди юқоридаги сингари, аниқ ҳозирги замон феълини ясовчи қўшимча -япти деб нотўғри тушуниш ҳоллари учраб туради. Маълумки, ҳар нарсанинг ўз номи ва белгиси бор. Шундай экан, уларнинг ўз номлари ва белгилари билан юритиш мақсада мувофиқдир. Бу фикр аниқ ҳозирги замон феъли қўшимчаси (-яп) ва феълининг сон-шахс қўшимчаларига ҳам (-ти) бевосита тааллуқлидир.

-яп қўшимчаси билан аниқ ҳозирги замон феълининг ҳосил қилиш (адабий тил қондаси сифатида) 1929 йилдан бошланган бўлса ҳам, у турли манбаларда бадний асарларда кам даражада бўлса-да, бирмунча илгарироқ вақтдан бошлаб қўлланилиб келинар эди. Умуман, аниқ ҳозирги замон феъли ўтган ва келаси замон феълларига нисбаган анча сўнгги даврнинг маҳсулидир. Чунки тарихий ёзма ёдгорликлар ва бадний асарлар намуналарида асосан, ўтган ва келаси замон феълларининг кўпроқ қўлланилганлигини кўраман.

Қорлуқ-чигил-уйғур гуруҳи шеваларида ҳозирги замон феъли буйруқ шакли ўзагига -йән қўшимчасини қўшиш билан ясалади. Бу энг кўп тарқалган қўшимча бўлиб, аниқ ҳозирги замон феълининг асосий қисми фақат у орқали вужудга келади. Масалан, *озләръ бәрйәптъләрмъ* (Андижон); *шунга хәлә болъп келйәппән* (Қўқон); *сән йәзйәпсән* (Жиззах); *кельн эйпн кәмйәптъ, сен эчкәнъ йәр...* (Фарғона); *бъзә ыстәнсәгә бәрйәпмъз: әкәм корей терйәптъ* (Каттақўрғон) ва бошқалар.

Баъзан -йәтър, -йәтъи қўшимчалари билан ҳам

аниқ ҳозирги замон феъли ҳосил қилинади. Бу шакллар билан ҳозирги замон аниқ феълнинг қўлланилиши зиёдилар ва юқори синф ўқувчилари нутқлари учун хосдир. Тўпланган шевашунослик материалларининг далолат беришича, -йотър қўшимчаси Каттакўрғон ва Қарноб шевалари материаллари билан кўпроқ боғлиққа ўхшайди. Масалан, кәнспек йэзэйстърмән, ьшлэп йэстър, тэмошога бэрэйстърмъз, бэ-элэ мэктэлгэ (-кэ) келэйстър (Каттакўрғон, Пайшанба, Яигиқўрғон), ҳэзърга қэдэр мэррь қойлэрънъздэн кэмсут эльнэ йэстър, су: гэ тойгән қой жойъгэ йэстър (Қарноб) каби.

Мисоллардан кўриниб турганидек, -йэстър қўшимчаси бевосита феъл ўзагига эмас, балки равишлошнинг -э шаклига қўшилиб келмоқда. Оддий сўзлашув нутқида ҳам, асосан, шу хилдаги тартибдан фойдаланилади.

Тошкент ва Фарғона шеваларида аниқ ҳозирги замон феълнинг ясалишида—йэстър кўрсаткичи ишги-рок этмайди. Лекин адабий тил, радио, матбуот кабиларнинг фаол таъсири остида уларда ҳам қисман бу шакл ўзлашиб бормоқда.

-йэстър шакли феълнинг ўзагига қўшилган ҳолда қўлланилади. Масалан, мән йэзэйстърмән, бэз йэзэйстърппъз (Жиззах) каби.

Баъзан бу шакл равишдош билан бириккан ҳолда келиб, аниқ ҳозирги замон феъли маъносини ҳам билдириши мумкин. Демак, бундай пайтда қўшимча ҳолида эмас, мустақил сўз (феъл) ҳолида келади. Масалан, бэзэм зэвутка қървэлъб ьшлэб йэстърппъз, дэдэсь олгэндэн кейън бър ьлэж қълъб укэлэрънъевэш қълъб йэстърптъдэ (Андижон) каби.

Худди шу -йэстър шакли билан бевосита боғлиқ бўлган -этуп қўшимчаси ҳам аниқ ҳозирги замон феълни яшаш учун хизмат қилади. Бу қўшимча орқали феъл ҳосил қилиш кўпроқ Ургут ва Шаҳрисабз шеваларига тааллуқлидир: бэрэстүпман // бэрэстүпан, бэрэстүсан, бэрэстүммъз, бэрэстүписиз каби.

Самарқанд-Бухоро гуруҳи шеваларида аниқ ҳозирги замон феъли шакли -эп қўшимчаси билан ясалади ва адабий тилдаги -яп, -ётир, -моқда қўшимчалари вазифасини ўтайди. Адабий тилдаги шакл эса шева материалларида деярли учрамайди. Агар баъзан учраб қолса, уни зиёдилар нутқида хос, адабий тилга мос-

лашиш деб ҳисоблаш лозим. Масалан, Регистонга қизиқ тамаша бўлэпти, укам дўкэнга ишлэпти, биз ишдан чиқэпмиз//чиқэмиз, Фэти жорасини иллийдан келэпти ва бошқалар.

-эп қўшимча билан аниқ ҳозирги замон феълини ҳосил қилиш Бухоро, Қарши, Ургут, Шаҳрисабз каби шевалар учун ҳам ҳосдир.

Бухоро шевасида

Бирлик	Кўплик
1. йэзэпман	йэзэпмиз
2. йэзэпсан	йэзэпсиз
3. йэзэпти	йэзэптилар

Шаҳрисабз шевасида

Бирлик	Кўплик
1. ишлэпман	ишлэмиз
2. ишлэпсан	ишлэпсиз
3. ишлэпто	ишлэпто

Қарши шевасида

Бирлик	Кўплик
1. бэрэмман	бэрэббъз
2. бэрэпсан	бэрэпсэз
3. бэрэпту	бэрэптула

Ургут шевасида

Бирлик	Кўплик
1. бэрэмман	бэрэтуммиз
2. бэрэпсан	бэрэтупсиз
3. бэрэпту	бэрэтуптула

Аниқ ҳозирги замон феълининг маъносини англаувчи *ёт, қил, эт, ёр, ўтир, тур, айла* кабилар қўшма феъл таркибида ҳам келади.

Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасидаги шевалардан Самарқанд, Қарши, Ургут, Бухоро шеваларида тур феъли ўрнида кўпинча тохта феъли қўлланилади ва феълнинг равишдош шакли билан биргаликда келиб, аниқ ҳозирги замон феъли маъносида қўлланилади. Масалан, келиб тохтаң, айтиб тохтаң, оқиб тохтаман, бэриб тохтаммиз каби.

Тошкент ва Қарноб шеваларида бу феълни ҳосил қилиш учун феъл узакларига -вот қўшимчаси қўшилиб, ундан сўнг тегишли шахс-сон қўшимчалари келтирилади: қаҳ кейвэссан, егась кевэтгенънъ бълладь (Тошкент), ошаь ънакнъ айтвэттъ, ъшлэвэтмъз дегән Қарноб) ва бошқалар

Тошкент ва Қарнобдаги бу хусусиятни Паркент шеvasиди ҳам учратамиз: чърнълъь ъдэра учун эпкевэттъмъ, ҳа ъдэрага эпкевэттъм, эпкевэканъ қъзмъз беткә лэйуқ йэр-йэр каби.

Аниқ ҳозирги замон феълнинг -вот шакли билан ясалиши Косонсой районидаги баъзи қишлоқ шеваларида, масалан, Чиндаул шеvasида ҳам ишлатилади.

Наманган вилоят Уйчи шеvasидаги аниқ ҳозирги замон феълнинг ясалиши ҳам (бэрвэтмән, бэрвэтсан, кэлвэтмән, кэлвэтсэн каби) -вот, -эт шакллари билан келиб чиқиши жиҳатидан бир хил деб қараш лозим.

Баъзан -вот қўшимчаси фонетик ўзгаришга учраб, -эт тарзида ҳам қўлланилади. Масалан, ул келэтгән-дъ, ул айтэттъ (Қарноб), келэтмән, келэтсэн, келэттъ (Наманган вилоят Ҳаққуллобод шеvasи) бэрэттъм, келэттъм (Янгийўл тумани Нисвон, Паркент, Пискент шевалари), сув гутэттъ, узъмъздъ къй: келэтълә (Косон тумани Қорлуқ шеvasи) кабилар.

Булардан ташқари, яна -вэтъ, -вэтъп шакллари ҳам мавжуд бўлиб, бу кўрсаткичлар -вот қўшимчасига нисбатан камроқ қўлланилади. -вот қўшимчаси билан боғлиқ ҳолда Наманган шеvasида-ут шакли ишлатилади. Масалан, оғълънъздән хат келуттъмъ; ой бърэдәр, нъмә йэзъп тэшлутсэн, йеттънчъ эсмәнгә ойнъ дэгъгә кетутмән каби

-ут қўшимчасининг ривожини -ват <-вот>-эт>-ут йўли билан борганлигини қанд этиш мумкин. Самарқанд-Бухоро гуруҳи шеваларидаги -эп қўшимчаси ҳам юқоридаги ҳолат билан бевосита боғлиқдир.

Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаларидаги шеваларда аниқ ҳозирги замон феълнинг булишсиз шакли -мә қўшимчаси ёрдамида яsалади. Масалан, қэрзнъ бермәвэттъ, уләнъ айтмәймән, мән йэзмәймән каби.

Тарихий манба тарда ётир шакли учрамаслиги, унинг қайси лаҳжа материалларидан олингани тўғрисида турлича фикрлар мавжуд. Бир гуруҳ олимлар—фило-

логия фанлари доктори Ф. А. Абдуллаев, филология фанлари номзоди Ю. Жуманазаров ва И. Шамсидинов -ётир> -йэтир> -йэтир қўшимчаси адабий тил меъёрига ўғуз тилидан олинган, дейдилар. Академик А. Н. Кононов ҳам -ётир қўшимчаси Хоразм шеваларига хос хусусият эканлигини қайд этади. Бошқа бир гуруҳ олимлар—В. В. Решетов, Х. Дониёров, В. Эгамов ва бошқалар -ётир, -йэтир, -жатыр желанувчи шевалар учун хос деб ҳисоблайдилар. Проф. Ғози Олим Юнусов жанубий Хоразм шеваларида аниқ ҳозирги замон феъли -ётир қўшимчаси билан ясалишини айтади. Шунингдек, -ётир қўшимчасининг қипчоқ шеваларида -жатыр деб қўлланилишини ҳам қайд этади. -ётир қўшимчаси билан аниқ ҳозирги замон феълени яшаш ўзбек тилининг жанубий Хоразм шеvasи учун хосдир. Шунингдек, баъзи бир фонетик ўзгаришларни ҳисобга олмаганда (“й, ундоши ўрнида “ж” ундошининг келиши) ўзбек тилининг қипчоқ шеваларида ҳам (масалан, қурама, қипчоқ, сарой, манғит, қирқ, Ғаллаорол, Найман, Бахмал, хитой каби) -ётир, -йэтир> -йатыр> -жатыр> -жэтир қўшимчасининг мавжудлигини кураимиз.

Масалан:

Тэң — тэңи мэн жатыр,
Тэзэк қавы мэн жатыр
Жолда кэли жатыр,
Кэли савы мэн.

(Найман)

Тошкент ва Фарғона водийсидаги шеваларда эса аниқ ҳозирги замон феъленинг ясалишида -ётир қўшимчаси иштирок этмайди. Баъзан зиёлилар ва ёшлар нутқида учраши мумкин. Лекин бу шеваларга хос хусусият бўлмасдан, адабий тилнинг таъсирида юзага келган хусусият ҳисобланади.

Ҳақиқатан ҳам, -ётир шакли ўғуз шеваларида ҳам, қипчоқ шеваларида ҳам қўлланилади. Бу қўшимча тил тарихи материалларида ҳам фарқланмайди. Шунга кўра, бу қўшимчани ҳар иккала лаҳжа—ўғуз ва қипчоқ учун тааллуқли ва уларнинг шева хусусияти деб ҳисоблашга тўғри келади. Шунинг учун ҳам, у қорлуқ-чигил -уйғур гуруҳ шеваларида кам қўлланилади ёки умуман учрамайди.

-ётир қўшимчасининг ҳозирги замон феъли икки хил йўл билан ясаб келинмоқда:

а) феълнинг ўзагига, унинг буйруқ шаклига -ётир қўшимчасини қўшиш билан. Сон-шахс қўшимчалари эса -ётир қўшимчасидан сўнг қўшилади. Масалан, ўқи + ётир + ман каби.

б) феълнинг равишдош шаклига -ётир қўшимчасини қўшиш йўли билан. Масалан, ёза + ётир + ман, кета + ётир + ман, бора + ётир + ман каби.

Шундай қилиб, -ётир қўшимчаси билан ҳозирги замон феъл шаклини ясада феъл ўзагининг унли ёки ундош билан тугашига қараб, икки хил йўл билан ҳосил қилинади. Эҳтимол, бу ўринда ҳам -яп қўшимчасидаги сингари принципни амалга ошириш мумкин бўлар, яъни феълнинг ўзагини ҳар иккала ҳолат учун ҳам асос қилиб олишни ўйлаб кўришга тўғри келади.

Қипчоқ лаҳжасида аниқ ҳозирги замон феъли -жатыр, -жатыр қўшимчаси билан шаклланади. Бунда "й" ундош фонемаси ўрнида "ж" ундош фонемасининг келиши сингари фонетик ўзгаришни ҳисобга олмганда, юқоридаги қорлуқ-чигил-уйғур шевалари билан фарқ қилмайди: -ётир >> -йәтър, -йатыр > -йәтир, > жатыр >> -жәтир.

Қипчоқ шевалари материалларидан намуналар: пахта эғиви бомай жатыр, кәләжәтирмә жоқма, әкәмнәр баражатыр, кәтмән минән иш қылув жоғалып барып жатыр каби.

Қипчоқ шеваларининг баъзилари (мас., Самарқанд вилоятидаги айрим қипчоқ шевалари каби) вакиллари нугқида -ватыр, -вәтир, -вәтип шакллари ҳам ишлатилади. Масалан, бизәм ишләвәтипмиз, уләрны әкәси кәләвәтир, санам бараватирсан, уйам гәпирирвәтипти каби.

Бундай феъл шакллари ўзбек тилининг шимолий Хоразм шевалари учун ҳам хосдир: бараватырман, кәтвәтирсән каби.

Шуниингдек, қипчоқ шеваларида, -йап, -йәп, -йәтыр, -йәтир каби қўшимчалар ҳам аниқ ҳозирги замон феълни ясаш учун иштирок этади: биз барйәппыс, сиз ишләйәпсизмә, әкәмләр кәләйәтир, иш қылайәтирман ва бошқалар.

Ўғуз лаҳжасида аниқ ҳозирги замон -йатыр, -йәтир қўшимчаси билан ҳосил қилинади. Масалан, иш-

ти қыдырмақа гет й атырман, биригәдәгә бар й атырсан, буйун сиз бә : вахта : м капы тақырды й атыр деп соләшиб й атадыла.

Бу феъл шакллари қандай кўринишга әга бўлишидан қатъи назар, улар й ә тип < й ә т моқ (әтиб < әт моқ) феъли билан боғланган.

Маълумки, -м әқ да шакли ҳам ўзбек адабий тилида аниқ ҳозирги замон феъллини ясаш учун хизмат қилади ва -әтир, -яп қўшимчалари сингари нутқ сўзланиб турган пайтдаги ҳаракат жараёнини билдириб келади. Лекин уларнинг қўлланиш доираси бир хил эмас: ёзма нутқда ҳам -яп кўрсаткичи кўп қўлланилади. Худди шу сабаблан бўлса керак, -моқ да қўшимчаси билан феълли ҳосил қилиш шаҳар ва шаҳар типли шеваларда учрамайди ёки кам ишлатилади. Масалан, Тошкент шевалари материалларида -моқ да қўшимчаси билан аниқ ҳозирги замон феъли ҳосил қилинмайди. Биз намуналар олган манбаларда ўғуз ва қипчоқ лаҳжаларида ҳам бу қўшимча чегараланган даражада қўлланилган. У шевалараро -моқ да > -м әқ да > мақ да > -мақта > -мәктә кўринишларига әга бўлади: пақта тәр мәктә миз, ишән қайт мақта миз (қипчоқ); шундән шәғгә ўшләп кем әқ дәмъз (Андижон) каби.

Диалектал нуқтаи назардан -й ә п Андижон, Фарғона, Қўқон, Марғилон, Каттақўғон, Жиззах, Пайшанба каби қорлуқ-чигил-уйғур шеваларининг материали ҳисобланади ва ана шу шевалар орқали адабий тил қондаси сифатида қабул қилинган ва у муваффақият билан қўлланилиб келинмоқда. -й ә тыр // -й әтир, -ж а тыр // жәтир шакллари қипчоқ ва ўғуз лаҳжалари учун хос бўлиб, у шевалар вакиллари нутқида фаол қўлланилади. Адабий тилга ана шу икки лаҳжа материали асосида сингиб кетган. -моқ да шаклининг диалектал асоси қуйидагича: -моқ > -мақ > -мәк ўғуз лаҳжаси материаллари билан чамбарчас боғланади. Лекин ўғуз шеваларининг ўзида ҳам бу қўшимча билан ёки унинг иштирокида аниқ ҳозирги замон феъллининг ҳосил қилинганлиги учратилмайди. Шунга кўра, ҳаракат номи сифатида мавжуд бўлган -моқ // -мәк шаклида олинган бўлиб, сўнгра унга ўрин келишигининг қўшимчаси -да // -да қўшилган бўлиши керак. Ҳар ҳолла, -моқ да шакли нисбатан сўнгги даврда шаклланиб, адабий тил қондасига сингиб кетган.

-м о қ да қўшимчасининг ёзма ёдгорликларда қўлланилиш даври XIII—X V асрлар билан боғланади. яъни „Ўғузнома“ каби асарларда кўза ташланади. Худди шу сабабли бу ўзбек халқ шевалари материалларида аниқ ҳозирги замон феълни яшаш учун шевашунослик материалларида деярли кўзга ташланмади. Фақат айрим ҳолларда шевалар материалларида учратиш мумкин. Бу, сўзсиз, адабий тил таъсирида рўй бермоқда. Адабий тилда эса -моқ да қўшимчаси -ётир ва -яп қўшимчалари билан тенг ҳуқуқли ҳисобланади. -моқ да// -мэк дэ қўшимчасининг айрим ўзбек шеваларида учраши 1987 йилдан бошлаб йиғилган материалларда кўзга ташланади. Бунга Андижон шеваси материаллари мисол бўлиши мумкин. Масалан, шундан шёғъгэ ьшлэп кемэк дэмъз каби.

Умуман, ҳозирги замон феъл категорияси ўтган ва келаси замон феъллари категорияларига нисбатан сўнгги даврнинг маҳсулидир. Чунки тил тарихига оид қадимги ёзма ёдгорликлар ва бадий асарлар намуналарида, асосан, ўтган ва келаси замон феъллари кўпроқ қўлланилган. Чунончи, Маҳмуд Кошғарий ҳам узнинг “Девону луғотит турк” асарида ўтган ва келаси замон феъллари тўғрисида мулоҳаза юритиб, уларни феъли мозий (ўтган замон феъли) ва феъли мўсгақбал (келаси замон феъли) деб гуруҳлаштиради “Девону луғотит турк” да бу иккала замон феълларига илмий таҳлил ва намуналар берилган.

Бундан ташқари, XI аср ёзма ёдгорликлари, жумлалан “Девону луғотит турк” да турур феълнинг равишдош шаклларида сўнг кели, бир бирикма шаклида қўлланилиши орқали ҳам ифода этилганлигини кузатиш мумкин. Айрим ҳолларда эса турур феълнинг ўзи ҳам ҳозирги замонни билдириб келаверади:

Этил суви ақа турур,
Қайа тубы қақа турур,
Балық тилим бақа турур,
Келуң тақы кушәрур.

Эдил суви каттиқ тоғ сувларига урилиб оқмоқда. У сувлардан пайдо бўлган ясама қўлчаларда балиқлар, бақалар кўпаймоқда (ДЛГ, I, 103).

Шундай қилиб, -моқ да шакли ўзбек адабий тилида аниқ ҳозирги замон феълни яшаш учун хизмат

қилади ва -ётир. -яп қўшимчалари сингари нутқ сўз-ланиб турган жараёни билдириб келади. Лекин уларнинг қўлланилиш доираси бир хил эмас. Ёзма нутқда ҳам, оғзаки нутқда ҳам -яп кўрсаткичи кўпроқ қўлланилади. -моқда ва -ётир шакллари эса анча чегараланган ҳолда ишлатилади. Чунки ҳозирги замон давом феълени -яп ҳолида қўллаш ўзбек адабий тилининг ҳозирги ҳолида анча кенг миқёсга эга бўлмоқда, -моқда ва -ётир қўшимчалари бўлса, бирмунча анъанавий ҳолатга эга бўлиб келмоқда.

18- §. Келаси замон феъли

Феъл замонлари қандай шаклда берилишидан қатъи назар, уларни ўтган замон феъли, ҳозирги замон феъли ва келаси замон феъли деб уч замонга бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбек халқ шеваларида келаси замон феъли ҳам бир неча хил қўшимчалар билан ҳосил қилинади: -кэн, -кан, -дъгэн, -диган, -тъгэн, -дэгон, -дигэн, -мэқчъ, -мэхчъ, -мэгчъ, -мақчы, -мэкчи, -гулъ; -эсъ, -эсъ, -р, -ар, -эр, -ур, -үр, -ър, -ыр, -ир каби.

Феълнинг бу замонини ҳосил қилувчи қўшимча қорлуқ-чигил-уйғур, қипчоқ ва ўғуз шеваларида бир хил бўлса ҳам, улардаги шаклларнинг фаол ҳамда кам қўлланиши жиҳатидан фарқланиши кўзга ташланади

Қорлуқ-чигил-уйғур гуруҳи шеваларида келаси замон феъли турлича ҳолла қўлланилади:

1 Аниқ келаси замон феъли Бу феъл замонини ясовчи қўшимчалар қуйилганча:

а) -а, -э, -й қўшимчалари билан ясалган равишдошларга турли хил қўшимчаларни қўшиш билан ясади. Қумладан, Каттақўрғон гуруҳи шеваларида -кэн, -дъгэн, -тъгэн сингари қўшимчалар ва тегишли шахс оч белгиларини қўшиш билан Бу хусусият Ургуи шеvasига ҳам хосдир. Масалан, эйэгънъ йувъй-дъгэн болдъ, экэмдэ бэрэдъгэн болдълэ (Қарноб), шэ: эр бэрэйкэн бэ:мъ, тэйгэ бэрэйкэн, эдэмгэ охшэйдъ (Каттақўрғон), Мэлдэнқул ишлай диган мэктэп (Ургут) каби.

Бу шакллар бошқа ўзбек шеваларида қуйидагича кўринишларга эга бўлади:

Тошкент шеvasида:

Бирлик	Кўплик
1. бэрэдъгэмман	бэрэдэгэммъз
2. бэрэдъгэнсэн	бэрэдъгэнсъя// бэрэдигэнсэллэ,
3. бэрэдъгэн	бэрэдъгэн// бэрэдъгэллэ

Самарқанд шеvasида:

Бирлик	Кўплик
1. ишлэйдигэнман	ишлайдигэнмиз
2. ишлайдигэнсан	ишлайдигэнсиз
3. ишлайдигэн	ишлайдигэнла

Андижон шеvasида:

Бирлик	Кўплик
1. йэзадэггомман	йэзадэггоммъз
2. йэзадэггэнсэн	йэзадэггэнсълэр
3. йэзадэггэн	йэзадэггэн

б) феълнинг бу шакли феъл ўзакларига -мэқчъ қўшимчаси ва унинг гурли фонетик кўринишларини (-мэқчъ, -мэхчи, -мэғчъ, -махчъ, -мэхчи, -мақчъ, -мэкчи каби) ва шахс-сон қўшимчаларини қўшиш йўли билан ҳосил қилинади: йэқън бэръшъп узъм оғъллъх қълмэғчъ большънтъ (Фаргона), созламоқчиман (Бухоро); улэ бэрмэқчъ мънъшлэмэқчъ, йэңъ мэктэп бъносъ қурълмэқчъ (Қарноб); акамлар бэрмэхчи, биз бэрмэхчимиз (Самарқанд); Нигора духтур болмэхчи, укам дастархэнни йиғиб эмэхчи (Ургут) каби.

-мэхчъ қўшимчаси билан келаси замон феълни ҳосил қилиш ўзбек тилининг Андижон ва Жиззах шевалари учун ҳам хосдир: Кенжэтой қъзънъ пшшш ергэ бермэхчъ, къмкъ пшшшънъ къчкъ қъзъгэ уйлэнмэхчъ босэ, шу куйэвьгэ тпшърмэхчъ болэлъ (Жиззах).

-мэхчъ қўшимчаси билан келаси замон феълни шаклини юзага келтириш Қўқон, Водил, Қарши, Марғилон, Поп, Жалолобод каби шевалар учун ҳам умумийдир.

Ўзбек тилининг Қорабулоқ шеvasида қипчоқ шеваларидаги сингари -мақчы, -мәкчи қўшимчаси қўлланилади: пашалар (подшолар) ойгә кәмәкчи эди: одун йығмақчы болуп; одун йығыштырып; эртән йубәрмәкчи болды; мәни астымдын од қоймақчы болайтты. Манкент шеvasида бу қўшимча ўзгаришга учраб, -махчы, -мәхчи кўринишларига эга бўлади.

в) шеваларда аниқ келаси замон феълнинг яна бир тури феъл ўзакларига -гуль қўшимчаси қўшиш орқали ҳосил қилинади: кегульмәсдъ, бэргульмәсдъ, бългульмәсдъ, коргульмәсдъ кабилар.

-гуль қўшимчаси билан ясалган келаси замон феълнинг вазифаси ва қўлланилиши ўзбек адабий тилидаги -моқчи қўшимчаси билан ҳосил қилинган феълларнинг вазифаси ва қўлланилишига тўғри келади. Бу хусусият, асосан, Қарноб учун хосдир

г) аниқ келаси замон феълнинг иккинчи тури буйруқ феъли бирлигига -эсъ, -эсъ қўшимчасини қўшиш орқали ясалиб, иш-ҳаракатни бажариш учун кишига истақ ва мақсад борлигини билдиради, Бу шакл ўзига шахс қўшимчаларини қабул қилмаслиги билан ажралиб туради ва фақат Қарноб шеvasида учрайди: қърқъмдән кегын озъвъзэм бэрсотъ, бъз Мәскәв бэрсотъ, ҳәммәвуз бьргә бэрәсдъ, улә бьргә бэрәсдъ каби

2. Келаси замон гумон феълнинг юзага келиши қуйидагича: феълнинг бу шакли унли товушлар билан битган феъл ўзакларига -р, ундош товушлар билан битган феъл ўзакларига эса -ар, -әр қўшимчаларини қўшиш била келаси замон феъли ҳосил қилинади.

Масалан, Андижон шеvasида: ъшләмәк ъштәхә эчәр, дәнәсә ъштән қэчәр; Самарқанд шеvasида: кесилмаган бш бир кун суханга кирар, кесилган бш қайтип суханга қирмас, сиз келип тохтан, манам бэрарман; Тошкент шеvasида: мьхнәт рәхәткә еткәзәр; Шаҳрисабз шеvasида: коп бългән эс созләр, эз созләсә ҳам сәз сәзләр; бош йәрәсь тузәләр, дьл йәрәсь тузәлмәс; Наманган шеvasида: мән кетәр мән бш элуп, ъкъ қольмгә тәш элп; Ургут шеvasида: етта еккан етта йығар, тикансиз гул болмас, етта еккан хирмон қилур, кеч еккан армән қилур;

Қарши шеvasида: эт орнини тэй бэсар. Қарноб шеvasида: бэзлэ келэрвэз каби.

Агар ўзбек халқ шеваларининг ҳозирги ҳолатини диққат билан таҳлил қиладиган бўлсак, юқоридаги шаклнинг қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасига кирувчи шеваларда мавжуд бўлиб, бошқаларида кам қўлланилиши ёки бошқа шакллар билан алмашиниб келишининг гувоҳи бўламиз. Масалан, қипчоқ шеваларида -р, -ар -эр қўшимчалари ўрнида -а, -й қўшимчалари қўлланади: эвэл оқусын, соғун ишлэйди, уэтэз кормэгэн шэгирт ҳэр мақамга ойнайди (йорғалайди), ишлэгэн тишлэйди, ишлэмэгэн тишлэмэйди каби

М. Мирзаевнинг Бухоро гуруҳ шевалари таҳлиliga бағишланган тадқиқотида (95—104- бетлар) аниқланишича, қорлуқ-чигил-уйғур ва қипчоқ лаҳжаларида -р, -ар қўшимчаси билан келаси замон гумон феълини ҳосил қилиш учрамайди. Бу шакл билан юзага келувчи сўзлар фақат ўтган замон лавом феъли таркибида қўлланилган. Бундай ҳолатда фонетик ўзгариш юз беради: -р, -ар, -эр, -й, -ар -эр. Ўғуз лаҳжаси материалларида эса -р, -ар қўшимчаси билин келаси замон гумон феъли ҳосил қилиниди ва ўтган замон лавом феъли таркибида ҳам келаверали.

Қорлуқ-чигил уйғур лаҳжасида: тэ инқилэбгача араблар бэр-йэғини амирга берайди (95- бет); су: ни машкэблар машкга сэлиб ҳавлиларга элиб берайдилар (98- бет); қипчоқ лаҳжасида: ип игирип журайкэн, ики жамлап бир жутэйдим (103- бет); ўғуз лаҳжасида: бэй бэйа бэяр, сув сэйа эқар (99- бет) узок йэрэ қыз версэн, йитэр -гитэр, йэр- йэр; гидрэрини билмадим, узэтэрдым, йэр-йэр (101- бет) каби.

Келаси замон гумон феълининг -р, -ар қўшимчаси ёрдамнда ўтган замон лавом феълини ҳосил қилиши Қарноб шеvasи учун ҳам хосдир. Бунда фонетик ўзгариш юз беради ва -эй, -ъй, -мэй, -мъй шаклларига эга бўлади.

-р, -ар қўшимчасининг ўтган замон лавом феъли таркибида фонетик ўзгаришлар билан қўлланилиши Қарши, Шаҳрисабз, Фориш-Боғдоқ, жанубий Тожикистондаги қорлуқ шеvasида ҳам учрайди. Ёки Самарқанд-Бухоро гуруҳи шеваларидаги бэрмэқ, кирмэқ

фeълларининг бeр, кир ўзакларини шахс-сон қўшимчалари билан туслаб кўрайлик:

Бирлик

I шахс	бeр арман	кир арман
II шахс	бeр арсан	кир арсан
III шахс	бeр ар	кир ар

Куплик

I шахс	бeр армиз	кир армиз
II шахс	бeр арсиз	кир арсиз
III шахс	бeр ар	кир ар

Қарноб шеvasида: Навъ суләнъ бeғлeр, бeзлe, қeлъeрбeз, йeмeс eғeз йeр oғeзнъ бeғлeр, кeлeр oдoмлe кeлдъ (кeллъ), eзpoқ кутeйлък// кутeйлъй, кeлъeн қeлeр, йeқъндe eқъшлeр eчълъп (б) қeлeр.

Қорлуқ-чигил-уйғур шeвалари материалларида -р, -eр шакллариининг тарихий кўринишлари ҳам учрайди: бeррe постун йeрeтyр (Наманган), йургeнгe йeргeм ыт.и.ур (Андижон) каби.

Юқорида келтирилган шeвалар намуналаридан қуйидагича хулоса чиқариш мумкин: тарихий-этимологик жиҳатдан -й, -а й, -eй қўшимчаси -р, -ар, -eр, -ур, -ур, -ыр, -ир шакллари билан боғлангандир. Сўнгги қўшимчалар ва уларнинг турли кўринишлари эса ўз навбатида -ғар// -ғeр, -ғару// -гeру, -гур// -гур, -қыр// -кир, -гыр// -гир қўшимчаларининг ўзгаришларга учраган шаклларидан юзага келгандир.

Кўриниб турибдики, учала шахсини ҳам бирлик ва кўпликлари учинчи шахсини бирлигидан ҳосил қилинади. Бунда III шахс кўплигининг маҳсус қўшимчаси йўқ. У шакл жиҳатидан III шахс бирлигига тенг. Қолган шахслар тегишли қўшимчалар қабул қилади.

Маълумки, -жак, -ажак қўшимчаси билан келаси замон феълини ҳосил қилиш ўзбек адабий тили нормаси сифатида 1929 йили қабул қилинган. Этимологик нуқтан назардан бу қўшимча ўғуз лаҳжаси материалидан олинган бўлиб, адабий тилимизда чегараланган ҳолда қўлланилади.

Келаси замон гумон феълининг яна бир шакли феъл ўзакларига -жак // -жeк, // жак// -eжeк, -йажeк// -йeжeк, -чак// -чeк қўшимчасини қўшиш орқали

ҳосил қилинади. Лекин бу шакл шевада жуда кам қўл-
ланилади ва шахслар бўйича деярли тусланмайди:
коръләжәк чэрвә мөлләрнъ қъшдән әсрәб чъкъш
ҳәқидә; боләжәк сәйловләгә тәййәргемлък ышләръ
қъзъб (п) кеттә (Қорлуқ-чигил-уйғур); гәтжәк болды,
оэржәк болды, иччәкмисән, гәқан мөлиннъ ничек
ташап гәтжәксән (ўғуз) каби.

Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасига кирувчи шеваларда
-әс, -аси, -ғус, -гус, -ғәй, -гәй, -қәй -кәй
сингари шакллар билан ҳам келаси замон феъли ҳо-
сил қилиниши учрайди. Мас., Андижон ва Фарғонада:
келәс йәл, Каттақўрғонда: келәс йәлдә, бол-
ғус келънъ йәз (келънъз).

Юқоридаги қўшимчаларнинг кўплари эски ўзбек
тили материаллари учун хос бўлиб, ҳозирги ўзбек
адабий тилида ҳам учраб туради. Масалан, келгуси
йил, унинг залдан чиққуси келмади, борғуси
келмайди каби.

Қипчоқ шеваларида келаси замон феъл шакллари-
нинг ҳосил бўлиши қуйидагича:

а) шеваларда келаси замон феълни ҳосил қилиш
учун ундошлар билан тугаган феъл ўзакларига -а, р,
эр ва унлилар билан тугаган феъл ўзакларига -р қў-
шимчаси қўшилди. Бу қўшимчалардан сўнг тегишли
шахс-сон қўшимчалари билан тусланади. Феълнинг бу
тури адабий тилдаги сингари келаси замон маъносини
билдиради.

Масалан: журт қорисан о зарсан, қоримасан то зар-
сан, шул иш боса қилармис, йәнә қайтип кәләр-
сиз деди, ҳәли шамал боп қалар, ойламасдан гәпир-
гән киши қалар уйәтқә.

б) келаси замон феълнинг иккинчи тури феъл
ўзакларига -мәқч, -мәкчи қўшимчаси ва тегишли
тусловчи қўшимчаларни қўшиш билан ҳосил қилина-
ди: қалмақчы, кәчмәкчи.

в) келаси замон феълнинг III тури феълнинг -а,
-ә, -й билан ясалган равишдош шаклига -дыған, -ди-
ган, -тыған, -тигән сингари қўшимчаларни қўшиш
билан ҳосил қилинади: мән шә: рдә қышләп қала-
дығанман, сән тамаша көрә дигәнсән, улам ба-
ратыған болды, ишкә кетәтигәнсиз каби.

Қуйида иккита феълни шахс-сонлар бўйича туслаб
кўрайлик:

Бирлик

I шахс	боладығанман	көрәдигәнмән
II шахс	боладығансан	көрәдигәнсэн
III шахс	боладыған	көрәдигән

Кўплик

I шахс	Боладығаньс	көрәдигәнмис
II шахс	боладығансис	көрәдигәнсис
III шахс	боладыған	көрәдигән

г) феъл ўзакларидан ясалган равишлошларга -ась, -эси қўшимчаси қўшини билан ҳам келаси замон феъли ясалади. Бундай ҳолатда сон-шаҳс қўшимчалари ўрнини -болды кўмакчи феъли олади. Масалан, мән жатып қаласы болдым, укәм кәтәси болды, ул сийир савасы болды каби.

Ўғуз гуруҳи шеваларида келаси замон феъли ўзига хос томонлар билан ажралиб туради. Бу шеваларда энг кўп ишлатиладиган қўшимчалар қуйидагилар ҳисобланади:

-жақ, -жәк: гәлжәк гәрәк, уржақ охшийди, тәпқан мо: линни ничик ташап гәтжәксән, деди.

-гай, -гәй: О черәкти сән йимәгәйсен, сән енәни қошина боргайсан.

асы, -эси: гәрәсим гәлди, қыласым гәлмиydi.

Келаси замон феъл шаклларининг бўлишсиз шаклини ҳосил қилиш учун барча шеваларда мас, -мәс, -ма, -мә, -май, -мәй қўшимчаларидан фойдаланилади уни кәләр -кәмәсини билеп бомайды (қипчоқ): йъмәс эғиз йьр эғъзънь бәғләр (Қарноб), сирайам олмағайсан (Ўргут) каби.

Айрим ўзбек шеваларида, жумладан, Манкент, Сайрам ва Тошкент вилоятидаги баъзи шеваларда -мар, -мәр(-ма + р, -мә + р, -маз, -мәз (ма + з, -мә + з), -мас, -мәс (-ма + с, -мә + с), -мар, -мәр, (ма + р, мә + р) қўшимчалари билан феълнинг бўлишсиз шаклини юзага келтириш Самарқанд вилоятининг айрим қишлоқ шеваларида учрайди.

-маз, -мәз қўшимчаси турк, озарбайжон, туркман ва гагауз сингари туркий тилларда қўлланилади: алтин ерда ятмаз, ягшилиқ — елда (турк).

Ўзбек шеваларида келаси замон феълини ҳосил қилишда ишлатиладиган -р, -үр, -үр (баъзан -ир, -ыр);

-ғай, -гәй, -қәй, -кәй; -ғуси, -гуси каби шакллар Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари, “Девону луғотит турк”, Алишер Навоий ва унинг замондошлари асарларида кенг қўлланилади: не қағанқа иснг кучиг бир үр мән—мен қайси хонга ўз кучим ва меҳнатимни сарфлайман: йоқади бары р эрмәс—улар ўлимга йўл олдилар (Ўрхун -Энасой ёзма ёдгорликлари), келир мусән азу барирмусан—келасанми ёки борасанми: мән аңар оғрағайман—мен унга бораман; сундурида сув ичкәймән—денгиздан сув ичаман (ДЛТ); Анга доғи даврон вафо қилмади, санга қилмағай чун анго қилмади („Тарихи мулуки аҷам“); Ҳар киши ким, бирага қазғай чаҳ, Тушкай ул чаҳ ови нагаҳ (“Сабъан сайёр”).

Шундай қилиб, келаси замон феъл шаклини ҳосил қилиш учун ўзбек шеваларида хилма-хил шакллар қўлланилади. Уларнинг шевалараро тарқалиши бир хил эмас. Чунки ушбу шаклларнинг баъзилари бир гуруҳ, айримлари эса фақат биргина ёки бир неча шевалар учун хос бўлиб, бошқа шевалар материалларида учрамайди ёки чегараланган ҳолда ишлатилади. Ишда тилга олинган шаклларнинг кўплари тарихий ёзма ёдгорликларда ҳам фаол қўлланган.

19- §. Феъл майллари

Феъл майллари грамматик категория бўлиб, улар феълнинг замон ва шахслари билан ўзаро мустаҳкам боғланган бўлади. Майл категорияси сўзловчининг иш-ҳаракатга бўлан муносабатини ифодалайди. Замон категорияси майл категориясига нисбатан кенг маънога эга бўлиб, кўпроқ қўлланади. Чунки ҳаракат ва унга бўлган муносабат маълум бир замон ва маконда юзага келади. Аниқлик майлидан бошқа майллар ҳар учала замон шаклларида рўёбга чиқавермайди. Уларнинг баъзилари, ҳатто, замон категориясига алоқадор ҳам эмас. Масалан, буйруқ майли ўз аҳамиятига кўра, ҳозирги замонга ўхшаса-да, ҳақиқатда ўзининг шакли ва маъно аҳамияти жиҳатидан ҳозирги замондан фарқ қилади. Бошқача қилиб айтганда, аниқлик майли бошқа феъл майлларига нисбатан кенг доирада қўлланади. У феълнинг ҳар учала замони орқали ифодаланади.

Бундан қуйидагича хулоса келиб чиқади: ҳар учала замонни майл категорияси доирасида фарқлаб бўлмайди. Чунки феълнинг аниқлик майлигина уч замон-

ни, яъни ўтган, ҳозирги ва келаси замонлари шаклларини ифодалайди. Феълнинг шарт майли эса фақат икки — ўтган ва ҳозирги замоннинг ҳозирги-келаси замон шакллариغا эга. Шарт майлида замон маъноси аниқлик майлига кўра, бир томонлама ва кучсиз ҳолда ифода қилинган. Буйруқ ва истак майллари ўз хусусиятлари билан ҳозирги ва келаси замон шакллариغا ўхшаш бўлса-да, феълнинг замон категорияси билан тўғридан-тўғри алоқага эга эмас. Шунинг учун ҳам, феълнинг замон категорияси ўзининг ишлатилиш даражасига кўра, майл категориясига нисбатан анча кенг маънога эгадир. Шу сабабли феълнинг замон категориясини майл категорияси таркибида ўрганиш мақсадга мувофиқ эмас, деган фикр тарафдоримиз.

Туркий тилларда феълнинг замон ва майл шакллари: ни яшаш учун бир вақтнинг ўзida замон ва майл категорияларидан иборат икки хил қўшимчанинг ишлатилиш хусусияти учрамайди. Тарихий нуқтаи назардан ҳам феълнинг замон ва майл категориялари яхлит система ҳисобланади. Бу замон ва майл категорияларининг ҳар қандай шаклларини яшашда алоҳида қўшимчалар йўқлигида ҳам кўринади. Масалан, қадимги ўзбек тилида га й// -гә й. -қа й// -кә й қўшимчалари истак майлининг шакллари билан биргаликда келаси замон маъносини билдириш учун хизмат қилган. Шундай қилиб, феъл замон ва майл категорияларининг шакллари ҳали тўлиқ аниқланмаган ва шаклланиш жараёнини ўз бошидан кечирмоқда.

Феъл майлларини гуруҳларга ажратишда ҳамон лингвистик адабиётларда турли-туман фикрлар ҳукм суриб келмоқда. Мавжуд адабиётларда бир фикрга келинган эмас. Уларнинг аксариятида феъл майллари учга бўлиб кўрсатилади (буйруқ, аниқлик ва шарт майллари) ва истак майли алоҳида олинмасдан, буйруқ майли таркибида олиб қаралади. Жумладан „Ҳозирги замон ўзбек тили“ (1957, 417—428-бетлар) китобида ҳам материаллар шу тарзда жойлаштирилган. Бу ҳақда матбуотда бир қатор мулоҳазалар айтилиб, уларда феъл майлларини тўртга бўлиб, аниқлик, буйруқ орзу-истак, шарт майллари деб тасниф қилиш мумкинлиги қайд этилади. Лекин 1966 йилда нашр этилган „Ўзбек адабий тили“ китобида эса феъл майллари буйруқ-истак майли, дарак майли ва шарт майли деб яна учга бўлиб берилди. Бунинг устига янги атама билан дарак майли

деб ишлатилади. Ҳадеб атамаларни ўзгартиравериш ҳам маъқул эмас. Бизнингча, аниқлик майли деб қўланишининг ўзи кифоя.

Кейинги йилларда нашр этилган мактаб дарсликларида, ҳозирги замон ўзбек адабий тили курсидан ва ўзбек тили тарихидан ёзилган материалларда истак феъли алоҳида қаралмасдан, уни буйруқ майлига қўшиб аралаштириб тасвир этилмоқда. Бу эса лингвистик адабиётлардаги материалларнинг етарли ишланмаганлиги ёки қарама-қарши фикрларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Чунки истак феъли билан буйруқ феъллари ўртасида катта фарқ мавжуд. Масалан, I шахс (сўзловчи) ўзига ўзи буйруқ қила олмаслиги изоҳ талаб қилмайди.

Баъзи илмий асарларда истак майли алоҳида олиб қаралади. Масалан, А. Н. Кононовнинг „Родословная туркмен“ (М.—Л., 1958) деган асарида Абулғози Баҳодирхоннинг „Шажараи тароқима“ деган асарининг тил хусусиятлари ҳақида гап боради, унинг таҳлили берилди. Э. Фозилов „Ўзбек тилининг тарихий морфологияси“ (1965) китобида ҳам юқоридаги фикрга кўшилади ва обидалардаги феъл майлларини тўртга бўлиб тасниф қилади.

Нутқ сўзловчи иш-ҳаракатнинг бажарилганлиги ва бўлаётганлиги ҳақида гурлича фикр юритади. Баъзан сўзловчи феъллардан англашилган иш-ҳаракат ҳақиқатда бўлади, бўлиб ўтган ёки бўлаётган деб билади. Баъзи вақтларда эса иш-ҳаракатнинг бажарилиши бирор шарт ёки истак билан боғлиқ бўлади, ёхуд илтимос, буйруқ маъноларини кўрсатади. Масалан, иш ла феъли сўзловчининг суҳбатдошига буйруғини, баъзан эса илтимосини, иш л а с а феъли шу ишнинг бажарилиши бирор ишнинг юзага чиқиши учун шарт эканлигини; иш л а д и феъли эса шу феълнинг ўзагидан англашилган ишнинг аниқ бажарилганини билдиради. И ш л а й феълида иш-ҳаракатнинг юзага чиқиши учун истак борлиги кўринади. Демак, сўзловчи феълдан англашилган иш-ҳаракатга турлича муносабатда бўлган. Маълумки, мактаб грамматикасида фақат буйруқ ва шарт майллари мустақил олиб қаралади. Аниқлик майли бўлса, умумий гарзда қисқача берилди. Мактаб грамматикасида ҳамда феълга бағишланган бошқа махсус ишларда ҳам истак майли буйруқ феъли таркибидан олиб қаралади.

Шундай қилиб, умумий ва қарама-қарши фикрларнинг давом этиб келишига қарамасдан, ҳозирги ўзбек адабий тилида феълнинг тўрт хил майли борлигини тан олиш ўринлидир: аниқлик майли, буйруқ майли, шарт майли ва истак майли.

1. *Аниқлик майли.* Бу майл ҳаракат ёки ҳолатни ҳақиқий ҳодиса сифатида кўрсатади. Масалан, бордим, бординг, борди; бормадим, бормадинг, бормади каби. Бу ҳолат уч замонга тегишли бўлиши мумкин: ўқидим, ўқидирман, ўқирман.

Феълнинг бу майли феъл ўзагига замон ва шахс-сон қўшимчаларини қўшиш билан ҳосил қилинади. Бу хусусият қадимги тил тарихи, ўзбек халқ шевалари ва ўзбек адабий тили материаллари учун аниқ ўтган замон феъллини ҳосил қилишдаги умумий томондир. Чунки қадимги манбаларда ҳам феълнинг турли шакллари (масалан, замонлари, майллари каби) ҳосил қилиш учун фақат феълнинг ўзаги асос қилиб олинганлиги маълум. Бу ҳақда туркий тилларнинг ажойиб билимдони Маҳмуд Кошғарий ўзининг „Девону луғотит турк“ номли асарида алоҳида тўхталиб, қимматли илмий-назарий фикрларини баён этган. Унинг мазмуни шундай: Биз юқорида феълларнинг ясалишида буйруқ феъли асос қилиб олинади деганимизнинг боиси шундаки, кўпчилик туркий қабилалар, чунончи, чигиллар ва бошқалар тилида ишловчини билдирувчи сифатлар буйруқдан ясалади. Шу билан бирга, турли мақсадлар билан феълларга қўшилувчи феъл ясовчиларнинг ҳаммаси буйруққа қўшилади (II, 41-бет).

Аниқлик майлидаги феълнинг синтактик вазифаси мустақил содда гапларнинг кесими бўлиб келишидир: таътил бошланди, талабалар дам олиш учун кетаётирлар каби.

Аниқлик майли барча шахс шакллари ва замон категориялари мавжудлиги учун бошқа феъл майлларига нисбатан кенг миқёсда қўлланишини кўрсатади.

Ўзбек халқ шеваларида феълнинг аниқлик майли адабий гилдаги нормаларга, асосан, тўғри келади. Айрим ҳоллардагина маълум шеванинг фонетик хусусиятлари таъсирида шу шева аниқлик майлининг ифодаланиши жиҳатидан адабий тилдан бирмунча фарқланади. Аммо бу фарқли белгилар аниқлик майли мазмуни жиҳатидан эмас, балки ифодаланиш шакли жиҳатидандир.

Аниқлик майлининг ўзбек халқ шеваларида қўлланилишига доир мисолларни кўздан кечирайлик:

Тошкент шевасида:

Бирлик

Кўплик

I шахс бэрдъм бэрдув, бэрдуз, бэрдувзэ

II шахс бэрдън бэръйъз, бэрдъз, бэрдъилэ

III шахс бэрдъ бэръштъ, бэрдълэ

Фарғона шевасида:

I шахс келйэппэн келйэппъз//барйэппъз

II шахс келйэпсан келйэпсълэр//барйэпсълэр

III шахс келйэптъ келъшйэптъ//баръшйэптъ

Қарноб шевасида:

I шахс корэrmэн корэrmъз//корэrbъз

II шахс корэрсэн корэрсъз

III шахс кбрэр корэр

Ёки Самарқанд шевасида ман бир пийэла чэйди элдики, сот қэгэди оқуди, соғра ман отурдум чэйичи, чакрасини пийэлага том уздум, ей жора, нима қилэпсан, ман сани олдураман, деди вазир; ман айттимки, бэрамиз, ҳа, сизам бир вэх бэрарсиз, силарли гунэҳиңиз коп қаттиқ, соғра биласилар, соғра сот айттики, нимага сэтасан каби.

Ургут шевасида: дэстин бэшина кулфат тушганда йарайди: дост бэлип йашаган мурэдга етган, илмисиз бир йашар, илми ми йашар, тэглага қэр йэглугу гутка чигмаң, токулади каби

Тошкент ва Тошкент типли шеваларда аниқлик майлининг қўлланилиши ўзига хос томонларга эга: вэй шоръм, дъптъ кэмйър, нъмэ қъп қойдън: экэ, дъптъ Ержалолжон, мэнъ тэнъвэсмъ тэвхэр егтъ қэвэт еррь тэгъдэ босэйэм эпчъкэмэн, кундузъ ухлэгәннъ пйдэсь кэм болэдъ

Тошкент шевасида аниқлик майлининг алоҳида бир ифодаланиш шакли ҳам мавжуд, яъни феъл ўзаги билан ўтган замон аниқ феълнинг -дъ қўшимчаси ўртэсида -нэ иш-харакатнинг ҳали тамом бўлмаганлигини, давом этаётганлигини англатади.

Ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасида аниқлик майли замон шаклларининг ифодаланиши жиҳатида ўзига хос

хусусиятларга эга ва шу билан фарқланади. эттәминәм кочәгә чиқтим, ҳовуздан сув чиғарди, нимә қип-жапсан, биз қичап журдик, хожайинди қизига бир соз дәйәпти, ҳәзир әйтәмис, чәй ичким кәлди, әскәр-ләр уларди ҳәвлисигә эббарил қойган каби.

Кўринадики, бу хил шаклий фарқларнинг мавжуд бўлиши ҳар иккала шева фонетик хусусиятларининг ўзига хослигидан келиб чиқади.

Ўғуз гуруҳи шеваларида аниқ ўтган замон феъли-нинг қўлланилиши билан қипчоқ шевалари кўп жиҳатдан умумийликка эга. Лекин уларда ўзига хос фарқли томонлар ҳам мавжуд. Бу қўшимчалардаги ўзгаришларда, қўлланишларда ва бошқа ҳолларда кўзга ташланади: саратан кәлни сарйағ йәйәси гәлипти, ана энди хоржунанам алип йәйвердилә, энди манга жувап бәрсәңиз гәтәмән, дәди, атиздан қошиқ айтқан қизләни сәси гәйәтир, қәммәләри оз йуртларина қайтадила. топқан мәлини ничик ташап гәтжақсән, дәди: әнәм баражак болди, гәрәсим гәлди, чап гөзинә суртти каби.

Аниқлик майли қадимги туркий тил ёзма ёдгорлик-лари ва Алишер Навоий ва унинг замондошлари асар-лари тилида ҳам, ҳар уч замонда ва уч шахсда намоён бўлади.

„Девону луғотит турк“ да: аға бәктир узә йур-дим—тоғнинг баланд ерларига чиқдим (ДЛТ, I, 424), нәлук анар билиштим—нега унинг билан танишдим (ДЛТ, III, 206), аниқ ишин кечурдум—унинг ишини битирдим (ДЛТ, I, 82), мән анар тавар бәрдуқ—мен унга мол бердим (ДЛТ, II, 165), қуруқ қатиг тугдимиз—отлар думини қаттиқ қилиб тугдим (ДЛТ, I, 338), олар бир иқинди бирлә уқиштилар—улар бир-бир-ларини чақирдилар (ДЛТ, I, 198) ва бошқалар.

Алишер Навоийда:

Ўзига келгач ики дилгоҳ,
Не дейишганки ўлмадим огоҳ.

Не кўруб менга бу ситам қилдинг,
Қисматим то абад алам қилдинг.

Зор йиғлаб кучуштилар лахти,
Бир биридан сўриштилар лахти.

(„Сабъан сайёр“).

2. *Буйруқ майли.* Бу майл буюриш, қисташ, сўраш каби маъноларни билдириб келади. Бу маънолар, одатда, иккинчи шахсга қаратилган бўлади: ишла. Шеърни ифодали ўқинг ва ёд олинг каби.

Бу маъно учинчи шахсга қаратилган бўлиши ҳам мумкин, бироқ бу иккинчи шахс бирлик ва кўпликлар орқали айтилади. Масалан, китобни унга бер (буйруқ суҳбатдошига қаратилган: сен бер); китобни унга берсин (буйруқ учинчи шахсга қаратилган: у берсин).

Буйруқ майлининг бирлиги (II шахс, бирлик), умуман, феълларнинг ўзаги бўлиб, буйруқ феълларини яшаш учун ҳам асос ҳисобланади. Бу шахс икки шаклга эга: содда шакл (айт, ўқи) ва кенгайган шакл (айтгин, ўқигин) каби. Ушбу ўринда баъзан—қин-қин қўшимчаси билан ҳам буйруқ майли ҳосил қилинади. Масалан, далага чиққин, уйингга кетқин сингари.

Шунингдек, II шахсда буйруқ феъли ҳурмат маъносида ҳам қўлланилади. Бунда унинг бирлик шаклининг қўшимчаси билан (Деҳқон ака, эҳтиёт бўлинг, чопиқни битириб қўйинг каби), кўplik шакли эсангиз, -нгиз, -ингизлар, -инглар қўшимчалари (тезроқ бора ингиз деб илтимос қилди, чойни ичиб, сизлар ишга тушингизлар) билан ҳосил қилинади.

Учинчи шахсда ҳам буйруқ феъли ифодаланади. Учинчи шахсда бирлик шакл-син ва кўplik шакл-синлар қўшимчаси билан келади: ишлагани келган экан, ишласин, ўқувчилар ўқисинлар, дарсларини тайёрласинлар ва ҳоказо.

Феълнинг бу майли қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасида II шахс буйруқ феъли ўзаги орқали, яъни феълга -гъ, -гън, -гън, -гин, унинг вариантлари бўлган -кън, -кън, -қин, -қин кабиларни қўшиш билан ясалади.

Тошкентда: экәннъ қолъдә элләнәрсә бәр, бългън нъмәйкән. Йзқъбжонгә әйткън, ьшънъ бътъръп тез қәйтсън; сән әкәннъ элдъгә бәргън, берсън, тез опкегън.

Паркентда: сән бъттә ашула айтъб бергън. Тәләшбәйгә әйткън кесън; Қарнобда: йу //й у гън, ьшлә// ьшләгън, Ургутда: гапни кам созлагин, номартни миннатидан озинни қутқарип элгил (-гин), дастурхонни йиғиб э:гин.

Буйруқ майлининг -син// -сун қўшимчасини олган шакли буйруқ-маслаҳат, буйруқ-илтимос маъноларини билдириб келади. Буйруқ майлининг -н ва -ън қўшим-часи билан ифодаланган шакли ҳурмат маъноларини ифодалайди: ур тоқмәкъъ сорәң (Тошкент), келъъң, отъръң, менгә беръң, ундәй демән (Андижон), белбоғъздъ берин денгъ (Фарғона) каби.

Ушбу феъл майлининг -ъйлә, -йлә, -ъй, -ъйъэлә, қўшимчалари фақатгина кўplikда ишлатилади Бу шаклдаги буйруқ майли:

а) сўзловчи шахснинг кишиларни менсимаслигини билдиради. Масалан, қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасида: ъшләйлә, келълә каби;

б) ҳурматни англатади. Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасида: ъшләйъэлә, келъйъэлә каби.

Кўпчиликка қаратилган буйруқ майлининг бу шакли охирига кўplik қўшимчаси -ләр (-нәр) қўшилади: йәтишлар жәйларинга деди (Самарқанд); келъйләр, бәръйләр (Андижон); ҳә ешәнга қъз тәпшърмәй олъйнәр//олънләр (Марғилон) каби.

Қипчоқ лаҳжасининг айрим шеваларида буйруқ-илтимос маъносини билдириб келувчи -гин, -гин қўшимчаси ўрнида -ғай қўшимчаси ва худди шу маънони ифодаловчи равишдош шаклидан кейин қўшиладиган -ғай қўшимчаси мавжуд: қичап барағай (Сарой); жәп қойағай (Найман); кәтсәң кетәгәй (қипчоқ); жиб-жиб барағай (Ғаллаорол).

Буйруқ шакли сўзларнинг охири л товуши билан тугаган бўлса, буйруқ қўшимчалари қўшилганда, ёки қўшилмасдан ҳам бу товушнинг тушиб қолиши қипчоқ лаҳжасида ҳам, қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасида ҳам учрайдиган фонетик ҳолисадир: сен хәпә бомә (Андижон); гуллъ әбке (Кағтақўрғон); кәсин, асин (Бахмал), хәлиги иштиқы (қипчоқ)

Буйруқ майлининг инкор шакли худди адабий тилдагидек ҳамма шевалари -мә қўшимчасини қўпиш билан ясалади: у ләдәи сәнгә зуғъм қъп йурмәсън (Тошкент); укажән, бәрип әпкемәгин (Ургут) каби.

-ғъл, -гил, -қъл, -кил шакли билан буйруқ майлини ҳосил қилиш Ўрхун-Энасой ва ундан сўнгги ёзма манбаларга ҳам хосдир: сабимин тукәти эшидгил—менинг сўзларимни тингланглар; қатиглангил—қаттиқлангин; йаратқыл—яраган, иткил—этган.

Феълнинг бу майл шакли „Девону луғотит турк“ да феълнинг II шахс ўзагидан ва -ғъл, -гил, -қъл, -кил аффиксидан ҳосил бўлади. Масалан, тағқа ағқыл —гоққа чикқин (ДЛТ, II, 50). узум й эгил азу қагин йәгил—узум егин ёки қовун егин (ДЛТ, I, 115).

Эрдәм тилә өгрәнин болма кувәз,
Эрдәм сизи өкунсә ән мәгузә анар.

Илм-ҳикмат ўрган, ўрганишда ҳавойилик ва такаб-
бурлик қилма, ҳеч нарса ўрганмасдан, ўзини билимдон
қилиб кўрсагиб мақтанган киши, имтиҳон вақтида уя-
лалди. ачинади (ДЛТ, I, 253).

Буйруқ майли Навоий асарлари тилида II шахс феъл
ўзаги ҳолатида ва -ғыл, -гил, -ғын, -гин, -қыл,
-кил, -қын, -кин қўшимчалари билан ҳосил қилина-
ди. Мисоллар:

Мен бу дард аро чора қилғил.
Ҳалок ўлғум дурур йўқ эрса билгил.
(Ҳамса, 171).

Чу бўлдим йўқ, мени йўқ эрди тутқил,
Агар бор эрди тутсанг ҳам унутқил.
(Ҳамса, 175)

Қилмағил борғали шитоб яна,
Солма кўнглиннга изтироб яна.
(Наводируш шабоб, 533)

Шеваларда буйруқ майлининг яна бир шакли мав-
жуд Бундай олиб қараганда, бу шакл буйруқ феъл-
нинг III шахс бирлигига ўхшайди. Лекин бу икки шакл-
ни қориштириб бўлмайди. Чунки сўнги шакл шахс-
сиз, шахси номаълум ва шахси ҳамма учун умумий
бўлган ҳолда кўпроқ бирликда келади. Масалан, қор-
луқ-чигил-уйғур лаҳжасида -сън, -сун, -син, -съл-
ла, -сунла, -сунлар, -съләр шаклларида ясала-
ди: чәчләръ чулғәнъп қолсън одәм бормәй олсън (Ан-
диджон): у кесун—бәчәлә кесун, йәхшъйәп ош пьше-
ръп қойсуллә (Шаҳрисабз); шәр йәгълләрънь кош-
къмдъ тәйъдән откәссъләр, кестъм—шъм морәй
босун (Жиззах), бәссунла, оқъсулла, йоссун-
ла, йәзмасула (Қарши) кази.

Ўғуз шеваларида *-сын, -син* шакли билан бир қаторда, *-сун* ҳам қўлланилади. Масалан, ана имди йахши йессун мурода; муйашан қосин ийста, оқуған намазин бошици йесун, мэни хоржуним дурсун деди каби.

Шуни қайд қилиб ўтиш лозимки, қатор ўзбек шеваларидаги *-сун* шакли Маҳмуд Кошғарийнинг „Девону луғотит турк“ асарида ҳам учрайди:

Эндик киши титилсун,
Эл теру йитилсун,
Тоқли бер: йэтилсун,
Качғу йэмэ савулсун.

Ёмонлар титилсин, мамлакатда адолатли қонун амалга ошин, қўзи билан бўри юра олсину, қайғулар ҳам кетсин (ДЛТ, I 131).

Навоий асарларида *-сун* ва *-сунлар* шаклларида қўлланади

Деди Масъуд: созини олсун,
Бурқани олиб, ўлтуруб чолсун.

(Хамса, 299)

Раҳбаларнинг эшикин очсунлар,
Гул халойиқ бошига сочсунлар.

(Хамса, 298)

Маҳмуд Кошғарийнинг „Девону луғотит турк“ асаригача бўлган ёзма манбаларда *-сун, -сунлар* шаклларида қўлланмайди. Булар Ўрхун -Энасой ёдгорликларида ҳам учрамайди. У даврларда ёзма манбаларда *-зу, -зү, -чун, -чүн, -зун, -зүн, -зунлар, -зүнлар* (эҳтимол, *-чу, -чү* кўринишлари ҳам) мавжуд бўлиб, *-сун, -сунлар* эса ундан сўнг пайдо бўлган.

Масалан: тэнри йарул қазу—худо ёр бўлсин; субы анча гимис: турк будун йоқ болмазун, тийин будун болмачун тийин—турклар суви, яъни Ваган шундай деди: турк халқи ўлмасин, халқ яшайверсин.

Буйруқ майли қипчоқ лаҳжасида ҳам иккинчи шахс бирлигидан ясалса-да, ифодаловчи қўшимчалари томонидан қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасидан бирмунча фарқ қилади. Бу лаҳжада буйруқ майли *-ғын, -гин, -гуң-қын, -қин, -сын, -син* қўшимчалари билан шаклланади: мэн айтайын эшиткин қызларым, кишинин,

башыга авур бир иш тушмәсә тушмәсин; кәлхәзчиләр ишкә чықсын каби

Айрим ҳолларда -сын, -син шакллари ассимиляция туфайли ўзгаришга учрайди: кәччин—күчсин, ичин—ичсин (Жўш) каби.

3. *Шарт майли.* Шарт майли бирор ҳаракатнинг маълум бир шарт билангина бажарилишини англатади. Бунда бирор ҳаракатнинг юзага келиши учун шарт бўлган ҳаракат, истак, фараз кабиларнинг маъноларини билдиради.

Шарт майли ўзбек халқ шеваларида ҳам адабий тилдагидек -са қўшимчаси билан шаклланиб бирор иш-ҳаракатнинг маълум шарт билангина бажарилиши ёки бажарилмай қолишини ифодалаб келади

Қорлуқ-чигил-уйғурда: турмани начайлиги айттики, бомаса ески шаҳарга ... бэр, агар мундан буйах қилсам, уни айэги эғриган боса, бу даво деди (Самарқанд). кәмкь қъзъмдъ узуйънъ эгән босә әйтсән, кәмкь пәшшәнъ къчък қъзъгә уйләнмәхчъ босә ... (Жиззах); дост миң болса ҳам оз; кучли болай десаң дост эрттир (Ургут).

Қарноб шеvasида шарт майли бошқа шевалардаги шарт майллари шаклларида фарқ қиладиган қуйидаги белгиларга эга:

1. Биринчи шахснинг тусловчиси (бирлик) -са шакли билан бир қаторда -су ҳолида ҳам қўлланилади: те: шърсә//су, берсә//су.

2. Биринчи шахснинг кўплиги -су қўшимчаси билан ҳам шаклланади. Бу шахсла -сак кўрсаткичи кам ишлатилади ва унинг ўрнида -сун шакли келади: те: шърсәк//сук, барсәк//сук, душман корсәк//корсук//кокрәгъдән әтәмъз; бър хәг йәзсук.

Қипчоқ шеvasида: қыса-қыларды (Шеробод) ишти бажармаса кәмсән, жазса жазар, қайтай (Сарой), тузув босам өзим бараман, қасәңис-қалың, бомаса барайық, барып корсак йәхши болайды (Найман, Хитой, Манғит каби).

Қипчоқ лаҳжасида эса шарт майлининг бирлик ва кўпликлари қуйидаги қўшимчалар билан ҳосил қилинади:

Бирлик	Кўплик
1 -сам, -сәм	-сақ, -сәк
2 -сан, -сең	-саньс, -сәңис
3. -са, сә	-са, -сә

Шарт майлининг бўлишсиз шакли шарт феъли кўрсаткичидан олдин феъл ўзагига -ма инкор қўшимчасини қўшиш билан ҳосил қилинади. Масалан, вэй олмәсәм, эшшъ қъп дәмләп чъқудъм (Наманган); бомаса бомас дэп жатувды (қипчоқ); сәтмасан, бу эламлар сани элдинга нима қилады (Самарқанд)

Ўғуз: сәни жорам деп йур сәм, уллы оғлы бармаса гәләрә гәтәди; шу йурга иккимиз бирга гәтип ишләмәсәк дәди, шуны учун бизләр Торәни башлык этип бәрмәңиз, деди.

Шарт майли „Девону луғогит турк“ тилида -са қўшимчаси орқали шаклланган ҳамда бу қўшимчадан кейин тегишли шахс-сон қўшимчалари қўшилган:

Тунлә бўлыт өртәксә,
Эвлукури кәлдирмишчә болур.
Танда бўлыт төртәнсә,
Эвга йағы кирмишчә болур.

Кечкурун булут қизарса, хогини ўғил туққандек, эрталаб булут қизарса, душман уйга киргандек бўлади (ДЛТ, I, 252).

Барығ огрутутса, йоққа санмас—бор нарсани меҳмонга тақдим этилса, меҳмон йўққа санамас (ДЛТ, II, 36)

Алишер Навоий асарлари тилида -са шарт феъли шакли эрди кўмакчи феъли билан биргаликда келиб, турли хил маъно нозикликларини ҳосил қилади:

Менки, талаб йўлига қўйдим қадам
Бордир умидимки, чу тутсам қалам,
Йўлдаса бу йўлда Низомий пўлум,
Қўлдаса Хусрав бида Жомий қўлум.

(*Хамса*, 17),

Эски ўзбек тили ёдгорликларида шарт феълнинг бўлишсизлик шакллари -ма, -мә, -мар, -мәр, -маз, -мәз тарзи (я келган Улардан -мар, -мәр шакллари бошқаларга нисбатан камроқ учрайди. Бу шакллар ёзма манбаларда XI асргача қўлланилиб келинганлигини таъкидлаш ўринлидир: тудуш кириш кынмасарсән өзунә қамағ адатың озғайсан—бахс қилиб таланмасанг, ўзингни бутун хавф-хатардан қутқарасан; таплаза тапламаза—маъкул бўлса-маъкул бўлмаса; тоқәмәрсәр—тугамаса; йол азсар эвтапмаз—йўлдан адашганда уй топилмас.

Кейинги даврларда -маз, -мэз, -мэр шаклларининг қўлланилиши камайиб борди, аксинча -ма, -мэ-қўшимчасининг ишлатилиши доираси оммавий тус олди. Шундан сўнги даврларда -мар, -мэр қўшимчасининг қўлланилишини учратмаймиз, лекин -маз, -мэз кўрсаткичи айрим ёдгорликларда кузатилади. Масалан, „Китоб ат-туҳфа аз закийа фи л-луға-ат-туркия“ (Туркий тилдан қимматли туҳфа : кәлмәзми -кемасми (437).

Умуман, -мар, -мэр, -маз, -мэз шакллари қадимий бўлиб, дастлабки ёдгорликлардан (Ўрхун-Энасой ёдгорликлари каби) бошлаб, XVI асргача қўлланилганлигини қайд этиш мумкин.

4 *Истак майли.* Бу феъл майлида сўзловчининг маълум бир иш-ҳаракат ёки ҳолат ҳақидаги орзуси, истаги англашилади: энди бироз китоб ўқишлик, Собир келса эли. . .

Истак майли шакли адабий тил грамматикаларида ўзининг алоҳида ифодасини топганидек, мавжуд шева-шунослик материалларида ҳам тарли баён қилинмаган. Уларда бу майл буйруқ феъли таркибида ёки истак феъли номи билан баён этиб келинмоқда.

Истак майли қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасида феъл узасига (буйруқ феълининг иккинчи шахс бирлигига) бирликда -й, -эй, -ъй, -ай, -йън, -ъйън қўшимчалари қўшилиши билан ҳосил қилинади. Мас., мундәйәм бъттә соръ қойъй (Тошкент), тълъйнь чъқар, бър опәй (Фарғона), баләңизди элай (Самарқанд), ғәйрәт шу вәх ше: ерга босәйдъ (Каттақўрғон). Тошкент ше-васида -йлув, -ъйл, -ув, -лув, -нув каби шакллари ҳам мавжуд.

Истак майлининг кўплик шакли эса -йък, -эйък, -лък қўшимчалари билан ҳосил қилинади. Ўзбек тилининг Қарши шеvasида мазкур майл кўплигини ифодаловчи -йлув, -йлъй, -йъйлув, -айлув, -айлъй каби махсус қўшимчалар ҳам мавжуд. Кўпгина ҳолларда истак майлининг бирлик шаклига тегишли шахс-сон қўшимчаларининг кўплиги қўшилиб ҳам истак майлининг кўплик шакли ҳосил бўлади. Мисоллар: бир корип келәйлик, бәрмәйлув (Қарши), вәләсәптъттә үкәмгә бермәйтммъ (Бермайми маъносида), этәмгә пәррәнләгәшдән бър ән пьшьрп берәйлък, лейди (Жиззах) каби.

Қарноб шеvasида алоҳида -әйлък истак қўшимчаси таркибидан -й товуши тушиб қолган ҳолда -әлък

деб талаффуз қилинади. Масялан: мактэбгэ бэрэлък, хэт йэзэлък каби.

Ём шевасида эса истак майли энъй шакли бўлиб ўзгаради: хэвъзгэ бэрэнъй, бьээ мэйълъсгэ бэрэнъй. бэръп кърэнъй ва бошқалар

Ўзбек тилининг қипчоқ шевалари истак феъли бирликда -ай, -э й, -айың, -э йин: кўпликда -айық, -э йик, -айлык, -э йлик, -айлуқ, -э йлуқ қўшимчалари билан шаклланади. Булунгур тумани Қирқ шевасида эса қаттиқ ўзак-негизларга -мақчы, -мэкчи ва ундан кейин шахс-сон қўшимчаларини қўшиш билан ҳам истак майли ҳосил қилинади: турэйиқ, барғайық, чығайық каби.

Мисоллар: тур+ай+ин, тур+ай+тық, чығ+ай+лык, чығ+ай+тық (Янгиқўрғон), тамды питирип қойайын, уны уозим кэрэйн (Кийқим), толдурайық, сойайық, қылайық (Шеробод), бэрайық, келэйик (Бахмал)

Каттақўрғон гуруҳи қипчоқ шеваларида буйруқ майли кўплик шаклининг -айық, -э йиқ шакллари билан ҳосил қилиниши кенг тарқалган: экэмди барып кэрэйнк; ишги бэрини қып болайық каби.

Ўғуз шевасида 1 шахс кўплик шакли -сақ, -сэк қўшимчаси билан ясалади. Масалан, шу йурга иккимиз биргэ гәтип ишлэсэк, деди кәмбир, на алсақ хоп дели.

Қадимги туркий тил ёзма ёдгорликларида истак майли бир канча қўшимчалар билан ясалади. Улардан бирлик шакллари ҳозирги вақгда ўзбек шеваларида ва ўзбек аҷабий тилида қўлланилади. Кўпликни ҳосил қилиш эса (-алым, -элим, -лым, -лим) Қарноб шеваси ва ўғуз гуруҳи шеваларида ҳозирги вақгда ҳам фаол шакллардан саналади.

Қадимги туркий тил ёдгорликларидан намуналар: қағаным бэн э́гәру тушэлим, тэди—мен уйга бораман: субуғ баралым—дарёга борайлик.

Бу майл „Девону луготит турк“ асарида ҳам ўзининг тўлиқ аксини топган:

Тунлэ билэ кечэлим,

Йамар сувын кэчэлим.

Кечаси билан кўчайлик, Ямар сувни ичайлик (ДЛТ, II, 12).

Истак майли Алишер Навоий асарлари тилида -й, -ай, -ун, -айин, -айим, -алы, -алынг, -алым, -ғур, -қур, -гүр, -күр қўшимчалари орқали ҳосил қилинади:

Дели: ушбу замон ўзум борайин,
Ул биёбонни бир-бир ахтарайин.

(Хамса, 269).

-зун, -зүн, -зу, -зү, -чун, -сун, -сүн, -су, -сү (бирлик), -зун, -зүн, -зуилар, -зүнлэр, -сун, -сүн, -суилар, -сүнлэр (кўплик) қўшимчалари ҳам истак майли феъл маъносини англатиш учун ишлатилган. Уларнинг айрим шакллари XI–XII асрларга оид ёзма ёдгорликлар („Қутадғу билиг“, „Ҳибатул ҳақойиқ“) тилида ҳам учрайди.

Шундай қилиб, феъл майлларини тўрт гуруҳга бўлиб ўрганиш анъанага айланиб бормоқда, Масалани шу тарзда қўйиш тарихий, адабий тил ва шевалар материаллари учун умумий аҳамият касб этади.

20-§. Феълнинг вазифадош шакллари

Сифатдош, равишдош, ҳаракат номи феълнинг вазифадош шакллари номи билан юритилади. Бу эса феълнинг кесим вазифасида келиши билан изоҳланади. Лекин бу шаклларда от ва бошқа сўз туркумлари (сифат, равиш) билан яқинлиги ҳам мавжуд. Бу шакллардаги феълли белгилар: ўтимли-ўтимсизликни кўрсатиши, ҳаракат маъносининг аниқ сезилиб туриши, феъл нисбатига муносабати, келишикларни бошқариб келиши, замон билан алоқаси каби вазифадошлик шаклларининг от ва отлашган сўз туркумлари билан алоқаси, айниқса, ҳаракат номи билан ўзаро умумий томонлари, уларнинг турланиб келиши каби ўзига хос томонлари от ва отлашган сўзлар белгилари жумласига киритилади. Бу хусусиятлар билан боғлиқ ҳолда феъл шакллари эга аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол ва кесим вазифаларида ишлатилишини ҳам сўнгги белгилар жумласига киритиш ўринлидир.

Юқорида айтилганлар феълнинг вазифадош шаклларининг умумий томонлари, умумий хусусиятлари ҳисобланади. Ҳар қайси шаклда эса ўзига хос хусусий белгилар, хусусиятлар ҳам борки, улар ушбу шаклларни бир-бирларидан фарқлашга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири ўз ўрни билан кўрсатиб ўтилади.

Айрим дарслик ва қўлланмаларда феълнинг вази-
фалош шакллариға „соф феъл“ номи билан аталувчи
шакллар ва ҳаракат тавсифини кўрсатувчи ва модел
маъно ифодаловчи шакллар (синтетик ва аналитик шакл-
лар) ҳам киритиш ҳоллари учрайди. Биз бунга салбий
муносабат билдирамиз.

Шундай қилиб, феълнинг вазифалош шаклларини
сифатдош, равишдош ва ҳаракат номи деб учга бўлиб
ўрганиш оммавий хусусият касб этган.

21-§. Сифатдош

Феълнинг вазифасига кўра шаклларидан бири бўл-
ган сифатдош ўзига хос томонлари, асосий белгилари
ва гапда бажарган вазифаларига кўра бир томондан
сифатга ва иккинчи томондан феълга яқин туради. Ле-
кин сифатдан ҳам, феълдан ҳам фарқ қилади. Бундай
ҳол адабий тилимизда ҳам, ўзбек лаҳжа ва шевалари-
да ҳам умумийдир. Сифатдошларнинг ҳамма шакллари
ва замонлари феъл ўзакларига турли хил сифатдош
ясовчи қўшимчаларни қўшиш билан ясалади. Уларнинг
қаттиқ ёки юмшоқ ҳолда қўлланилиши феъл ўзаклари-
нинг қаттиқ ёки юмшоқ бўлиши билан белгиланади.

Ўзбек халқ шеваларида сифатдош қўшимчалари
қуйидагича: -ган, -ған, -гән, -қән, -кән, -йән, йән,
-ан, -ән; -мыш, -мыш, -миш, -муш; -дъгән,
-дъйән, -йәткән, -дәгән, -тәгән; -гусы, -гүси,
-жақ, -жәк, -асы, -әси қабилар.

Энди сифатдош ясовчи қўшимчаларнинг лаҳжалар
ва шевалар бўйича тарқалган даражасини кетма-кет
баён этамиз:

1. -гән, -ған (-ған), -қән (-қан, -кән) кўриниш-
лари қорлуқ-чигил-уйғур, қипчоқ ва ўғуз лаҳжалари-
нинг ҳаммаси учун хос бўлиб, улардаги ўзига хос ху-
сусиятлардан саналади. Бу қўшимчалар билан сифат-
дошлар ясаш учун бўлишли ва бўлишсиз феъл шакл-
ларининг ўзак ва негизлари олинади ва уларга -гән,
-қән, -қән, -кән каби қўшимчалардан бири қўшилади.

Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасида: мән коргән эдам
бәд/д/сән (Тошкент); Мәшрәп сәхрәгә сәйъл еткән
чъққән дъ (Фарғона); пәдәйам бәққан эдамди гапини
еш итин (Самарқанд); екән еккән тек турмәс (Катта-
қўрган). бәз бәзәр: бәр гән оқувчъләнъ коргән едъй
(Жиззах) сингари.

Қипчоқ лаҳжәсида: ат чавган чавандэлар жи йилгән, жатқан нәрсәни хавлысыга эбরিп қойган: у малды йахши баққан адам; қымыллаған адам қыр ашар ва бошқалар.

Ўтган замон сифатдошининг бўлишли шаклига -ма, -мә қўшимчасини қўшиш билан унинг бўлишсиз шакли ҳосил қилинади: ʻшлэгән—ʻшләмэгән, болгән—болмэгән (қорлуқ-чигил-уйғур): көргән—көрмэгән, кэтгән—кәтмэгән: баргән—бармагән (қипчоқ); гетгән—гетгән—гетмегән, алан—алған—алмагән (ўғуз) ва бошқалар.

Шунингдек, сифатдошнинг бўлишсиз шакли учун баъзан -мас, -мәс шакллари ҳам қўлланилади. Масалан, ʻшлэгән тьшләр—ʻшләмэгән тьшләмәс (қорлуқ чигил-уйғур); барса барар, бармаса бармас (қипчоқ) каби.

Бу ердаги -мас, -мәс қўшимчаси тарихий жиҳатдан -мар, -мәр, -маз, -мәз, -мас, -мәс каби ўзгаришлар нәтижәсида пайдо бўлган бўлиб, жанубий гуруҳ туркий тиллар (озарбайжон, туркман, гагауз, турк) ва ўғуз лаҳжалари хусусияти саналади ва улар ҳозирги вақтда бошқа ўзбек шевалари (масалан, шимолий ўзбек шеваларидан Манкент, Сайрам, жанубий Тожикистондаги қорлуқ, Тошкент, Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманининг айрим шевалари ва Фарғона водийси каби) материалларида учраб туради.

Ўзбек халқ шеваларидаги сифатдош ясовчи -гән, -ған, -ган, -қан, қән кўринишлари энг қадимги ёзма ёдгорликлар намунаси Ўрхун-Энасой обидаларида ҳам учрайди.

Юқоридаги сифатдош қўшимчаси „Девону луғотит турк“, Алишер Навоий ва унинг замондошлари асарларида ҳамда сўнги даврларда яратилган ёзма ёдгорликларда қўлланилади.

„Девону луғотит турк“ да: ол киши ол бизгә кәлэгән - у киши бизга кўп келадиган, келаверадиган; ол эр эвгә бараған—у одам уйига кўп борадиган, бораверадиган (ДЛТ, I, 61-бет); ол эр олышларқа турған—у одам кишиларга туриб берадиган, турған (ДЛТ, II, 57-58-бетлар)

Алишер Навоий асарлари тилида бошқа қатор сифатдош шакллари (-миш, -ган, -ған, -қан, -кан, -ғучы каби) билан бир қаторда, -ғән сифатдош шаклининг ҳам фаол қўлланганлигини қайд этиш ўринлидир:

Ки маст ўлғоним да ичиб жомн май,
Гар ул най уни сокин ўлса, бу най.

(*Ҳамса*, 376)

Ёки:

Навой телба бўлғон чоғда кўрди,
Пари бирла ани соғинди ҳамзод.

(*Ҳазойинул маоний*, I, 144)

Ўтган замон сифатдошларининг бу шакли Заҳрийддин Муҳаммад Бобур ва Алишер Навоийнинг бошқа замондошлари асарларида ҳам худди юқоридаги ҳолатга эгадир.

Айрим ўзбек тилшунослари -ғон қўшимчаси билан сифатдошнинг ҳосил қилинишини қипчоқ лаҳжаси учун хос деган мулоҳазани айтадилар. Бунга қўшилиб бўлмайди. Бу хусусиятни қорлуқ-чигил-уйғур шеваларига хос хусусият деб қараш тўғрироқ бўлар эди. Бунга ўхшаш хусусиятлар бу типли шеваларда ҳозирги вақтда ҳам нормал ҳолат деб қаралади. Агар бу қўшимча қипчоқ шевалари материалларида бўлганда, эди, у ҳолда, албатта, „л“ ундоши тушиб қолар ва боған, қыған каби шаклларда қўлланган бўлар эди. Шундай қилиб, ҳозирги адабий тилимиздаги бўлган, қилган сифатдошларининг бўлғон// бўлган, қилғон// қилган тарзида ишлатилиши қорлуқ чигил-уйғур шевалари учун хос бўлиб, уларнинг бўғон>боған, қыған>қыған кўринишларига эга бўлиши қипчоқ шеваларининг материалларидир.

Сўнги даврларда пайдо бўлган асарлар тилида аста-секинлик билан бу қўшимчаларнинг тобора фаоллашиб, кенг миқёсда қўллана бошлаганлигини кўрамыз. Ҳозирги ўзбек адабий тилида -ган, -қан, -кан шакллари адабий тилнинг нормаси сифатида тўла равишда қонуллашиб, мукамал тус олди.

Демак, ушбу сифатдош шаклларининг қўлланилиши ҳам тил тараққиёти, турмуш ва давр талаби билан силлиқлашиб бир қолипга кириб келган. Чунки -гән, -ган, -кән, -қан, -қән, -ған, -йән, -ғон, -қон, -гэл, -ән, -ан каби шаклларида ва кўринишларидан -ган, кан, -қан кўрсаткичларига қараб бўлган силлиқлашув шуни кўрсатиб турибди.

-ган, гән қўшимчаси орқали ясалган сифатдошлар хилма-хил маъноларни аниқлашиб, гурлича вазифаларда

келади. Бу маънолар сифатдошнинг турли шакллардаги сўзларга боғланиб келиши, ҳар хил келишик, эгаллик ва кўплик қўшимчаларини, қўшимча маъно билдирган қўшимчаларни олиб келиши кабилар билан боғланади.

Масалан, ўхшатиш маъносини кўрсатишга доир бир мисолни келтирайлик. Сифатдош шакллари жўналиш келишигининг биронта ҳаракатни бошқа ҳаракатга ўхшатиш маъносини ифодалашда ўхшатилаётган ҳаракат -гән, -йәт+гән, —дъгән қўшимчалари билан ясалган сифатдош ёки феълнинг ноаниқ шаклларини ҳар вақт „ўхшамоқ“ феъли бошқариб келади: чықып қара, бырав кәгәңнә//кәгәңгә охшайды, эгиниәрдди мал жәгәңнә охшайды (қипчоқ); пәлук егәңгә охшайду (Қарноб) каби.

Бизнингча, -ған, -гән қўшимчасининг дастлабки шакли бўлиб, турли фонетик ўзгариш туфайли ғ ва г ҳарфлари тушиб қолган ва туркман, озарбайжон ҳамда турк тилларида, ўғуз лаҳжаси ва Қорақалпоғистондаги баъзи ўзбек шеваларида учровчи -ан, -ән шакли келиб чиққан.

Юқоридаги сингари мулоҳазани Маҳмуд Кошғарийнинг „Девону луғотит турк“ асаридаги материалларнинг илмий таҳлили билан тасдиқлаш ва мустаҳкамлаш мумкин. Жумладан, ўғузларда -ан/ -ән деб қўлланилса, туркларда -ған/ -гән деб ишлатилади.

2. Ўзбек адабий тилидаги ўтган замон сифтдошининг архаик шакли ҳисобланган -миш қўшимчаси ўзбек халқ шевалари материалларида -мъш, -мыш, -миш ва баъзан -муш каби шаклларда учрайди. Сўнги шакл асос эътибори билан Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Қарши, Қарноб каби шева материаллари учун хосдир. Масалан, қълмъш-қълдърмъш (Тошкент), чъчәх чъқып йәтгәнмъш (Фарғона), баддан кәгәймушмән (Шаҳрисабз), ешътмъш қулоққа йаман (Қарши), эзгәнә қәлбмъш (Қарноб) каби.

-мыш, -миш қўшимчаси ўғуз лаҳжасида ҳозирги вақтда ҳам анча кенг миқёсда ишлатилади. Масалан, дол пәнд әйләрмиш, пәндини пәйвәнд әйләрмиш, барыпмыш, барғанмыш, барыбмыш кабилар. Қипчоқ лаҳжаси материаллари учун -мыш, -миш кўринишлари хос эмас. Баъзан онда-сонда учраб қолиши эса ўғуз лаҳжаси ёки адабий тил орқали ўтган хусусият деб қаралади.

Урхун-Энасой ёзма ёдгорликларида -мыш, -миш қўшимчалари -гэн -ган, -қан, -кэн қўшимчаларига нисбатан кенг доирани қамраб олар эди тәңри тәг тәңридә болмыш—худо осмонда бўлган. тутқан—ушлаган.

Бу иккала қўшимчанинг охиридаги „с“ ундоши „с“ билан алмашиб, -мыс, -мис тарзида ҳам келган: әрмис, бармыс, йаймыс, басмыс.

Ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва тараққиёти жараёнида муҳим аҳамият касб этувчи „Девону луғотит турк“, Алишер Навоий ва унинг замондошлари асарларида -мыш, -миш, -муш қўшимчаси кенг қўламда қўлланилган: кәлмиш киши - келан одам (ДЛТ, II, 64)

1) Култегин ёзма ёдгорлиги: учун игидмиш қананынын сабын алматын, йир сайу бардығ, қоп анта алқынтығ арылтығ—сен ўзингни мансабга кўтарган халқингнинг сўзларига қулоқ солмадинг, мамлакатларда санқиб юрдинг, натижада кўп одамингдан ажралиб қолдинг. Калмыш йир сайу қоп туру олу йорьйур әртиг—сизнинг тирик қолган одамларингиз ғоят оғир аҳволда эди.

2) Девону луғотит турк:

ол әвге оармыш ол—у уйга ҳақиқатан боргандир (ДЛТ, I, 73) қурмыш йа—қурилган ёй, қазмыш арық—қазилган ариқ (ДЛТ, II, 62—63)

3) Қутадғу билиг:

Йаратмыш ағырлығ биликләр билә,

Қалы ким шукр ул қаноат тила.

(Қадру қиммат билимлар билан пайдо қилинган,

Агар ким шукру қаноат истар экан.)

Қамуғ бу китәбны алыб бозләмиш,

Хазина ичиндә уруб кәзләмиш.

(Мутлақ бу китобни олиб ўзлаштиргандилар,

Хазина ичига яширгандилар.)

4) Алишер Навоий:

Кел, әй соқийки, тушмиш жонима жўш,

Кетур бу икки ёди бирла қўш.

Хуросон демаким, Шерозу Табрес,

Ки қилмуш дур найи қилким шакаррес

(Хамса, 190)

Доғи фурқат ичра Мажнуни номандўш ўлмишам,
Ишқ аро оворалиқға хона бардўш ўлмишам,
То ани ёд айладим элдин фаромуш ўлмишам,
Базми ҳайрат ичра то ринчи қадахнўш ўлмишам

(Амирий)

-мыш, -миш сифатдоши XIV—XVI асрлардаги ёзма манбалар тилида -ған, -гән сифатдоши шакли билан маънодош бўлиб қўлланилади.

Умуман, XX асрнинг 30- йилларигача бўлган ёзма материалларда -миш ва унинг турли кўринишлари анча салмоқли ўринга эга эди. Шундан сўнгги тил тараққиёти давомида бу қўшимчанинг қўлланилиш доираси тобора торайиб борди. Бу қўшимча туркий тилларнинг жанубий гуруҳи ва ёқут тилида тараққий этиб келди. Уларда ҳозирги вақтда ҳам сифатдош ясаш бобидаги сермаҳсул қўшимчалардан саналади.

-мыш, миш қўшимчаси билан ясалган сифатдош ўзининг гапдаги вазифаси жиҳатидан аниқловчи, тўлдирувчи ёки кесим бўлиб келади. Кесим вазифасида келганда, боғлама билан ҳам, боғламасиз ҳам қўлланилиши мумкин:

Чу ул май дурдидин бўлмиш хурўши,
Сафв олаמידур дурднўши.

б) Фурқат:

Соати ўн бирғача базм эттилар.
Сўнгра эл ўз уйига азм эттилар.
Лек мендин кетмиш эрди ақлу хуш.
Лаҳза-ляҳза шавқ ўти айларди жўш

Бошқа туркий тилларда, жумладан, ўзбек адабий тилида -миш қўшимчаси назмий асарларда, халқ оғзаки ижодиёти материалларида учраб туришини қайд этиш лозим:

Эмиш: шуҳрат ўраб кемтик қисматим,
Кўзлардан узоқда сирқираб оқар.
Қалба кўрғошиндай етиб ҳасрагим,
Кўзларим жаҳонга бахтиёр боқар.

(Зулфия)

Насрий асарларда эса -миш қўшимчаси деярли учрамайди. Шунга қарамасдан, у илгари вақтлардан бери тилимизга сингиб келган баъзи сўзлар таркибида кела-

ди, айрим ҳолларда эса атамалар ҳосил қилганлари ҳам учрайди. Масалан, ўтмиш воқеаларидан бир шингил, аниқланмиш аниқловчидан сўнг келади. сифатланмиш грамматик атама; қилмишига яраша жазосини олади, қилмиш-қидирмиш дейдилар, турмуш бутунлай ўзгариб кетди каби.

-миш шакли билан ясалган ўтган замон сифатдош шакли эрди (эр+ди) тўлиқсиз феълдан олдин келиб (миш эрди), бирор ҳаракат ёки ҳолатнинг сўзловчига анча илгари маълум бўлган чигини билдиради.

Өлөккә кул куллығ болмыш эрти кун, кунлиғ болмыш эрти—у вақта қуллар кул эгалари бўлиб қолдилар: қагун йоқ болмуш эрти—у айтти: хотиним ўлди: чаблы тушурмыш эртиниз—сиз қушча билан жанг қилгандек ғалаба қилдингиз (СамДД асарлари, 102, 137).

Ўзининг шакли ва маъноси жиҳатидан бундай сифатдош шакллари бирикмали феълларнинг узоқ ўтган замонини аъглагади. Бу ҳолат ўзбек халқ шевалари материалларида кам учрайди ёки бутунлай учрамайди. Чунки у тил тарихи учун хос хусусият бўлиб, тилнинг узоқ тараққиёт жараёнида аста-секинлик билан ўзгариб борган ва истеъмомдан чиқиб кетган. Миш эрди ҳолатида бирикиб қўлланилиш энг кадимги тил обидаларидан тортиб, Алишер Навоий ва унинг замондошлари асарларида кенг қўлланилган. У шундан кейинги даврлардаги ёзма манбаларда ҳам учрайди. Лекин у тобора камайиб борган. Ҳозирги ўзбек адабий тилида эса -миш эрди шакли фақат тарихий воқеаларни акс эттиришда ишлатилади. Бошқа ҳамма ҳолатда унинг ўрнида -ган эрди шакли қўлланилади.

3. Ўзбек халқ шеваларида ҳозирги замон сифатдоши-йэтгән, -йэткән, -йәткән, -откән, -эққән, -йәққән, -жатқан каби шакл ва кўринишларга эга бўлади. Масалан, эқъйәтгән эдәм, оқъйәтгән бәла (Тошкент), эләйәткән қъзънъ севмәскән (Фарғона), мән әйтйәткән дә сен бәрдән (Анджон), бу йәзәткән киши (Самарқанд), қишлаққа кетйәткән эдәм (Шаҳрисабз), қуләйәткән киши, ишләйәткән қъз (қипчоқ) кабилар.

Ўғуз лаҳжасида сифатдошнинг бу шакли -йәтърған, -әтурған каби қўшимчалар билан ҳосил қилинади: барәтурған, геләйәтърған каби.

Андижон шеваси материалларида баъзан -гу қўшимчаси ҳам учрайди: йурткә ҳә: кьм болғудек, тағасъ бэр йар-йар қаби.

Маълумки, -ғу, -гу, қу ва -ку энг қадимий тарихга эга. Бу шакллар қадимги ёзма манбаларда қўлланилган сермаҳсул қўшимчалардан саналади: барғу йолунуз борадиган йўлингиз, қутрулқу йўл—қутулиш йўли; бутурғу эр эрмас—бу турадиган жой эмас (ДЛТ, II, 171), ол бизгә келгү болды—у бизникига келадиган бўлди (ДЛТ, II, 72).

Аслини олганда, таркиби жиҳатидан юқоридаги қаби мисолларнинг ҳаммаси қўшма феъл бўлиб, феълнинг етакчи шаклига кўмакчи феъл вазифасида келган—йәт<ёт феъл ва ўтган замон сифатдош шакли-ган билан ифодаланган ҳолда қўшилиб келган. Баъзи фонетик ўзгаришлар эса бундан мустаснодир.

Сифатдошнинг ҳозирги замон шакли Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий ва унинг замондошлари асарларида -ғучы, -гүчи, -қучы, -кучи қўшимчаси билан ҳам ҳосил қилинганини кўрамыз: эт тоғрағучы—гўшт тўғрайдиган; табратғучы—ҳаракатлантирувчи, йўкунгучи—сажда қилувчи; тарқа ағкучы—тоққа чиқувчи; сарқучы—куй чалувчи (ДЛТ);

Синса қаламнинг шаҳидан бир учи,
Ожиз ўлур нома рақам қилғучи,
Яна нархларға қилиб иштиғол,
Оғирсот қучиға бериб гўшмол
Неча ситам қилғучи обод ўлиб,
Борча ситам чеккучи барбод ўлиб.

(Навоий).

Маҳмуд Кошғарий сифатдош ясовчи қўшимчалар шакллари ҳақида чуқур илмий-назарий мулоҳазалар юритиб, -ғучы, -гүчи, -қучы, -кучи қўшимчаларининг чигил, арғу, қашқар, барсаған, уйғур ва юқори Чингача бўлган қабилаларнинг ҳаммаси учун хос эканлигини алоҳида қайд этади.

Худди мана шу қўшимчалар сингарн ҳозирги замон сифатдошларини ясовчи -дачы, -дәчи, -тачи, -тәчи қўшимчаларининг қипчоқ, ўғуз, уғроқ ва бошқа шеваларда қўлланилишини айтиб ўтади: тапындачы—қуллик қиладиган; ол йўқ йукләмәдәчи турур—у юк юкламайдиган киши; кузәттәчи—кузатувчи; сат-

тачы – сотувчи. Шунингдек -тачы, -тэчи қўшимчасининг -дачи, -дэчи қўшимчаларидан фонетик ўзгартишлар туфайли ҳосил бўлганлигини кўрсатади.

„Девону луғотит турк“ да қўлланилган -дачи, -дэчи, -тачы, -тэчы сифатдош ясовчи шакллар Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари ва улар билан алоқадор бўлган бошқа ёзма манбалар тилида ҳам қўлланилган. Бу эса ушбу сифатдош қўшимчаларининг қадимий эканлигини кўрсатади.

-дачы// -дэчи, -тачы// тэчы қўшимчалари сифатдош шакллари ҳосил қилишда XVI асргача фаол бўлганлигини қайд этиш ўринлидир.

4. Ўзбек тили лаҳжаларида келаси замон сифатдош шакли ундош товуш билан битган феъл ўзакларига -ар, -эр, ыр, -ир, -эр, унли товуш билан тугаган феъл ўзакларига эса -р қўшимчасини қўшиш йўли билан ҳосил қилинади.

Масалан, қорлуқ-чигил-уйғур шеваларида: чъкэр эдэм озъ бълэр (Фарғона), улар эқар сувга охшар еди (Самарқанд), корэр кознъ йэшърп бомэс, ернчэгнъ ъштэн қэчер къшъ дейдълэ (Каттақўрғон), йъмэс эгъз йэр эгъзнъ бэглэр (Қарноб), эқэр сув, кэлэр къшъ (Жиззах), учар қуш (Қарши), йэтьэр жэинъ тэйънъ йоқ (Қарноб) каби.

Ўғуз лаҳжасида: сәсинни чықарма, атам қассапчылык этэр эди, барса галир.

Қипчоқ лаҳжасида: оқыр жәйини билмәди, кәләр адам кәб (п) болды, кичкәнәләрды жатар вәқты ступ кәти (Самарқанд вилоят қипчоқ шевалари).

Айт дегандэ елэнди авқын айтар,
Авқын адам өлэнди мавқын айтар.
Мен айтайын эшиткин қызларайым,
Нишәнгә келтирип жақын айтар.

(Наманган вилоят қипчоқ шеваси).

Ўзбек тилининг қурама шевасида (В. В. Решеговнинг гувоҳлик беришича) келаси замон сифатдошининг бу шакли ундош товуш билан битган феъл ўзакларига -р қўшимчасини қўшиш йўли билан ясалади: сөйләр, чығар, кәләр каби.

Ҳақис тилининг сағат шеваси ҳам (Н. К. Дмитриев ва Г. Исхаковнинг текширувларига кўра) келаси замон сифатдошининг қўлланилиши ўзбек адабий тили ва ўз-

бек халқ шеваларидаги ҳолатга ўхшашдир. Унда ундош товуш билан тугаган феъл ўзакларига -ар, -эр ва унли билан тамом бўлган феъл ўзакларига -р кўшимчасини қўшиш билан ҳосил қилинади: пас—пасар (ёзма), ойна—ойнар (ўйнамов) сингари.

Юқоридаги шакллар билан сифатдошнинг келаси замон шаклини ясаш турли даврларга хос ёзма манбалар учун ҳам хосдир:

Ки қаламзан қилур замон таҳрир,
Топмиш эрди фасона кўп тағйир.

(Хамса, 328)

Берди кўрар кўзу эшитур қулоғ,
Айтур тил атрни англар димоғ.

Юқоридегилардан ташқари, -ур, -үр шакллари ҳам учрайди ва анча сермахсул сифатдош ясовчи кўшимчалардан саналади. Улар Навоидан сўнгги давр, ҳатто XX асрнинг бошларидаги Муқимий, Фурқат, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий кабиларда (ёзма адабиёт намуналарида) қўлланилади:

Ботини чўян қозон, қайнарғ ичила реву ранг,
Ётқузуб тилсанг баногоҳ чиқмас қоридан алиф.
Кир ювиб мағзавасининг кўпигин олур йигиб,
Рўзада қўйгай огин қандин нишолло, баччағар.

(Муқимий)

Кўриб қолса ногоҳ имкон ўлуб,
Таажжуб қилур ақли ҳайрон ўлуб.

Дўстлар айшу тараф фасли баҳор истар кўнгул,
Ҳар кунни саҳрода сайри лолазор истар кўнгул.

(Фурқат)

Замона аҳли кўзинг сеҳрина асир бўлур,
Худайро бу на алу ҳол дилпазар бўлур,
Кумуш билакларингиз енг ичра ёшурманг,
Кишининг илгу очуқ бўлса беназар бўлур.

(Лутфий)

Бу кўшимча билан сифатдош шаклларининг ифода этилишини сўнгги даврлардаги ёзма адабиётларда худди шу ҳолатда эканлигини қайд этиш жонзидир. Биз ушбу ўринда назму навони кўзда тутяпмиз.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида сифатдошларнинг келаси замони -ар, -р қўшимчаси билан ҳосил қилинади: Хотинлар навбат билан бир тангадан пул узатиб дукларни олар, рўмолчагами, эски латтагами ўраб уйларига шошиб жўнар эдилар. -ур шакли ҳозирги вақгда баъзан шеърий асарларда ишлатилади: Халқимиз бидъат, хурофот боғида қолиб борур, бунинг бонси не дур. -р, -ар қўшимчаси билан келаси замон сифатдошини ҳосил қилиш ҳамма туркий тиллар учун ҳам бир хил десак хато бўлмайди Уннинг баъзи вариантлари ва тарихий шакллари бундан мустақилдир.

б. -дъгэн, -дъгэн, -дъйэн, -дъгэн. -тукэн, -тигэн, -тикэн, -эйкэн, -търғэн, -дығэн, -тыгэн, -дикэн, -дъғын кабилар ҳам келаси замон сифатдоши шаклларини яшаш учун хизмат қилади. Уннинг баъзилари ҳамма ўзбек лаҳжа ва шевалари учун умумий бўлса, бошқа бир хиллари айрим лаҳжа ёки шевалар доирасидагина қўлланади Буни аниқроқ тасаввур этиш учун баъзи намуналар келтирамиз.

Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасида: боладъгэн гәп шу (Гошкент), йурэдъгэн вольп қәптъ (Фарғона), бэрэдъйэн // бэрэдъгэн (Марғилон), бэрэдъгөн эдам (Андижон), сәғра сорайтукан эдам айтти, мани иллайимга келәйтигон бир сан (Самарқанд), бэратикэн жәйи ҳали номаълум (Бухоро), илгәри чит дәйтигэн нессә бомәгән (Шаҳрисабз), келәдъгән оқувчлә бо (Каттақўрғон), сузәйтърғән (Қўқон) каби.

Қипчоқ лаҳжасида: жи йдикән ҳич нәрсә жоғакән, мол кутуйдигән, мэхманнәр кәтәдигән болды, кәләдигән адаманар кәб болдъ сингадилар.

Ўғуз лаҳжасида шарқтан кәләдигән шамал манлайина урдәгын дашам у зиннәм босын, барйатырган адам, гәлйатырган қиз каби.

Қадимги ёзма обидалар тилига -дъгән ва уннинг гурли кўринишлари билан келаси замон сифатдошини яшаш учрамайди. Уларнинг вазифасини гулуқ, -гулуқ, -қулуқ, -кулуқ, -ғу, -ғү, -қу, -гу каби қўшимчалар бажаради.

Ўрхун - Энасой ёзма ёдгорликларида: топлағулук алп эчмис—йиғиши мумкин, бу қаҳрамонлик бўлади; йоған болсар узгулуқ алп эрмис—муштақкам қилдик, у ҳамма нарасани енгади, бардош беради, бу қаҳрамонлик белгисидир.

Маҳмуд Кошғарий ўз асарида сифатдошларнинг ясалиши ва сифатдош ясовчи қўшимчалар ҳақида тўхталиб, ўзакнинг қаттиқ-юмшоқлигига кўра, шу ўзак охирига -ғулук// -гулук ёки -қулук// -кулук қўшимчаларини қўшиш билан ҳосил қилинишини кўрсатган (ДЛГ, II, 195). Унинг ушбу борадаги фикри тилшуносликнинг ҳозирги ҳолати учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир,

б. -жақ, -жэқ, -эсь, -асы, -эси, -ғусы, -гуси қўшимчалари қорлуқ-чигил-уйғур гуруҳи шеваларида сифатдош ясашда фаол қатнашмайди, айрим шевалардагина -эсь, -эсь қўшимчаси учрашини кўришимиз мумкин. Қарши шевасида: кораси кози йоқ, бэраси йоллан каби.

-асы, -эси шакллари билан сифатдош ҳосил қилиш қипчоқ ва ўғуз лаҳжалари материалларида қўлланилади: кэлэси жилға, ишти қыласы болды (қипчоқ), бар зар барасым гэлди, гэлэси йил (ўғуз) каби.

-асы, -эси қўшимчаси билан ясалган сифатдошлар келаси замонни билдириб, -дигән, -дъгән, -турған, -ғусы, -гуси, -тыған каби қўшимчалар билан жуфт равишда келади. Бу хусусият адабий тилдимизда ҳам мавжуд. Масалан, келаси замон—келгуси замон, келаси йил—келгуси йил, бўласи олим—бўлгуси олим каби.

Маҳмуд Кошғарийнинг қайд этишича, -асы, -эси шакллари билан сифатдош ясаш ўғузлар учун хос бўлиб (барасы, турасы, келэси каби), бошқа туркий лаҳжаларда ўша даврларда -ғу, -гу қўшимчалари қўлланилгани (барғу, турғу, келгу каби) алоҳида қайд этилади.

-жақ// -жэқ қўшимчаси ўзининг турли фонетик ўзгаришлари билан кўпгина туркий тилларда қўлланади. Фақат ёқут, тува, хақас, шор, қозоқ, қирғиз, айрот, уйғур тиллари бундан мустаснодир. Айрим туркологик адабиётларда -жақ// -жэқ қўшимчасининг этимологиясини барғай, салғай каби сўзлардаги -ғай билан боғлаб ўрганадилар.

Бу қўшимча фақат ўғуз лаҳжалари материаллари учун хосдир. Масалан, қыл /а/ жақсан, чақыр /а/ -жақ, гөржэкмән каби.

Ўзбек адабий тилидаги -ғусы, -гуси шакллари ўзбек лаҳжа ва шевалари материалларида деярди учрамайди.

У ёки бу шевани текширган муаллифларнинг кўп-ларида грамматик шаклларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. айримларида эса қайд қилинади. Масалан, Ё. Фуломов -жақ. -гу-сы, -асы қўшимчаларининг Тошкент шеvasида қўлланилмаслиги уларнинг ўрнида -дъгън қўшимчасининг келишини айтиб ўтади.

22-§. Равишдош

Равишдош феълнинг шахс, сон ва замонда ўзгармайдиган асосий иш-ҳаракатга нисбатан бирор қўшимча ҳаракатни билдирадиган шакли ҳисобланади. У бир қанча феъллик ва равишлик белгиларига эга бўлишига қарамай, феълдан ҳам, равишдан ҳам фарқ қилади. Равишдош маълум бир синтактик вазифани бажариб келади

Равишдош шакллари хилма-хил кўринишларга эга эканлигини кўрамиз: -й, -ъй, -э; -п, -б, -ъб, -ув, -үв -ыв, -уб, -уп; -гәнъ, -қәнъ, -кәнъ, -қанъ, кани, -гани, ганы; -ғынчә, -гунчә, -кунчә, қынча, -ғынча, -гинчә; -ғалы, -гәли. -қалы, -кәли; -дәйән, -дийин; -ғунча, -инча, -йинчә; -ғәч, -гәч, -қач, -қәч.

Юқоридәғи равишдош шаклларини шартли равишда бир неча гуруҳларга бўлиб, уларнинг ясалиш йўллари-ни қисқача баён этамиз:

1. -э, -а, -й равишдош шакллари феъл ўзакларининг унли ёки ундошлар билан тугашига қараб, икки хил кўринишга эга бўлади:

а) унли товушлар билан тугаган феъл ўзакларига -э, -а қўшимчаларини қўшиш билан ҳозирги замон равишдоши ясалади Масалан: қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасида: йолдан ручкә эләкә (Тошкент), Бу гәпнъ әмәкнә әйтә көрмә (Андижон), йура -йура чаччадим (Қарши), гәпърә кеттә (Жиззах), қипчоқ лаҳжасида: у: әлым тезрәк барағай; тәримчиләрни көви// көпи кәләлмәди; ўғуз лаҳжасида: йурә вәрсел бир нур алысдан гөринди, у йата верды

Равишдошларининг бу шакли кўпинча жуфт ҳолда келиб, бундай ҳаракатнинг вақти-вақти билан такрорланиб туриши ёки узоқ вақт давом этишини англатади: у енткә-енткә гәпърдә (Тошкент); бәрә-бәрә тузук болади (Бухоро), қорқә-қорқә келләм (Каттақўрғон); ул гәпърә-гәпърә чәрчәдъ (Қарноб); йи-

гит қапыны қа қа-қа қа қараб отырды (ўғуз), ж ата-ж ата рәни сәргәйип кәтти (қипчоқ) кабилар.

Бу равишдошнинг бўлишсиз шакли -май -мәй, -мий қўшимчаси билан шаклланади: әкәлә бақънъмъ эл эл мәй қәлдъм (Фарғона); мана учраған кишини адыны бил мий мән (ўғуз); келин икки кун эшиккә чых май көшәнгәдә отурды (Манкент):

б) унли товушлар билан тугаган феъл ўзакларига -й қўшимчасини қўшиш йўли билан ҳозирги замон равишдоши ҳосил қилинади. Масалан, қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасида: ҳәр кунъ ькьтә эдәмдән соръ й мән дьпти (Тошкент); әртъс бьрәм ойнъй кетъ (Андижон); ишлай бердик (Бухоро); қипчоқ лаҳжасида: улар қыған ишларини сәнәй кәтти, тәзрәк ишләй дәп жатувды каби.

-ай қўшимчаси билан ясалган равишдошларнинг ҳам такрорланиб келиши учрайди. Масалан, туръйлә, ухлай-ухлай козләръз шьшьп кетъпгъ (Каттақўрғон), сорәй-сорәй Мәккәнъ тәпъбдъ (Қарноб); бундай ишләрди ойнай-ойнай қыламан, отырып-отырып чыгып кәтти (қипчоқ), оқы-оқы гөзим дьнды (ўғуз) ва бошқалар.

Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари, „Девону луготил турк“, Алишер Навоий ва унинг замондошлари асарларида -й, -ай, -ә, -йу, -йү қўшимчалари билан равишдош юзага келтирилади.

Ушбу ёдгорликларда -у, -ү, -ы, -и қўшимчалари ҳам ишлатилиб туради: йигитлариг ышлату, кулан кәйик авлату, йығачй эмиш ыргату, бөзәрәп қылыб авналым йигитларни ишлатиб—дарахт меваларини қоқтирайлик, қулон (кийик) овлатиб, байрам қилиб яйрайлик (ДЛТ, I, 262); йалкун мән у тирилмәс, анқа кируб киру йанмас—одам абадий яшамайди, гўрга кирган қайтиб келмайди (ДЛТ, III, 72).

Алишер Навоий асарларида -а, -ә қўшимчаси билан ясалган равишдошларнинг ёрдамчи феълларга қўшилиб ишлатилиши учрайди. Масалан, қъләкор, тегәкор кабилар шулар жумласидандир.

2. -б, -ъб, -ыб, -уб, -п, -ып, уп, -үп -в, -ъв, -ыв, -ив, -ув. Бу қўшимчалар билан ясалувчи равишдош шакллари ўзбек лаҳжа ва шеваларида энг куп қулланади ва замон жиҳатидан ўтган замон равишдоши ҳисобланади. Улар ҳам феъл ўзакларининг унли ва ундошлар билан гугашига қараб икки йўл билан ясалади:

а) унли товушлар билан тугаган феъл ўзақларига -п, -б, -в кўшимчаси кўшилиб келади. Масалан, қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасида: ътнѣйм эл ъп, озъ йэлгѣ тушѣптѣ// чушѣптѣ (Тошкент), ухлѣб қоптѣ (Андижон), қъз йѣглѣп эш пѣшѣрдѣ (Марғилон); Масковга қарап жонатти (Самарқанд); алмашлаб екѣш (Бухоро); пичи қарѣв отириң (Шаҳрисабз).

Равишдошнинг бу шаклида қипчоқ ва ўғуз лаҳжалари материалларида, айрим ҳолларнигина мустасно қилганда, ҳамма вақт -п кўшимчаси орқали ифода этилади: Қочқар зыңыллап кѣтти. Турдыали ишлѣп кѣлди, чѣй дѣмнѣп чықты (қипчоқ); қанныны дойдырып ухлап қалды, хѣйдѣп чықарсак, жувѣнны басқылыи жақ, шуни нишѣтип чықарамъз (ўғуз).

Равишдошларнинг бу шакли такрорланиб, жуфт ҳолда қўлланилиб туриши ҳам учрайди. Масалан, Дѣлбѣрнѣ эллѣп тѣшѣп-тѣшлѣп кетѣйлѣ (Каттақўрғон); борнѣ мѣнѣп тоққа қарап чѣқѣб кеттѣ (Фарғона), оқый-оқый геззим дундѣ (ўғуз) кабилар:

б) феълларнинг ўзаги ундош товушлар билан тугаганда, уларга -ѣб, -иб, -ыб, -уб, -ѣп, -уп, -үп, -ѣв, -ив, -ѣв, -ув каби кўшимчалари кўшиш билан ўтган замон равишдошлари ясалади. Ушбу шакллар ва уларнинг бир қанча кўринишларга эга бўлиши жарангли ва жарангсиз, лабланиш ва лабланмаслик сингари турли хил фонетик ҳодисаларнинг мавжудлиги билан изоҳланади.

Масалан, қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасида: шудгѣрнѣ мѣли бѣсѣб откѣч (Фарғона); учуп кеттѣ (Андижон); нѣндѣ эл ъп қѣнѣ бѣрѣсѣз (Марғилон); вазир туруп озича ойлади (Самарқанд); коп тиришиб оқуйѣпти (Бухоро); биллѣнѣ нимѣ турупсѣн (Шаҳрисабз); отказив қойгани вѣса (Қарши); тумшугнѣ суқуп турѣлѣ (Каттақўрғон); эдѣмлѣ тоққѣ қѣрѣп чѣѣп кеттѣ (Фарғона); бѣрѣб йувѣрдѣ ѣки кулѣб йувѣрдѣм (Андижон).

Қипчоқ лаҳжасида: мѣктѣп барыв оқуған, кулуп кѣтти, огуруп алды, мѣхмѣннар кѣтип жатѣр, сѣтѣр чалып отурсам.

Ўғуз лаҳжасида: уйиңѣ бирдѣн гирип қалады, у ажам дѣп маллара -йахши қарамайын, бѣшқа бинѣла: ни қурып қойдыла, хайран волуп гѣтѣ вердилѣ, бинѣлены қурып қойдыла каби.

Юқоридаги шаклларда келган равишдошлар ҳам жуфт ҳолда қўлланилиши мумкин: йуръп-йуръп бър тэккә йътъптъ (Тошкент); пичи қаравэтгъръп кейин кеттила (Шаҳрисабз), қәйтъпчушуп қойләръ тэмәнгә кегәдъ (Жиззах), коруп туруп (Шаҳрисабз) ва бошқалар.

Қайд этилган равишдош шакллари равишдошлар ҳосил қилишда маҳсулдор қўшимчалар ҳисобланади. Бу қўшимчалар ва уларнинг кўринишлари қадимги ёзма ёдгорликлар. Алишер Навоий ва унинг замондошлари асарларида ҳам сермаҳсул шакллардан саналади.

Урхун-Энасой ёзма ёдгорликларида: бу йирдә олурып — бу ерга жойлашдилар: турк будун қанын қолуп Табғачқа йана ичиқди — турк халқи яна ўз хоқони қолиб, Табғач давлатига бўйсунди.

„Девону луғотит турк“ да: айрур озуң ашарыб азнағуны тозурма-кўзинг тинар даражада ўзингни оч қоллириб, бошқаларни тўйдирма (ДЛТ, III, 75); угур әлип тарылды — тўда-тўла бўлиб тарқалишди (ДЛТ, III, 12); тунлә йуруп кундүз севнур, кичиндә әвләниб улғазу севнур — кеч билан юриб, кундүз севинади. Чунки у йўлни курмаслан босади, ёшлиқда уйланган киши қариганда севинади, чунки унинг болалари унга ёрдам берадилар, у роҳат кўради (ДЛТ, III, 96).

Алишер Навоий асарларида: ул ҳазрат бу тил ва ибора билан назм бисоти тузуп дурлар ва ... олам аҳлиға кўргизуп дурлар зоҳир қилдим (Алишер Навоий, XIV, 132); турк тили ва назми қонда ва услубда билмаганларимни сўруп ва мушкулларимни ҳалоли мушкулотим тобуғида арзға еткуруп, куллий нағижалар кўрдим (АН, XIV, 131)

Ёзма ёдгорликлар тилида -бан, -бән, -үбан, -убән -ибән, -пан, -ыпан, -ипән сингари равишдош ясовчи қўшимча шакллари ҳам кенг қўлланилган.

Урхун-Энасой ёзма ёдгорликларида: сүнүглик қантан (қантын) кәлипән сүрә әлтди — утомондан найза кўтарган аскарлар келди ва сенинг диққатингни ўзига торгди; эчим қайан олурыпан турк будунуғ йичә итди чығаның — хоқон подшоликка кўтарилиб, яна туркий халқни ташкил этди ва курашга чорлади (Қадимги ёзма ёдгорликлар, 30).

„Девону луғотит турк“ да: эрдәмини өгрәнибән ишқа сура — илмларни, хуар арни ўрганиб, амалга ошир

(ДЛТ, I, 403), йай бару бан эркузи, ақт̄ь ақън мундузы—баҳор тонги эриди, музлар эриб сел сувлар қаттиқ оқа бошлади. (ДЛТ, I, 121).

Алишер Навоийда:

Ки, рағбат айлабон кому ҳавоға,
Неча маҳзунки солғаймен балоға

(*Хамса*, 159).

Беҳуда қилибон бу ҳолат они,
Ул меҳри муҳаббати ниҳони.

(*Хамса*, 232).

Бу равишдош ясовчи қўшимча шундан кейинги даврлардаги шоир ва ёзувчиларнинг асарлари учун ҳам хосдир:

Ўт қўюбон куйдиратурғон ўзум,
Ҳокимингиз, ўлдиратурғон ўзум.

(*Муқимий*)

Алишер Навоий ва унинг замондошлари асарларида ҳам, сўнгги давр шоир-ёзувчилари асарларида ҳам -б а н /-б о н/, -б а н равишдош ясовчи қўшимчаси фақат шеърӣ асарларга хос хусусиятдир. Буни келтирилган намуналар ҳам аниқ кўрсатиб туради. Насрий асарларда эса ушбу равишдош ясовчи шакллarning қўлланилиши деярли учрамайди.

3. -г а н ь, -г а н и, -г а н и, -к а н ь, -қ а н ь, -қ а н и, -к а н и, -ғ а н ь каби қўшимчалар билан ясалган равишдошлар ҳаракатнинг мақсадини билдиради. Бу равишдош ясовчи қўшимчалардан -г а н ь, -г а н и, -ғ а н и, -г а н ь қўшимчаси унли ва ундош товушлар билан битган ҳамма феъл ўзакларига қўшилиб келади.

Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасида, к ва ғ билан туған сўзларга -қ а н ь, -қ а н и, -к а н и қўшимчалари қўшилади: уч йил берди соткани учун (Самарқанд); биз ишга чиққани келлӣй (Шаҳрисабз); ынәй сәққани борувдим (Қарши).

Қипчоқ лаҳжасида: маллардъ коргани келәди; мэкгәпкә кәтгәнигә көп болды; ишләгәни келдим каби.

Ўғуз лаҳжасида: оқығаны гетти; ҳар ким айтқаныны тапавулмады ва бошқалар.

Рашидош шакллариинг ҳаммаси ўзбек лаҳжа ва шеваларида бир хилда қўлланилмайди, уларнинг айримлари баъзи лаҳжаларда ва шевалараро кўпроқ қўлланилса, айримлари кам даражада ишлатилади. Бир қатор лаҳжа ва шеваларда рашидош шакллариинг у ёки бу кўринишлари учрамаслиги мумкин. Масалан, Бухоро шеваси материалларида мақсад маъносини билдирувчи рашидош шакли ясовчи -гани, -қани, -кани қўшимчаси учрамайди.

-ганъ қўшимчаси ва унинг турли кўринишлари (-қани, -кәни) билан рашидошлар ҳосил қилишни қадимги ёзма ёдгорликлар, Алишер Навоий ва унинг замондошлари асарларида учратмадик. Аммо уларда -ғали, -гәли шакли мавжуд. Ўзбек адабий тили материаллари, айниқса, шеърый асарларда -гани шакли қўлланилади: ўзим ҳам бир кўрганман, жуда такаббур, унча-мунчани писанд қилмайди, айтгани-айтган, дегани-деган (*Ойбек*).

Ёки:

Бугун Сирдарёнинг сирин очгани
Фарҳод эмас, минглаб Фарҳодлар келди.
Дарёнинг йўлига гуллар сочгани
Ширинлар—қадлари шамшодлар келди.

(*Уйғун*).

4. -ғали, -гәли, -қали -кәли шакллари билан мақсад рашидошларини ҳосил қилиш, асосан, ўғуз лаҳжалари материаллари учун хосдир: сәни кәргәли нечәллә вахла етәб гетти: ағам әрмийәйә гәткәли икки йил болды каби. Бу хусусият қипчоқ лаҳжасининг Шеробод шеваси материалларида ҳам қисман учрайди: сыйырға қарағали, кәсәл кәргәли каби. Қорлуқ-чигил-уйғур ва қипчоқ лаҳжаларида эса бу рашидош ясовчилар -гәнъ, -гани, -ғаны, кәнъ, -қаны, -қәни, -қәни кабилар ёрдамида ҳосил қилинади.

Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари. „Девону луғотит турк“, Алишер Навоий ва унинг замондошлари асарлари каби манбаларда -ғали, гәни, -қалъ, -кәли шакллари анча фаол қўлланилгани кўзга ташланиб туради.

Ўзбек адабий тилининг ҳозирги ҳолати учун юқоридаги қўшимчаларнинг қўлланилиши хос эмас, лекин

тарихий воқеаларни ўтмиш ҳаётни тасвирлашда ишлатилиб туриш ҳоллари учрайди. -гәли, галы, кәли, -қалы қўшимчалари халқ оғзаки ижодиётида (хусусан назмда), шоирларимиз асарларида ишлатилади:

Аваз Ўтар ўғлида:

Фироқ ичра отдим ўлгали аҳбобким ул маҳ,
Билиб дардимни васли шарбати бирла даво қилмас.

Уйғунда:

Беҳаё, малъунга эрк берсам, сени қул қилгали
Кенг жаҳонни кўзларингга мангу тор этсам, ўлай.

Шундай қилиб, -галы, -гали қўшимчалари билан ҳосил қилинган равишдош шаклн феълдан англашилган иш-ҳаракатнинг бажарилиши, мақсади, сабаби, пайти кабиларни билдиради. В. В. Радлов бу шаклни „истак“, П. М. Мелиоранский эса „эришув“ равишдоши деб атайди.

5. -гәч, -кәч, -қәч, -кач, гач каби шакллари ҳам ҳаракатнинг феълдаги ҳаракатдан сал олдинроқ бўлиб ўтганлигини билдиради Масалан, дунйәдә нъмәнъ егъ шърын экән деп сорәгәч (Фарғона) Кәримнъ дәрсдән чъққәч кордъм (Андижон); исмен келгач, ишлаб тураман (Бухоро); Амон кетгач, мән келдим (Самарқанд) каби.

Бу шакллар, умуман, ўзбек халқ шеваларида ҳам қўлланилади, айримларида эса бутунлай учрамайди. Уларнинг ўрнида бошқа равишдош қўшимчалари ёки айрим сифатдош ясовчи шакллар ишлатилади Масалан, Тошкент шевасида -гәч, қәч, -кәч каби қўшимчалар қўлланилмайди ва уларнинг ўрнида чиқиш келишиги шаклини олган -гән, -қән, кән қўшимчалари ишлатилади. Масалан, кун чъққәнни кейън гулла(р) нъ суғоръшшъ тәтгәтүвъ каби. Шаҳрисабз шевасида ҳам -гәч, кәч қўшимчаси билан равишдошлар ҳосил қилинмасдан, балки Тошкент шевасидаги сингари ўтган замон сифатдоши ҳосил қилувчи шакллар ҳисобланган -гән, кән, -қән шаклларининг чиқиш келишиги қўшимча ва сўнгра соғун, кейин кўмакчилари билан бириккан ҳолда берилади. Масалан, оқыгәннән кейин, чъққаннән кейин (соғун) каби.

-гәч, -гәч, -қәч, -кач сингари равишдош ясовчи шакллар Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари ва „Девону луготит турк“ асарларида учрамайди. Алишер Навоий

ва унинг замондошлари асарларида бу ясовчи қўшимчалар кенг даражада қўлланилган. Масалан: Чекилгач ўйлаким абри баҳорон, улус қилмоғлиғ они тийр борон; Неким, хоро чопар иш топқач, бу бошиға уруб Хорофиган ғам, мен ушбу тахтаға бўлғоч ҳамоғўз, димоғимдин ҳам ул соат кетиб ҳуш... Бу юрғоч ашҳаби, келтирдилар бот...

Улар ҳозирги ўзбек адабий тили нормаси учун ҳам хосдир. Масалан: Оғир одимлаб меҳмонхонасини бирикки айлангач, кўкрак чўнтагидан олтин соатни олиб қаради-да, шошилиб амиркон кавушини кийди, тез югуриб ҳовлига чиқди (*Ойбек*). Қуёш чиққач, ердаги оппоқ қорлар эрий бошлади.

б. -гунча, -гунча, -қунча, кънча, -қынча, -гъча, -кылча, -гънча, -гунча, -қулча сингари равишдош ясовчи шакллар бош феълдаги ҳаракатнинг тамом бўлганидан сўнг юзага келади. Кун чъққунча, мен гулла (р) нъ суғоръп болдъм (Тошкент); болта келгунча кунда дам элар (Бухоро), ьнайнь сэққунча ҳожай емъп қойды (Қарши), бэзэгэ кўз эчъп йумгунча боръп келэсэн (Каттақўрғон).

Ўғуз лаҳжасида: шамэл волмағыча, ағач башы дэ мәмийди; йата йалварынча йаммашыны қашы; сен гәлинча мән шу ерда дураман каби.

Қипчоқ лаҳжасида: энән кәгинча, қымыллама; кун чыққынча ишкә чықмайды кабилар

Бу равишдош шакллари Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликларида учрамайди. Равишдошнинг -гунча, гунча, -қунча, -қунча, -гинча, сингари шакллари билан ҳосил қилиниши "Қутадғу билиг" "Девону луғотит турк" ва ундан сўнги давр ёзма манбаларида қўлланилади.

Масалан, кэлургунча көз урсәйәг—кулни пуфлагунча, чўғни пуфлаган яхши (ДЛТ, I, 324); қара күн кәлмәгинчә қара йалга кәчмә—хатарли кун келмагунча зинҳор қора жилғадан ўтма (ДЛТ, III, 40); өкүз азақу болғынча, бузағу башы болсайик—ҳўкизнинг оёғи бўлгунча бузоқнинг боши бўлган яхшироқ (ДЛТ I, 91).

А Навоий ва унинг замондошлари асарлари тилида -гунча, -гунча, -қунча, -қунча равишдош ясовчи шакллар қўлланилган. Масалан: Фақир Марвға боргунча, ани ул ҳазрат отиға тугаттим (АН, XIV, 29).

Демак, бу қўшимча энг қадимги даврлардан мавжуд бўлиб, бир қанча фонетик ўзгаришлар билан ишлатилиб келинган.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида эса -гунча, -қунча, -кунча ҳолатларида нормаллашиб қолгандир: Тоғдай тахт бўлгунча, бармоқдай бахт бўлсин. Бир соат, икки соат. Ўн соат тикилибди, гўё қисматини кутгандай кўзларидан ёш тирқираб чиққунча тикилибди.

Равишдошларнинг бўлишсиз шакллари ҳосил қилиш учун -ма-мэ, -май// -мэй ва баъзан -майин// -мэйин// -мийн кўринишлари қўлланилади. Масалан, мани жорам ташқарига чиқмай қолди (Самарқанд); уны көрмэй дөвдим, ул уйдән чықмаганча жоғалып кэтти (қипчоқ); багламайин (ўғуз); Ылгәрй коп кьшълә дьрьс хәйәт кормәйън отьп кәткәллә (Каттақўрғон) каби

Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари материалларида равишдош ясовчи қўшимчаларнинг бўлишсиз шакли -мады, -мэди, -маты, -мэти, мадын, -мэдын, -мэдин, -матын, -мэтин тарзида ишлатилади: ан йлысығ бәдәнқа элурмадым, ичрә эшсыз — менбой халққа хон бўлган эмасман (ПДП, 31), тун удыматы, күндүз олурматы, қызыл қаным төкти (төкети) қара тарыш йүгүрти, исиг кучиг бартым — мен тунлар ухламай, тунлар тиним билмай, ўз қизил қонимни ва қора тер тўкиб, ўз иш ва күчимни халқимга бердим (ПДП, 64), игидмиш қағананыны сабын алматын, тәр сайду бардығ — сени кўтарган хоқонни ҳам, унинг сўзини ҳам тингламай, мамлакат буйлаб изгийсан (ПДП, 28)

-мадын, -мэдин, -матын, -мэтин, мады, -мэди, -маты, -мэти равишдош шакллари шахсли феъл орқали ифодаланган ҳаракатдан олдин ёки шу билан бир вақтда юз берадиган иш-ҳаракатнинг бўлишсизлигини аниқлаб, -п ёки -пан равишдошларининг иккөр маъносига тўғри келади.

Бу шакллар “Девону луғотит турк”да, Алишер Навоий ва унинг замондошлари асарларида -б, -бан, -п, -пан равишдош қўшимчаси билан ҳосил қилинган бўлишсизлик шакллари ўрнида қўлланилади. Бу шакллар баъзан “Девону луғотит турк”да: -мазыб, -мэзиб қўшимчаси билан ҳам қўлланиш ҳоллари учрайди.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида -ма, -май қўшимчалари билан равишдошнинг бўлишсиз шакли ҳосил қилинади.

23- §. Ҳаракат номи

Маълумки, ҳаракат номини ҳосил қилувчи -ш, -и ш, -в, -у в, -моқ қўшимчалари туркий тилларда турлича хусусиятга эга бўлиб, уларнинг қўлланиш доираси ҳам бир-биридан фарқ қилади. Масалан, қозоқ, қорақалпоқ каби туркий тилларда ва ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасида -в, -у в, -ү в қўшимчаси фаол ва кенг доирала қўлланади

Бу шакллар туркий тилларнинг қипчоқ гуруҳини ташкил этувчи тиллар учун хосдир. Жумладан, ўзбек тилининг қипчоқ шеваларида ҳам -в, -у в, -ү в қўшимчаси фаол равишда қўлланади ва, агар шундай деб айтиш жоиз бўлса, қипчоқ шевалари учун бу қўшимчалар биринчи даражали қўшимчалар ҳисобланади: бизди жыгытлар қорқувны былмайды, кузатув иши тамом болды; ҳэли Ҳэмэтты мактап барувыйам кэрэк; мэни барувым зарулма, пахта тэрүв пэллэси бон қапты; ҳэзир чарва қышлавыға таййарланып жатырмыз; бу ишти даррава бажарув лазым.

Шундай қилиб, ҳозирги ўзбек адабий тилидаги ҳаракат номини ҳосил қилиш учун уч қўшимча, ўзбек халқ шеваларида эса уларнинг ўн бешдан ортиқ кўринишлари қўлланилади.

-ш, -и ш, -в у в, -моқ қўшимчаларининг асосларини белгилаш масалалари бўйича мавжуд бўлган материалларда турлича қарашлар учрайди. Жумладан, қипчоқ шеваларининг адабий тилни ривожлантиришдаги ўрнини кўрсатиш учун ҳаракат килиб, уни бўрттириб кўрсатиш ҳоллари учраб туради.

Бу масалада Тошкент шеvasини ўрганишда катта тажрибага эга бўлган Ё. Фуломовнинг шевалар хусусиятлари ва фактларини тўғри таҳлил этиб берганлигини қайд этиш ўринлидир. Бу фикрга қарама-қарши ўлароқ, у -моқ қўшимчасининг Тошкент шеvasида жуда кам қўлланилиши ва кўп ҳолларда уни -ш, -и ш ва -в, -у в қўшимчалари билан алмаштириб қўллаш мумкин эмаслигини таъкидлайди (Грамматика ташкентского говора, 138–139-бетлар).

Демак, тарихан -в, -у в қипчоқ лаҳжасига, -ш, -и ш қорлуқ-чигил-уйғур ва -моқ, -мэк эса ўғуз лаҳжасига

хосдир. Бу фикр шевашунослик материаллари асосида исботланган ва кўпчилик томонидан маъқулланган.

Шундай қилиб, -ш, -ъш, -иш қўшимчаси эса қорлуқ-чигил- уйғур лаҳжасини ташкил этувчи шеваларнинг материаллари ҳисобланади. Бу соҳада иккиланишнинг бўлиши ва уларни қандайдир бошқа лаҳжанинг хусусияти деб хаёл қилиш учун ҳеч қандай асос ва факт йўқ. Аксарият тадқиқотлар шундан далолат беради.

Мисоллар: мани ранимни сарғайиши сани учун (Самарқанд); меҳнатни тоғри ҳисобла элиш табелчини иши (Бухоро); бизди отти йўриши йахши (Шаҳрисабз) каби; қэннэй, мэйльсгә бэръшъ вэхть болльмь; оқувчъләнъ дәм эльшъ тугәдъ, оқъш пэйтъ келль (Каттақўрғон ва шунга яқин шевалар).

-моқ қўшимчаси эса ўғуз гуруҳига кирувчи шеваларда, кенг равишда қўлланилиб, -мақ, -мэк шаклларида келади: адам болмақасан. адамый волмақ қыйн; ичиндә салланыб йүрмәкләр үчүн каби.

Ҳаракат ва ҳолат номлари шаклларининг -мақ, мэк қўшимчаси билан ясалиши қипчоқ шевалари материаллари учун ҳам хосдир:

уйгә кәтмәк кәрәк; пәхтә даласыда ишләмәк кәрәк; бындай қылықларды ташламақ дәркәр каби.

Қадимги ёзма ёдгорликлар материалларида ҳам -мақ, мэк қўшимчаси билан ҳаракат ва ҳолат номлари шакли вужудга келтирилган; тоғмақ өлмөклиг тартып ендурәйин — туғилишдан тортиб. охирги ҳаётгача эгри йўллардан сақламоқ (ПДП, 175).

Бу қўшимчалар "Девону луғотит турк"да ҳам ишлатилади: бармақ—бормоқ, кәлмәм—келмоқ каби.

мақ, -мэк қўшимчаси билан ясалган ҳаракат номлари Алишер Навоий асарлари тилида ҳам учрайди

Кейин боғлаб қадоғлиқ қўлларин руст,

Бориб чекмаклик оми дорға чуст.

Анинг ҳолидин олмоқ барча ибрат,

Гадолар қилмасун деб шаҳға ширкат.

(Хамса, 155)

Маҳмуд Кошғарий ҳаракат номини ясовчи шакллари "Девону луғотит турк"да моҳирлик билан қўлаш билан бирга, булар ҳақида ўзининг илмий-назарий фикрларини баён этади. Жумладан, у -мақ ва

-мәк қўшимчасининг шаклланиши ҳақида гапириб, улар қаттиқлик ва юмшоқлик билан боғлиқдир, деган хулосага келган. "Девону луғотит турк" да ҳаракат ва ҳолат номларини "исму мафъул" деб ишлатган. Унинг -мақ, -мәк қўшимчаси билан феъл шаклини ҳосил қилиш ҳақидаги фикрлари ҳозирги вақтда ҳам ўзининг илмий қимматини тўла равишда сақлагандир.

Бу шакллар (-мақ, -мәк) қипчоқ ва ўғуз лаҳжалари хусусиятларини ўзида акс эттирувчи ёзма ёдгорликларда кўпроқ қўлланилган. -мақ, -мәк қўшимчасининг юзага келиш қонуниятларини М. Кошғарий ўзининг "Девону луғотит турк" асарида кенг изоҳлаган. Лекин унинг қайси қабила тилига хос эканлигини айтмаган. Ушбу вақтда бу қўшимчалар ўғузларда ҳам, қипчоқларда ҳам қўлланилган бўлиши мумкин. Лекин бу қўшимчалар тарихий жиҳатдан қипчоқ шевалари учун унчалик хос эмас. Шу сабабли уларнинг қипчоқ шеваларида учраши ўғуз шеваларининг таъсирида пайдо бўлган ёки булар адабий тил нормасига ўтгандан сўнг у орқали қипчоқ шевалари вакиллари нутқига кириб келган деб ҳисоблаш тўғрироқ бўлса керак

-моқ қўшимчаси қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси гуруҳига кирувчи шевалар учун хос эмас. Лекин бундан қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасидаги ҳамма шеваларда бу кўрсаткичлар бутунлай ишлатилмас экан, деган хулоса келиб чиқмайди. Бу қўшимчалар ушбу шевалар вакиллари нутқида озми-кўпми учраб туради. Мисалан, келмоқ, эшырмәқ, бермәқ, (Марғилон); қоймәк, ойғанмоқ йемәқ (Бухоро); оқумәқ, бәшләмоқ (Жиззах); бър әдәм қъзнъ кормәққә келдъ (Тошкент); әмәғдъ беммәғи бә дәғәллә (Шаҳрисабз) каби.

Қадимги ёзма ёдгорликлардан бошлаб, Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоийгача бўлган даврда бунёдга келган асарларда -мақ -мәк қўшимчалари билан бир қаторда -ғу, -қу, -гу, -қу қўшимчалари ёки -ғучи, -ғучи қўшимчаси қўлланилган. Масалан, қутқарулқу, солғу, ташитғучи; эт тоғрағувчы—ғўшт тўғровчи (ДЛТ, III, 32), битиг бититғучи—хат битувчи, ёзувчи (ДЛТ, III, 369).

Навоий ва унинг замондошлари асарларида -ш, -нш қўшимчаси билан ҳаракат номларини ҳосил қилиш чегараланган, -в, -ув шакллари билан ҳаракат номи-

нинг ясалиши деярли учрамайди. Унда, асосан, -моқ, -мақ шакллари қўлланади.

Бундан Навоий асарлари тилининг ўзбек лаҳжа ва шеваларига бўлган муносабатини белгилаш мумкин. Демак, Навоий ўз асарларида қорлуқ-чигил-уйғур ва қисман ўғуз лаҳжаларига асосланиб иш кўрган. Қипчоқ шевалари материаллари эса ушбу ўринда кам фойдаланилган.

ш, -иш, -в, -ув, -моқ қўшимчаларининг ўзбек адабий тили тараққиётининг ҳозирги жараёнида тутган мавқеини қуйидагича белгилаш мумкин: -ш, -иш қўшимчалари билан ҳаракат номини ясаш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиб, -в, -ув, -моқ қўшимчаларининг ҳаракат номини ҳосил қилиш донраси анча чегараланган. -в, -ув қўшимчалари -моқ қўшимчасига кўра янага камроқ қўлланади.

Ҳаракат номини ясовчи қўшимчалар ва уларнинг диалектал нуқтан назардан қайси манъага бориб тақалишини, уларнинг қайси лаҳжа материали эканлигини аниқ айтиш анча тадқиқотларни талаб этади. Лекин, тарихий материалларнинг далолат беришича, -моқ (-мақ) ўғуз лаҳжасини ташкил этувчи шева материалларидан бўлиши керак, чунки қипчоқ гуруҳидаги баъзи туркий тилларда бу қўшимчаларнинг каттиқ ва юмшоқ вариантлари мавжуд бўлса-да, уларга ўрин келишиги қўшимчаси -да ни қўшиб, ҳозирги замон давом феълни ҳосил қилиш ҳоллари учрамайди. Уларда -в, -ув қўшимчасига -да шаклини қўшиб, аниқ ҳозирги замон феъли ҳосил қилинади. -ш, -иш қўшимчалари XI—XIV асрлар ёзма ёдгорликлари, Алишер Навоий ва унинг замондошлари асарларида ҳам, ҳатто сўнгги даврдаги асарларда ҳам кам ишлатиладиган қўшимча ҳисобланади. Бизнинг давримизда -ш, -иш қўшимчалари энг кўп қўлланиладиган бўлиб қолди.

-в, -ув қўшимчаси эса қипчоқ шеваларининг хусусияти саналади. Ҳозирги вақтда ҳам ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжаси ва туркий тилларнинг қипчоқ гуруҳига кирувчи шеваларда фаол равишда қўлланилади.

Маълумки, -в, -ув, -ўв ларнинг бўлишсиз шакли -мав, мэв қўшимчаси келиб чиқиши жиҳатидан қадимги қўшимчалардан ҳисобланувчи -ығ, -иг, -уғ, -үг, -в, -ғв, -ғи, -ғу, -гү шакллари билан боғлиқлигини алоҳида қайд этамиз.

Ҳаракат номларини ҳосил қилувчи -ш, -иш, -в, -ув, -моқ қўшимчаларининг қайси манбадан эканлигини шева материаллари ҳам исботлайди. Масалан, Тошкент шевасида бу кўрсаткичларнинг ҳаммаси учрайди. Лекин булардан -ш, -иш қўшимчалари шева вакиллари нутқида мунтазам равишда учрайди ва фаол қўлланилади. -в, -ув, -моқ қўшимчалари эса жуда кам ва чегараланган ҳолда ишлатилади. Бунинг асосий сабаби -ш, -иш қўшимчаларининг қипчоқ шевалари материаллари бўлмасдан, балки қорлуқ чигил-уйғур лаҳжасига кирувчи шевалар, жумладан, Тошкент шеваси материалли эканлигини изоҳлайди.

Шундай қилиб, -ш, -иш қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси, -в, -ув қипчоқ лаҳжаси ва -моқ ўғуз лаҳжаси материалларида учрайди деб ҳисоблаш бор ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлаш учун хизмат қилади.

V БОБ. БОШҚА СЎЗ ТУРКУМЛАРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

1-§. Сифат. Ўзбек халқ шеваларида сифатларнинг қўлланилиши, ясаиш йўллари ва вазифалари ҳозирги ўзбек адабий тилидагидан асосан фарқ қилмайди. Лекин уларда баъзи бир ўзига хос томонлар мавжуд.

Шеваларда сифат даражаларининг қўлланиши қуйидагича:

Қорлуқ-чигил-уйғур шеваларида:

1. Орттирма даража сифати ясаш учун жуда, жуда ҳам сўзлари жә, жәйәм шаклларида қўлланади: жә: йәхшъ (Қарноб); өнәбъйъц жә: йәхшъ одәм-экән (Каттақўрғон); жъдә йәхшъ ыш қъллъйъз; бу бәләнъ ычъдә мәнъ бәләм жә: йәхшъ (Янгикўрғон).

2. Шеваларда сифатнинг кучайтирув шаклини ҳосил қилиш учун адабий тилдаги сингари олиниб, сўз унлилар билан тугаса, (унинг биринчи бўғинига) “м” ёки “п” ундош товушларининг бирини қўшиш билан ясалади: қәп-қәрә, сәп-сәръғ (Пайшанба), қъзъл-қъп-қъзъл, эқ-эппэқ, кок-ком-кок, йәшъл-йәм-йәшъл, сәръқ-сәп-сәръғ (Қарноб).

Сәп-сәръғ сўзи айрим ҳолларда сәмсәръқ тарзида ҳам учрайди.

3. Адабий тилимиздаги қиёсий даража сифатини ҳосил қилувчи -роқ қўшимчаси шеваларда -роғ шакли билан берилди: сувуғ-сувуғроғ, эрръғ-эррръғ роғ, ыссығ-ыссығроғ, йәхшъ-йәхшърәғ

(Қарноб); Сурәт бошқа бәләгә қәрәгәндә йәхшыроғ едх; кәксәроғ чол уйгә къръп келль (Янгиқұрғон); йиәшъроғ ыш топыпх (Каттақұрғон).

Сифат ясовчи -ль (-ли) құшмчаси кўпроқ құлла-нилади: ышль, хъсобль эқллъ, уйлъ, боләль каби.

Адабий тилимиздаги сариқ, бўлиқ, аччиқ, қаттиқ, иссиқ каби аслий сифатлар қипчоқ шевалари вакиллари нутқида сўзларнинг охиридаги “қ” ундоши-сиз талаффуз қилинади: Масалан, сары, қатты, аччи, чуччи каби. Бу гуруҳ шеваларда жаман, таза, бәжәй каби сўзлар “жуда” маъносида құлланилади: кәлишиң жаманам қыйын болды, жолда таза адам кобәкән, базар жаманам қызыпды, бәжәй үстә адамакан.

Қипчоқ шеваларида -лы, -ли, -рақ, -сиз, -бә сингари құшмчалар билан ҳам сифатлар ҳосил қилинади. Масалан, қышлақлы жинит, ақллы адам, гәвли (гәли) мамайакан, йахшырақ жәридән бәрин; мәнисиз гәпти әйгә; бәҳисәп жәр каби.

2-§. Сон. Бирдан ўнгача бўлган саноқ сонлар қорлуқ-чигил-уйғур шеваларида қуйидагича ишлатилади: бър, ьккъ, уч (үш), тор, беш, олтъ, йъттъ сәккъз, тоққыз (с): бър гүн бу пиншани гәззи гөр волады (ўғуз); жаҳон айвоңыга бър сәги көп көрийди, ҳавлисидән биттә нон чыхмады (қипчоқ); бър қәп әлмә йерь сәмьн келәркән (Жиззах); мен сәккъз йәл зәвүткә ышләтм (Каттақұрғон).

Қорлуқ-чигил-уйғур шеваларида ўндан йигирматагача бўлган саноқ сонларнинг ясалишида баъзи бир фонетик ўзгаришлар юз берганлигини қайд қилиб ўтиш лозим: онбър // омбър, онъккъ, онуч // онуш, онбеш // омбеш, онсәккъз; онсәккиз йил подайам баққан едим (Самарқанд), онтор кчшъ нелдъ (Каттақұрғон), бары-жоғы оммыр киши кәлди; беш йуз қойдун гәши бомас нәҳәри (қипчоқ).

Мингдан икки минггача бўлган сонлар бър мън йүз, бър мьн ьккъ йуз, бир мынтоққыз йүз, бър мын олты йүз шакллар билан бир қаторда, онбър йүз, онъккъ йүз, онтоққыз йуз ҳолатлари ҳам ишлатилади. Бъзнъ мәктәпга тор йуз елльйгә бәлә оқйидь (Каттақұрғон), бизди пәрмәмизди, бир жүз жәгмиш жәтти сийир савылады (қипчоқ), бир гүн кән байың үйинә, барыпты (ўғуз).

Шеваларда ҳам саноқ сонларга -нчъ, -ънчъ, ынчы, инчи кўшимчалари кўшиш билан тартиб сонлар ясалади:

а) саноқ сонлар унли фонемалар билан тугаган бўлса, -нчъ, -ънчъ кўшимчаси кўшилади: ьккънчъ, йолттънчъ, йъттънчъ, онъккънчъ, онйъттънчи (қорлуқ-чигил-уйғур); экинчи, алтынчы (Қипчоқ) каби;

б) саноқ сонлар ундош фонемалар билан тугаганда эса -ънчъ, -инчи кўшимчаси билан тартиб сонлар ҳосил қилинади. Масалан, бърънчъ, бешънчъ, сәккъзнчъ, он бешънчъ (қорлуқ-чигил-уйғур); биринчи, саккизинчи, тоққизинчи, он жәттинчи (қипчоқ) кабилар.

Бу иккала кўшимча билан бир қаторда, -ләмчъ кўшимчаси ёрдами билан тартиб сонлар ҳосил қилинади. -ләмчъ кўшимчаси унли фонемалар ва ундош фонемалар билан тугаган сўзларга баб-баравар кўшилиб келаверади. Масалан, бърләмчъ, ьккъләмчъ, торләмчъ, қърләмчи ва бошқалар. Сўнги хусусият фақат Қарноб шеваси учун хосдир.

Қипчоқ гуруҳи шеваларида тартиб сонлар -нчи, -инчи аффикслари билан бир қаторда, -ланча, -ләнчи кўшимчаси билан ҳам шаклланади. Масалан, үшләнчи кәлиш, оттыз жеттиләнчи петинкә, тоққысланчи кәлиш кабилар.

Ўрганилаётган шеваларда жамловчи сонлар бъръсъ ьккъсъ, учъсъ, ькковъ каби шаклларда ҳам қўлланилади. Бу кўпроқ Қарноб шевалари учун хосдир. Шунингдек улар бърэвъ, ьккэвъ, бешовъ, йътэвъ деб ҳам ишлатилади. Жамловчи сонлар -ав, -эв -авлан, -эвлән кўшимчалари билан ҳосил қилинади алтав, жәттәв, бәшәв, тортәвлән, бәшәвлән каби. Масалан, букуң екэвлән мани чобэғимгә бэрамиз (Самарқанд), тор атлы бэсмачы үчәвинийәм ушләгән, экәвиниз әзизи мийман (қипчоқ); гөззиң ачылады депти бырав (ўғуз). Дона сон -тә кўшимчаси билан шаклланади: бир уштәси орқага тушти, беш-әлтитәсини элүвдим. Сонларнинг бошқа турлари ҳам фонетик кўринишлар билан қўлланилади.

3-§. Равиш Шеваларда равишларнинг турлари ҳам ўзига хос томонларга эга. Масалан, урин равишини

олиб кўрайлик. Улар Самарқанд вилояти шеваларида куйидаги кўринишларга эга бўлади:

адабий тилимиздаги бу ёқ, у ёқ, шу ёқ, шу ер каби бош келишик шаклидаги ўрин равишлари Каттақўрғон турли шеваларида бәғ, әғ, шәғ, бе:р, ше:р де ишлатилади. Бу равишлар турли келишик қўшимчаларини қабул қилганда, куйидаги шаклларга эга бўлади: бәғдә, бәққә, әғдәи, әққә, шәққә, шерга, бизарда, туширди (Самарқанд); Рә; мәтлә бәғдәйох, силә әққә нимә қьлдъләрън: бачала бәққа ишләптила (Ургут) каби;

б) қипчоқ гуруҳи шеваларида: миндә кәнцәр би й-әққә барамыз, бундай ҳоллар ундә-мунчә учрәйди; улар бәрмән кәп жатыр, бизәр ийеққә барамыз, бе:рдә әкәмнәр жоққу кәйиргә кәтти укәңцәр (қипчоқ) кабилар.

Нагижада кўп ҳолларда мустақил икки сўздан битта ва баъзан иккита унли товуш тушиб қолиб, иккала сўз бирлашиб кетади.

Яна равишнинг айрим турлари бўйича баъзи намуналар келтирамиз:

Айт равиши: ҳәзир йетмишга кирдим; бугун кеч болды, ертадан бәрасан-ишка деди (Самарқанд); еттәйә ысәнсәгә борәмиз (Каттақўрғон); кегън шорә ҳоқүмәти бўлди, улани иши дәйим шуннәғ боған (Ургут). ҳәзир айтамыз; бугун мәктәпкә бар; әни әнди гәпти быйақтан эшитмән кәрәк; ҳәзир атғы көриш амрмахол; тунәв кун чәчәмис кәвли (қипчоқ).

Ҳолат равиши: бәздә әҳмәддә эдәмлә жә: коп, пәрәмә уйгә кесә боләмь (Каттақўрғон); тувра жолду коргән әвәзқан аттық эдәмдә (қарноб).

Даража-миқдор равиши: комиссар айттики, силарди гунәҳиниз коп қаттиқ (Самарқанд); бәзләнь ҳәвләмъз сьзәнъкъдән әнчә кәтгә; улә коп қыйнчлык мьнән тәпейә чьктълә (Каттақўрғон); қәпти корган киши (Ургут); ҳәйлә йәқън қлдъ: мәррә қойләръңъздән кәм сут эльнәйстър (Қарноб); онга коп будәй керак, отън кобини жылыб алдық; әскимис кәм сут бәрәдигән боп қалы, ишти көплигидән борув-кәлүв кәмәмайип кәтти (қипчоқ).

Равишлар баъзан фразеологик бирикма сифатида ҳам қўлланилади: баш жарылса тәлпәк ичидә, қол синса жән ичидә (қипчоқ).

Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасида -дэк, -дэг, -дэг қўшимчалари мавжуд бўлиб, булар ўзбек адабий тилидаги -дэй, -дэк қўшимчалари ўрнида қўлланилади. Қипчоқ шеваларида эса -дэй, -дай шакллари энг сермахсул ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан -дэк қўшимчаси ўзбек тилининг қорлуқ-чигил-уйғур шеваларига ва -дай, -дэй қўшимчаси қипчоқ гуруҳи шеваларига хос деб қарашга тўғри келади.

4-§. Кўмакчилар. Шеваларда қўлланиладиган кўмакчилар ўзларининг шакллари билан ҳозирги ўзбек адабий тилидаги кўмакчилардан асосан фарқ қилмайди. Улар шевада ҳам ўзбек адабий тилидаги сингари, от ёки от вазифасида келган сўзлардан сўнг келиб, унинг бошқа сўзларга боғланишини, турли муносабатларини кўрсатади.

Бъръ. Бу кўмакчи ҳозирги ўзбек адабий тилидаги "бери" ўрнида келиб, аниқ бир вақтда давом этганлигини ва давом этишини билдиради: ул копдэн бъръ қой бэъб йуръйдъ; шундэн бъръ йог; копдэн бъръ келмъйдъ; энэ бър эдем бэччэсъ мънэн ул тэмндэн бермэн кэвэгтъ (Қарноб). Мазкур кўмакчи қипчоқ шеvasида бэрмэн деб ишлатилади: Ишмэн боп сизди көпдэн көрмэвдим; тэрувчилар бэрмэн кэп жатывды; бэррақ кэннэр. Баъзан рақ қўшимчаси қўшилиб, бэррақ деб ҳам қўлланилади.

Нэръ. Нэръ кўмакчиси ўзбек адабий тилидаги "нари" кўмакчиси билан мос келади: Муртэза нэръ тэмэн кеттъ: нэръ бэ; (қарноб); нары барыңнар, на рряқа барып ойнеңнар (қипчоқ); хожа осараққа бэрип огирди (Самарқанд).

Айрим ҳолларда юқоридаги иккала кўмакчи жуфт ҳолида ҳам келади: нэри-бэри қып журуппиз-дэ; нэридэн-бэри өтип турупты (қипчоқ).

Ҳозирги замон ўзбек адабий тилидаги билан кўмакчиси шевада мънэн, бълэн, бэлэ деб ишлатилади: бълэн кўмакчиси ўзбек адабий тилидаги "билан"га нисбатан бир оз қисқароқ талаффуз этилади. Мънэн ва унинг ҳосил бўлиши учун бълэннинг "б" ва "л" ундошларига бир-бирига анча яқин бўлган "м", "н" ундош товушлари билан алмашинган.

"Билан" кўмакчисининг ҳосил бўлишида тубандаги ҳолатни кўрамыз: биринчидан, сўзнинг охирида келадиган "н" бурун товуши тушиб қолади; иккинчидан,

сўзнинг ўртасида бир „н“ ундош товуши „л“ ундош товуши билан алмашинади.

Шундай қилиб, бўлэн, мънэн, бўле шакллари қўлланилади: ҳаммдвуз бэшқэлэ мънэн дэм элэвуз; бэшқа минан ҳамсуҳбат болмайман; шу бўлэн мъшъқ бўлэн ъг элп келдъ (Наманган); қъз элмэ бўлэн бэллэп урэдъ (Жиззах): дэрвэзани четтиб отгум билмадин, алма миннан битта уддум уйқудан ойғанмадин (Ургут); отам минэн кэлдим, мэхманнар сувды чэйниг билэн (минэн) этып жугәрди, кэтмэн минэн иш қылув.

Билан кўмакчиси қисқариб, айрим ҳолларда қипчоқ шеваларида, -мэн шаклида ҳам ишлатилади: иш мэн боп жатувды.

Тэң-тэни мэн жагыр,
Тээк қавы мэн жагыр.
Жолда кэли жатыр,
Кэли савы мэн

Дэнь кўмакчиси бўрънинг шаклдоши ҳисобланади; борэн вэхлэдэ хожэйнлэрувуз этэлэ сольб бэрэлъ, ыштэ нэн элб эборэдъ, дэнь уйъгэ этъ мънэн кэтэрдъ. Бу фақат Қарноб шеваси учун хосдир.

Ўзбек адабий тилидаги кейин кўммкчиси шевада кейин, кегън каби шаклларга эга бўлади: ыннэй кегън (Қарноб); бирдан кейин Хожа чиқи, кейин ойлади (Самарқанд); бизэр кэгин барамыз (қипчоқ).

Адабий тилимиздаги сўнг, ҳам кўмакчилари шеваларда соғън, -йэм,-(й)эм шаклларида ҳам ишлатилади: соғин Пензи деган ша:аргэ элип бориш тушурли (Самарқанд); ҳечам коңнум қэган йох (Ургут), үйэм ишкэ кэтип қавды (қипчоқ).

Бу иккала кўмакчи бирга келиб, жуфт ҳолда қўлланилиши ҳам учрайди; соғра кейин бизлар ҳаммамиз отурдук (Самарқанд).

Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги ҳам кўмакчиси шевада икки хусусиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтиш лозим:

а) ҳам кўмакчиси таркибидаги „ҳ“ товуши тушиб қолган ҳолда ишлатилиши. Бундай ҳол кўмакчидан олдин келган сўзлар ундош товуш билан тугаганда юзага келади: кърқъмдэн кегън эзъбъзэм бэръсъ; бъзэм энъқ бўлмэйвуз; мэпэм өз хожалығымды түзсэм;

б) ушли товушлар эбилан битган сўзлардан

кейин келганда ҳам кўмакчисининг “ҳ” товуши “и” ундоши билан алмашиначи ва ўзидан олдин келган сўзга бирлашиб келади: улэ йэм келсэ, улэ йэм жъмъб кетгъ каби (қорлуқ-чигил-уйғур); үчи йэм йола чықады (ўғуз).

Юқоридаги боғловчиси -йэм, -(й)эм шаклларида келган кўмакчилар ҳеч вақт мустақил ҳолда қўлланилмайди, улар ўзидан олдин келган сўзларга қўшилиб ёзилади. Шунинг учун бу кўмакчини кўмакчилик ҳолатидан чиқиб, кўшимчага ўтиш жараёнидир, деб айтиш мумкин.

Ўзбек адабий тилидаги “бўйича” кўмакчиси қишчоқ шеваларида бо йынчэ деб ишлатилади. Бу кўмакчи ўзек адабий тилидаги сингари ҳеч қайси келишик кўшимчаларини қабул қилмайди. Бо йынча отнинг бошқа сўзга бўлган муносабатини ёки бир сўзнинг иккинчи бир сўзга бўлган муносабатини кўрсатади: айткэн бо йынчэ ишлэйвэр; кэгэн бо йынчэ қабкэтти каби.

Гэкълэ кўмакчисилаги фонегик ўзгаришни ҳисобга олмаганда, у ўзбек адабий тилидаги тагида кўмакчисига мос келади. Шевадаги бошқа кўмакчилар ҳозирги замон ўзбек адабий тилидаги шакллардан деярли фарқ қилмайди.

5-§. Боғловчилар. Шевадаги боғловчилар ўзларининг шакллари ва қўлланишлари билан ҳозирги замон ўзбек адабий тилидаги ҳолатга мос келади ва гапларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қилади.

„Билан“ кўмакчиси билан, минэн, мынан, ман, мэн, бўллэ каби шаклларга эга бўлади: бэвэ Ҳасэн билан бэвэ Исрофил айттики, ҳой ишлаймиз деди (Самарқанд); бэхэр кельшъ мэнэн (Тошкент) йахшъ бўлэн йурсен йетэрсэн муратқа—йаман билэн йурсан қоларсан уйатқа (Туркистон); Исрэфил нарсаларни йиғип биттэ чэйнэк билан пийслани элип йола жонади (қишчоқ).

Ҳозирги замон ўзбек адабий тилидаги „гоҳ“ боғловчиси шевада гэнэ деб қўлланилади; гэнэда кеп туради (Ургут), эччығым кельб гэнэдэ гәпърмэйман гэнэ кельб тургын (қарноб) каби.

Адабий тилимиздаги -ки боғловчиси шевада -къ, към шаклида келганини кўрамыз: къмкъ къзъмдъ узуйънъ эгэн босэ айтсын (Жиззах); кәмсыйәлгә тәпшърълсынкъм, ҳәр бър кәлхәзчъләни тэмэрқа йърләрълчәб чықълсын. шунъ айтъш керәккъм, бул йил

йър от болдъ (Қарноб); Хожа озига жазм қилдик, вазир уни олдурәду; бәвәга айттики, сани отиң нима (Самарқанд).

Бундай хусусият ўзбек тили тарихига доир материалларда, жумладан Атоий асарларида ҳам учрайди:

Ул санамки, сув яқосинда паридек ўлтирур,
Гояти нозиклигинин сув била ютса бўлур.

(Атоий)

Умуман, шеваларда боғловчилар адабий тилдагига нисбаган кам қўлланилади. Сабаби: гаплар деярли ҳамма ҳолларда содда, қисқа шаклда ишлатилади.

6-§. Юкламалар. Шевадаги юкламалар ўз шакллари ва маънолари билан ўзбек адабий тилидаги ҳолат билан умумийдир. Биз фақат битта юкламанинг, яъни адабий тилимиздаги -да юкламасининг -де шаклида қўлланилиши ўзига хос хусусиятга эга эканлигини учратдик. Масалан, йурәмәдъ-де, боллъ-де, улә шундәғ эдәм-де, Ҳәмзәмәғ боръп тургән-де, бър хәт йәзсук дейман-де (Қарноб).

Биз шевадаги -де юкламаси Тошкент ва унга яқин шевалар учун ҳам хос экинлигини кўрамиз.

Қарноб шевасида -де юкламаси ўзбек тилининг Жиззах шевасида -тә шаклида келади: ү кәләттә, йәз йәзлӷгӷн қыләттә.

-йу, -му каби юкламаларга мисоллар: вазир хожани котарип йерга урди йу; Ҳасан айттики, бәрамизму (Самарқанд), биеллага чәйхона дегән нессала бомайдиму (Ургут).

Фақат юкламаси қипчоқ шеваларида қуры ва пақат шаклларига эга бўлади: қуры сән келдиңмә, унга пақат китоб боса болды.

7-§. Ундовлар: товуқларни киш-киш дә, ейномәрт, бу сенгә қъ(л)гән йәхшӷлӷгӷм (Андижон); бир заман дәмимни алайын, ахыр хав, сән нишәттиң озиң (Ўғуз).

8-§. Модал сўзлар; мәйлъ ендъ қуштӷйәм әпкәләмъз, нъмә қълӷш керәг ендъ (Андижон); уныңам барывы кәрәк (қипчоқ).

9-§. Тақлидий сўзларнинг қўлланишига доир материаллар: күн жылтәгип чықты (қипчоқ), мучича пиретип учип кетти (Ургут).

VI БОБ. ЛЕКСИКА

1-§. Лексика ҳақида умумий маълумот

Ўзбек тили лексикаси ўзининг қадимий ва бой тарихига эгадир. У бир қанча асрлар мобайнида ривожланиб келган. Тилимиздаги сўзларнинг айримлари энг қадимги даврлардан бери турмуш талабларини қондириб келган бўлса, бошқа хиллари нисбатан кейинроқ пайдо бўлган. Давр ўтиши билан мавжуд сўзлардаги маъно ва маъно нозикликларида ўзгаришлар ҳам юз берибтурган.

Маълумки, сўзлар бир қанча маъноларни англатади. Уларнинг қайси маъноси қачон юзага келганлигини ўрганиш тилшунослар учун зарур бўлса, бу сўзларнинг неча хил маънода қўлланилишини ўрганиш ушбу тилда сўзлашувчиларнинг ҳаммаси учун зарурдир. Бу, айниқса, ёзувчилар ва шоирлар, санъат ва маданият ходимлари, олимлар учун ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Сўзларнинг бирор маъносидан хабарсизлик айрим илмий асарлар, мақолалар ва нутқлардаги сўзларни тўла ва тўғри тушунишга ҳалақит беради.

Сўзларни қўллаш ва уларнинг маъноларидан фойдаланишда шоир-ёзувчиларнинг имкониятлари ғоят каттадир. Чунки улар адабий тилимиз лексикасидан ташқари, шева имкониятларидан ҳам кенг фойдаланадилар. Натижада шевалардаги айрим сўзлар оммалашиб, адабий нормаларга айланиб боради. Лекин уларнинг асосий қисми лаҳжалар ва шеваларга хос бўлиб, адабий тил доирасига кирмайди ҳамда шевалардаги шакл, улардаги ўзига хос хусусият бўлиб қолаверади. Адабий тил нуқтаи назаридан кам қўлланиладиган сўзлар айрим ҳолларда фаоллашиб ҳам қолади. Бу ҳол шевалар чегараси билан боғланади. У сўзлар шевада гапирувчилар нутқида фаол ҳисобланиб, адабий тилдаги сўзлар билан биргаликда бир шаклдошлик қаторини ташкил этади.

Шевалар энг қадимий бўлиб, одамзот тилга киргандан бошлаб, истеъмолда бўлиб келмоқда. Бундай ўзига хосликни ҳозирги вақтда осонлик билан фарқлаш мумкин: бинэъйи (тузук), писил (яшириниб), таллы (ширинлик), тағын (яна), қыламық (юпқа), қычпап (тез), ҳәйдә (юр), бавыр (жигар) сингарилар қипчоқ лаҳжаси шеваларида; зәп (жуда, вақтида), пәққос (бутундай), пәччә (ака, амаки), унәмәғ (кўн-

моқ), мэхэват // вэйме (муболаға), дилтан бэлмоқ (хафа бўлмоқ) сингарилар қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасидаги шеваларда; атыз (пайкал), морчә (чумоли), довды (бепарво), пәлпис (ифлос), арна (анҳор), йап (катта ариқ) пәтик (шип), тәйәк (болахона), мәйин (мия), крт (бура) ва бошқалар ўғуз гуруҳи шеваларида учради.

Юқоридаги шеваларга хос турли-туманлик бадий ва илмий асарларда ўз аксини топиб келиши қонуний бир ҳолдир. Жумладан, „Қутадғу билиг“, „Девону луғотит турк“, „Хамса“, „Ҳазойинул маоний“, „Муҳокаматул луғатайн“, „Ўтган кунлар“, „Меҳробдан чаён“, „Қуллар“, „Навойи“, „Қутлуғ қон“, „Қўшчинор чироқлари“, „Фарғона тонг оггунча“, „Хорам“, „Ўқитувчи“, „Она-сингиллар“ каби кўплаб асарлар фикримизга далил бўла олади.

Шоир-ёзувчилар асарларидаги айрим сўзлар ҳозирги вақтда ҳам шеваларда турли кўриниш ва шаклларда ишлатилади. Масалан, қипчоқ шевасига хос бўлган кэвәнәк // кэбәнәк // кәпәнәк (чакмон), өтирук // өтрук / (ёлғон), қалпақ // қалпәк (дўппи), урт//увурт//овурт (лунж), маңлай (пешона), хоқонқоон//қан (хон), не//нә//ни (нима), вусма-осма (ўсма) сингари сўзлардан Навоий асарларида ҳам кенг фойдаланилган.

Юқоридаги сингари ҳоллар, улардаги маънолар ҳозирги пайтда адабий тил билан бирга, шеваларда ҳам мавжуддир. Адабий тилдаги она сўзи Тошкент шевасида ойи, Фарғона шевасида айа, буви, ўғуз шеваларида энә каби шаклда фаол ишлатилади. Улар адабий тилдаги она сўзи билан биргаликда бир услубий шаклдошликни ташкил қилади.

Ёки бошқа мисолларни ҳам келтириш мумкин: қалампир (адабий тилда), гәрмдэръ (Тошкент шевасида), қаламфур (Самарқанд, Бухоро шеваларида); хомак (адабий тилда), сапча (Тошкент шевасида); ызламақ, истамоқ, қидирмоқ маънодош сўзлари шевалар нуқтаи назаридан қуйидагича: ьстәмәқ (Фарғона ва Ўш шеваларида), қъдърмәқ (Тошкент шевасида), ызламақ, қыдырмәқ, истәмақ (қипчоқ ва ўғуз шеваларида).

Ўзбек шеваларининг лексикасини ўрганish масаласи бирмунча кенгроқ миқёсга эга бўлиб бормоқда. Ай-

никса, ушбу соҳага бағишланган „Ўзбек шевалари лексикаси“ (1966) илмий тўплами ва „Ўзбек халқ шеваларининг лугати“ (1971) нинг нашр этилиши ўзбек шеваларининг лексикасини ўрганишда қимматли материаллар бўлиб хизмат қилади. Худди шу тарздаги қимматли шевашунослик материаллари „Ўзбек шевалари лексикаси“ номи билан 1991 йилда ҳам нашр этилди.

Ўзбек халқ шевалари лексикасини, жумладан, шаклдош, маънодош, кўп маъноли, янги сўзлар хусусиятларини ўрганиш шевашунослар олдида турган муҳим вазифалардан биридир Чунки маълум бир шева ёки бир қанча шевалар лексикасини ўрганиш, бир томондан, тил тарихи, этнография, тарих сингари фанлар учун қимматли бўлса, иккинчи томондан, адабий тилни ривожлантириш учун ҳам аҳамиятлидир. Ўзбек халқ шевалари фонетик ва морфологик жиҳатдан маълум даражада ўрганилган бўлса-да, лексик жиҳатдан ҳали етарли даражада ўрганилмаган Ўзбек лаҳжаларининг лексик қатламларини ўрганиш ва таҳлил этиш ўзбек адабий тили лексикаси учун ҳам гоят фойдалидир.

Ўзбек лаҳжаларининг лексикасини кўздан кечириб экинмиз, ҳар учала лаҳжанинг ўзига хос лексик қатламлари мавжудлигини кўраимиз. Шу умумий томонлардан ташқари, уларнинг ҳар бирида ўзига хос лексик қатламлар ҳам мавжуд Жумладан, қипчоқ шеваларида ҳам бундай хусусиятлар учрайди. Буни, ҳатто, Самарқанд вилояти заминда мавжуд бўлган шевалар материалларида ҳам кўриш мумкин. Самарқанд вилоятидаги шеваларни шартли равишда шарқий ва ғарбий гуруҳларга бўлиб ўрганиш анъана тусига кириб қолган:

Шарқий гуруҳ Ғарбий гуруҳ Адабий тилда

чал	бабай	чол
кәмпир	мәмәй	кампир
бурчәк	конжәк	бурчак
бала	бәччә	бола
орик	зәрдәли	ўрик
қонышы	хәмсәйә	қўшни
бузав	гәсәлә	бузоқ

Шевалар умумхалқ ўзбек тилининг бир гармоғи бўлиш билан бирга, адабий тил билан ўзаро умумий

ва хусусий лексик қатламларга эга. Бу шевалардаги сўзлар шаклдош, маънодош, кўп маъноли ва зид маъноли каби муносабатлар жиҳатидан бир-бирларидан ҳамда адабий тилдан фарқ қилади. Шевалардаги табу ва эвфемизмлар эса деярли ўрганилмагандир. Шуларни ҳисобга олиб, уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтишни лозим топамиз.

2-§. Маънодош сўзлар

Маънодош сўзлар ўзаро бирлаштирувчи маънога ва турли шаклларга эга бўлган бир гуруҳ сўзларнинг ўз номинатив маънолари билан бир хил ёки үхшаш бўлиб, талаффуз ва ёзувда фарқланиши, қўшимча маъно нозикликлари ҳамда турлича услубий қимматга эга бўлиши мумкин. Нутқимизни ранг-баранг қилишда маънодош сўзларнинг аҳамияти каттадир. Ўзбек тили ҳам ўзининг катта лексик қатламига эгадир. Бу қатламга кирувчи синоним сўзлар тилимизнинг луғат таркибини бойитади, уни янада кенгайтириш учун хизмат қилади, ўзбек тилининг бойлигини кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади. Тилдаги маънодош сўзларни яхши эгаллаш ва ундан тўғри фойдалана олиш эса нутқ учун катта имкониятлар яратиб беради.

Маънодош сўзлар, айниқса, драматург, шоир-ёзувчилар томонидан моҳирлик билан қўлланилиб, уларнинг фикрларини рўёбга чиқариш, тасвирланаётган давр хусусиятларини тўлароқ акс эттириш, турмуш воқеаларини аниқроқ ифодалаб бериш, улардаги маънонинг энг нозик томонлари ва оҳангини кўрсатиб ўтишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Маънодош сўзлар халқ оғзаки ижодида — маталлар, топишмоқлар, ашула-қўшиқлар кабиларда анча кенг тарқалган бўлади.

Ўзбек тилида бўлгани каби, унинг лаҳжа ва шеваларида ҳам маънодош сўзлар ниҳоятда кўп. Лаҳжа ва шевалардаги айрим сўзлар эса адабий тилимизнинг лексик қатламини тўлдириш ва бойитиш учун хизмат қилади. Масалан, ҳозирги адабий тилимиздаги изламоқ, қидирмоқ, ахгармоқ, истамоқ синонимик қаторларидаги сўзлар турли шева материалларидан олинганлигини исбот қилиш қийин эмас. Чунки Фаргона, Ўш каби шеваларда истамоқ, қипчоқ шеваларида изламоқ, Тошкент ва Самарқанд шеваларида

қидирмоқ (қъдърмоқ) деб қўлланилади. Ўғуз лаҳжаси: а ҳам қидирмақ ва истэмақ кўринишларига эгадир. Ахтармоқ шаклида қўлланилиши анча чегараланган. Бу шакл қипчоқ шеваларида ахтармақ//ақтармақ деб ишлатилади.

Ўзбек шевалари ҳам маънодош сўзларининг кўплиги билан ажралиб туради. Бу шеваларда баъзи бир маънодош сўзлар адабий тилдагига нисбатан кўпроқ кўринишларга эга бўлади:

Қипчоқ лаҳжасида: тузув//тузив//дурыс//йахшы//мықгай//эжэп//эжэптэвир//эвлэ//қыйамат//бинэйи (яхши); шыпыра//жэвлик//жаппа//хэммэси//тамамам//багамам//путунэй// (барча); шақылламақ//қычырмақ//бақырмақ//улумақ (қаттиқ гапирмоқ).

Қорлуқ-чинил-уйғур лаҳжасида: морча (Самарқанд-Бухоро-Ургут), чумэль (Тошкент), чумэльк (Фаргона гуруҳи), чэпчэк (Иқон, Сайрам), бувь (Фаргона шевалари), бийи (Самарқанд-Ургут), эйь (Тошкент) каби. Ёки эркаклар белига боғлайдиган, четига гуллар солинган материални, яъни белбоғни Андижон, Қарноб ва Қорабулоқ шеваларида чэрсъ//чэрсу деб қўлланилса, Тошкент шеvasида қъйьқчэ деб ишлатилади.

Ўғуз лаҳжасида: гөн//дилсиз//гэмлэмэс//индэмэс//лэл//геңэлэк//сөлэмэс вэрсиз//ведэсиз//элдэқчи//йэлғэичи//тутрықсыз//нэхэқ; бучими//сэлэвэги//гөрүниши//симоти//силэйти//қэматы; дэррэв//дархэл//шувэтип//зимпидэл; сэлмэ; йэп//арық//тэрмэ; эрэвэк//исирга//халқа//уллы//ири.

У ёки бу маънодошлар қаторига кирган сўзларнинг баъзилари адабий тилда ва лаҳжаларда учрамаслиги мумкин. Шевадаги бундай маънодошлар маъно ва талаффузлари жиҳатидан ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Масалан, ўзаро мустақкам боғланганлик, туғишганлик маъноларини ифодалаш учун ўзбек алабий тилидаги қариндош, уруғ, авлод сингари синонимларни қўлласа, қипчоқ шеваларига кирувчи шеваларда бу сўзларнинг кенг қўлланиши билан бир қаторда тамыр, зат ағайини, тувышқан каби сўзларнинг ҳам кенг истеъмолда бўлганлигини учратишимиз мумкин.

Баъзан қипчоқ шевалари материаллари маънодош сўзларнинг маъноларини фарқлашга ёрдам беради. Масалан, озуқа турларидан бири — йонъчқа / жонъчқа деб юритилиб, унинг қуритилган ҳолагига бэдә дейилади. Ҳали унинг авж олиб ўсаётган, лекин пишиқ етмаган ҳолати эса қара көрпә деб аталади. Қипчоқ шеваларида жоңъчқа сўзи қорлуқ-чигил-уйғур шеваларидан Андижон шевасида йонъчқа, Тошкентда эса бэдә деб қўлланилади.

Қипчоқ шеваларидаги маънодош сўзлар тузилиши жиҳатидан содда, жуфт ва бирикмали маънодош сўзларга бўлинади:

1 Содда синонимлар ўзбек шевалари лексикасининг талайгина қисмини ташкил этади. Мисоллар: өтирлик / йалған; қычалан / қысталан / шөшилнч; жолықды / дарыды; қычап / деррәв, ҳава / жавын, қыламық / жықа, сатқақ / аврыв, таллы / ширәт, тақран / қуры (қипчоқ); режа / тэмър, таварча / бәлтача; зор / кучли; шәна / тароқ каллапош / барча, эфтәб / қуйәш (Бухоро) каби-лар

2. Баъзи маънодош сўзлар жуфт ҳолда қўлланилади, турли маъноларни (жамлик, тудалик, бўртгириш, умумийлик маъноларини) ифодалаш учун хизмат қилади: сәвир-тақат, урп-әдәт, кир-ыплас, жаҳшы-дырыс (қипчоқ).

Баъзи фонетик ўзгаришларни ҳисобга олмангла, бу хусусият қорлуқ-чигил-уйғур ва ўғуз лаҳжлари материаллари учун ҳам хосдир. Ҳали турмуш қурмаган, боласиз, бўйдоқ кишига нисбатан Қўқон ва Ўшда сәлт-сувәй, Шаҳрисабзда сәлт-сувәйт дейилса, Форишда эмизикли боласи бўлмаган хотинларга нисбатан сувәй-сәлтаң деб қўлланилади. сәлт-сувәйт йургән башқа, розғолләлли башқа. Бәшиннә чушсә биләсэн, ышгә чьқсун (Фориш).

Яна: хеш-тавар (Самарқанд-Бухоро), уруғ-әймәғ (Каттақўрғон-Пайшанба), чәл-бува (Поп), алат / аждат (ўғуз).

3 Бирикмали маънодош сўзлар ҳам учраб туради. Мисол: қашқара.

Маънодош сўзлар ушбу шеваларда, асосан, икки дўл билан ҳосил бўлган. 1. Сўзларнинг маъно жиҳа-

тидан бир-бирига ўхшаш ва яқинлашуви натижасида. Масалан, дос//ағайни//жорэ//қадрдан//ортэқ (қипчақ), уй//хэнэ//квэртърэ, духтър//врэч//тэвъп (қорлуқ-чигил-уйғур) каби.

2. Ношқа тиллардан шеваларга сўзларнинг ўтиши натижасида арабча, форсча, тожикча, русча, сўзлар ва шеваларда сўзлашувчи аҳолининг лексиконидаги сўзлар билан бир ёки яқин маънода жуфт ҳолда ишлатилиб, маънодошлик муносабатига киришган. Масалан, куч//қудрат, гэдэк//чақалақ, эскэр//соллат (қипчоқ), жэдвэл//тэблътсэ (қорлуқ-чигил-уйғур). Шаҳрсабз шевасидаги йэлкэ//кип, текис//рэвэи, бэбэй//чэл//мойсапыт маънодош сўзларини ўзида акс эттирувчи сўзлар бир-биридан маълум даражада услубий мақсад ва маъно нозикликлари билан фарқланиб туришини қайд этиш мумкин.

Умуман, маънодош сўзларни ташкил этишда сон ва олмош қатнашмайди (баъзан олмошларда бу ҳолнинг учраши мумкин). ёрдамчи сўзлар эса, асосан услубий қимматга эга бўлади.

Бу хусусият турли шеваларда сўзлашувчи кўпчилик учун хос бўлса-да, айрим ҳолларда адабий тилни яхши эгаллаган кишилар нутқида ҳам бундай ҳоллар вақти-вақти билан юз бериб туради. Бундай ҳоллардан қутулиш ҳар қандай маданий кишининг вазифасидир. Чунки тилнинг тозалиги, унинг софлиги, маъно жиҳатдан аниқлиги учун кураш тил маданияти учун курашдир. Чунки бир тил маданиятининг мукамаллиги қадимий она тилимиз, кўп асрлик маданиятимиз, тарихий тараққиётимиз, кўп қиррали ва жозибали санъатимизни кўз-кўз қилувчи ягона ўлчовларнинг асосидир.

Шундай экан, сўз ва атамалардан тўғри ва ўринли фойдаланиш, уларнинг туб моҳиятини чуқур тушунган ҳолда қўллаш ҳамда очиб бериш бурчимиздир. Сўз ва атамаларни билиб ишлатмаслик кўпгина юзакиликларни, ҳатто чалкашликларни келтириб чиқариши мумкин.

Шундай қилиб, маънодош сўзлар ўзбек шевалари материалларида каттагина қисми ташкил этади ва турли маъноларни иродалаш учун материал бўлиб хизмат қилади. Шевалардаги маънодош сўзларни атрофлича ўрганиш ўзбек адабий тилининг ривожланишига ва бойиб боришига ижобий таъсир кўрсатади.

3-§. Шаклдош сўзлар

Тилдаги шаклдош сўзлар кўпгина олимларнинг диққатини тортган қизиқарли лексик қатламлардан саналади. Улар адабий тилни, жумладан, бадиий асар тилини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Тилшуносликда шаклдошлик масаласига баҳо беришда икки хил қараш мавжуддир. Баъзи олимлар шаклдошликни ижобий ҳодиса сифатида изоҳласалар, баъзилар эса уни тўғридан-тўғри мутлақо салбий ҳодиса деб, унга қарши „уруш“ эълон қилишарди. Биз биринчи фикр тарафдоримиз ва уни тўласича қўллаб-қувватлаймиз. Чунки шаклдош сўзларга ижобий ёндошиш тилшуносликдаги бирдан-бир тўғри йўлдир. Буни тилимизнинг тарихий тараққиёт йўлларини белгиловчи ёдгорлиқлар ҳам тўла тасдиқлайди. Айниқса, Алишер Навоий ва унинг замондошларининг асарлари бу соҳада юксак намунадир.

Агар туркий тиллар тарихий тараққиётига назар солинса, тилда уларнинг ҳосил бўлиши умумий лексик қонуниятлардан бири эканлиги маълум бўлади. Демак, шаклдош сўзларнинг мавжудлиги тилнинг сўз жиҳатдан, айрим кишилар ўйлагандек, камбағаллигини кўрсатмасдан, балки улар тилни бойитиш, янги сўзлар ясаш учун база бўлиб хизмат қилади.

Ўзбек тили шаклдош сўзларга ниҳоятда бой. Тилимизнинг бу хусусияти адабиётда янги жанр — туюқ жанрининг вужудга келишига сабаб бўлган. Шаклдошлик сўзлар айтилиши ва эшитилиши бир хил, аммо маъноларининг бошқа-бошқа бўлиши туфайли жумла ичида аниқланали ва унинг хилма-хиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбек тили лаҳжа ва шеваларида шаклдош сўзларнинг ўзаро маъноларини фарқлаш, уларнинг вужудга келиши ва маънолари ўзига хос хусусиятларга эга. Бундаги ўзига хос хусусиятлардан бири шуки, шеваларда у ёки бу омоним адабий тилдагига нисбатан кўпроқ маъноларга эга. Масалан, „ич“ сўзи адабий тилда икки хил маънода қўлланса, қипчоқ шеваларида беш хил маънода келади: ич (уч — сон), ич (бирор нарсанинг ичи), ич (ичмоқ), ич — аъзо, қорин маъноларида қўлланилади. Ёки „қирқ“ сўзини олиб кўрайлик: қырқ (феъл), қырқ (маоҳум ўлган кунига қирқ кун тўлган кун, маросим), қырқ (уруғнинг номи) каби.

Лаҳжалардаги шаклдошлик сўзларнинг адабий тилда учраши ва учрамаслиги нуқтаи назаридан уларни янги гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Адабий тилда ва лаҳжаларда учровчи шаклдош сўзлар. Адабий тилда: оёқ, бош, кўз, бет, ёз, кўк, қанот қабилар. Масалан, одамнинг оёғи, столнинг оёғи, қаравотнинг оёғи; одамнинг кўзи, булоқнинг кўзи; деразанинг кўзи; одамнинг боши, ишнинг боши, сувнинг боши, ернинг боши ва ҳ. к.

Қипчоқ шеваларида: айағ, баш, көз, бэт, көк, қанат, адамды айағи, устэлди айағи керэвэтти айағи, қушты айағи. булақды көзи, тирэзэни көзи, адамды башы, сувды башы, йэрди башы сингары.

2. Ўзбек шевалари учун хос бўлган шаклдош сўзлар. Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасида: чэрсэ//чэрсу сўзи Фарғона, Қарноб ва Қорабулоқ шеваларида алабий тилдаги белбоғ сўзи ўрнида келади. Масалан, Невъ чэрсэнь элэб келдэ, чэрсэнь белгэ бэглэдэ. Самарқанд-Бухоро шеваларида эса тўрт томон маъносини билдиради. Масалан, чэрсуга адам кепеди, чэрсу Регистонга каби

Яна қуйидагиларга диққат қилинг: морча—чумоли (Самарқанд-Бухоро шеваларида), эйэ (Қағтақўрғон ва Пайшанба шеваларида), Наманган, Чортоқ Ўш каби шеваларда эйэ//эйэ сўзи ўқитувчи аёл ва умуман хотин-қизларга нисбатан мурожаат қилганда қўлланилади: эйэмлә екзэмъниъ етгэ етгэмэн элэмэн дэълэ. эйэ, қэнтгэн бэйэм кэлэ тэ: чэп берэң каби Шэтэ сўзи Тошкент шеvasида араванинг бир қисми, Фарғона шеvasида нарвон. Тэқйэ сўзи кўпгина ўзбек шеваларида қипчоқда бош кийими, яъни дўппи маъносида келса, Қарноб шеvasида у ёстиқ маъносида қўлланилади. „лэччэ“ сўзи ўзбек алабий тили ва айрим ўзбек шеваларида „куёв“, „почча“ деб ишлагилса, Қарноб шеvasида „ака“, „амаки“ маъносини билдиради

Ўғуз лаҳжасида белкурак—одамлар ишлатадиган иш қуроли (лопата), тэй—отнинг боласи ва бирор нарса-ни тахт қилиб, жамлаб қўйиш. Қылыч—киши номи, атоқли от, қурол, турдош от; Алма—кишининг номи, атоқли от, меванинг номи, турдош от ва буйруқ феъли маъноларида қўлланилиб, омонимияни ташкил этади. Бу сўзлар бошқа ўзбек шеваларида ҳам худди шундай ёки шунга ўхшаш маъноларда ишлатиләди.

Бу гуруҳга кирувчи омонимлар асосан икки ундош товушнинг бир товуш билан талаффуз қилиниши, яъни фонетик ўзгариш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ўзбек лаҳжа ва шеваларида шаклдош сўзлар икки йўл билан, яъни биринчидан, ўз ички тараққиёт қонунлари асосида, ўз имкониятлари билан ва, иккинчидан, бошқа тиллардан ўтган сўзларнинг шевалардаги сўзлар билан омонимик муносабатга киришуви натижасида вужудга келган.

Шаклдош сўзлар асосан қуйидаги усуллар билан пайдо бўлган:

1. Фонетик ўзгаришлар натижасида: да й ра—доира, дарё (қипчоқ), дэй рэ йэкэсь — дарё ёқаси — кифти об (қорлуқ-чигил-уйғур), кътэп—ўқув қуроли, китоб (қорлуқ-чигил-уйғур), Китэп— жойнинг номи, атоқли от (қипчоқ).

2. Сўз маъноларининг тараққиёти заминида кун—куёш, бир сутканинг ярми (қипчоқ), йолдош—ҳамроҳ, суҳбатдош, космик кема, ернинг йўлдоши (қорлуқ-чигил-уйғур) каби.

Шунингдек, эй, ашық, эт, бэл, қалай каби сўзлар ҳам ўзбек лаҳжаларининг ҳар бирида шаклдошлик хусусиятига эга бўлади.

Бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўзларнинг мос келиши туфайли, булар кўпроқ рус тилидан ўзлаштирилган сўзларга алоқадор бўлиб, улар шевалар фонетикасига бўйсундирилган ҳолда талаффуз этилади. Бундай шаклдошларга мисол сифатида қуйидаги мисолларни келтириш мумкин. Масалан, қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасида: тэк (электр токи, ўсимлик номи), тэл (тал, дарахт, „толмоқ“ феълининг иккинчи шахс бирлиги, иморатлар учун ишлатиладиган қора қоғоз), там (уй, китоблар томи—жилд) каби.

3. Сўзларнинг ўзак ва негизларига турли хил кўшимчалар қўшилиши орқали Бундай шаклдошларда урғу маъно ажратувчилик ролини ўйнайди.

Шаклдош сўзлар муҳим лексик-услубий восита бўлиб, улар ёрдамида чиройли сўз ўйинлари юзага келади. Бундай ҳолат ёзма адабиётда ҳам, оғзаки нутқда ҳам тез-тез учраб туради. Фикримизнинг далили сифатида Самарқанд вилоятидаги қипчоқ лаҳжасининг вакили, халқ оғзаки ижодининг машҳур намояндаси Фозил Йўлдош ўғлидан келтирилган туюқни кўрамыз:

Қолындан кәгунча чықар йахшы ат,
Йахшылық қы, балам, жаманлықды ат.
Нәсийәтим йәт қыбал, парзантым,
Йалғыз йурсә нам чықармис йахшы ат.

Шуни айтиш керакки, ўзбек адабий тилидаги ва бошқа қатор ўзбек шеваларидаги шаклдош сўзларнинг вксарияти қипчоқ шеваларида бундай хусусиятларга эга булмайли. Бу эса унлилар уйғунлиги ҳодисаси билан чамбарчас боғлиқдир. Масалан, от (ўт) сўзи аланга, олов ва тирик организмдаги ўт маъноларида келиб, от деб икки хил кўринишда қўлланади.

4-§. Кўп маъноли сўзлар

Кўп маънолилик ўзбек тили лексикасининг ўзига хос белгиларидан биридир. Асосан, ўзбекча сўзлар кўп маънолик хусусиятига эга бўлади. Чунки бундай сўзлар ҳаётимизда узоқ йиллар давомида кўп қўлланила бериб, шу ҳолатга келиб қолгандир. Муҳим илмий-назарий фикрлар айтилиб ўтилган ўзбек адабий тилидаги *бош*, *юз*, *кўз*, *оёқ*, *қанот*, *бел*, *тил*, *бурун*, *лаб* кабилар лаҳжа ва шевалар материалларида ҳам турли кўринишларда қўлланилади ва кўп маънолик хусусиятига эга бўлади. Масалан, баш, көз, кәз, айақ, қанат, бәл, тил, мурун, ләп каби.

Сўзларнинг кўп маънолилик ҳолати, асосан, гап ичида намоён бўлади. Алоҳида олиб қаралганда, моносемантик хусусият ёки ўз маъно яқинлигига эга бўлади. Ҳар бир сўз, одатда, маълум бир нарса, белги кабиларнинг атамаси сифатида пайдо бўлади. Сўнгра у бошқа турдаги нарса, белгиларга татбиқ қилинади. Нагижада сўзнинг лексик маъносида силжиш юз беради.

Қипчоқ шеваларида: өзийәм баш дәп кәдини кәтәрип жургәнәкән-дә, уны экинчи биргәткә башлық қып қойды; бир баш жузум, жәззәм ишти көзини биләди, бул көзли күндәй кәп, узукти көзи тушип қапты каби.

Кўп маънолилик ҳодисаси воқеликдаги бир нарса-буом хусусиятини, номини бошқасига кўчириш, ўтказиш орқали содир бўлади. Номини кўчириш қуйидаги ҳолатлар нагижасида юз беради. Бу ўхшашлик асосида юзага келади. Ўхшашлик шакли, ранги, ички хусусияти ва сифати томонидан бўлиши мумкин. Маса-

лан, чәкмәк, сүвга чәгипти (сүвга чүкишти). Эшмәт чәгипти (қариб қолибди) каби.

Боғлиқлиқ асосида пайдо бўлади. Боғлиқлиқ вақт, пайт, макон ва мантиқ нуқтаи назаридан юзага келади. Масалан, учмақ > ушмақ: қуш уш ти, сәмәлут ушти хәлгинчәк ушти каби.

Номини кўчириш вазифаси жиҳатидан бўлади. Масалан, баш: ынсандын башы, сувдин башы; қанат: қуштын қанаты узилип тушты, сәмәлутти қанаты мәккәм/ /мәккәм ишләнчән; ләв: адамды ләви, хәвизди ләви, арақты ләви, сайды ләви каби. Сўз маъноларининг яқинлашиши натижасида кўп маънолилик ҳосил қилади: тил; тили чучи, тилини былады каби.

Кўп маъноли сўзларнинг қандай шаклда бўлиши ва қайси йўл билан юзага келишидан қатъи назар, уларнинг ҳар бирида асосий бошланғич маъно, асл маъноси мавжуд бўлади. Шу маъно асосида бошқа маънолар келиб чиқади Буни учмоқ сўзи мисолида кўриш мумкин. Унинг маъноси қанот силкиш билан ҳавода ҳаракатланиш ҳисобланади. Бу маъно қушларга қарата айтилган бўлиб, кейинчалик унинг маъноси ўзгариб ва тараққий этиб борган. Натижада, парранддан бошқа нарса-буюм ва ҳодисаларга татбиқ этила борган. Афсоналардан эса учмақ сўзининг отга (учәр ат—тез чопар маъносида), гиламга (учәр гиләм), самолтга (сәмәлут учип кәтти), ер йўлдошига (жәрдиң жоллашы учти) кўчирилганини кўрсәтиш мумкин.

Демак, учишларнинг ҳаммаси ҳозирги вақтда умумий бўлган маънони билдиради. Лекин барибир қушнинг учиши биринчи ҳаракат, самолёт ва ернинг йўлдоши кабиларнинг учиши эса кейинги ҳаракат ҳисобланади.

Маъно тараққиети туфайли учип кәтти (тез борди маъносида), хәлгинчәк учмақ каби қатор маънолар юзага келганлигини кўрсатиб ўтиш кифоядир.

Кўп маънолилик соҳасидаги ўзига хос намуналарни қорлуқ-чигил-уйғур шеваларидан тик сўзини келтириш мумкин. Жумладан, Шаҳрисабз, Китоб шеваларида адабий тилдаги асл маъноси билан бир қаторда, кишиларнинг бўйига нисбатан ишлатилиб, унинг узунлигини, баландлигини англатади. Хәлим мәттән тикроғ. Шунингдек, „чойнак“ сўзини ҳам олиш мумкин,

у суюқлик соладиган идиш ва симёғочлардаги чиннидан қилинган изоляторларни ҳам чэйник деб қўлланади.

Ёки Тошкент шеvasила тъл сўзининг қўлланилишини олиб кўрайлик. тъл—киши ёки ҳайвон организмнинг номи, тъл—иккинчи шахс бирлик шаклдош буйруқ феъли, тъл тэпш — келишилиш, тъл ден қэ лъ ш — касалликнинг оғирлашиши натижасида гапиролмай қолиши, тълънъ бълъш—бирор соҳала яхши, мукамал тушунчага эга бўлиш.

Сўзларнинг кўп маънолилиги ўғуз лаҳжасида ҳам қўлланади: ҳу: ылықа каптар волып учиб (п) гэләди-дә, бир силкиниб ядам волады Навы дысан, ит қыстағда бит қистағ этәвәрмә, қырсылдаб учиб гурсилдәб чушкийсан (қарғиш маъносида).

Ўзининг хусусиятлари ва маънолари билан кўп маъноли шаклдош сўзларга яқин ва ўхшашдир. Лекин уларни ажратиш турадиган фарқлар ҳам мавжуд. Бундай фарқларнинг асосийларидан бири сўз маъноларининг ички боғланишга эгаллиги ёки эга эмаслигидир. Агар сўзлар ўзаро бир-бирлари билан ички боғланишга эга бўлса, кўп маъноли ҳисобланади: баш, тиш, кез, тил, йэр кабилар. Аксинча, уларнинг маънолари бир-бири билан ички боғланишга эга бўлмаса, шаклдош саналади: ат, жуз, тур, йэш, эч каби.

5-§. Зид маъноли сўзлар

Лаҳжа ва шева материалларидаги лексика ҳам маълум ўринни эгаллайди. Бу сўзлар маънолари жиҳатидан бир-бирига қарама-қарши бўлган тушунчаларни ифодаловчи сўзлардан ташкил топган бўлиб, нарса, ҳодиса ва уларнинг белгиларини солиштириб кўриш, бир-бирига қарама-қарши кўрсатиш, фикрларни таъсирчан ифодалаш вазифаларини бажаради. Зид маъноли сўзлар лаҳжа ва шеваларда ҳам бир-бирига қарама-қарши тушунчалар бирлигини ифода этиш билан услубий восита сифатида қўлланади.

Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси материалларида: йәхнъ — йэмән; қәлън — йуқә; узун — қъсқә; эз — коп, дос — душман; тоғры — эғр; бэй — кәм бәғәл; шърън — аччъқ; семъз — эръқ; кундуз — кеча; хурсандлък — хәпәлык.

Намуналар: йәш келсә ышкә, қәръ келсә эшгә, дегән этә-бувәләрмъзнь нәқлъ (гәпъ) бә эхшәм қәлън

қар нәгдъ, куз мэхәлләръ кундузъ ыссық, кәчәсь сәвуқ бош турәдъ (Каптақурғон, Пайшанба).

Ұғуз лаҳжәсида: сўжи — ажы, эқ — қара, йахшы — йаман, алыс — йақын, уллы — генжә, қары — йәш, узун — қысқа.

Мисоллар: ажы билән сўжини латқам биләди, алыс билән йақынны йурйәм биләди, ажы волыпты, башымда ромалим әйлән, гулләри бәшым әйләнтирди сўжи тиллари

Қипчоқ лаҳжәсида: кәттә — киччи; қалын — қыламық; бәлән(т) — пәс; кәчә — кундуз; аччы — чуччи; алыс — жақын; узун — қысқы; ыссық — сувуқ; қунчығыш — қунбатыш; қатты — бош.

Мисоллар: уны қолы балан кәлди. быйыл ҳава пәс болды, қар қалын жавупти, қыламық қырав тушкән ва бошқалар.

Жуфт ҳолда қўлланилиб, қарама-қарши маъноли сўзлар умумий бир тушунчани ва тасаввурни ҳам ифодалаб келади. Бундай ҳолда бир сўздек қўлланилади. Зид маъноли сўзларлаги бундай хусусиятлар улардаги сўзларнинг кўчма маънода қўлланилиши билән изоҳланади.

Қипчоқ гуруҳ шеваларида ҳам бу хусусият яққол кўзга ташланиб туради: бәлән — пәс гапирмә — ўйлаб гапир, яхши гапир қышын-жазын ишләр эдик-йил бўйи ишлар эдик әртә кәч хабар алыптур / аптур — ҳар доим хабар олиб тур, ыссық-сувық қылдырыпты — доридармон билән даволанибли, бәрли — кәлди миз узилди — алоқамиз узилди.

Зид маъноли сўзлар категория сифатида катта аҳамиятга эгадир. Уларни кўпроқ қўллаш борасида шевалар, жумладан, қипчоқ шеваларининг ўрни каттадир.

6-§. Эски сўзлар

Сўз ифодалайдиган буюм ва тушунча ҳаётда йўқолиши билән, сўзнинг ўзи ҳам аста-секин унутила боради, яъни эскириб қолади. Эскирган сўзлар икки турли бўлади: қадимий сўзлар, тарихий сўзлар

Қадимий сўзлар Қадимий сўзларнинг ҳозирги вақтда фаол сўзлар қаторидаги шаклдошлари ҳам мавжуд бўлади. Бунда ҳозирги ҳаётда мавжуд бўлган нарсени

англатадиган камида икки сўз бўлиб, бири фаол қўлланади, бошқаси эса эскириб қолган сўз бўлганлиги учун, айрим услубий мақсадлар — тарихий даврни тўла тасвирига бериш, ўша даврни очиб беришда нутққа кўтаринки руҳ бағишлаш каби мақсадлар учун ишлатилади. Масалан, адабий тилимиздаги сўзлар ўзбек лаҳжа ва шеваларида ҳам турлича шаклларда ишлатилади: *ғозо — ғозот — ғозовот* — (уруш); *шорс — қишлоқ кенгаши раиси*; *эрч — араванинг бир қисми шоти*; *тэвушхэн — қуён*, *тэскэн — қўнғироқ*; *тэкийэ — дўппи*; *чэрсу — белбоғ* (Қарноб шевасида).

Бундай сўзларнинг луғат бирлиги бирор жиҳатдан эскириб, ўз ўрнини бошқа бир луғат бирлигига бўшата боғиши нагижасида пайдо бўлади. Бу — жараённинг воқе бўлишига, турли-туман сабабларга олиб келади.

Шуни айтиш керакки, баъзан ижтимоий ҳаёт тараққиёти ва тарихий шароит даврида айрим сўзларнинг маънолари бир-бирларига жуда ҳам яқин ёки бир неча вақт уларнинг маънолари бир хил бўлиб қолади. Лекин бундай ҳолларда маънолари бир хил бўлиб қолган сўзларнинг бири истеъмодан чиқиб кетади. Масалан, *ынқылап* ва *ревэлутсийэ*, *шора* ва *сэвет*, *муҳр* ва *пэчэт*, *мэризэ* ва *дэклэт* каби сўзлар бир хил маънони ифода қилганлари ҳолда қўлланилиб келинади. Сўнгра 90- йилларгача *рэвэлутсийэ*, *сэвит*, *пэчэт*, *дэклэт* сўзлари деярли шаклдош сўзлар сифатида қўлланиладиган бўлиб қолди. *Шора*, *ынқылап*, *муҳр* сўзлари ўзбек тилининг фаол сўз бойлигидан чиқиб кетди ва маълум даврда эскирган сўзларга айланиб қолди. Ҳозирги пайтда эса, аксинча, 90- йилларгача эскирган сўзлар қаторидаги сўзлар яна фаоллашиб кетди. Демак, мажбурийлик сиёсати ҳам, вақтинча бўлса — да, тилнинг луғат бойлигига таъсир этар экан.

Тарихий сўзлар ўтмишда мавжуд бўлган нарса ва тушунчаларнинг номини билдирган, аммо ҳозир эскириб қолган тилимизда ишлатилмай қолган сўзлар ҳисобланади. Чунки жамиятда илм-фан, маданият, санъат, адабиёт кабиларнинг тараққиёти, умуман ҳаёт талаби билан боғлиқ ўзгаришларни акс эттириш вазифасини адо эта олмаган сўзлар истеъмодан чиқиб кета бошлайди. Бундай сўзлар ўрнини эса яқин сўзлар ва тушунчалар эгаллайди.

Тарихий сўзлар йўқ бўлиб кетган нарса-ҳодиса ва

тушунчаларни ифодалаш учун ишлатилади. Чунки ҳозирги ўзбек адабий тилида уларнинг шаклдошлари бўлмаган. Масалан, қозъ, дэмлә, рэйъс, эләм, муптъ, ьмэм (Қарноб шеvasи) сўзлари эскириб қолиб, ишлатилишдан чиқиб кетган. Бундай сўзларнинг баъзи бирлари эса янги маънога эга бўлган. Масалан, илгариги вақтда одамлар орасида мусулмон динининг қонуқоидаларини тарғиб қилувчи киши дэмиллә (қипчоқ), дэмуллә — дэмлә (Тошкент, Қарноб, Самарқанд, Каптақўрғон) деб ишлатилган ва адабий тилда *домла* деб бирмунча ихчам олинадиган бўлган. Шундай қилиб, дэмлә шаклида бу сўз ҳозирги пайтда фаннинг маълум бир соҳасини эгаллаган мутахассис олим, илмий ходим ва баъзан ўрта мактабда дарс берувчи ўқитувчи маъноларида қўлланилади.

Тарихий сўзлар ўзи англатган воқеликнинг ягона атамаси бўлиб, ҳозирги вақтда лаҳжа ва шеваларда ҳам, адабий тилда ҳам, ўша нарсани, тушунчани, дунёқарашни аниқ англатувчи сўз ҳозирги даврда бўлмаганда, ўтмишни тасвирлашда тарихий сўзларга мурожаат қилиш ўз-ўзиладан зарур бўлиб қолади. Бундай ҳолни турли лаҳжа ва шевалардан ёзиб олинган тарихий намуналарда очиқ кўриш мумкин. Шоир-ёзувчиларимизнинг тарихий асарларида ҳам историзмларни кўплаб учратамиз. Буни очиқроқ тасаввур этиш учун А. Қодирийнинг „Меҳробдан чаён“, „Ўтган кунлар“, Ойбекнинг „Қутлуғ қон“, С. Айнийнинг „Қуллар“, Ғ. Ғулумнинг „Кўкан“ каби асарларини мисол келтириш мумкин.

7-§. Янги сўзлар

Янги сўзлар тилда пайдо бўлган янги сўз, янгилик бўёғи ҳисобланади. Жамиятда, ҳаётда бўлаётган ўзгаришлар, янги воқеа-ҳодисалар, фан ва техника, санъат, иқтисод, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги янгиликлар янги сўз ва тушунчаларни ҳам майдонга келтиради. Бундай сўзлар ҳар бир тилда, жумладан ўзбек тилида ва унинг лаҳжа ҳамда шеваларида ҳам ўз сўз бойлиги асосида юзага келади.

Янги сўзлар деб аташ нисбий тушунча бўлиб, маълум вақт ичида, даврда пайдо бўлган сўзлар фақат ўша давр шароитида янги сўз ҳисобланади, маълум вақтдан сўнг эса ўзидаги ана шундай хусусиятни йўқотади. Масалан, *шанбалик*, *аэроплан*, *йқўсил*, *шўро*,

колхоз, совхоз сўзлари 20-йилларда; беш йиллик, шпал, сеялка 30-йилларда; стахановчи, трактор, машина 30-йилларнинг охирларида; китюша, ракета, фронт орқаси каби сўзлар 40-йилларда; чўлқуварлар, кўлмингкилограммчи, визит, чўл лоччи, зангори кема, ҳаво кема, дала маликаси ва бошқалар 50-йилларда; космонавт, космодром, зангори экран сингарилар 60-йилларда янги сўзлар сифатида қабул қилинган ва ўша даврлар учун неологизм вазифасини бажарган эди. Ҳозирги вақтда уларнинг аксарияти одатдаги замонавий сўзларга айланди. ҳатто, бир қисми эскириб ҳам қолди.

Юқоридаги сабабларга кўра, турли даврларда ёзиб олинган шевашунослик материалларини аниқлаш анча мураккабдир. Уларни белгилашда яна у ёки бу сўзнинг пайдо бўлган даври ва материалнинг ёзиб олинган вақти алоҳида ҳисобга олиниши зарур. Масалан, 10-йиллар учун пэ й и з (поезд), мардикор, завут, фабрика, ишчи сингарилар янги сўз ҳисобланарди: Маскав тэмэн мардикорликка йубэрдилар, бизарди завутга ишлайсан деб бир жэйга этип қойди (Самарқанд).

Депутат, сайлов, агитпункт кабилар 30-йиллар учун янги сўзлар ҳисобланарди.

Айрим қишлоқ шевалари учун сэмәл йут, д е п е л е т с и й е, занори кема кабилар ҳозирги вақтда ҳам янги сўзлар қаторига кириши мумкин.

Худди юқоридагига ўхшаш мисолларни ўғуз шеваларидан ҳам келтириш мумкин:

Уллы йолдан гәлишиннин айнаныйи,
Велеси пит минншиннин айнаныйи.

(Шовот)

Бахмал қастынымы челдә қойаман,
Хәр гун мын мәтирә чапық ураман.

(Қўшкўпир)

Бириси ысапчы, бири тәвилчи,
Ысапчыдын тәвилчиси зор чықар.

(Қўшкўпир)

8-§. Табу ва эвфемизмлар

Маълумки, ҳозирги гилимизда ишлатиладиган эвфемистик сўз ва ибораларнинг илдизи маъно жиҳатидан энг қадимги даврларга бориб тақалади. Эвфемизмлар энг

қадимги ибтидоий одамлар тилида бўлган ва ҳозир ҳам айрим қолдиқлари сақланиб қолган табу ҳодисаси билан боғлиқ ҳолда юзага келган.

Эвфемизм ибтидоий халқларнинг диний тақиқлар (табулар), жумладан, тил табулари билан, яъни ибтидоий кишиларнинг диний тақиқларга асосланган ва шунга биноан айрим сўзларни талаффуз этиш қўрқинчли бўлган ҳодисалар билан боғлиқдир.

Бу сўз этнографияда халқларнинг урф-одатларида тақиқ этилиши системасини англатувчи атама сифатида қабул қилинган. Аммо тилшуносликда бу атама урф-одат натижасида қўлланилиши мумкин бўлмаган, айтиб бўлмайдиган диний тушунча сўзларини билдирадиган атамалардир.

Табу этнографик атама бўлиб, Полинезия халқлари орасида бидъат, ирим сифатида намоён бўлиб келган. Умуман айтганда, табу—тақиқ, қўл тегизиб бўлмайдиган демакдир.

Табу сўзи айрим вақтларда қарама-қарши маънога, яъни „лаънат“, „қарғиш“ каби маъноларга ҳам эга бўлиши мумкин. Бу икки хил маънода ишлатилади. Биринчи маъносидан, у жамиятда баъзи бир нарсалар, ҳаракатларни ман этишни ифодаласа, иккинчи маъносида лингвистик атама сифатида тилда баъзи бир сўзларни маълум шароитларда ман қилиш ҳодисасини ифодалайди.

Табу сўзларнинг келиб чиқишида у ёки бу халқнинг иқтисодий шароити, урф-одатлари, эътиқодининг ахамияти катта бўлганлигини таъкидлайди. Масалан, ҳали фан-техника ривожланмаган жамият тараққиётининг дастлабки даврларида, тўғрироғи, ибтидоий жамоа ва феодализм даврида баъзи халқлар ўртасида жин, арвоҳ ва шунга ўхшаш илоҳийлаштирилган нарсаларга ишониш жуда кучли бўлган. Бундай халқлар жин ва арвоҳларга яқин бўлган шахс ёки нарса-буюм номини тилга олмаса, улардан сақланиш мумкин, акс ҳолда бошига кўп балолар, офатлар ёпирилади, арвоҳ ва жинлар уриб кетади, деб ўйлаганлар. Шунинг натижасида ярим илоҳий саналган қабила бошлиқлари ўлгандан кейин уларнинг шахсий нарсаларига тегиш, уларнинг номини тилга олиш қатъиян ман этилган.

Табу ҳодисаси қипчоқ шеваларида ҳам қадим замонлардан учраб туради. Айрим йиртқич ҳайвонларнинг номини тилга олиш (аксари ҳолда кечалари) ман этил-

ган. Қариялар бу нарсани қуйидагича изоҳлайдилар. Уларнинг айтишларича, агар бундай ҳайвонларнинг номи тилга олинса, улар зарар етказиши мумкин эмиш. Масалан, „бўри“ сўзини кечалари айтиш ман этилган. Афтидан, халқимиз ўртасида тез-тез ишлатилиб туриладиган *бўрини йўқласанг, қулоғи кўринави*, деган мақол дастлаб шу табу ҳодисасининг натижаси ўлароқ вужудга келган бўлса керак. Ёки кечалари, айниқса, ётиш олдидан қипчоқ лаҳжасида сўзлашувчи қишлоқларда „илон“ сўзини айтиш тамомила ман қилинган. Агар бу ном тилга олинса, илон қўйнингга кириб чиқиши, чақиши мумкин эмиш. Борди-ю, буви неварасига эртак айтиб бераётган бўлиб, „илон“ сўзини айтиш эҳтиёжи туғилиб қолса, „илон“ демасдан, унинг ўрнига „арғамчи“, „қамчидаста“ ёки „чилвир“, „чилбир“ деб атайди. Бу пайтда „арғамчи“ ёки „чилвир“ сўзи рамзий маънода қўлланилиб, илонга ўхшаб кетишлиги сабабли шу сўз вужудга келган. Бундай табу сўзларга „чаён“, „увиллақ“ кабиларни ҳам мисол келтириш мумкин.

Табу сўзлар оилада эр-хотин, қайнона-келин ва бошқалар ўртасида ҳам ҳар қадамда учраб туради. Маълумки, мусулмон Шарқда хотинларнинг эрларини ўз исми билан чақириши ман этилган. Чунки ўз исми билан чақириш эрга нисбатан ҳурматсизликни билдиради, деб ҳисобланган. Оқибатда, табу сўз вужудга келиб, хотинлар эрини ўз катта болаларининг номи билан атаб чақирганлар.

Бу ҳол урф-одатга айланиб кетган. Келинчаклар эрини „энамнинг ули“, „байим“, „эрим“ деб чақирадилар, мурожаат этадилар. Ёши кексалик сари юз тутгач, „чалым“ деб атайдилар. Сўнгги йилларда „хўжайным“ деб қўллаш ҳоллари учрайди.

Эрлар эса ўрта ёш пайтларида „хатин“ деб чақирган бўлса, айрим вақтларда „хоним“, „энаси“ дейиш ҳоллари ҳам учраб туради. Кўп вақтларда ўғли ёки қизининг исми билан чақириш ҳоллари мавжуд. Ёши қарилик сари қадам қўйгач, эса „кампир“ деб чақирадилар.

Келин бўлиб тушган қиз оиланинг аъзолари номини атамайди. Ўздан катта эркакларни ака, қайноға деб атайдилар. Кичикларига эса ука, ини, қайнабека деб мурожаат этадилар.

Шунингдек, куёвнинг ота ва онасини қайнота, қайнона деб атайдилар.

Баъзи ҳолларда шундай ҳоллар ҳам учраб туралди. Яъни бошқа бир киши боласининг исми бирор аёл эрининг исми билан отдош бўлса, унда уни бэгим, торам деб чақиради.

Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасида ҳам табу сўзларнинг қўлланилишини кўрамиз. Бу шеваларда ҳам қипчоқ шеваларига ўхшаш баъзи номларни бошқача аташ ҳоллари мавжуд. Мисалан, эргэмчъ (илон), адаси, қайнона, хэтин, бийи, кэмпир, кенэёйъ, дэмэт, пэчча кабилар.

Мисоллар: бийиси, буйах қара, меҳмонля келдила (Самарқанд), эдэсъ кевэттила (Тошкент), ей хэтин, манга бир оз нэн тэпиб бе: (Ургут) ва бошқалар.

Ўғуз лаҳжаси материалларида ҳам табунинг қўлланилиши бошқа ўзбек лаҳжа ва шевалари материалларидагига нисбатан анча чегаралангандир. Чунки ёзиб олинган шеваларнинг материаллари шундан далолат беради.

Лекин кам бўлса-да, табунинг қўлланилиши ўғуз лаҳжаси материалларида ҳам учраб туради: буйун эрим ба: сэм мэни, ҳеч сеннен қорқмайман, ҳава дийди хатыны каби.

Эвфемизмларнинг тилимиз луғат таркибини бойитишда, сўз маъноларини кенгайтиришда, сўзлардан турли услубий мақсадларда фойдаланишда катта аҳамиятга эгадир. Эвфемизмлардан фойдаланишнинг аҳамияти яна шундаки, шоир ва ёзувчиларимиз, умуман сўз санъаткорлари улар орқали чиройли услубий ҳолатларни юзага келтирадилар. Бундан ташқари, эвфемизмлардан фойдаланиш нутқ маданиятини ўстиришга ёрдам беради. Чунки ҳозирги даврнинг энг долзарб масалаларидан бири нутқ маданиятидир. Уси тафаккур маданияти ҳам бўлмайди.

Демак, эвфемизмлар масаласи сўз маъноларининг кенгайтириши, бойиши ва маъно тараққиёти, сўз ҳосил қилиниши билан луғат бойлиги ҳамда улардаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, маданий нутқ сўзлаш услуби сифатида нутқ маданияти вазифаси билан ҳам боғлиқ ҳодисадир.

„Эвфемизм“ сўзининг луғавий маъноси яхши гапираман, хушмуомалалик билан гапираман, бир нарса

ёки ҳолиса тўғрисида юмшоқ, силлиқлаб ва пардалаб сўзлайман деган маънони билдиради. Тилда эвфемизмларнинг пайдо бўлиши маълум сабабларга боғлиқдир. Эвфемизм, афтидан, сўзларни ишлатишда таъсир этиш доираси (даражаси) қонунининг натижаси ўлароқ вужудга келган бўлиши мумкин. Биз бу ерда сўзларнинг таъсир этиш доираси деганда, маълум даражада ижобий таъсир этувчи сўзларни қўллашни кўзда тутамиз, кенг маънода эса бу қонун қисман шаклдошлар, вульгаризмлар, эвфемизмларни ишлатишни ҳам ўз ичига олади.

Чунки ҳар бир сўз ўзининг маъно нозиклигига эгадир. Бунга атамалар кирмайди. Шунинг учун ҳам, халқимиз „Сўздан сўзнинг фарқи бор, ўттиз икки маъноси бор“ деб бежиз айтмаган. Бинобарин, нутқда мана шу лексик қатлам сўзловчининг руҳий ҳолати, феъл атиори ва нарса-ҳолиса ларга бўлган муносабати билан боғлиқ ҳолда сўзларни ишлатишни тақозо қилади. Демак, эвфемизм ҳар қандай вазиятда, ҳар кимга, ҳар нарсага нисбатан қўлланилавермайди. Жумладан, душманга нисбатан ҳеч қачон эвфемизм қўлланилмайди. Эвфемизмлар бадий адабиётда муҳим услубий востига сифатида катта аҳамият касб этади. Шунингдек, баъзи фанларда, масалан, тиббиётда эвфемизмларни қўллаш фактлари тез-тез учраб туради.

Қинчоқ шеваларида эвфемизмлар ахлоқ-одоб нормаларини ифодалаш, маданий сўзлаш ва ҳоказо сабабларга кўра қўлланилишини кўрамиз. Масалан, „ўлиш“, „ўлди“ деган сўзлар дилга ханжардек ботади. Бу совуқ хабарни кишилар шеваларда тамам бўлди — узилди — жан берди — қаза қылди — дунйадан өтти — напайт болди тарздаги эвфемизмлар билан ифода этадилар. Булардан напайт болди, кўпинча, болаларга нисбатан ишлатилади.

„Бўғоз бўлмоқ“ бирикмаси ўрнида лаҳжада ҳөмиладор бомоқ — авур аяққлы бўмақ — авур жуққлы бомақ — эққат сингари сўзлар ишлатилади.

Қуйидаги эвфемизмлар ҳам тез-тез учраб туради: көз жарды — бадан қутулди — жаң иллэди (туғди); табы жоқ — мазаси жоқ (касал); куёви, достығдаш — турмуш ортағы (хотини).

Эвфемизмлар тузилиши жиҳатидан қуйидагича бўлади: 1. Якка эвфемизмлар. 2. Бирикмали эвфемизмлар.

1. Якка эвфемизмлар битта сўздан ҳисил бўлган эвфемизмлардир: *лапишанг* — бўш, *узилди* — ўлди.

2 Бирикмали эвфемизмлар икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг бирикишидан ҳосил бўлади: *ҳақорат қилди* — сўқди, *турмуш уртоғи* — хотини.

Эвфемизмлар шаклдошлик қаторини ҳам ташкил қилиши мумкин. Қуйида биз қипчоқ шеваларида учровчи баъзи эвфемизм ибораларига мисоллар келтирамиз: ном устига тегмоқ. Бу ибора қизларга зўрлик қилинган пайтда ишлатилиб, шу мажбурлашни пардалаш натижасида келиб чиққандир. Туйёғинни шикиллатиб қэ — бу ибора *тур*, *йўқол*, *бу ердан кет* сўзларининг эвфемистик кўринишидир; радиёсини қэ йил жувармақ — бу ибора сўзловчининг суҳбатдоши камчилигини очиб ташлаб, „шармандангни чиқарман“ деган писандасининг эвфемистик шаклга кирган кўринишидир. Тырناقқа/тыннаққа зар — бу ибора фарзандсиз кишиларга нисбатан ишлатилиб, *боласиз*, *боласи йуқ маъноларида* қўлланади.

Шундай қилиб, табу ва эвфемизмлар ўзбек тилининг бир қисми бўлган лаҳжалар ва шевалар тараққиётининг узоқ давом этган натижаси бўлиб шеваларда ҳозирги пайтда табуларнинг йўқолиб бораётганлиги кўзга ташланса, эвфемизмлар кўпайиб борапти. Улар гапларни чиройли, силлиқ, таъсирчан қилиш борасида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қалам аҳли учун ҳам умуман ҳар бир маданиятли киши учун ҳам муҳим лексик услубий восита вазифасини бажаради.

9-§. Фразеология

Фразеология деб нутқимиздаги турғун ва барқарор сўз бирикмаларига, ибораларга айтилади. Бундай иборалар узоқ йиллар ҳатто асрлар давомида қўлланилавериб, бўлинмайдиган бир қолипга тушиб қолган бўлади: *миси чиқди*, *иштаҳаси очилди*, *босди-босди бўлиб кетди* каби.

Ўзбек лаҳжа ва шеваларида ҳам жула кўп фразеологик иборалар учрайди. Улар қўлланиши, тузилиши ва таъсирли бўёғи билан ҳам хилма-хилдир.

Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасида: *қора дев кәп қәсә сәнийәм*, *мәнъийәм әспәләсәпъйгә жөнәтәдә* — қора дев келиб қолса сени ҳам, мени ҳам еб кўяди (Гашкент); *мерча мийән жуван коринади* — нозик хотин кўринади (Симарқанд), *кәлләйъ сә: әрдә турувәлтъ* — барвақт

түрибди (Жиззах); *эттәң, йашлык қылсан* — аттанг, тушунмабсан (Андижон); *оимәги куймәк* — хафа бўлмоқ; *бинә қоймәк* — бирор нарсага алоҳида диққат-эътибор бермоқ; *думи хуржунга* — чалкаш; *йер қаттиқ, эслин баланд* — иложи йўқ, ҳал қилиб бўлмайдиган (Бухоро); *эйзғыңңә ҳинә қойгәммисән, тез-тез йур* — неча аста юрасан, тез тез юр (Шаҳрисабз, Китоб).

Қипчоқ лаҳжасида: *көрпәңә қарап айағ узат* — ҳисоб-китоб билан иш тут, *тамнан тараша тушгәндәй* — тўсатдан гапириш, ўйламай гапириш; *ай чыхсайам сәңә чыхсын, кун чыхсайам сәңә чыхсын* — ҳамма нарса сенга бўлсин; *атаңа бар, энәңә бар* — сарсон қилиш, овора қилиш, *барды-кәлдиси жоқ* — алоқаси йўқ; *чымчыхтан қорққан тары әкмәс* — қўрқоқ киши; *жоғары кәтмә* — мақтанма; *аттан түшсәйам ийәрдән тушмәйди* — ўзини катта тутади, мағрурланади; *куни қурыға өтти* — фойдасиз бўлди; *ал а пчи, авыма туш дәп жүрәйди* — оч юрар эди.

Ўғуз лаҳжасида: *айды этәк минән йавыл бомас* — камчилики яшириб бўлмайди; *геччинәң қазасы йессә, кәсәпты сувәди* — эчкининг ўлгиси келса, қассобга ҳазиллашади (Янгибозор); *чопы бош туссаң, колыңы кәсәди* — чўпни бўш ушласанг, қўлингни кесади (Богот).

Мисоллардан кўриниб турганидек, лаҳжа ва шева-лардаги фразеологизмлар ўтмиш тарихи, урф-одатлар, фольклор материаллари, топишмоқлар, мақоллар, хикматли сўзлар билан боғлиқдир. Лекин улар ҳар бир шеванинг ўз хусусиятларини ўзида акс эттиради ва уларнинг материаллари ҳисобланади.

ХУЛОСА

„Ўзбек шевашунослиги“ фанига бўлган қизиқиш сўнги йилларда, айниқса, давлат тили ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши ва Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат бўлиб ташкил топиши туфайли кучайди. Ҳозирга қадар ушбу курс юзасидан ўқув дастури асосидаги дарслик яратилган эмас. Биз устозлар ва ҳамкасб дўстларнинг тажрибалари асосида дарслик яратишга киришдик. Дарсликнинг материаллари 60-йиллардан бошлаб, бир неча ўқув қўлланмалари, рисоляларда турли шаклларда баён қилиб келинди.

Ўзбек тилининг ҳар учала лаҳжаси хусусиятларини ёзма манбалар ва ўзбек адабий тили факт ва материал-

лари билан чоғиштирган ҳолда таҳлил этиш туфайли қуйидагича умумий хулосалар чиқариш имконияти туғилади:

Дарслик „Ўзбек шевашунослиги“ фани ҳақидаги маълумот билан бошляниб, лингвистик география, атлас, шеваларнинг ўрганилиши, илмий ёзув, ниҳоят, тасниф масалаларини қамраб олади. Таснифлар хилма-хил бўлгани учун уларнинг энг муҳимлари танлаб олинди ва ҳар бирига аниқ ёндошилиб, тегишли мулоҳазалар айтилди, баъзи камчиликлар ҳам тилга олиб ўтилди.

Энг муҳим ва мураккаб боблардан бири „Фонетика“ дир. Бу бобда унли ва ундошлар, улардаги муҳим хусусиятлар ҳақида етарли маълумотлар берилди, баъзи мунозара талаб ҳолларга аниқликлар киритишга ҳаракат қилинди. Масалан, э, а, ф, х, к, қ каби фонемаларнинг шевалараро қўлланилиши ҳолати ва бошқалар шулар жумласидандир

„Ўзбек шевашунослиги“ китобининг учинчи боби „Морфология“ деб номланган. Ундаги муҳим хусусиятлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш лозим: Самарқанд, Бухоро, Қарши, Ургут, Қарноб Уйчи, Шаҳрисабз шеваларида аниқ ўтган замон феъли биринчи шахс бирлиги -д ум, -т ум, учинчи шахс бирлиги -ду, -ту шаклларида учрайди. Улардаги -д ум, -т ум шакллари Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари, „Девону луғотит турк“, Алишер Навоий ва унинг замондошлари асарлари тили учун ҳам хосдир. Тошкент, Самарқанд, Наманган, Ургут, Қарноб, Шаҳрисабз шеваларида феълнинг биринчи шахс кўплиги -дук, -дук, -тук, -туг кўринишларига эга бўлади. Бу қўшимча „Девону луғотит турк“, „Қутадғу билиг“ ва шундан сўнгги давр ёдгорликлари тилида ҳам қўлланилган. —дъмъз (димиз), тъмъз (-тимиз) шакли эса, асосан, Тошкент ва Қарноб шеваларида мавжуд бўлиб, XIV—XV асрларгача бўлган ёзма манбаларда учрайди. Бу — энг қадимий шаклдир.

Туркий тиллар ва уларнинг лаҳжалари таҳлили шуни кўрсатадики, ҳаракат номининг ясовчи қўшимчаларидан -в, -ув қипчоқ лаҳжаси, -ш, иш қорлуқ-чигил-уйғур шевалари, -моқ ўғуз лаҳжаси материаллари билан бевосита боғлиқдир. Улардан -в, -ув қўшимчаси қадимги туркий тил ёдгорликларида учратилмайди.

Алишер Навоий ва унинг закондошлари ҳамда шундан сўнги даврларда юзага келган манбаларда ҳам сийрак учрайди

Худди юқоридаги сингари муҳим хусусиятлар аниқ ҳозирги замон ва келаси замон феъллари, феъл майллари ҳамда феълнинг вазифалош шаклларида равишдош ва сифатдошларда ҳам яққол кўзга ташланиб туради. Бу эса ўз навбагида лаҳжалар ва шевалардаги умумий ҳамда хусусий томонларни аниқлашга тарихий грамматикани мукамаллаштириб боришга, адабий тилимиздаги айрим баҳсли масалаларга аниқликлар киритиб боришга ёрламлашиши шубҳасиздир.

Дарсликда шевалардаги лексик хусусиятларга ҳам алоҳида аҳамият берилди. Бу тўртинчи бобни ташкил этган бўлиб, у алоҳида-алоҳида мавзуларга ажратилган, шеваларнинг лексик бойликлари ўзаро чоғиштирилган ҳолда тушунтириб берилди. Уларнинг аксарияти она тилимизнинг ҳозирги ҳолати ва тарихидаги сўзлар ва атамалар билан таққослаб берилди.

Хуллас, лаҳжалар ва шевалар тилимиздаги битмас-гуганмас бойликдир. Уларни мумкин қадар тезроқ ва тўлиқроқ ёзиб олишга ҳаракат қилиш асосий бурчимиздир.

Фойдаланилган адабиётлар

Абдуллаев Ф. А. Чўзиқ унлиларнинг табиати тўғрисида. — УТАМ, 3-сон, Тошкент, 1959.

Абдуллаев Ф. А. Ўзбек тилининг Хоразм шевалари. — Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1961.

Абдуллаев Ф. А. Ўзбек тилининг Хоразм шевалари. — Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1964.

Абдуллаев Ф. А. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили ва унинг ривожланиш йўллари ҳақида. — Ўзбек тили ва адабиёти, 3-сон, Тошкент, 1965.

Абдураҳмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. — Тошкент, «Ўқитувчи», 1982.

Алишер Навоий. Асарлар. Ун беш томлик, ўн тўртинчи том. Тошкент, Ғафур Ғулом номдаги бадий адабиёт нашриёти, 1967.

Алиев А. Ю. Ўйчи шеваси. — Ўзбек диалектологиясидан материаллар, II, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1961.

Алиев А. Ю. «Қутадғу билиг» ва «Девону луготит турк»нинг Наманган шеваларига муносабати. — УТА, 5-сон, Тошкент, 1970.

Алиев А. Ю. Наманган группа шевалари. — УТА, 5-сон, Тошкент, 1969.

Алиев А. Ю. Уйчи шеваси лексикасидан материаллар. — УТАМ, 4-сон, Тошкент, 1959.

Алиев А. Ю. Ўзбек тили Уйчи шевасининг баъзи лексик ва морфологик хусусиятлари ҳақида — Учёные записки Наманганского госпединститута, вып. 2, Наманган, 1957.

Алиев А. Ю., Ражабов Н. Ўзбек диалектологиясидан программа. — Тошкент, 1992.

Амансариев Ж. Туркмен диалектологияси. — Ашгабат: Туркменистан, 1970.

Аттуҳфатуз закияту фил луғатит туркия. — Туркий тил (қипчоқ тили ҳақида ноёб туҳфа. — Тошкент, Фан, 1968.

Аҳмедов М. Жўш шевасининг сон категорияси. — Материалы третьей объединенной научной конференции ученых города Самарканда. — Самарканд, 1961.

Аҳмедов А. Жўш шевасининг баъзи бир морфологик ва лексик хусусиятлари. — СамДУ асарлари, 129-янги серия, Самарканд, 1963.

Аҳмедов А. Чандир шеvasида ассимиляция ҳодисаси. — Профессор-ўқитувчиларнинг XXIII илмий конференцияси материаллари, Самарқанд, 1966.

Аҳмедов Н. Диалектал хатоларни тузатиш йўллари. — Тошкент, 1968.

Баскаков Н. А. Ногайский диалект. — М.—Л., Изд-во АН СССР, 1940.

Баскаков Н. А. Каракалпакский язык. I, Материалы по диалектологии. — М., Изд-во АН СССР, 1951.

Баскаков Н. А. Каракалпакский язык. II, Фонетика и морфология, часть I. — М.: Изд-во АН СССР, 1952.

Баскаков Н. А. Тюркские языки. — М.: Восточная литература, 1960.

Батманов И. А. Язык емисейских памятников древнетюркской письменности. — Фрунзе, 1959.

Бобур З. М. Бобурнома. — Тошкент, УзССР ФА нашриёти, 1960.

Боровков А. К. Новый узбекский алфавит. — Литература и искусство Узбекистана, Ташкент, 1940.

Боровков А. К. Узбекский литературный язык в период 1905—1917 гг. — Язык и мышление, Ташкент, 1941.

Боровков А. К. Узбек шева ва лаҳжаларини текширишга доир саволлар-жавоблар. — Тошкент, 1944.

Боровков А. К. Вопросы классификации узбекских говоров. — Ташкент, Известия АН УзССР, № 5, 1953.

Вопросы узбекского языкознания. — Ташкент, 1954.

Валиев М. Найман шеvasида кўплнк категорияси. — УТАМ, 5-сон, Тошкент, 1962.

Валиев М. Найман шеvasининг баъзи бир хусусиятлари. — СамДУ асарлари, 124-янги серия, Самарқанд, 1963.

Валиев М. Найман шеvasидаги ассимиляция ва диссимиляция ҳодисалари ҳақида. — СамДУ асарлари, янги серия, 129. Самарқанд, СамДУ нашриёти, 1963.

Ваҳобов М. Ф. Узбек социалистик миллати. — Тошкент, Узданнашр, 1960.

Ваҳобов М. Узбек элати. — Гулистон, 4-сон, 1967.

Гулямов М. Из лексики Ургутского говора. — Вопросы тюркологии. — Ташкент, Фан, 1965.

Гулямов Я. Диалектологические заметки. — Узбек диалектологиясидан материаллар, II, Тошкент: УзССР ФА нашриёти, 1962.

Гулямов Я. Г. Грамматика ташкентского говора. — Ташкент, Фан, 1968.

Джураев Б. Шахриябский говор узбекского языка. — Ташкент, Фан, 1964.

Дониёров Х. Д. Қипчоқ диалектларининг лексикаси. — Тошкент, Фан, 1979.

Дониёров Х. Узбек тили желашган (қипчоқ) диалектининг фразеологияси устидан кузатишлар. — СамДУ асарлари, 106-янги серия. — Самарқанд, СамДУ нашриёти, 1961.

Жуманиязаров Ю. Хоразм шеvasининг баъзи бир феъл формалари. — Узбек диалектологиясидан материаллар, II, Тошкент, УзССР ФА нашриёти, 1961.

Жуманазаров Ю. Ўзбек адабий тили ва Жанубий Хоразм шевалари.—Тошкент, Фаи, 1971.

Зарифов Ҳ. Т. Луғат ҳамда термин тўловчиларга қўлланма (лотничада).—Тошкент, 1934.

Иброҳимов С. Ўзбек тилининг Андижон шеvasи.—Тошкент, Фаи, 1967.

Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-ҳунар лексикаси, I—II,—Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1952, 1956.

Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков, часть I, фонетика.—М., Изд-во АН СССР, 1955.

Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков, часть II, морфология.—М., Изд-во АН СССР, 1956.

Ишаев А. Манғит шеvasи морфологиясидан материаллар.—Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари, IV, — Тошкент, 1962.

Ишаев А. Манғит шеvasи фонетикасидан материаллар. — Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари, V китоб,—Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1963.

Исҳоқов Ф. Ҳозирги замон ўзбек тилида ҳаракат ва ҳолат номлари.—Учёные записки АндГПИ; IV серия филологическая, Андижан, 1957.

Камолов Ф. К. История становления и развития узбекского национального языка.—Вопросы изучения языков народов Средней Азии и Казахстана.—Ташкент, Изд-во АН СССР, 1952.

Камолов Ф. К. Ўзбек тили лексикаси.—Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1954.

Камолов Ф. Ўзбек орфографияси ҳақида.—Тошкент, 1957.

Комилова Х. Қ. Ўзбек тилида сон ва олмош.—Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1963.

Кононов А. Н. Грамматика узбекского языка.—Ташкент, Госиздат ЎзССР, 1948.

Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка.—М.—Л., Изд-во АН СССР, 1960.

Қошғарий М. Девому луғотит турк. I, II, III.—Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1960, 1962, 1963.

Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности. — М.—Л., Изд-во АН СССР, 1951.

Маҳмудов Қ. Ўзбек тилининг тарихий диалектологиясига доир.—УТА, 2-сон, Тошкент, 1984.

Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И., Ўзбек тили.—Тошкент, Олий ва ўрта мактаб, 1968.

Мирзаев М. Ўзбек тилининг Бухоро гуруҳ шевалари. — Тошкент, Фаи, 1969.

Мирзаев Н. Этнографическая лексика узбекского языка. АКД.—Ташкент, 1971.

Мирсоатов Т. Ўзбек тилининг Қирқ шеvasи.—Ўзбек диалектологиясидан материаллар, I, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1957.

Муталлибов С. XI аср ёзма ёдгорликларида феъл категорияси.—Тошкент, 1955.

Муталлибов С. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк.—Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1959.

Навий замондошлари.—Тошкент, 1948.

Насилов Д. М. Енисей ва Урхун ёзма ёдгорликларида равишдош категорияси, УТАМ, 1-сон, —Тошкент, 1961.

Носиров Ш. Қўқон шеvasининг баъзи бир морфологик хусусиятлари.—Тилшунослик масалалари, Тошкент, 1969.

Назаров К. Қипчоқ шеvasида эгалик аффикслари.—Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари, V китоб, Тошкент, УзССР ФА нашриёти, 1963.

Назаров К. Қазин шеvasида эгалик аффиксининг формалари. УТАМ, 5-сон, Тошкент, 1963.

Неъматов Ҳ. Чегара келишиги.—УТА, 4-сон, Тошкент, 1971.

Неъматов Ҳ. XI—XII асрлар ёзма ёдгорликларида олошлар.—УТА, 1-сон, Тошкент, 1980.

Поливанов Е. Д. Вокализм говора города Самарканд.—Доклады АН СССР, № 14, 1928.

Поливанов Е. Д. Казак-найманский говор.—Известия АН СССР, I, 1931.

Поливанов Е. Д. Узбекская диалектология и узбекский литературный язык.—Ташкент, 1933.

Поливанов Е. Д. Самарқанд ўзбеклари тилининг намунаси.—М., 1935.

Ражабов Н. Қарноб шеvasида феъл категорияси.—УзДУ асарлари, 77-янги серия, Самарқанд, 1958.

Ражабов Н. О некоторых морфологических особенностях карнабского говора.—Труды УзГУ, новая серия, № 91, 1959.

Ражабов Н. Об изучении узбекских говоров.—Вопросы языкознания, № 3, М., 1960.

Ражабов Н. Узбек диалектологияси курсидан материаллар.—Самарқанд, СамДУ нашриёти, 1962.

Ражабов Н. Қарноб шеvasининг лексик хусусиятлари ҳақида.—СамДУ асарлари, янги серия, 102, Самарқанд, СамДУ нашриёти, 1964.

Ражабов Н. Қарноб ва қарнобликлар ҳақида.—Ўзбек тилининг грамматик қурилиши ва диалектологияси масалалари, Тошкент, Фан, 1966.

Ражабов Н. Алишер Навоий ва ўзбек халқ шевалари.—Ўзбек тили грамматик қурилиши ва диалектологияси масалалари, 2-серия.—Самарқанд, СамДУ нашри, 1969.

Ражабов Н. Узбек диалектологиясидан очерклар.—Самарқанд, СамДУ нашри, 1971.

Ражабов Н. Равишдош категорияси.—СамДУ асарлари, 188-янги серия, Самарқанд, 1977.

Ражабов Н. Причастия в узбекских народных говорах.—Лингвистический сборник, Ташкент, 1971.

Ражабов Н. Кўплик категорияси.—СамДУ асарлари, янги серия—188, Самарқанд, 1971.

Ражабов Н. Ҳаракат ва ҳолат номлари.—СамДУ асарлари, янги серия—188, Самарқанд, 1971.

Ражабов Н. Узбек диалектологиясидан қўлланма (фонетик ҳодисалари).—Самарқанд, СамДУ нашри, 1974.

Ражабов Н., Валиев М. Узбек шевалари лексикасидан материаллар.—Самарқанд, СамДУ нашри, 1976.

Ражабов Н. Узбек тилининг фарбий Самарқанд шевалари.—Тошкент, Фан, 1977.

Ражабов Н. Узбек тилшунослигининг 60 йиллик тараққиёт тарихидан.—Самарқанд; СамДУ нашри, 1982.

Ражабов Н. Морфологическая структура имени и глагола в узбекских народных говорах.—Докторская диссертация, Самарқанд—Ташкент, 1986, 423-бет.

Ражабов Н. Ҳозирги ўзбек тилида феъл замонлари.—Самарқанд; СамДУ нашри, 1989.

Ражабов Н. Узбек халқ шеваларида феълнинг морфология тузилиши.—Тошкент, Фан, 1990.

Ражабов Н. Узбек халқ шеваларида аниқ ҳозирги замон феълн.—Ўзбек тилининг грамматик қурилиши, Самарқанд, СамДУ нашри, 1991.

Ражабов Н. Узбек тилида феъл шакллариининг алмашииб қўлланиши.—Тошкент, 1991.

Раснян М. Материалы по исторической фонетике тюркских языков.—М.: Изд-во ИЛ, 1955.

Решетов В. В. Маргеланский говор узбекского языка. — Известия АН СССР, № 4, Ташкент, Учпедгиз, 1941.

Решетов В. В. К вопросу о транскрипции (применительно к особенностям узбекских народных говоров). — Ученые записки ТашГПИ им. Низами, I, Ташкент, 1947.

Решетов В. В. О намаганском говоре узбекского языка. — В. А. Гордлевскому к его семидесятилетию.—М.: Изд-во АН СССР, 1953.

Решетов В. В. Кураминские говоры Ташкентской области. Фонетическая и морфологическая система, АД.А.—Ташкент, 1952.

Решетов В. В. О диалектальной основе узбекского литературного языка.—Вопросы языкознания, I, Изд-во АН СССР: 1955.

Решетов В. В. Узбек тилининг қорлақ-чигил-уйғур лаҳжаси.—УТАМ, 5-сон, 1960.

Решетов В. В., Шабдурахмонов Ш. Узбек диалектологияси.—Тошкент, Ўрта ва олий мактаб, 1962, 1978.

Решетов В. В. Ўзбек шевалариининг классификацияси.—УТА, I-сон, Тошкент, 1966.

Рустамов А. Некоторые грамматические особенности языка «Махбубул қулуб» Алишера Навои, АКД.—Тошкент, 1958.

Содиқов Т. Битигларнинг ўзбек шеваларига мумосабати.—УТА, 6-сон, 1969.

Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Морфология.—М.: Наука, 1988.

Турובהва М. Узбек шеваларида синтаксис.—Тошкент, Фан, 1984.

Турсунов У. Т., Дониёров Х. Узбек тилидаги сингармонизм ҳақида.—ЎзДУ асарлари, янги серия 91, Самарқанд, 1959.

Турсунов У., Ражабов Н. Творческие искания узбекских языковедов.—Вестник высшей школы, № 9, М., 1961.

Турсунов У. Т., Ражабов Н. Самарқанд область халқ шевалари классификацияси материаллари.—СамДУ асарлари, 129-янги серия, Самарқанд, 1963.

Турсунов У., Мухторов Н. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили.—Тошкент, Ўқитувчи, 1965.

Турсунов У. Ўзбек адабий тили курсининг предмети ва вазифалари.—Материалы XXIII научной конференции..., Самарканд, 1966.

Турсунов У., Уринбоев Б. Ўзбек адабий тили тарихидан очерклар.—Самарқанд, 1969, СамДУ нашри.

Турсунов У., Ражабов Н. Ўзбек тили лексикасининг баъзи масалалари.—Самарқанд, СамДУ нашри, 1971.

Турсунов У., Ражабов Н. Ўзбек тилшунослигининг совет даври тараққиёти.—Ўзбек тили грамматик қурилиши ва диалектологиясини материаллари, янги серия, 227, Самарқанд, 1972.

Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили.—Тошкент, Ўқитувчи, 1975.

Узоқов Ҳ. Жанубий Фарғона шевалари.—Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари, 5-китоб, Тошкент, 1963.

Тюркская лексикология и лексикография.—М.: Наука, 1971.

Фозилов Э. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси.—Тошкент, Фан, 1965.

Фозилов Э. Қадимги обидалар ва А. Мавоий тили.—Тошкент, Фан, 1969.

Шамсуддинов И. Каракульский говор узбекского языка, АКД.—Тошкент, 1965.

Шерматов А. Қарши шеvasи лексикасидан намуналар.—Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари: 2-китоб, Тошкент, 1961.

Шерматов А. Қуйи Қашқадарё шевалари атласининг баъзи масалалари.—Янги тадқиқотлар. Тошкент, 1971.

Шерматов А. Ўзбек халқ шеваларидан текстлар (Педагогика олий ўқув юртлари ўзбек тили ва адабиёти факультети студентлари учун ўқув материаллари).—Тошкент, 1975.

Шерматов А. Узбекские говоры Кашкадарьинской области.—Ташкент, Фан, 1978.

Шерматов А. Атлас узбекских народных говоров Кашкадарьинской области (учебное пособие для студентов факультета узбекского языка и литературы пединститута).—Ташкент, 1979.

Шерматов А. Лингвистик география нима?—Тошкент, Фан, 1981.

Ширалиев М. Ш. Состояние и задачи дальнейшего развития тюркской диалектологии в СССР.—Советская тюркология, 2, Баку, 1973.

Ширалиев М. Ш. Азербайжан диалектологиясининг асаслари.—Баку, 1968.

Ширалиев Э. Лексика узбекских говоров северо-восточного Таджикистана, АКД.—Ташкент, 1974.

Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек тилининг диалектологик атласи.—УТА, № 3, Тошкент, 1969.

Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек тили ва ўзбек халқ шевалари.—Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1962.

Шоабдурахмонов Ш. Карлукское наречие узбекского языка.—Ташкент, Фан, 1983.

Шоабдурахмонов Ш. Қўқон шеvasининг баъзи бир фонетик хусусиятлари.—Ўзбек диалектологиясидан материаллар, I, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1957.

Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тилининг шеvalарга муносабати масаласи.—УТАМ, 1-сон, Тошкент, 1960.

Шоабдурахмонов Ш., Ишгаев А. Ўзбек шеvalарининг ўрганлиши ва навбатдаги вазифалар.—УТА, 5-сон, Тошкент, 1969.

Шукуров Ш. Ўзбек тилида феъл замонларининг тараққиёти.—Тошкент, Фан, 1976.

Юнусов М. А. Тюркские (узбекские) слова в таджикском литературном языке.—АКД, Баку, 1971.

Юдахин К. К. Узбекский литературный язык.—Литературная энциклопедия, т. II, М.: Художественная литература, 1939.

Ўзбек диалектологиясидан материаллар. I, II. — Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1957, 1961.

Ўзбек шеvalари лексикаси.—Тошкент, Фан, 1966.

Ўзбек халқ шеvalарининг луғати.—Тошкент, Фан, 1971.

Ўзбек халқ шеvalари морфологияси.—Тошкент, Фан, 1984.

Ўзбек шеvalари лексикаси. —Тошкент, Фан, 1991.

Қодиров Ф. Қ. Ўзбек шеvalарини ўрганиш ва тасниф қилиш масаласи.—Фарғона, 1949.

Ғози Олим Юнусов. Ўзбек лаҳжаларини таснифда бир тажриба.—Тошкент: Ўздавнашр, 1935 (лотин алифбосида).

Ғуломов А. Ғ. Ўзбек тилида келишқилар.— ЎзФАН асарлари, II серия, филология, 2-китоб, Тошкент, 1944.

Ғуломов А. Ғ. Ўзбек тилида кўплик категорияси. —Тошкент, 1944.

Ғуломов А. Ғ. Феъл.—Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти.

Ғуломов А. Ўзбек тилида урғу.—Тошкент, 1947.

Ҳозирги замон ўзбек тили. Лексикология, Фонетика, Графика ва орфография, Морфология.—Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1957.

Ҳозирги ўзбек адабий тили, I.—Тошкент, Фан, 1966.

Ҳозирги ўзбек адабий тили, I қисм. — Тошкент, Ўқитувчи, 1980.

М У Н Д А Р И Ж А

Муқаддима	3
Сўз боши	5
I б о б. Ҳазар шавашунослиги фан сифатида . . .	
1- §. Ҳазар шавашунослиги фани ва унинг вазифалари	21
2- §. Шева, лаҳжа ва диалект	30
3- §. Ҳазар шавашунослигининг фан сифатида ташкил топиши	32
4- §. Ҳазар шавашунослигининг бошқа фанлар билан алоқаси	35
5- §. Лингвистик география. Лингвистик география ҳақида қисқача маълумот	41
6- §. Лингвистик географиянинг ўрғанилиши тарихидан	43
7- §. Шеваларнинг бошқа тил категорияларига муносабати. Миллий тил ва маҳаллий лаҳжалар	45
8- §. Ҳазар адабий тили ва унинг шеваларга муносабати.	52
9- §. Маҳаллий лаҳжалар ва ижтимоий жаргонлар	57
10- §. Касб-ҳунар лексикаси ва ижтимоий жаргонлар	58
11- §. Шеваларни ўрғаниш, ёзиб олиш, материаллар тўплаш усуллари	62
12- §. Қишлоқ ҳақида умумий маълумот тўплаш	67
13- §. Шавашунослик материалларини паспортлаштириш.	68
II б о б. Транскрипция ва тасниф	
1- §. Транскрипция ҳақида умумий маълумот	68
2- §. Транскрипциянинг турлари	69
3- §. В. В. Решетов транскрипцияси	70
4- §. Транскрипция ва имлонинг ўзаро фарқлари	75
5- §. Ҳазар шевалари таснифлари ҳақида бир неча сўз	76
III б о б. Фонетика	
1- §. Шеваларнинг фонетик хусусиятлари	98
2- §. Унлилар таркиби	100
3- §. Унли фонемалар таснифи	100
4- §. Фонетик жараёнлар. Протеза	108
5- §. Эпитеза	110
6- §. Эпентеза	112
7- §. Синкопа	113

8-§.	Апокопа	115
9-§.	Редукция —	115
10-§.	Элизия —	118
11-§.	Чўзиқ унлилар	120
12-§.	Қўш унлилар	122
13-§.	Оҳангдошлик	124
14-§.	Ундошлар таркиби	126
15-§.	Ундошларнинг талаффузда тушиб қолиши	126
16-§.	Анакопа	134
17-§.	Ассимиляция —	135
18-§.	Диссимиляция —	141
19-§.	Метатеза —	141
20-§.	Спирантизация	143
21-§.	Қўш ундошлилик	

IV б о б. Морфология

1-§.	Морфологик хусусиятлар ҳақида	147
2-§.	Келишик категорияси	147
3-§.	Бош келишик	148
4-§.	Қаратқич келишиги	149
5-§.	Тушум келишиги	151
6-§.	Жуналиш келишиги	153
7-§.	Урин-пайт келишиги	156
8-§.	Чиқиш келишиги	158
9-§.	Эгалик категорияси	160
10-§.	Кўплик категорияси	167
11-§.	Олмош тўғрисида бир неча сўз	170
12-§.	Кишилик олмошлари	171
13-§.	Кўрсатиш олмошлари	181
14-§.	Феъл ҳақида	189
15-§.	Феъл замонлари	191
16-§.	Аниқ ўтган замон феъли	192
17-§.	Аниқ ҳозирги замон феъли	205
18-§.	Келаси замон феъли	215
19-§.	Феъл майллари	222
20-§.	Феълнинг назифадош шакллари	236
21-§.	Сифатдош	237
22-§.	Равишдош	249
23-§.	Ҳаракат номи	258

V б о б. Бошқа сўз туркумлари ҳақида маълумот

VI б о б. Лексика

1-§.	Лексика ҳақида умумий маълумот	270
2-§.	Маънодош сўзлар	273
3-§.	Шаклдош сўзлар	277
4-§.	Кўп маъноли сўзлар	280
5-§.	Зид маъноли сўзлар	282
6-§.	Эски сўзлар	283
7-§.	Янги сўзлар	285
8-§.	Табу ва эвфемизмлар	285
9-§.	Фразеология	291
Х у л о с а		292
Фойдаланилган адабиётлар		295

РАЖАВОВ НАЗАР

ЎЗБЕК ШЕВАШУНОСЛИГИ

(Педагогика институтларининг ўзбек тили ва адабиёти, университетларнинг филология факультетлари талабалари учун дарслик)

Тошкент «Ўқитувчи» 1996

Мухаррир М. Аҳмедов
Бадий муҳаррир Э. Нурматов
Техник муҳаррир Ш. Бобоҳонов,
Мусафҳих И. Каримов

ИБ № 6546

Теринга берилди 8.02.96. Босишга рухсат этилди 2.08.96. Ёчим № 84×108/32. Тип. қоғози. Кегль 10 шпонсыз. ҶОқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 15.96; Шартли кр-отт. 16.18. Нашр т. 14.0. 2000 нусха. Буюрт-ми № 400.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси. 30. Шартнома 13-60-94. Вилоят газеталарининг М. В. Морозов номидаги босмаҳомаси ва бирлашган нашриёти. Самарқанд. У. Турсунов кўчаси, 82. 1996.